ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУАММОЛАРИ»

мавзусида халқаро илмий-амалий анжумани

III-ҚИСМ

(2017 йил, 25-27 май)

Самарқанд 2017

УДК: 338.46

“**Хизмат кўрсатиш соҳаси инновацион ривожланишининг муаммолари”.** Ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари.

Самарқанд, СамИСИ, 2017 йил 25 – 27 май 284-бет.

«Проблемы инновационного развития сферы услуг» Материалы международной научно-практической конференции. Самарканд, СамИЭС, 25-27 май 2017г., с. 284.

Ушбу илмий тупламда иқтисодчи олимлар, катта илмий ходим изланувчилар, магистларнинг хизмат кўрсатиш соҳаси инновацион ривожланишининг назарий масалалари, иқтисодий-молиявий механизмини такомиллаштириш, АКТ, менежмент ва маркетинг хамда бу соха учун рақобатбардош кадрларни тайёрлаш муаммоларига бағишланган мақолалар ва маъруза тезислари киритилган.

Тупламдаги материаллардан профессор ўқитувчилар, катта илмий ходим изланувчилар, магистлар, талабалар ва амалиёт ходимлари фойдаланиши мумкин.

В научный сборник включены статьи и тезисы докладов ученных – экономистов, старших научных сотрудников, магистров, посвященные методологическим аспектам, совершенствованию финансово-экономического механизма, внедрению информационно-коммуникационных технологий, менеджменту и маркетингу инновационного развития сферы услуг, а также проблемам повышения конкурентоспособности кадров этой сферы. Сборник предназначен для преподавателей, старших научных сотрудников, магистрантов и практических работников.

Ташкилий қўмита аъзолари

Д.Х.Асланова	СамИСИ илмий ишлар бўйича проректор, раис
К.Б.Уразов	СамИСИ«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири, аъзо
З.Д.Ниёзов	СамИСИ«Банк - жамғарма иши» кафедраси мудири, аъзо
О.Ж.Суюнов	СамИСИ«Касб-ҳунар таълими» кафедраси мудири, аъзо
Ж.Р.Зайналов	СамИСИ«Молия ва суғурта хизматлари» кафедраси мудири, аъзо;
И.С.Тухлиев	СамИСИ«Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедраси мудири,аъзо;
Р.Амриддинова	СамИСИ«Халқаро туризм ва туризм сервиси» ўқитувчиси, аъзо;
Л.Н.Халикова	СамИСИ«Касб-ҳунар таълими» кафедраси ўқитувчиси, аъзо
Н.Р.Зайналов	СамИСИ«Ахборот технологияси» кафедраси мудири, аъзо
Ш.А.Султонов	СамИСИ «Иқтисодиёт» кафедраси кафедраси мудири, аъзо
Э. Файзиев	СамИСИ«Иқтисодиёт» кафедраси ўқитувчиси, аъзо;
М.Қ.Пардаев	СамИСИ«Статистика ва менежмент» кафедраси профессори, аъзо
Р.Н.Нормахматов	СамИСИ «Маркетинг» кафедраси профессори, аъзо
С.Ў.Ҳусенов	СамИСИ Босмахона директори, аъзо
Ф.Ишанкулова	СамИСИ«Илмий бўлим»ходими
Х.Мадиллоева	СамИСИ«Илмий бўлим»ходими

Муаллиф нусхасидан чоп этилди. Мақолаларнинг мазмуни ва орфографик хатоси учун муаллифлар ўзи жавобгар

Отпечатано с авторских оригиналов За содержание и достоверность указанной информации несут ответственность авторы

I ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

З.И.Абдуллаева - СамИСИ, катта ўқитувчи
С.О.Усманова - СамИСИ, МХТ-215 гурух талабаси

Аннотация: *Ушбу мақолада муаллиф томонидан иновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмуни очиб берган.*

Таянч иборалар: Кашфиёт, инновация, ривожланиш, технология, исследование.

Аннотация: *В данной статье автором раскрыта сущность и содержание инновационного развития.*

Ключевые слова*: изобретения, инновация,развитие, технология, тадқиқот.*

Annotation: *In given article the author opens essence and the maintenance of innovative development.*

Key words: *inventions, innovation, development, technology, research.*

Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмунини ўрганишдан олдин “инновация” ибораси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш зарур. Ушбу тушунча инглиз тилидан олинган бўлиб, “innovation”, яъни янгилик, янгилик киритиш деган маънони англатади.

Австриялик иқтисодчи И.Шумпетер: “Инновация - бу мавжуд жараёнга янгича караш, ёндашув бўлиб, замонавий кашфиёт ва ишланмани ёки инсоният фаолияти билан боғлиқ бўлган янги ишлаб чикаришни маълум бўлган кандайдир жараёнга қўллашдир”, - дея таъкидлайди.

Инновация - бу янги технологияларда мужассамлашган янги билимлар, ноу-хау, ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинацияларини қўллаш билан боғлиқ, шунингдек юқори бозор салоҳиятига эга бўлган янги вазифаларни бажара оладиган янги маҳсулотлар яратиш ёки деструктив жараёнларнинг салбий оқибатларини йўкотиш мақсадини ўз олдига қўйган фаолият ёки фаолият натижасидир.

Яъни, инновацияларни ғоялар, изланишлар, ишланмалар, янги ёки мукаммал илмий-техник ёки ижтимоий-иқтисодий қарорлар трансформациясининг натижаси сифатида қараш мумкин.

Осло ҳукуматининг инновацияга берган таърифига кўра: “Инновация - бу янги ғояларни яратиш асносида бозордаги талабга қараб замонавий ва сифатли товарларни ишлаб чиқариш орқали рақобатчиларидан ўзиб кетишдир” - дея қайд этилади.

Бозор эҳтиёжи, яъни қандайдир товар ёки хизматга бўлган талаб. бошқача айтганда, бу - бозор эҳтиёжларига бериладиган жавоб ёки маркетинг варианти ҳисобланади. Масалан, бундай ўзгаришлар таркибига ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга ёки маҳсулотга «товар» кўринишини беришга ёрдам берувчи ўзгаришларни киритиш мумкин.

«Янгилик киритиш» ва «новация» тушунчалари билан «тадқиқот», «ихтиро» ва «кашфиёт» тушунчалари чамбарчас боғликдир. Илгари маълум бўлмаган маълумотлар олиш ёки илгари маълум бўлмаган табиат ҳодисаларини ёки инсоният муҳитини кузатиш жараёни тадқиқот деб аталади.

«Янгилик киритиш» ва «новация» тушунчалари билан «тадқиқот», «ихтиро» ва «кашфиёт» тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Илгари маълум бўлмаган маълумотлар олиш ёки илгари маълум бўлмаган табиат ҳодисаларини ёки инсоният муҳитини кузатиш жараёни тадқиқот деб аталади.

Кашфиёт бу – тадқиқотларнинг, эҳтимол, қўшимча натижаси ҳисобланади. Кашфиётлар ва ихтиролар қоидага кўра, фундаментал даражада юзага келади ва камдан-кам ҳолларда якка шахслар томонидан амалга оширилади. Улар тасодифан рўй бериши ва фойда олиш мақсадини кўзламаслиги ҳам мумкин.

Ривожланишнинг инновацион типи (ингл. Innovation model of development) – ижтимоий ишлаб чиқаришда янги илғор технологияларга урғу бериш, юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, микро ва макроиқтисодий жараёнларда илғор ташкилий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш - технопарк , техно полис, кам энергия талаб этадиган технологиялардан фойдаланиш сиёсати, ишлаб чиқариш фаолиятини интеллектуалаштириш, иқтисодиётни софтлаштириш ва сервислаштириш билан тавсифланади.

Инновацион ривожланишига қараб мамлакатларни 4такатегориягаажратишмумкин:

1. Инновацион ривожланишда лидер мамлакатлар (АҚШ, Германия, Дания, Швеция, Финляндия). Юқори даражада.

2. Инновацион ривожланишга эътибор кучайиб бораётган мамлакатлар (Австрия, Бельгия, Кипр, Эстония, Франция, Ирландия, Люксембург, Нидерланды, Словения и Великобритания). Ўрта даражада.

3. Инновацион ривожланишга эътибор суст мамлакатлар (Хорватия, Чешская Республика, Греция, Венгрия, Италия, Мальта, Польша, Португалия, Словакия, Испания). Ўрта даражадан паст.

4. Чекланган инновацион ривожланишдаги мамлакатлар (Болгария, Латвия, Литва и Румыния). Жуда паст даражада.

Бугунги шароитда инновацион, айнан билимларга асосланган, малакали ишчи кучини ўзида мужассам этган юқори фан сиғимига эга бўлган технологик иқтисодиёт рақобатбардош бўлади.

Инновацион тараққиётда инновацияларнинг чизиқли модели бу ишлаб чиқилган фундаментал илмий ғоялар амалий тадқиқотлар билан боғлиқда бўлишини англатади.

Айни пайтда инновацияларнинг кўп сонли манбалари моделида инновациялар инновацион тизимнинг исталган қисмида юзага келиши мумкин.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар инновацион ривожланиши моделларининг уч тури фарқланади:

1. Фанда пешқадамликка, илмий ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини қамраб оладиган, қоида тариқасида, илмий-инновацион имкониятларнинг мудофаа секторидаги улуши анча катта бўлган кенг кўламли мақсадли лойиҳаларни амалга оширишга қараб мўлжал оладиган мамлакатлар (АКШ, Англия, Франция).

2. Инновацияларни тарқатиш, қулай инновацион муҳитни яратиш, иқтисодиёт структурасини оқилоналаштиришга қараб мўлжал оладиган мамлакатлар (Германия, Швеция, Швейцария)

3. Инновацион инфратузилмани ривожлантириш, жаҳон илмий-техника тараққиёти ютуқларига таъсирчанликни таъминлаш, фан ва технологиялар

соҳасида турли секторларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш йўли билан инновацияларни рағбатлантирувчи мамлакатлар (Япония, Жанубий Корея).

Ўзбекистон Марказий Осиёда йирик илмий марказ сифатида катта илмий салоҳиятга эга мамлакат. Ривожланган илм-фан инфратузилмага ва малакали илмий ходимларга эга.

Кейинги 10 йилда илмий-техникавий лойиҳаларни амалга оширишда:

95 – ИТИ

71 – ОТМ

12 – ИИЧБ

8 – Лойиҳа институтлари

10 – Инновацион марказлар

28 – Бошқа ташкилотлар

224 – Жами

Миллий инновацион тизимни шакллантириш концепцияси ўтган асрнинг 80 йиллар бошидан ривожлана бошлади. Бунда “миллий” сўзи тавсифи айнан “давлат” инновация тизими деган мазмунни англатади.

Миллий инновацион тизими инновацион фаолият субъектлари мажмуидан, улар ўртасидаги билимларнинг юзага келиши, тарқалиши ва улардан фойдаланиш жараёнларини таъминлаб берувчи муносабатлардан ташил топади

Иқтисодиётда фан ва техникага ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишини ҳал қилувчи омили сифатида қаралади. Фан ва техникани ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этилиши, инсоннинг интеллектуал салоҳиятини ривожланишига, турмуш тарзининг юксалишига, саноатнинг кенг ривожланишига имконият яратади ва жамиятнинг социал структурасига ижобий таъсир кўрсатади.

Мазкур жараёнлар фанда янгидан янги назарияларни шаклланишига, иқтисодий тараққиёт ва жамиятнинг ривожланишини таъминловчи асосий омилларга нисбатан қарашларни тубдан ўзгартирди. Фанда инсон ва интеллектуал капитал назариялари шаклланди.

Умуман, иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида такрор ишлаб чиқариш шакли ўзгариб, мазкур соҳадаги жаҳон тенденциясида хом-ашё ва индустриал иқтисодиётдан “инновация иқтисодиёти”га , “билимлар иқтисодиёти”га, “янги иқтисодиёт”га ўтиш жараёни юз бермоқда. Қайд этилган иқтисодиёт интеллектуал ресурсларга, илм талаб ва информацион технологияларга таянади.

Бу шундай иқтисодиётки, унда корхона стратегик ривожланишининг асосий ресурси бўлиб интеллектуал капитал, ишчи ва хизматчиларнинг имкониятлари, корхонага тегишли уникал ташкилий билимлар, товар яратишда уни ишлаб чикарувчидан истеъмолчига етиб боргунгача бўлган барча босқичларидаги инновациялар хизмат қилади.

Инновацион соҳада кадрлар шакллантириш ва бошқариш замонавий тафаккурни тизимлаштириш, инсон онги ижодининг натижавийлигига эришиш, олдиндан кўра билиш заруратини келтириб чиқаради.

Бундай ёндошув инновацион тизимни демократлашувини ва инсонпарварлашувини таъминлаб, сифат даражасини ошишига хизмат қилади.

ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ШАРОИТЛАРИ

Хамидова А.А.СамДУ “Иқтисодиёт” кафедраси ассистенти

Аннотация: *Ушбу мақолада инновация тушунчасининг моҳияти, аҳамияти, инновацион фаолиятни амалга ошириш хусусиятлари ва шарт-шароитлари тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *инновация, инновацион фаолият, бозор конъюнктураси, рақобат, илмий техник тараққиёт, янгиликлар, кашфиётлар, потентлар, ноу-хау.*

Аннотация

В данной статье изучены особенности и условия инновационной деятельности, сущность и значимость понятия инновация.

Ключевые слова: *инновация, инновационная деятельность, конъюктура рынка, конкуренция, научно-технический прогресс, новшества, разработки. Патент, ноу-хау.*

Annotation

The article reveals the features and conditions of innovation, the essence and significance of the concept of innovation.

Keywords*: innovation, innovative activity, market conjuncture, competition, scientific and technical progress, innovations, developments, patent, know-how.*

Республикамизда бозор муносабатларини самарали ривожлантириш энг аввало инсон ресурсларидан унумли фойдаланишга боғлиқ. Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасида ўзига хос сиёсати мавжуд бўлиб, асосан иқтисодиётнинг замонавий тармоқларини ривожлантириш ва унга мос равишда юқори интеллектуал салоҳиятга эга кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг сифат таркибини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимидан иборатдир.

Ҳар қандай мамлакатнинг ўрни ва рақобатбардошлиги нафақат миллий иқтисодиёнинг ривожланиш даражаси, балки жамият тараққиётининг ижтимоий ривожланиш ҳолатига ҳам боғлиқдир. Бугунги кунда дунё мамлакатларида жамиятнинг ижтимоийлашув жараёни юз бермоқда, бу эса ўз навбатида жамиятда меҳнат салоҳиятининг интелектуаллашуви орқали амалга оширилади.

Инновация ва инновацион фаолият анъанавий илмий-техник тараққиёт йўналиши ҳамда амалий ишланмалар ва илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ жараён сифатида майдонга чиқади. Бироқ «инновация» тушунчасининг мазмун ва моҳияти янада кенгроқдир. Инновация соҳаси кенг қамровли бўлиб, у нафақат илмий-техникавий ишланмалар ва кашфиётлардан амалий фойдаланишни қамраб олмасдан, балки маҳсулотда, ишлаб чиқариш жараёнида, маркетингда, ташкил этиш тизимидаги ўзгаришларни ҳам ўз таркибига олади.

Инновация ўзгаришларнинг яққол омили сифатида янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, технологик жараёнлар, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга бўлган янгича ёндашувлар ва янги хизматларга сингдирилган фаолият натижаси сифатида майдонга чиқади.

Илмий адабиётларда “инновация” тушунчасининг турлича мазмун ва моҳияти кенг доирада талқин қилинган ҳамда бу ҳодиса билан боғлиқ турлича тавсифдаги

жараёнлар типологияси тавсия этилган, бироқ мазкур соҳада умум қабул қилинган терминология ва тасниф ҳалигача ўзининг яққол ечимига эга эмас.

Инновация (инглиз тилида “innovation” – янгилик, янгилик киритиш) фанда ва амалиётда етарлича янги, доимо ривожланиб борадиган категорияларни ўзида мужассамлаштиради. “Инновация” тушунчаси биринчи марта XIX асрда маданиятшуносларнинг илмий тадқиқотларида пайдо бўлган ва турлича маданиятларнинг ўз-ўзидан ўзаро таъсири натижасидаги ўзгаришлар билан алоқадор бўлган. Фақатгина XX аср бошларида техник янгиликлар қонуниятлари ўрганила бошланди ва бу тушунча иқтисодий инқирозлар ўстидан енгиб чиқиш воситаси сифатида инновацияларнинг тадқиқ этилиши натижасида иқтисодчилар терминологиясида юзага келди.

Оксфорд изоҳли луғатида «инновация» (innoration) тушунчаси қуйидагича изоҳланади: «товарни ишлаб чиқариш ёки сотиш, конструкциялашга исталган янги ёндашув ҳисобланиб, натижада новатор ёки унинг компанияси рақобатчиларга нисбатан устунликка эга бўлади».

«Инновация» терминининг замонавий тушунчасини иқтисодчи Йозеф Алоиз Шумпетер (J.A. Schumpeter) биринчи маротаба ишлатган. Унинг таъкидлашича, инновация – бу янги материаллар ва компонентлардан фойдаланиш, янги жараёнларни жорий этиш, янги бозорларни очиш, янги ташкилий шаклларни жорий этишга асосланган барча янги комбинацияларнинг янгидан қўшилиши ва тижоратлашувидан иборат бўлган ишлаб чиқариш функциясининг тубдан алмашинувидир. Инновация ривожланиш двигатели сифатида ишлаб чиқариш омилларини янги комбинацияларини доимий тадқиқ этиш бўйича ташаббускорлик ҳисобланади.

Бунга қўшимча қилиб, шуни қайд қилиш мумкинки, инновация – бу истеъмолчини жалб қилиш, унинг эҳтиёжларини қондириш ва бир вақтнинг ўзида тадбиркорга даромад келтириш мақсадида бозордаги янги маҳсулот, янгича кўриниш ёки ҳаракатлардир.

Инновацион ривожланишни белгиловчи омиллар қуйидагилардан иборат:

– бозор конъюнктураси ва рақобат (ҳам ички, ҳам ташқи бозордаги);

– муҳит (фан ва техниканинг ривожланиш даражаси, қонуний ва меъёрий (норматив) база, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик);

– кадрлар (олимлар, мутахасислар, тадбиркорлар, менежерлар, сиёсий арбоблар, давлат хизматчилари);

– ресурслар (табиий, ишлаб чиқариш, молиявий, илмий-техникавий, технологик, инфратузилмавий).

Бизнинг фикримизча, инновацияни ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб, инсон фаолиятининг турли соҳаларида юз берадиган доимий ўзгаришлар ҳисобланади. Улардан ҳар бирида янгилик яратишнинг мақсади барқарор ва узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган янги жараёнлар ёки маҳсулотларни жорий этишдан иборатдир. Уларга қуйидагилар киради:

– янги материалларни, қурилмаларни, технологик жараёнларни, маҳсулотларни, иқтисодиётдаги самарадорликни тубдан яхшилайдиган ёки аҳамиятли даражада ўзгартирадиган усуллар ва хизматларни яратиш ёки уларни такомиллаштириш;

– шахсни ижтимоий мақомини ошириш ва шахсий ҳамда жамият манфаатларининг оптимал нисбатига эришиш учун ижтимоий таркибдаги ўзгаришлар;

– ўзгарувчан шароитларга мослашишга имкон берувчи ва корхона ҳамда ташкилотлар фаолиятини яхшилашга йўналтирилган юзага келган бошқарув тизимини модификациялаш.

Техника, технология, иқтисодиёт, бошқарув ва ижтимоий соҳадаги барча киритиладиган янгиликлар бир-бири билан узвий боғлиқ, мазкур соҳалардан бирига янгиликни жорий этиш учун уларнинг бошқасида доимо ҳам мос равишдаги ўзгаришларни амалга ошириш керак бўлади. Бу вазият шу нарса билан изоҳланадики, аксарият ҳолларда инновациялар бир вақтнинг ўзида мақсадга йўналтирилган яхлит ҳаракатларга ва уни иқтисодий қўллашнинг янги қирра (йўналиш, соҳа)ларига эга бўлиш учун турли хилдаги билимлардан фойдаланишга асосланади.

Иқтисодиётнинг қандайдир фаолият соҳасида самарадорликни ошириш бўйича тадқиқот, ишланма ёки тажриба ишларининг расмийлаштирилган натижаси бўлиб новация ҳисобланади. Уларга қандайдир янгиликлар, кашфиётлар, потентлар, ноу-хау, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, технология ёки ишлаб чиқариш жараёни учун ҳужжатлар ҳамда турли тавсиялар, методикалар, йўриқномалар, стандартлар, маркетинг тадқиқоти натижалари, рационализаторлик таклифлари киради.

Янгилик янги билимлар, ёндашувлар, усуллар кўринишида янги сифат касб этади ҳамда уни жорий этиш ва оммалаштириш вақтидан бошлаб инновацияга айланади. Инновация – жамият томонидан талаб этиладиган иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий техникавий ёки бошқа турдаги самарага эришиш мақсадида янгиликни жорий этишнинг пировард натижасидир. Бошқача сўз билан айтганда, инновация – бу эҳтиёжларни янада тўлиқ қондирувчи, олдиндагиларидан тубдан фарқ қилувчи янги маҳсулотни бозорга киритиш ва реализация қилишни таъминлайдиган таваккалчилик билан боғлиқ бўлган исталган яратувчанликнинг аниқ натижасидир.

Бизнинг фикримизча, инновацияларнинг моҳияти илмий-техник ишланмалар ва ихтиролардан амалда фойдаланиш билан якунланмайди. Инновациялар ўзгаришларнинг аниқ омили сифатида функцияларда намоён бўлади. Инновациялар маҳсулот, жараёнлар, маркетинг, ташкил этишдаги ўзгаришларни ўз ичига олади. Й.Шумпетер учун инновация – бу такомиллаштириш эмас, балки ишлаб чиқариш воситаларининг ўзаро янгича бирлашишида ишлаб чиқариш функцияларининг жиддий равишда алмашинувидир.

Таъкидлаш керакки, Й.Шумпетер биринчи навбатда мавжуд маҳсулотга баъзи янги функцияларни киритиш сифатида тушуниладиган инновацияларни динамизациялаш асосидаги хўжалик жараёнларига қизиқади. Ўртача билан таққослаганда катта фойда беради. У таъкидлайдики, инновацияларни киритиш, биринчи навбатда амалдаги ишлаб чиқариш омиллари ўсишини ифодаламайди, унинг орқасида янги шарт-шароитларни қўллашга мавжуд омилларни ўтказиш тўради. Й.Шумпетердан ташқари “инновация” тушунчасига одатда бошқа ғарб олимларидан Э.Мэнсфилд, Р.Фостер, Б.Твисс, М.Е.Портер каби олимлар ўз қарашларини билдирганлар.

Шумпетер иқтисодий динамика назариясида янги йўналишнинг асосчиси ҳисобланади, унинг асосий ҳолатлари Н.Кондратиев[1]нинг бир қатор назарий кўринишдаги ишланмаларида ишлаб чиқилган.

Иқтисодий конъюнктуранинг узвий техник ривожланишига алоқадор тадқиқотлар Д.С.Львов ва С.Ю.Глазьев[2]ларнинг иқтисодий ривожланишни аниқловчи беш асосий технологик уклад тавсифида келтирилган.

Инновация назарияси Г.Меншнинг икки томонлама муҳим назарий жиҳатлари ифодаланган илмий ишларида ривожланитирилган: технологик туртки инновацион ўзгаришлари асоси ҳисобланса, турғунлик инновацион фаолликни "тепкиси" роли бўлиб ҳисобланади[3].

Инновацион фаолиятни турли таърифлари мавжуд. Уни инновацияларга элтувчи илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат тадбирлар сифатида аниқлаш мумкин. Хулоса қилиб айтганда,инновацион фаолият янгиликларни яратиш ва жорий этишга йўналтирилган компания ходимларининг ўзаро ҳамкорлигидир.

Агар унга жамият учун кенг талаб этиладиган натижаларни олиш учун янги билимлар, технологиялар, усуллар, ёндашувлар киритилса бундай фаолият инновацион фаолият бўлиб ҳисобланади.

У ягона мантиқий занжирга бирлаштирилган янгиликларини ишлаб чиқиш, жорий этиш, ўзлаштириш, тижоратлашуви билан боғлиқ тадбирлар мажмуасидан иборатдир. Бу занжирнинг ҳар бир бўғини ўз мазмунига ва ўзининг ривошланиш қонуниятларига эга. Илмий изланишлар, тажриба-конструкторлик ва технологик ишланмалар, инвестицион-тижорат ва ишлаб чиқариш тадбирлари ягона бош мақсадга, яъни янгилик яратишга қаратилган.

Инновацион фаолият юқори даражали ноаниқлик ва хавф-хатар билан, натижаларни истиқболлаштиришнинг мураккаблиги билан тавсифланади. Инновацияларни жорий этишнинг устувор жиҳати бўлиб, иқтисодий шартлар ҳисобланса, инновацион фаолият жараёнидаги муҳим параметр бўлиб вақт ҳисобланади. Инновацион жараёнга жалб қилинадиган ресурслар, агар рақобатчи бозорга янги маҳсулотни чиқаришда ўзиб кетса, қадрсизланиши мумкин.

McKinsey компаниясининг ҳисоб-китобларига кўра инновацион товарни бозорга чиқариш олти ойга кечикиши фойдани 30 %га камайишига олиб келади, ишланмалар гуруҳида бюджетнинг ортиқча сарфи 30 %га, бу эса фойда ҳажмини 2 %га қисқартиришни билдиради.

Инновацион фаолиятга технологик ва иқтисодий омилларнинг максимал тенглигига интилиш, вақт чегараларини оптималлаштириш, инновацион ғояларни максимал даражада мумкин бўлган манбаларини жалб қилиш ҳамда янгиликларни барча ҳаётий цикли давомида харажатларни тежаш кабилар хосдир.

Инновацион фаолият одатий ишлаб чиқаришдан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

– инновацияларни тижоратлашувидаги катта таваккалчилик билан(50%гача);

[1]Кондратьев Н.Д. Проблемы экономической динамики. М: Экономика, 1989.
[2] Глазьев С.Ю. Теория долгосрочного технико-экономического развития. М.: ВлаДар, 1993.
[3] Mensh G. Stalemate in technology: innovation overcome the depression. - Cambridge (Massachusetts, USA), 1979.

– инновацияларни жорий этишдаги оралиқ босқичларда доимий назоратнинг зарурияти билан, агар аниқ натижалар мавжуд бўлмаса ишни тўхтатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

– натижаларни сарфланган ресурслар ва инвестиция миқдорларига боғлиқлигини белгилашдаги мураккаблик (инновацион маҳсулотни жорий этишнинг биринчи даврида ҳеч қандай фойда бермаслиги мумкин, сўнг эса фойда тубдан ортади).

АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Набиев О.А - . ҚарМИИ

Аннотация: *Ушбу мақолада агросервис хизматлари кўрсатиш тизиминиривожлантиришнинг долзарблиги, хизматларнинг турлари, ҳамда Қашқадарё вилоятининг қишлоқ хўжалигидаги йирик истиқболли лойихалари кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар*:қишлоқ хўжалигида сервис, хизмат турлари, лойихалар*

Аннотация: *В данной статье рассмотрена актуальность развития системы агросервисного обслуживания, виды обслуживания, а также крупные проекты в сельском хозяйстве Кашкадарьинского вилоята.*

Ключевые слова: *Агросервис, виды обслуживания, проекты*

Annotation: *In given article is considered the urgency of development of Agriservice system, kinds of services, and also large-scale projects in agriculture of province of Kashkadarya*

Keywords: *Agriservice, kinds of services, projects*

Мамлакатимиз аграр тармоғида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устивор вазифаларидан бири, бу хўжалик юритишнинг янги, истиқболли ва бозор иқтисодиётига жавоб берадиган шакллари муҳим аҳамият касб этади.

Шу боисдан ҳам фермер ва деҳқон хўжаликлари талаблари шароитларига мос хизмат кўрсатиш тузилмаларини, жумладан агросервис тизимини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Яқин келажакда асосий қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштирувчи субъект бу фермер хўжаликлари бўлиб, уларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги махсулот етиштирувчи субъектлар деҳқон ва фермер хўжаликларига агросервис хизматларини ҳар томонлама ривожлантириш лозим бўлади. Чунки, қишлоқ хўжалигида агросервис тизимини шакллантириш ва ривожлантириш бевосита деҳқон ва фермер хўжаликларининг маҳсулот етиштириш ва унга сарфланадиган харажатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжаликларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, агросервис хизмат кўрсатиш субъектларини ташкил қилиш ва сифатли хизмат турларини жорий этиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайишига ва барқарор ривожланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий

ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.

Президентимиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлар ва истиқболли лойиҳаларга тўхталди. Етиштирилган пахтани 10 фоизи қайта ишланаётганлиги, ердан унумли фойдаланиш кераклигини таъкидлади. Қишлоқ хўжалигида 45 млрд. сўм мелиорация ишлари амалга оширилиб, 3 минг 200 га пахта, 4 минг га ғалла экинларидаги ерлар қисқартирилди.

Республикани қорамолни -14%, эчки ва қўй молни - 24% вилоятга тўғри келади. Бироқ Қашқадарёдаги бир йилда суйиладиган 1 млн 200 минг молни териси қаерга кетаяпти? Чарм маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлигини алоҳида уқтирди.

Президентимиз чорвачилик комплексига хориждан наслдор қорамоллар олиб келиш, уларни зарур технологиялар асосида парваришлаш, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

“Нишон кўзгу” кўп тармоқли фермер хўжалиги томонидан Қарши шаҳрида автоматлаштирилган кушхона, гўштни сақлаш ва қадоқлаш комплекси ташкил этилмоқда. Бунинг учун хориждан замонавий ускуналар олиб келинган. Ушбу лойиҳа иқтисодий самарадорлик билан бирга, улкан ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Замонавий кушхона ва музлаткич озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл-кўллиги ҳамда хавфсизлигини таъминлайди. 100 дан ортиқ иш ўрни яратилади. Давлатимиз раҳбари бундай кушхоналарни барча ҳудудда ташкил этиш озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Агросервис хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан кўрсатилган турли туман турдаги хизматлар деҳқон ва фермер хўжаликларининг иқтисодий фаолиятини ташкил этади, бу қўйидагиларда намоён бўлади:

- ❖ маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ва сифатини яхшилайди;
- ❖ ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади;
- ❖ етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқиш ва ташиш, жойлаштириш каби хизмат турларини ўзлуксиз фаолиятини таъминлайди;
- ❖ деҳқон ва фермер хўжаликларини моддий-техника таъминоти яхшиланади, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш сифати ошади;
- ❖ деҳқон ва фермер хўжаликларига инновация ва инвестицияларни жалб этиш йўллари яратилади ва ҳ.к.

Агросервис хизмалари самарадорлигини қишлоқ хўжалигида қуйидаги кўрсатгичлар орқали аниқлаш мақсадга мувофиқ:

- ❖ истеъмолчилар талабининг миқдори;
- ❖ агросервис хизматлари турлари;
- ❖ агросервис хизматлари харажатлари;
- ❖ агросервис хизматлари даромадлари ва ҳ.к.

Шу боисдан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш агросервис хизматларисиз амалга ошириб бўлмайди. Агросервис қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда асосий иқтисодий муносабатларининг негизи ҳисобланади.

Агросервис қишлоқ хўжалигида барча иқтисодий – ижтимоий жараёнларни ўз ичига қамраб олади.

Яъни турли хил турдаги хизмат кўрсатиш фаолияти билан ўз таъсирини кўрсатади, булар жумласига:

- ❖ молиявий агросервис хизмат турлари;

❖ ташкилий агросервис хизмат турлари;
❖ ҳуқуқий агросервис хизмат турлари;
❖ техник агросервис хизмат турлари;
❖ ахборот агросервис хизмат турлари;
❖ экологик агросервис хизмат турлари ва ҳ.к.

Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги изчил ривожланиб, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа тармоқларда юқори натижаларга эришилмоқда. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этилаётгани, хусусий мулкчиликка кенг йўл очилгани халқимиз фаровонлигини янада ошириш имконини бермоқда.

Косон туманида барпо этиладиган чорвачилик комплекси лойиҳаси: икки минг бош қорамол боқишга мўлжалланган замонавий типдаги чорвачилик комплекси аҳолини гўшт ва сут билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Мажмуа қурилиши учун 12 гектар, чорва молларига озуқабоп экинлар етиштириш учун 750 гектар ер майдони ажратилади. Бу ерда йилига 4 минг 280 тонна сут ва 210 тонна гўшт етиштириш, 140 иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Умумий қиймати 14 миллиард сўм бўлган лойиҳани келгуси йилнинг биринчи чорагида ишга тушириш режалаштирилган.

Нишон туманида Вьетнам технологияси асосида балиқ етиштиришга ихтисослаштирилган агрофирма ташкил этилмоқда. Агрофирма вилоятдаги балиқчилик хўжаликларига ўз фаолиятини самарали ташкил этиши учун машина-механизм хизматлари, балиқ увулдириқлари, омихта ем етказиб беради. Етиштирилган балиқни сотиш ёки қайта ишлашни йўлга қўяди. Агрофирмада балиқ увулдириқлари етиштирилиб, сув омборига ўтказилади. Бу ерда балиқ чавақлари етиштирувчи инкубацион цех, 600 тонналик музлаткич, балиқ маҳсулотларини қайта ишловчи корхона, 800 тонна махсус омихта ем ишлаб чиқарувчи цех ташкил этилиши режалаштирилган. Йилига 500 тонна балиқни қайта ишловчи агрофирмада 90 иш ўрни ташкил этилади.

Қашқадарёнинг сув ҳавзалари имкониятларидан самарали фойдаланиб, вилоятда балиқчиликни ривожлантириш, балиқ истеъмолини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Бу халқимиз “луқмаи ҳалол” деб эъзозлайдиган балиқ гўштининг мўл-кўл бўлишини таъминлайди, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб,агросервис хизматлари қуйидаги мақсадларни кўзлайди**:**

- қишлоқ хўжалигида замонавий ва сифатли агросервис хизмат турлари жорий этиш;
- қишлоқ жойларда аҳоли бандлиги ошириш;
- қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- қишлоқ жойларда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга кенг йўл очилади;
- қишлоқ хўжалигида етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлар миқдори ва сифати ошади ва ҳ.к.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Набиев О.А. ҚарМИИ,
Худоярова Ч. 1-курс магистранти, ҚарМИИ

Аннотация: *Мазкур мақолада хизмат кўрсатишни ривожлантиришда инновацияларидан фойдаланишдаги айрим муаммолар, инновацияларнинг турлари, ҳамда уларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *инновацияларнинг турлари, муаммолар*

Аннотация: *В данной статье рассмотрены некоторие проблемы в использования инноваций в сфере обслуживания, виды инноваций, а также их значение в развитии экономики.*

Ключевыеслова: *виды инноваций, проблемы*

Annotation: *In given article are considered some problems of using innovations in service sphere, kinds of innovations, and also their value in economy development*

Keywords: *kinds of innovations, problems.*

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ иқтисодиётнинг барча соҳалари мутаносиб ривожланишига эътибор бериб келинмоқда. Хизматлар кўрсатиш соҳаси мамлакат иқтисодиётининг муҳим бўғини ҳисобланиб, давлат бюджетини тўлдиришнинг, аҳолини иш билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишнинг самарали дастаги ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этиш ҳозирги кунда республикамиз иқтисодчи олимлари олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари даставвал саноатни ривожлантириш масаласига эътибор қаратди. Вилоятда истеъмол молларни ишлаб чиқариш республика кўрсаткичидан 5 баробар паст, саноатда республикага бўйсунувчи корхоналар 74%, худудий корхоналар эса 26 % ташкил этади.

Президентимиз кўрсатмаси билан Қашқадарёда энг арзон электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Президент Қарши шаҳрида электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси йилига TCL бренди остида 25 минг дона замонавий телевизор, 15 минг "Samsung" чангютгичи, 100 мингдан ортиқ разетка ва электр узатгич маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Маҳсулот нархини арзонлаштириш ва уларни экспортга йўналтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, корхона фаолиятига коллеж битирувчиларини жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, Президент воҳадаги “Қашқадарё дори-дармон” акциядорлик жамияти томонидан “Rodex Trading Limited” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган кукун шаклидаги антибиотик дори воситалари ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди. Саноатда -801 та лойиҳа амалга оширилади. 2017 йилдан 3 та завод: Қарши, Косон, Шаҳрисабзда ип-калава-газлама-трикотаж-тикувчилик процессларини бир ватқни ўзида амалга ошираётган хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараённи ўз ичига олади. 27 та чарм корхона очилади. Жунни

қайта ишлаш 6 та лойиҳа (Деҳқонободда – 4 та корхона, Косонда-1, Чироқчи-1та), озиқ-овқат бўйича 251 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Хизматлар кўрсатиш соҳасининг мослашиш имкониятлари билан соҳага инновацияларни тадбиқ этишни боғлаш муаммоларини кўриб чиқамиз. Инновацияларни тадбиқ этишнинг умумий қонуниятларига тўхталиб ўтамиз. Хизмат кўрсатиш соҳасида иннновация сифатида жамият эҳтиёжларини самаралироқ қондиришга қодир инновацион фаолият натижаси бўлган сервис маҳсулоти, технология ёки унинг алоҳида элементлари, сервис хизмати кўрсатишни янгича ташкил этиш ва бошқалар майдонга чиқади.

Янгиликлар киритишнинг базис усуллари, яъни мижозларга сервис ва хизмат кўрсатишни ташкил этишни бутунлай янгилайдиган ўзгаришлар ва хизмат кўрсатиш жараёнини баъзи қисмларинигина такомиллаштирадиган қисман инновацияларни фарқлаш лозим. Иккала инновация шаклида ҳам сервис фаолиятининг у ёки бу жиҳатлари такомиллашади, хизмат кўрсатиш вақти қисқаради, мижозларга қўшимча қулайликлар яратилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацияларнинг асосий турлари қуйидагилар:

- техник, янги техника, ускуналар ва хизмат кўрсатишда меҳнатни ташкил этишнинг техник-технологик усуллари. Ҳозирги пайтда хизматлар кўрсатиш соҳасида инновацияларнинг бу тури кўпроқ мижозлар билан ишлашни енгиллаштириш учун компьютер технологияларини хизмат кўрсатиш жараёнига жорий этиш ва умуман хизмат кўрсатиш жараёнини информацион технологиялар билан боғлиқ ҳолда ривожлантириш;
- ташкилий-технологик, янги хизмат турлари, хизмат кўрсатишнинг янада самарали шакллари ва меҳнатни ташкил этиш меъёрлари;
- бошқарув, ташкилотнинг ички ва ташқи алоқаларини такомиллаштиришда менежмент усул ва шакллари;
- мажмуавий, бир вақтнинг ўзида сервис фаолиятининг турли томонларини қамраб оладиган.

Муайян жамоада янгиликларни бошқаришдан мақсад хизмат кўрсатиш жараёнининг инновацион янгиликларга бойлик даражасини ва шу орқали корхона ходимлари меҳнати самарадорлигини, тижорат муваффақиятини, умуман олганда корхона фаолияти иқтисодий самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Инновацияларни тадбиқ этиш зарурлигини рақобат кураши ва бозорнинг бир қатор талаблари белгилайди. Уларни тадбиқ этиш зарурлиги, шунингдек истеъмолчилар эҳтиёж ва талабларининг ўзгариши билан ҳам белгиланади. Баъзи корхоналарда фаолиятнинг янгиланиши корхона жамоаси ўз фаолияти давомида учрайдиган турли қарама-қарши фикрларни бартараф этишга ҳам ёрдам беради.

Инновацион жараён фаол тадбиркор ёки хизмат кўрсатиш соҳаси ходими томонидан янги ғояни ишлаб чиқиш босқичида бошланади. Кейинчалик бу ғоя уни амалга тадбиқ этиш лойиҳасини яратиш жараёнида аниқлаштирилади. Шундан сўнг инновацион жараён уни тадбиқ этишда ва уни сервис амалиётида қўллашда давом эттирилади.

Инновациянинг тадбиқи ўз ҳаракатининг барча босқичларида объектив қонуният кўринишини олиши керак. Баъзи ҳолларда бирон инновацион янгилик бир корхона ёки шаҳарда ўзини оқламагани ҳолда бошқа корхона ёки шаҳарда яхши натижа бериши мумкин. Инновацион янгиланиш кўлами қанчалик кенг бўлса, натижани башоратлаш шунчалик қийин бўлиб боради. Шунинг учун мураккаб

янгиланишлар натижаларини режалаштириш бирмунча қийинроқ. У ёки бу фирмада синовдан ўтган янгиликлар енгилроқ тадбиқ этилади ва инновацион тадбиқ натижаларини башоратлаш осонроқ ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилганлар инновацияларнинг тадбиқи жараёнига алоҳида эътибор билан ёндошишни талаб этади. Кўпгина сервис корхоналарида фирма ишига инновацияларни тадбиқини бошқариш фаолияти билан профессионал даражада шуғулланувчи инновацион менежерлар мавжуд. Умуман олганда самарали инновацион тадбиқ корхонага хизмат кўрсатиш жараёни фойдалилигини оширишга, корхона имиджини мустаҳкамлашга, корхонанинг бозордаги мавқеини барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Инновацион жараён қайси таркибий бўлинмада тадбиқ этилишидан қатъий назар ишлаб чиқариш, ташкилий-технологик, маркетинг ва бошқарув фаолиятининг турли томонларини қамраб олади. Инновацион жараёнларни муваффақиятли амалга оширилишига менеджерлар, маркетинг бўйича мутахассислардан ташқари оддий ишчилар, сервис корхонасининг бутун жамоаси бевосита боғлиқ ҳисобланади. Агар инновация тадбиқи муваффақиятли амалга оширилса, бу жараён истеъмолчиларни ҳам қамраб олади. Бу эса фирмага хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш ва шу орқали молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш имконини беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари хужалик фаоллиятини самарали ташкил этиш борасидаги, шунингдек, мазкур соҳада қушимча иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини ошириш бўйича долзарб муаммолар ечими юзасидан қуйидагиларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга:

- хизмат кўрсатиш соҳасидаги бир неча турдош кичик корхоналар негизида хизматларнинг айрим тармоқларидаги бозор конъюктураси, айниқса, ишчи кучи талаб ва такълифи таҳлили буйича “Координацион марказ” лар ташкил этиш;
- хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари хужалик фаолиятини илмий амалий жиҳатдан асосланган тартибда стратегик режалаштириш, бу борада ривожланган давлатлар тадбиркорлик субъектлари томонидан қулланилаётган ёндошувлар, тупланган илғор тажрибаларни ўрганиш, тахлил қилиш натижасида уларни мамлакатимиздаги хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари хужалик амалиётига тадбиқ этиш;
- хизмат кўрсатиш корхоналарида фаолият юритаётган ишчи хизматчиларнинг мунтазамлик асосида касбий маҳоратини ошириб бориш, зарурат туғилганда қайта тайёрлаш;
- бизнес, фан ва таълим ўртасидаги корпоратив муносибатларни мустаҳкамлаш ҳисобидан инновацион технологиялар, лойҳаларни соҳа корхоналари хужалик амалиётига изчил тадбиқ этиш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ўзига хос демографик хусусиятлардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, аҳолига хизмат курсатиш соҳасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг куплаб турлари ички талабни кенгайтиришга хизмат қилади. Бу тармоқлар ва соҳалар ташқи конъюнктурага ҳам об-ҳаво шароитига боғлиқ бўлмай, ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир курсата олмайди, балки ички истеъмол бозорида мутоносибликни сақлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунга қарамай, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга нисбатан барқарор бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез

мослашувчан, янги иш уринларини яратиш имкониятини берадиган даражада жадаллаштириш ҳамон долзарблигича қолмоқда.

МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРНИ САҚЛАШНИ ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ УСУЛЛАРИ

Усмонов Р.С, Самарқанд ОҲАҚМБЮ озиқ-овқат таъминоти кафедраси ўқитувчиси, Қуролли Кучлар хизматчиси.
Усманов Н.Н, қ.-х. фанлари номзоди.
Джумаева Ф.Х, Самарқанд ОҲАҚМБЮ табиий-илмий фанлар кафедраси ўқитувчиси, Қуролли Кучлар хизматчиси.

Мева ва сабзоватлар навлари ва турлари, ҳарорат, намлик ва биологик тури бўйича мослиги, сақлаш муддати, маҳсулотнинг етилиш ва пишиш муддатлари, маҳаллий узум навлари, иссиқхоналарда етиртириш ва совуқхоналарда сақлаш технологиясини такомилаштириб бориш мухим асосий вазифалардан бўлиб бормоқда.

Юқорида қайд этиб ўтилган тадбир чоралар тегишли тарзда амалга оширилса етиштирилган махсулотлар истемолчилар дастурхонини тўлдириш имкониятлари янада кенгаяди.

Калитли сўзлар: *Мева ва сабзовот, узум навлари ва турлари, иссиқхоналарда етиртириш, совуқхоналарда сақлаш, офтобда қуритиш,қайта ишлаш.*

Фрукты и овощи сорт и виды, температура, влажность и типа биологической совместимости, срок годности продукта, а также для поддержания времени приготовления пищи, местные сорта винограда, оранжереи, технология и холодильники для хранения важных основных функции.

Следует отметить, что описанное выше действие осуществляется сельскохозяйственной продукции, потребители будут иметь больше возможностей для заполнения таблицы.

Ключевые слова: *фрукты и овощи, сорта винограда и типы теплиц, за холодильники для хранения, обработки, сушки на солнце.*

Fruits and vegetables varieties and types, temperature, humidity and the type of biological compatibility, product shelf life, and to maintain the cooking time, the local grape varieties, greenhouses, technology and refrigerators to store important basic functions.

Note that the above action is carried out by agricultural products, consumers will have more opportunities to fill the table.

Key words: *fruit and vegetables, grape varieties and types of greenhouses, behind refrigerators to storage, processing, drying in the sun.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” мавзусидаги маърузасида,. Мева-сабзавотни қайта ишлаш даражаси 20 фоизга ҳам етмайди. Янги технология ва стандартлар ўта сусткашлик билан жорий этилмоқда.1 деб танқидий тахлил

этдилар. Шу борада Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қўшинларининг озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш омборлари шароитида турли хил мева ва сабзавотлар навлари сақлаш технологиясида сақлаш муддатлари, усуллари ва услублари илмий асосда ўрганилди.

Мева ва сабзовотлар навлари ва турлари, ҳарорат, намлик ва биологик тури бўйича мослиги, сақлаш муддати, маҳсулотнинг етилиш ва пишиш муддатлари, маҳаллий узум навлари, иссиқхоналарда етиртириш ва совуқхоналарда сақлаш технологиясини такомилаштириб бориш мухим асосий вазифалардан бўлиб бормоқда.

Мева ва сабзавотлар – кўпчилик витаминлар, минерал моддалар, ароматик ва физиологик актив моддаларнинг асосий маънбаи ҳисобланиб, инсоннинг тўла қимматли озиқланишида зарурдир. Мева ва сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш шахсий таркибни бутун йил бўйи бу маҳсулотлар билан таъминлашнинг асосий мезонидир. Республикамиз мустақилликка эришгач чиқарилган қатор фармойиш ва қарорлар мева сабзавотларни етиштириш, уларни сақлашнинг такомиллашган усулларини жорий қилиш ва қайта ишлаб сифатли озуқавий маҳсулотлар олишга қаратилди.

Мева ва сабзавотларни етиштирувчи, сақловчи ва қайта ишловчи олдида турган асосий мақсад фақатгина бу маҳсулотларни кўплаб етиштириш қайта ишлаш бўлмасдан, балки уларнинг озуқавийлик хусусиятларини (ташқи кўриниш, маза, аромат, кимёвий моддалар – қанд, азотли моддалар, крахмал, витаминлар, минерал тузлар) оширишдир.

Мева-сабзавотлар таркибида органик кислоталар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг мазасини белгиловчи ҳисобланади. Шунинг учун кислоталилик даражасини замонавий физик-кимёвий усулларни қўлланган ҳолда ўрганиши керак бўлади. Булардан ташқари тадқиқотда тадқиқотчи хом ашёлардан бирламчи ишлов маҳсулотларини олишга эътибор бериши, балки лаборатория шароитида бодринг ёки помидорни тузлаш, маринадлашнинг, томат шарбати олишни, мева пюрелари тайёрлашни ҳам ўрганади ва ниҳоят маҳсулотларни сақлашда (олма, картошка ва бошқалар) миқдорий йўқотишлар. Сифати пасайиши ҳоллари ёки маҳсулотни ҳам сақлашда иқтисодий самарадорликни ҳисоблашларни ҳам ўрганади.

Маҳсулотларни сақлаш жараёнида уларнинг нобуд бўлишига сабаб турли хил касаллик ва зараркунандалар билан зарарланишидир. Меваларни сақлашда уларнинг чириш, қора рак, кул тушиш, қурум замбуруғ тушиши касалликлари кўп учрайди.

Меваларнинг чириш касаллигини монилиз замбуруғи келтириб чиқаради. Касалланган мева сиртида жигарранг доғ пайдо бўлиб, у кейинчалик меванинг бутун сиртини қоплаб олади. Бунда меванинг эти юмшаб, ғовак бўлиб қолади, сиртида доирасимон оч кулранг-сариқ ғуддалар – споралар тўплами ҳосил бўлади. Совуқда эса мевалар қорайиб қаттиқ бўлиб қолади.

Омборда сақланаётган мевалар кўпинча меваларнинг аччиқ чириш касаллиги билан касалланади. Бунда мевалар сиртида рангли, юмалоқ юмшоқ ботиқ доғлар пайдо бўлади. Касалликнинг дастлабки даврларида доғлар мева пўстининг остида бўлади, кейинчалик эса юзасига чиқади. Касаллик натижасида мева аччиқ бўлиб қолади.

Данакли мевалар кўкариб, чириш касали билан зарарланади. Кўпинча касаллик олхўри ва олчада учрайди. Бунда мевалар жигарранг тусга кириб, қуриб

қолади. Резавор мевалар бу касаллик билан зарарланганда уларнинг сирти қора моғор билан қопланади.

Қурум замбуруғлар олма, нок ва цитрус меваларни касалантиради. Бундай мевалар сиртида холсимон қора ғубор ҳосил бўлади.

Қора рак, олма, нок ва бошқа меваларни зарарлайди. Касалланган мевалар сиртида қўнғир доғлар пайдо бўлади. Касаллик авж олиши билан қора доғлар сони кўпаяди. Мева пўстининг қора доғ тушган жойларининг остида кўп споралар пайдо бўлади ва бошқа меваларни ҳам тезда зарарлайди.

Сақлашдаги шароитнинг ноқулай бўлиши микроорганизмларнинг тез ва интенсив кўпайишига имкон яратади, бу эса ўз навбатида, маҳсулотнинг кўплаб нобуд бўлишига олиб келади.

Сабзавотнинг оқ чириш касаллигини халтачали замбуруғ келтириб чиқаради. Илдизмева ва карамда намланадиган доғлар пайдо бўлади. Касалланган тўқима шиллиқланади ва сабзавотлар бутунлай яроқсиз ҳолатга келади.

Сабзавотлар кулранг чириш касаллиги билан зараланганда чириган илдизмева ва карамлар кулранг юмшоқ ғубор билан қопланади. Бунда тўқима шилимшиқланади, чириш жуда тез тарқалади. Бу касаллик билан карам ва сабзи қаттиқ зарарланади. Омборга касаллик далада зарарланган сабзавотлар орқали тушади.

Бўғиз чириш касаллиги пиёзни сақлаш давридаги энг хавфли касаллик ҳисобланади. Касаллик пиёз боши бўғзида ботиқ кўринишдаги кулранг доғларнинг пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Кейинчалик касаллик бутун пиёз боши бўйлаб тарқалади. Натижада қора рангдаги айлана пўстини ҳосил қилади. Пиёз 1-2 ой мобайнида бутунлай чириб кетади.

Мева ва сабзавот сақланадиган омборларда касалликларга қарши тадбирлар системаси ўтказилиши лозим.

Бунда омборлар маҳсулотлардан бўшаши билан ҳамма турдаги қолдиқлардан тозаланади ва улар кўмиб ташланади. Ёзда омборлар шамоллатилиши ва қуритилиши керак. Маҳсулот тўкишдан бир ой илгари омбор ичи оқланади ва дезинфекция қилинади. Омбор хлорли оҳак (1 л сувга 40 г оҳак) ёки оҳак суви билан дезинфекция қилинади (10 л сувга 1-2 кг оҳак). Бинода ёниб турган олтингугурт ҳам бўлади (бинонинг 1 $м^3$ учун 50 г олтингугурт).

Сақлашга жойланадиган сабзавотлар ҳам дезинфекция қилинади. Уруғлик учун қолдирилган сабзавотлар чиришдан сақлаш учун чангланади. Бунда карам оғирлигига нисбатан 1-2,5 бўр, бошқа сабзавотлар ТМТД препарати билан (1 та сабзавот учун 6 кг) чангланади.

Мева ва сабзавотларнинг сақланувчилигига турли хил зараркунандалар – ҳашоратлар ва кемирувчилар катта зарар етказади. Далаларда зарарланган мева ва сабзавотлар сақланиш мобайнида турли хил микроорганизмлар билан жуда тез зарарланади.

Доимий омборларда мева ва сабзавотларни сақлаш

Доимий мева-сабзавот омборхоналари сақлаш шароитларига қараб турли хил бўлади. Бунда уларнинг катта-кичиклиги, сақлаш режими, шамоллатиш тизимлари, ишларни механизациялаштириш ва маҳсулотларни жойлаштириш усуллари билан бир-биридан фарқ қилади. Омборхоналар сақлаш шароитлари, жумладан техника билан қандай даражада таъминланганлигига қараб қуйидагиларга бўлинади:

1. Табиий равишда шамоллатиладиган оддий омборлар.

2. Кучли вентилятор воситасида фаол шамоллатиладиган омборлар.

3. Совутгичлар (сунъий совутиладиган омборхоналар).

4. Ҳаво атмосфераси назорат қилиб туриладиган совутгичлар.

Маҳсулотларни турли мақсадларда сақлаш, хўжаликларнинг моддий-техник имкониятлари, шунингдек, ҳар хил шароитларда қўл келадиган усулни танлаш унинг иқтисодий ва технологик кўрсаткичларига боғлиқ.

Сабзавот ва мева сақлаш технологиясини ривожлантиришда асосий эътибор мўътадил шароитда сақлаш тизими ҳамда механизация воситалари билан жиҳозланган омборхоналар бунёд этишга қаратилади. Кейинги йилларда замонавий мева ва сабзавот омборхоналари ва совутгичлар ҳам кўп қурилмоқда.

Доимий омборхоналар. Сабзавот ва мевалар учун мўлжалланган омборхоналар бир-биридан тубдан фарқ қилиб, қандай маҳсулот сақлашга мўлжалланганлигига қараб режалаштирилган, унинг ҳажми, конструктив-қурилиш хусусиятлари, сақлаш шароитларини тартибга солиш тизими, жойлаштириш усуллари, ортиш-тушириш ишларини механизациялаш ва иқтисодий кўрсаткичларга аҳамият берилади.

Мева ва сабзавотларни қуритиш

Республикамизда юқори навли турли хил узум ва мевалар етиштирилади. Бу узум ва мевалар кимёвий таркиби, яъни қанддорлиги ҳамда витаминга бойлиги билан шимолий зоналардаги мева ва узумлардан анча юқори туради. Мева ва узум инсон организми учун муҳим аҳамиятга эга. Уларда енгил ҳазм бўладиган қанд моддалари, органик кислоталар, витамин ва минерал моддаларнинг кўплиги мева узумни инсон организми учун қанчалик аҳамиятли эканлигини билдиради.

Бизнинг ҳўл мева ва узумни узоқ вақт сақлашга ҳам, бошқа узоқ жойларда жўнатишга ҳам вақтимиз ва имкониятимиз бўлавермайди. Имконият бўлган тақдирда ҳам махсус омборларда мева ва узумни кўп деганда 5-6 ой сақлаш мумкин. Бундай сақланган мева ва узумни сифати пасаяди, физик оғирлиги камаяди. Шунинг учун ҳам мева ва узумни қуритиш муҳим аҳамиятга эга. Қуритилган маҳсулотни (туршак ва майиз) юклаш-тушириш, сақлаш жуда қулай, шу билан бирга бу маҳсулотлар ҳар хил экспедициялар ва йўловчилар учун ҳам бебаҳо, сифатли маҳсулотдир.

Юртимизнинг иқлим шароитининг ҳарорати юқори, ҳаво намлиги паст бўлиши мева ва узумни офтобда қуритиш учун жуда қулай бўлиб ҳисобланади. Офтобда қуритилган маҳсулот, сунъий қуритилганига нисбатан сифати бўйича жуда юқори баҳоланади (3,4,5-иловалар).

Узум ва мевани офтобда қуритиш учун очиқ жойда махсус жиҳозланган қуритиш майдонларини тайёрлаш зарур. Қуритиш майдонларини тўғри танлаш маҳсулот таннархининг пасайишига ҳамда маҳсулот сифатининг яхшиланишига таъсир этади. Қуритиш пунктлари боғ ва токзорларга яқин жойда ташкил қилинади. Қуритиш майдонининг сатҳи қуритиладиган меванинг турига, ҳар бир квадрат метрга жойлаштириладиган миқдорига боғлиқдир.

Қуритиш майдонининг ҳар бир $м^2$га тилимлаб кесилган олмадан 5-8 кг, олхўридан 14-16, олча, гилосдан 8-10, иккига бўлинган ўрик ёки шафтолидан 10-12, узумдан 12-15 кг дан жойлаштириш мумкин.

Қуритиш муддати маҳсулот тури ва қуритиш усулига қараб ҳам бирмунча фарқ қилади. Масалан, иккига ажратилган ўрик 5-10 кунда, бутунлигича қўйилган

ўрик 10-15 кунда, иккига ажратилган шафтоли 8-12, узум 20-25 (дориланмагани), ишқор билан ишлов берилгани эса 6-10 кунда қуриб тайёр бўлади.

Қуритиш майдонларида маҳсулотни қабул қилиш вақтинча сақлаш, патнисларга жойлаш қисмлари аниқ белгиланган бўлиши лозим. Булардан ташқари қуритиш пунктида меваларни тўғраш учун столлар, меваларни ювиш учун идишлар, ишқор ёрдамида қуритиладиган бўлса қайноқ сувга ботириб олиш учун қозонлар ўрнатилиши лозим.

Қуритиш майдончасида мева ва узумни дудлаш бўлмалари ва тайёр маҳсулотни вақтинча сақлаш учун омборлар тайёрланиши керак.

Масалан, 100 тонна мева узумни қуритиш учун қуритиш пунктида ўртача қуйидагилар бўлиши лозим: 0,6 гектра қуритиш майдончаси, 5-6 минг дона сатҳи 60х90 см ли тахта патнислар, ҳажми 100х100х110 см ли 10-12 та дудлаш яшиги, ишқор эритмасига ботириб олиш учун 300-400 литр сув сиғадиган 2 та қоғон ва бошқа анжомлар (5-6 та стол, 2-3 та тасмали транспортёр, 200-250 кг каустик сода, 150-180 кг олтингугурт).

Юқорида қайд этиб ўтилган тадбир чоралар тегишли тарзда амалга оширилса етиштирилган махсулотлар истемолчилар дастурхонини тўлдириш имкониятлари янада кенгаяди.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ.

Очилова Н,СамИСИ катта ўқитувчи.

Аннотация:*Ушбу мақолада тадбиркорлик фаолиятининг ўз инновацион янгиликлари асосида иқтисолиётга,саноат,ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланишдаги ўрни ҳақида баён этилган.*

Таянч сўзлар: *Тадбиркорлик,инновация,ислоҳот,рақобат,монополия.*

Аннотация:*В данной статье рассматривается роль предпринимательской деятельности -как инноватор развития сферы экономики, промышленности,производства и услуг.*

Ключевые слова: *Предпринимательство, инновация, реформа, конкуренция, монополия.*

Annotation: *This article on the basis of its news business innovation economi,industrial production ,development of services in the form of influence.*

Basic phrases*: Entrepreneurship, Innovation, Reform, Rivalry, Monopoly.*

Иқтисодиёт фанида тадбиркорлик фаолиятига доир дастлабки тадқиқотлар XVIII асрда Р. Кантильон, А. Тюр-го, Ф. Кене, А. Смит ва Ж. Б. Сей асарларида амалга оширила бошланди. Бироқ ҳозирга қадар жамоатчилик фикрида "тадбиркорлик" тушунчасининг кўп маънолилиги сақланиб қолмоқда. Илмий адабиётда ушбу тушунча ҳақида кўпинча бу фавқулодда ҳодисанинг иқтисодий, ташкилий ва руҳий тавсифлари эклектик (турли-туман қарашлар) тўпламидан иборат ҳар хил тасаввурлар мавжуд. Тадбиркорлик вазифасига доир муҳим жиҳатларнинг тарихий ўзгарувчанлиги билан бирга бу тушунчага янги маънолар киритилмоқда.

Дастлабки босқичларда тадбиркорликнинг энг муҳим аломати бирон бир шахс - тадбиркор фаолиятининг фойдали ёки зарарлилигини белгиловчи ноаниқлик омили ҳисобланган. Тадбиркорнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаси турли

бозорларда талаб билан таклиф орасида мувозанат ўрнатишга доир таваккалчилик фаолиятидан иборат, деб тан олинган.

Тадбиркорликнинг таваккалчилик ва инновация фаолиятига доир вазифаларини бирлаштириш мумкинлигига И. фон Тюнен эътиборни қаратди. Унинг тасаввурига кўра, тадбиркорнинг даромади таваккалчилик фаолиятидан келадиган даромаддан ва янгиликни қўллаш туфайли иқтисодий самарага эришиш натижасида олинадиган даромаддан ташкил топади.

Инновация фаолиятининг тадбиркорликка доир асосий функционал тавсиф эканлигини Й. Шумпетер асослаб берган: унинг нуқтаи назарига мувофиқ, тадбиркор катта хусусий хўжалик фаолияти бошидаги иқтисодий ҳаётни ўзгартиришга қодир ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётида ҳал қилувчи шахс сифатида намоён бўлади. Бу муаллиф тадбиркорни иқтисодий ўсишнинг табиий омили сифатида ижтимоий-иқтисодий тараққиётда доимо марказий ролни уйнайдиган шахс, деб таърифлайди. Агар тадбиркорлик вазифасининг моҳияти ишлаб чиқаришни ислоҳ қилишдан иборат бўлса, тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни маҳсулотни тайёрлаш имкониятининг очилиши ва ундан амалда фойдаланилиши, технологиянинг қўлланилиши, янги хом ашё манбаларининг ишлатилиши ва янги бозорларнинг ташкил топиши, ишлаб чиқаришнинг қайта ташкил қилиниши ва ҳоказо туфайли ишлаб чиқариш ва муомала омилларининг янги уйғунликларини амалга оширишдан иборат бўлади.

Тадбиркорликнинг ўзи фақат якка шахс даражасида эмас, балки йирик ташкилотлар даражасида ҳам амалга ошади ҳамда қарорлар қабул қилиш ва таваккалчилик қилиш, ишлаб чиқариш омилларининг янги уйғунликлари ёки янгиликларни татбиқ қилиш, ресурсларни самарали йўналишларга тақсимлаш, бошқариш, ташкил қилиш ва қабул қилинган қарорларни бажариш каби кўринишларда очиқ-ойдин ва пинхона тарзда намоён бўлади. Демак, тадбиркорлик - иқтисодий тизимнинг мувозанатлашмаган ҳолати шароитида тўловга лаёқатли талаб салоҳиятини қондиришнинг янги имкониятларини кашф этишга доир яратувчанлик фаолияти экан.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда фойда олишга интилиш рақобат товарларнинг ортиқча ишлаб чиқарилишига ва андозалашган оммавий хизматларнинг купайиб кетишига сабаб бўлган бозорларда талаблар объектив тарзда ўзгариб турган (диверсификация) шароитда амалга ошади, бу эса якка тадбиркорларни илгари мавжуд бўлмаган, фан ва техника ютуқларига асосланган товарларни ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсагиш йули билан монополияни енгишга мажбур қилади.

Тадбиркорлик ҳақидаги тасаввурларнинг ўсиб бориши шу билан боғлиқки, бозор иқтисодиёти мавжуд бўлган давлатлар тараққиётининг энг илк босқичларида бошқариш малакасига бундай фаолият турининг энг муҳим тавсифи деб, менежернинг фаолияти эса инноваторнинг ролига нисбатан устунроқ деб қаралган. Бироқ юқори технологияларга асосланган иқтисодиётга ўтиш тадбиркорликнинг шундай талқинини биринчи ўринга олиб чиқди-ки, бу талқин асосан инновация жараёнлари билан, уларнинг ўз янгиликлари асосида ёки янгиликларни инновация тарзида жалб қилиш асосида тарқатилиши билан боғлиқ. Шунга мувофиқ, аграр-хом ашё иқтисодиёти ва саноатлаштиришнинг илк босқичида турган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида иммитацион тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этади. У мавжуд ва олиниши осон бўлган ресурслардан

фойдаланишга, бошқариш малакасига, техникавий билимларга, жалб қилинган технологияга асосланади.Шундай қилиб, кенг маънода тадбиркорлик - шахсий манфаатга асосланган, субъект олдида турган мақсадга эришишга қаратилган, унинг бевосита иштирокида ўзининг шахсий омиллари (мулки ,жисмоний ва ақлий қобилияти, билими, тажрибаси, ижтимоий муҳитдаги мавқеи, у берадиган ҳуқуқлар, оқибатларни олдиндан кўра билиш борасидаги шахсий хатти-харакатлари)га асосланиб амалга ошириладиган ақлий (интеллектуал) фаолият. Тадбиркорлик бошқа субъектларнинг топшириқларини бажаришга мослашган алоҳида ижрочилик фаолиятидан ҳар хил соҳаларда олиниши мумкин бўлган натижалардан энг янга ва яхшисига эришишга қаратилган ташаббускорлиги билан фарқ қилади.

Тор маънода - тадбиркорлик фаолияти фақат иқтисодий соҳанинг турли туман даражалари - оила хўжалигини юритишдан тортиб, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда хизматлар кўрсатишгача бўлган юмушлар билан боғлиқ .Демак, тадбиркорлик кенг фаолият турларини ўз ичига олади: янги маҳсулотни яратиш, янги технологияни ишлаб чиқиш, янги бозорларга кириб бориш, янги истеъмолчилар доирасини шакллантириш, ишлаб чиқаришга янги ресурсларни, маблағ билан таъминлаш манбалари ва шак-лларини жалб қилиш, ташкилий-бошқарув янгиликларини ўтказиш, янги кооперацион муносабатлар, шу жумладан, халқаро муносабатларни шакллантириш ва ҳоказо.

Тадбиркорлик фаолияти бозор иқтисодиёти мавжуд бўлган давлатлар иқтисодий ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади. Бундай давлатларда тадбиркорлик фаолияти иштирокчиларининг эркин фаолият кўрсатиш ҳуқуқлари тан олинади, шу туфайли, илгари фойдаланилмаган тижорат жиҳатидан самарали ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш ҳисобига миллий бойликни кўпайтиришга эришилади.

Тадбиркорлик вазифаси вужудга келган эҳтиёжга мувофиқ (ҳар доим ҳам аниқланавермаган эҳтиёжга мувофиқ, бу эса тадбиркорни ўз маҳсулоти ёки хизматларига талабни вужудга келтиришга мажбур қилади) янги таклиф (янги уйғунлик) орқали янги бозор яратилиши билан боғлиқ. Товар ишлаб чиқаришига хос ноаниқлик, янги талабга янги таклиф учун кафолат бўлмаган шароитларда таваккалчилик қилиш тадбиркорнинг мувофиқлаштириш вазифасидан ҳосилага айланади.

XX аср ўртасига келиб тадбиркорни инноватор сифатида тушуниш қарор топди. Инновация фаолияти тадбиркорликнинг асосий ва ажралмас белгиси деб эътироф этила бошланди, бу ҳол иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг янги ривожланиш даврига инновация ёки информация-индустриал (ахборот-саноат) даврига кириши билан боғлиқ эди. Бу давр ишлаб чиқаришни ривожлантиришга илмий-техника тараққиётининг қўшган ҳиссанинг устунлиги (сармоя ва ишчи кучи ошган ўсиш билан таққослаганда) ва ахборотнинг роли ошиб борганлиги билан ифодаланади. 2000 йилга келиб, АҚШ ва Япония каби мамлакатларда ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш, сақлаш ва тарқатиш билан банд бўлган ходимларнинг улуши бутун ишчи кучининг ярмини ташкил қилади.

Инновация фазаси (даври)нинг шаклланиши ривожланган давлатларда ташкилий-хўжалик новаторлиги билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг кўпайиши билан юз берди, бу эса кўлам жиҳатидан мисли кўрилмаган даражада янги корхоналарнлнг очилишига сабаб бўлди. Масалан, АҚШ ва Италияда 80-

йилларнинг ўрталаридан бошлаб ҳар йили тегишлича 600 минг ва 200 минг янги корхоналар ташкил қилинди.

Тадбиркорнинг яратувчанлик роли янги бозор яратиш билан, янги эҳтиёжлар ва янги ишлаб чиқаришларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ, бу тадбиркорлик фаолиятининг икки асосий шаклида намоён бўлади: ихтиролар ва янгиликларни иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш (илмий техникавий тадбиркорлик) ҳамда бозор новаторлиги (мавжуд маҳсулотни сотиш учун янги бозорлар очиш, янги хом ашё манбаларини топиш, арбитраж битимлари, яъни илгари сотиб олинган маҳсулотни бошқа бозорда қимматроқ нархда сотиш).

Шундай қилиб, мунтазам равишда янгиликларни амалга ошириш тадбиркорликнинг асосий объекти ва воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бу фаолият ёндашувнинг холислиги билан, ишлаб чиқариш жараёнлари мобайнида,хизматлар кўрсатиш сохасида, саноат ва бозорлар тузилишида, демографик вазиятдаги, шунингдек янги билимлар пайдо булиши натижасида вужудга келадиган ўзгаришлар ва имкониятларни излаб топишга қаратилганлиги билан ифодаланади. Самарали янгилик киритиш ҳар доим ҳам конкрет ижтимоий эҳтиёжни қондиради.

МАИШИЙ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА ХИЗМАТ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ

Болтаев Б.С. - СамДУ тадқиқотчиси

Аннотация: *Бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитидамаиший хизмат корхоналарида хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга эришиш зарурдир. Маиший хизмат соҳасида ишчи кучидан оқилона фойдаланиш истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга боғлиқ. Истеъмолчиларнинг маиший хизматдан қониқиш даражаси хизмат сифатини ва хизмат натижасига боғлиқ бўлган хулосалар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *маиший хизмат, хизмат кўрсатиш, хизмат сифати, маиший хизмат ходимлар, малакали кадрлар, хизмат кўрсатиш корхонаси рақобатбардошлиги, рақобатбардош кадрлар.*

Аннотация:*В условиях рыночной экономики повышение эффективности услуг на предприятиях бытового обслуживания является важной задачей. Рациональное использование рабочей силы зависит от повышение качества обслуживания населения. В данной статье разработаны рекомендации по повышению уровня удовлетворенности населения от бытового обслуживания.*

Ключевые слова:*бытовые услуги, сфера услуг, качество услуг, квалифицированные кадры, конкурентоспособность предприятий услуг, конкурентоспособные кадры.*

Abstract: *Improving the efficiency of services at public service enterprises is an important taskin a market economy. The rational use of labor depends on improving the quality of service to the population. Recommendations on improving the level of population satisfaction from household services are developed in this article.*

Keywords: *household services, services, quality of services, qualified personnel, competitiveness of service enterprises, competitive personnel.*

Инновацион ривожланиш шароитида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш инсоннинг кўп томонлама эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. Иқтисодий адабиётларда маиший хизматнинг уч тури ажратиб кўрсатилади:

– янги истеъмол қийматини яратиш билан боғлиқ хизматлар;

– илгари яратилган истеъмол қийматини қўллашга йўналтирилган хизматлар;

– истеъмол қийматини яратиш билан ёки қўллаш билан боғлиқ бўлмаган шахсий характердаги хизматлар1.

Шунингдек, маиший хизматлар бажариладиган иш турлари бўйича ҳам таснифлари мавжуд. Бу ҳолда маиший хизматнинг турли кўринишлари, ўз фаолиятининг фойдалилиги билан тармоққа гуруҳлаштирилади. Шунинг учун ҳам юқорида таъкидланган таснифлар бир-бирига зид келмайди.

Бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитида рақобатда енгиб чиқишнинг асосий омилларидан бири маиший хизмат корхоналарида хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга эришишдир. Бунга асосан, соҳада мавжуд иш кучидан оқилона фойдаланиш эвазига истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга мувофиқ бўлиш мумкин.

Истеъмолчининг маиший хизматдан қониқиш даражаси хизмат сифатини, унинг бажарилиши ва хизмат натижасига боғлиқ бўлади.

Хизмат сифати – бу истеъмолчининг белгиланган ва кўзда тутилаётган эҳтиёжларини қондирилишини таъминлайдиган жараён ва хизмат кўрсатиш шартномаларининг тавсифлари йиғиндисидир.

Хизматлар истеъмолчига хизматнинг бажарувчиси ва истеъмолчиси ўртасида тузиладиган пудрат шартномаси (моддий хизматлар учун) ва хизмат кўрсатиш шартномаси (ижтимоий ва моддий хизматлар учун) асосида тақдим қилинади. Хизматлар сифатига шартнома шартномаларга риоя қилиш (бажарилган ишлар номенклатураси, муддатлари, ишлар сифатига талблар) орқали баҳо бериш мумкин.

Барча тақдим этилаётган хизматлар норматив талабларга мос келиши лозим. Хизматлар бажарувчиси давлат стандартлари, технологик регламентлар, санитар, ёнғинга қарши қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган хизматлар сифати уларнинг ҳаёт, инсонлар соғлиғи, атроф-муҳит ва мулкка хатарсизлиги бўйича мажбурий талабларга риоя қилиши шарт.

Маиший хизматлар сифати уларнинг истеъмол хусусиятлари орқали аниқланади ва товарлар сифатига қараганда қийин категория бўлиб ҳисобланади, чунки истеъмолчи нафақат хизмат натижасини ўзлаштиради, балки қатор ҳолатларда уни кўрсатиш иштирокчиси бўлиб ҳам ҳисобланади. Ундан ташқари, кўпчилик товарлар андозада ва истеъмолнинг стандарт шартларига мўлжалланган ҳислбланади, хизматлар эса истеъмолчининг шахсий ҳолатини инобатга олган ҳолда, якка тартибда кўрсатилади.

Хизмат кўрсатиш хусусиятлари – бу хизматнинг объектив хусусиятларидир. У уни кўрсатиш ва истеъмолида (хизмат кўрсатишни амалга оширишда) намоён бўлади.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг хизмат кўрсатиш ходимлари фаолияти норматив ва техник ҳужжатлари, хизмат кўрсатишнинг қоидалари ва амалдаги йўриқномалари билан тартибга солинади.

Хизматлар сифатини қабул қилиш, истеъмолчиларнинг психологик хусусиятларига боғлиқ бўлади. Истеъмолчиларнинг шундай гуруҳлари мавжудки,

улар зарурий ахборотни қабул қилишга, хизмат кўрсатадиган ходимлар йўриқномаларига амал қилишга қодир эмаслар. Маиший хизмат кўрсатиш корхонаси хизматни шартнома шартларига таалуқли равишда бажаради. Хизмат сифати шартномада кўрсатилган сифатга мос келиши зарур.

Бизнинг фикримизча, маиший хизматлар сифатини оширишга бир қатор омиллар таъсир қилади. Бу омиллар қуйидагилардан иборат: маиший хизмат билан банд бўлган ходим меҳнатининг сифати; уларнинг етарли малака ва кўникмаларга эгалиги даражаси; маиший хизмат корхонасини жойлашган ўрни, уларнинг иш графиги, замонавий техника ва технологияларнинг мавжудлиги, жиҳозланганлиги ва бошқалар.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари иш сифати ва самарадорлигини ошириш:

–хизматларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

–аҳоли эҳтиёжларини тўлиқроқ ҳисобга олиш;

–соҳадаги неготив ҳолатларни (хуфия фаолиятини) олдини олиш;

–маиший хизматни ижтимоий аҳамиятини ошириш;

–маиший хизмат соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш;

–соҳада янги ташкилий тузилмаларни шаклланишига олиб келади.

Маиший хизмат соҳасида ходимлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашнинг мзмунини хизмат кўрсатиш сифатини ошириш билан боғлиқ унинг таркибий элементлари ва йўналишлари билан белгиланади. Корхона фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш икки йўналишда: меҳнатнинг буюмли элементларини ташкил этиш ҳамда меҳнатнинг шахсга оид элементларини ташкил этиш асосида амалга оширилади.

Ўз навбатида маиший хизмат кўрсатиш хордимлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш элементлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– тузилмавий бўлинма доирасида хизмат турларига қараб меҳнатни операцион ва функционал тақсимлаш;

– иш жойларини замонавий тартибда ташкил этиш;

– хизмат кўрсатиш меъёрларини ишлаб чиқиш;

– хизмат кўрсатиш шароитларини яратиш;

– соҳага оид ходимларни танлаш, тайёрлаш ва малакасини ошириш;

– меҳнатни моддий рағбатлантириш;

– ижтимоий меҳнат муносабатларини ташкил этиш ва такомиллаштириш;

– хизмат кўрсатишида юқори касбий кўникма ва маданий савияни таъминлаш;

– хизмат кўрсатишда интизом.

Маиший хизмат кўрсатишда меҳнат фаолиятни ташкилий жиҳатдан таъминлаш хизмат кўрсатиш жараё нини ташкил этиш, яъни аниқ иш турини бажаришда қўлланиладиган усулларни белгилаб олишин назарда тутади. Хизмат кўрсатиш жараёнларини ўрганиб чиқиш ва уни амалга оширишга қанча иш вақти сарфлаши зарурлигини аниқлаш энг яхши иш усулларини танлаш, иш жойларини оқилона тақсимлаш имконини беради ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш меъёрини белгилайди.

Республикамизда ҳозирги пайтда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб бориши ва бунинг натижаси улароқ мазкур соҳада меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши кадрларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, уларни сифат жиҳатдан такомиллаштиришини зарурат этмоқда. Бозор иқтисодиёти ривожланиши

шароитида эса малакали ишчи-кадрлар тайёрлаш, меҳнат салоҳиятини, сифат кўрсаткичларини жаҳон талабларига кўтариш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида хизмат кўрсатиш сифатини оширишининг асосий омили бўлиб, ходимларнинг малака даражаси ва касбий маҳорати ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, маиший хизмат корхонасининг ходимлар билан таъминланганлиги унинг сифат таркибини ўзгариш асосида амалга оширилади.

Сифат жиҳатдан талаб, яъни категориялар касб, мутахассислик, ходимлар малакаси даражаси бўйича талаб қуйидагиларга асосланган ҳолда таҳлил қилинади:

– иш жараёнига хизмат кўрсатиш технологик ҳужжатларда қайд қилинган ишларни касб-малакага бўлиш;

– лавозимлар таркиби, белгиланган корхона ёки унинг бўлимлари, штатлар рўйхати;

– ижрочилар таркибининг касб-малака бўйича талаблар ажратиб кўрсатилган турли ташкилий, бошқарув жараёнларини аниқ белгилайдиган ҳужжатлар.

Ходимларнинг сифат таркибини таҳлил қилиш кадрларга бўлган сон ва сифат эҳтиёжларини олдиндан билиш ва мавжуд таркибий талабларга тўғри келиши учун тадбирлар белгилаш (танлаш, ишга қабул қилиш, тайёрлаш, мослашиш, малакасини ошириш, горизантал ва вертикал жойлаштириш, ишдан бўшатиш ва ҳоказо), ходимни ўқитиш ва малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқариш учун керак.

Юқори техник доирадаги рақобатбардош хизмат кўрсатиш учун ходимлар сони уларнинг малакаси бўйича хизмат кўрсатиш сифатини ошириш талабларига мос келиши зарур.

Шунинг учун маиший хизмат кўрсатиш корхонасида меҳнат фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш ходим самарали фаолиятининг ташкилий жиҳатдан таъминлаш ходим самарали фаолиятининг қатор умумй тамойилларига асосланади ва кўп жиҳатдан техника-технология ва меҳнат буюмларининг ривожланиш даражаси, корхона миқёси, ташкилий тузилма ва ҳоказолар билан белгиланади.

Бизнинг фикримизча, бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

– илмийлик – ходимнинг хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этишда фаннинг сўнги ютуқларидан фойдаланиш;

– комплекслилик – ходимлар фаолиятини ташкил этишни унинг барча йўналишлари бўйича ва барча ходимларга нисбатан комплекс тарзда такомиллаштириш;

– узлуксизлик – ходимлар фаолиятини ташкил этиш техникавий тараққиётга эришиши ва хизмат кўрсатишнинг ўзгарувчан шароитларига мос келиши;

– меъёрилик – ходимлар фаолиятини ташкил этиш ишлари уларнинг айрим томонларини тартибга соладиган муайян меъёрий негиз асосида амалга оширилиши;

– тежамкорлик – камроқ сарф-харажат қилиб, кўпроқ натижаларга эришиш.

Шундай қилиб ходимлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш ходимларни самарали бошқариш борасида бринчи даражали вазифа бўлиб, ҳозирги вақтда ушбу масалаларга жиддий эътибор берадиган, юқори хтзмат кўрсатиш сифатига эришиш ва соҳада меҳнат унумдорлигини ошириш усулларини яхши ўзлаштирган раҳбар ва мутахассис кадрларга талаб оритб бомоқда.

Бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитида хизматлар сифати уларни истеъмол хусусиятлари орқали аниқланар экан, хизматлар ва хизматларнинг кўрсаткичлари сифати хизмат кўрсатиш сифатини аниқловчи мезонлар ва кўрсаткичлар билан аниқланади.

Бизнингча, хизмат кўрсатиш сифатнинг барча ташкилий, ижтимоий ва иқтисодий ҳолатлари қуйидаги мезонларга ўз аксини топади:

– маиший хизмат кўрсатиш ҳажмининг натижадорлиги;
– мутахассис кадрларнинг сифат таркибини ошириш;
– маиший хизматга бўлган истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш;
– истеъмолчиларга хизмат қилиш муддатини оптимал равишда қисқартириш ва рентабиллигини ошириш;
– хизмат кўрсатиш сифатини назорат қилиш усулларини такомиллаштириш.

Хизмат кўрсатиш сифати кўрсаткичлари қуйидагаларда фойдаланилади:

– стандартлар ва техник регламентларда ўхшаш хизматлар гуруҳлари, хизматлар кўрсатиш жараёнлари, сервис корхоналари, ходимлари ва сифатни бошқариш бўйича кўрсаткичлари номенклатурасини шакллантиришда;
– хизматларга таълуқли ўлчаш (назорат, бошқариш) параметри ва уларнинг метрологик таъминлиенганлигининг таълуқлилиги бошқариш бўйича қоида ва таклифларни ишлаб чиқшда;
– хизмат натидаларини қадоқлаш, ўраш, юклаш – тушириш ва сақлаш қоидаларини ишлаб чиқишда;
– хизмат натижалари ва хизмат кўрсатиш жараёнига экспулуатация, таъминлаш, рекламациялар тақдим қилиш қоидаларини ишлаб чиқишда.

Сифат кўрсаткичларининг асосий функцияси бўлиб, хизматлар сифатини, корхона ходимларининг хизмат кўрсатиши, иши ва фаолият натижаларини назорат қилиш ҳисобланади. Сифат кўрсаткичлари асосида сифатни назорат қилиш ва баҳолаш амалга оширилади.

Хизматлар сифати даражасига баҳо беришда хизматлар баҳоси, уни яратиш ва тақдим этиш ҳаракатлари каби иқтисодий кўрсаткичларни ҳам инобатга олиш лозим.

Маиший хизмат кўрсатиш корхонаси рақобатбардошлигини ошириш хизмат сифатини ошириш бўйича чора-тадбирларга боғлиқ бўлади. Хизмат кўрсатиш стандартларига истеъмол талаблари доимо ошиб бормоқда ва шу сабабли хизматларнинг юқори сифатига эришиш иқтисодиётни диверсификациялаш жараёнида маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг асосий вазифаси бўлиб келмоқда.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

С.И.Самиев, Қарши м-и и“Ишлаб чиқаришда бухгалтерия ҳисоби”
Кафедрасикатта ўқитувчиси

Аннотация: *Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини ошириш бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти олдида турган муҳим масалалардан биридир.*

Таянч сўзлар. *Диверсификациялаш, бозор сегменти, институционал, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, хизматлар соҳаси, хизмат кўрсатиш, ялпи ички*

маҳсулот, экспорт, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, маиший хизмат.

Аннотация: *Одной из основных задач на сегодняшний день стоящих перед экономикой государства является увеличение результативности субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства в сфере услуг.*

Ключевые слова: *диверсификация, сегмент рынка, производственная инфраструктура, сфера услуг, экспорт, малый бизнес, частное предпринимательство, семейное предпринимательство.*

Annotation: *Nowadays, one of the most important matters which stands in front of our country's economy is expanding the effectiveness o small business and private entrepreneurship subjects.*

Keywords: *diversification, market segment, production infrastructure, export, small business, private entrepreneurship, family business.*

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ва туб ўзгаришлардан кўзланган бош мақсад – ижтимоий адолат ўрнатиш ва аҳоли турмуш даражасини узлуксиз тарзда оширишдан иборат. Ушбу мақсадни амалга оширишда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари (саноат, кишлоқ хўжалиги, қурилиш) билан бир қаторда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқлар бартараф этилиб, қулай тадбиркорлик муҳити, жаҳон андозаларига мос келадиган ҳуқуқий база, унга хизмат қиладиган бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси барпо этилиб, аҳолининг тадбиркорликка муносабати кескин ижобий томонга ўзгарди, унинг аҳамияти ва иқтисодиётдаги ўрни тўғрисида фуқароларда тўғри тасаввур шаклланди.

Тадбиркорлик фаолиятига асосланган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг институционал асосларини мустаҳкамлаш ва мазкур соҳани қишлоқ жойларида ривожлантириш мақсадида 2016 йил 26 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги 55-сонли қарори қабул қилиниши бу борадаги ишларни жадаллаштириб юборди. Мазкур қарорда хизматлар соҳаси корхоналари фаолиятини балансли ривожлантириш ва диверсификациялашни таъминлаш, улар кўрсатадиган хизматларнинг рақобатбардошлилиги ва сифатини ошириш белгиланган бўлиб, қарорга мувофиқ 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини, шунингдек, қишлоқ жойларида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари, хизматлар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари комплекси ҳамда хизматлар соҳасини ривожлантиришга тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг прогноз ҳажмлари белгиланди.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг асосий қисмини хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари эгалламоқда. Уларнинг улуши ялпи ички маҳсулотда иқтисодиётда банд бўлганларнинг таркибида давлат бюджетига тўланадиган солиқларда, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари билан тўлдиришда, янги иш ўринларини яратиш каби энг муҳим масалаларда муттасил ошиб бормоқда ва келажакда хам бу жараённинг давом этиши табиий. Бунга ўзидан эришиб бўлмайди. Ҳозирги пайтда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг сонини кўпайтириш билан биргаликда фаолият кўрсатаётганларнинг самарадорлигини

ошириш хам муҳим аҳамиятга эга бўлмокда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожлантириш заруриятга айланди чунки мазкур соҳани ривожлантириш нафақат иқтисодий балки муҳим ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш комплекс дастури мезонининг мураккаблиги унинг мақсадлари ва ресурсларини тавсифловчи кўрсаткичлар зарурлигини тақозо этади. Бизнинг фикримизча, республикада хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг замонавий тармоқлари сингари ривожланиб бораётган соҳадир.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ҳам ижтимоий ҳам иқтисодий соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ва улар учун янада қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур ислоҳотларда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ. Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, бозор сегментига тез мослашувчанлиги, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган молиявий маблағлар ҳисобига натижага эришиш кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёслигини кўрсатади. Шу сабабдан, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тез суръатларда ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан узвий боғликдир.

Хулоса қилиб айтганда халқимизга тадбиркорлик учун яратилган кенг имкониятлар, шарт-шароитлар маҳсули ўлароқ, бугунги кунда нафақат, шаҳарларимизда, балқи қишлоқ жойларда ҳам аҳоли бундан унумли фойдаланиб, ўз оиласи, қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари турмушининг ободлиги учун меҳнат қилмоқда. Бу эса мамлакатимизда кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ривожи янада равнақ топиши, оқибатда турмушимиз кундан кун фаровон бўлишидан далолатдир.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

З.Ш. Сувонов СамИСИ асс.

Аннотация: *Мазкур мақолада интелектуал салоҳиятли авлодни тарбиялаш ва вояга етказишда тўғри овқатланишнинг аҳамияти ёритилган. Унда инсон рациони учун зарур бўладиган овқатланиш тамойиллари, қоидалари, режими ва шарт-шароитлари атрофлича кўриб чиқилган.*

В данной статье освещен значение правильного питания в воспитании и подрастании интеллектуального поколения. В статье подробно рассматривается необходимая для рациона человека принципы, правила, режимы и условия питания.

This article highlights the importance of proper nutrition in the upbringing and growth of the intellectual generation. The article details the principles, rules, regimes and nutritional conditions necessary for a person's diet.

***Калит сўзлар**: инноватор, модел, витаминлар, минерал модда, соғлиқни сақлаш қуввати, рацион.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришни аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб берди.[4]

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, интеллектул салоҳиятли, баркамол ва замонавий дунёқарашга, ватанимиз тақдири ва келажагини қурадиган ёшларни тарбиялаш асосий мақсадимиз ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар ривожланиш моделида илмий ғоялар ва илмий технологиялар яратадиган ҳамда инноватор кадрларни тарбиялашга кенг эътибор қаратмоқдалар.

Бу борада Ўзбекистоннинг тараққиёт моделида илм-фан ва таълимга

(замонавий билимларга таянган инновацион жамият), соғлиқни сақлашга

(она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш), оилага (интеллектуал салоҳиятли инсонларни шакллантиради) алоҳида эътибор қаратилган. Зеро эртанги кунимиз эгалари келажак авлодни тарбиялаш, шу билан биргаликда иқтидорли ёшларни ижодкор салоҳиятли бўлиб тарбия топиши тараққиётимиз омили оила, ўқитувчи-мураббийлар ҳамда шифокорларимизга боғлиқдир. Ҳар қандай ота-она келажакда фарзандларини жамиатда ўз ўрнини топадиган яхши инсон бўлишини истайди, устозлар эса бу йўлда тўғри сабоқ бериши унга аждодлар тажрибаси ва дунёда эришилаётган билимларни моҳирона ёш авлодга етказиб бериш, шифокорлар эса ўсиб келаётган боланинг организми тўғри ривожланиши ва унинг мия фаолиятини ва қобилиятини тўғри ривожлантириш учун унга зарур бўлган истеъмолимиздаги озиқ-овқат моддалари таркибида учрайдиган турли витаминлар ва минерал моддаларга бой маҳсулотларни овқатланиш рационига ҳар битта бола учун алоҳида киритилишини тавсия этишлари зарур. Чунки ўсиб келаётган ёш авлоднинг организмида турли даврларда турли хил моддаларга эҳтиёж сезади. Бу моддалар боланинг жисмоний ва ақлий ривожланишида мухим ҳисобланади.

Шу билан биргаликда ижтимоий сохани ривожлантириш айниқса таълим соҳасидаги ислоҳатлар дунё тажрибасида Ўзбекистон эсда қоларли даражада ривожланиш босқичида бормоқда. Чунки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда эртанги куни ўсиб келаётган ёшларнинг интелектуал салоҳиятига боғлиқ. Давлатимиз мустақиллика эришган кундан бошлаб таълим соҳасини ривожлантириш борасида бир нечта қонунлар, давлат дастурлари ислоҳатлар амалга оширилди ва бунинг натижасида бугунги ёшлар дунё миқёсида турли соҳалар бўйича уюштирилган танлов ва спорт мусобоқаларида нуфузли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

[4] *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.*

Рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва баркамол авлодни тарбиялаш учун нафақат маънавий, ахлоқий, иқтисодий билимларга эга бўлиши жисмонан соғлом мухтасар айтганда интелектуал салоҳиятли бўлиб ўсишида тўғри овқатланишни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоботларида кўрсатилишича, ҳозирда ер юзи аҳолисининг 1 миллиарддан кўпроқ қисми оч қолмоқда, кам даромадли давлатларда 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг 49% қониқарсиз озиқланиш сабабли юз бермоқда, беш ёшгача бўлган болаларнинг 6 миллиондан ортиғи тўйиб овқат емасликдан нобуд бўлмоқда. Керакли даражада тўйиб овқатланмаслик ҳоллари нафақат ривожланаётган мамлакатлардаги оч-яланғоч қашшоқ одамлар орасида балки ривожланган мамлакатлардаги ўзига тинч моддий жиҳатдан яхши таъминланган инсонларда ҳам кузатилмоқда. Ваҳолангки инсон танаси, ёши, жинси, фаолият тури, фунционал ҳолати ҳамда иқлим шароитларига кўра унга асосий озиқ моддалар, оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минераллар ҳамда витаминларнинг аниқ миқдорини билиши жуда ҳам зарур. Шундагина инсондаги физиологик жараёнлар меъёрида бўлади, яхши яшайди, серунум меҳнат қилади.

Шунинг учун ҳар бир ёш авлодни вояга етказишда унинг тўғри овқатланишини ташкил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тўғри овқатланиш ташкил этиш учун бир қанча қоидаларга амал қилиш зарур яъни булар қуйидагилар ҳисобланади.

Овқатланиш жараёнида қувват мутаносиблигига эътибор қаратиш лозим яъни организм истеъмол қилаётган таомлар энергия миқдорининг умумий сарф қилинаётган энергия миқдорига мос келиши тушунилади. Кунлик энергия сарфланиши организмдаги асосий моддалар алмашинуви, овқат ҳазм бўлиши, сўрилиши лозим бўлган қувват, инсон фаолияти учун сарфланадиган ва шунингдек кутилмаган ҳолатлар захиралари жамғармаларини ташкил этади.

Овқатланишнинг кейинги қоидалардан бири **рацион таркибидаги озиқа моддаларининг муттаносиблигидир**. Инсон оргазими учун озуқа моддалари нафақат қувват манбаи, балки пластик моддалар ва оргазимнинг соғлом фаолияти учун биологик фаол моддалар манбаи ҳам ҳисобланади. Яъни организмда моддалар алмашинуви, ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ҳамма моддалар, шу жумладан гармонлар ҳам озуқа моддалари ҳисобига ҳосил бўлади. Шу сабабли озиқ-моддалари организм учун энг қулай ва юқори биологик таъсирини кўрсатадиган ҳолатда, яъни маълум бир нисбатларда истеъмол қилиниши керак. Бу борада тўпланган физиологик олимларнинг маълумотларига кўра, кунлик рацион таркибидаги озуқа моддалари, яъни оқсил, ёғ, ва углеводларнинг муносабати мос равишда 1:1:5 нисбатда бўлиши керак .

Рационал овқатланишнинг мухим қоидалардан яна бири **овқатланиш тартибига риоя қилиш** ҳисобланади. Унда нонушта тушлик кечки овқатларнинг қувватлилиги ва маълум бир пайтда истеъмол қилиниши кўзда тутилади. Галактикамиздаги қўёш ва унинг атрофидани сайёралар ҳарактланиши аниқ бир қонуниятга бўйсингани каби инсон организми озиқланиши ҳам кечиктириб бўлмас қонуниятга бўйсинади. Овқат ҳар куни маълум бир пайтда истеъмол қилинганда меъда ичак шираси етарли даражада ажралади ва яхши ҳазм бўлади. Овқатланиш тартибининг бузилиши бу жараёнларни бузибгина қолмай балки турли хасталикларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Пала-партиш овқатланиш эса оргазимда моддалар бузилишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида тана вазнини

ортиб кетиши ва қонда холестерин моддасини миқдорини ошиб кетишига сабаб бўлади. Рационал овқатланиш тартибига кўра кунига уч махал овқатланганда нонушта, кунлик овқат, қувватлилигининг 25-30%ни, тушлик 45-50%ни кечки овқат 25-30%ни ташкил қилиши лозим

Болалар ва ўсмирлар рационал овқатланиш қоидаларидан бири **овқатлар хилма-хиллигидир.** Овқатланиш жараёнида озиқ-овқат маҳсулотлари таркиби хилма-хил бўлганда организмнинг барча моддаларга бўлган эҳтиёжи қондирилади ва шу билан бир қаторда организмга овқат орқали тушадиган зарарли моддаларнинг тўпланишини олдини олинади.

Интеллектуал авлодни тарбиялашда тўғри овқатланишни ташкил этишга аҳамият қаратиш муҳим ҳисобланади зероки ёш авлодни соғлом ва баркамол бўлиши ҳамда интеллектуал кадр бўлиб етишиши учун унга зарур бўлган турли витаминлар ва моддаларга бой маҳсулотларни тўғри танновул қилишни ташкил этиш асос бўлиб хизмат қилади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИЖТИМОИЙ ҲАМЖИҲАТЛИК ОМИЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тагиева Г.Г.СамДУ ўқитувчиси

Аннотация: *Мазкур “Хизмат кўрсатиш соҳасида ижтимоий ҳамжиҳатлик омилларини такомиллаштириш” мавзусидаги мақолада ҳозирги кунда жамият ҳаётининг ижтимоий ҳамжиҳатлик масалалари илмий-тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилди. Шунингдек, хориж олимларининг тадқиқотлари ўрганилиб, унинг долзарб масалалари аниқланди.*

Калит сўзлар: *ижтимоий ҳамжиҳатлик, шахс эркинлиги, жамият, маданият, муаммо, ахлоқий баҳолаш, ақлий ривожланиш, ижтимоий ирода, умумий қадриятлар.*

Аннотация: *В данной статье на тему “Совершенствование факторов социальной солидарности в сфере услуг” рассматриваются современные вопросы социальной солидарности общества как объекта научного исследования. А также изучены и определены актуальные вопросы исследований зарубежных ученых.*

Ключевые слова: *социальная солидарность, свобода личности, общество, культура, проблемы, нравственная оценка, умственное развитие,общественная воля, общечеловеческие ценности.*

Resume:*This article «Improvement of social solidarity in the service sector» explores current issues of social solidarity of society as an object of scientific study. As well studied and identified relevant research questions of foreign scientists.*

Keywords: *social solidarity, the liberty to personalities, society, culture, problems, moral estimation, mental development, public will, общечеловеческие of value.*

Инсонлар жамиятда қарама-қарши туйғуларни хис қилиб яшашлари учун атрофидагилар билан мулоқотга мухтож бўладилар. Инсон мулоқот орқали ўзининг ижтимоийлиги ва инсонийлигини англайди. Жамиятдаги қарама-қарши туйғулар туфайли инсон доимо ақлий ва ижодий ривожланишини, ҳамжиҳатлигини чеклайдиган қийинчиликларга дуч келади. Ҳар бир жамиятда ўз меъёрлари, қоидалари билан аниқ белгиланган тартиб бўлганлиги сабабли, мазкур жамиятда яшайдиган ҳар бир киши ушбу талаблар ва ўз мустақиллиги борасида мунтазам изланади. Шу сабабли, ижтимоий ва шахсий муносабат жуда муҳим ҳисобланиб,

бир хил мақсад ва қизиқишлар жамоасида бўлиш, умумий ижтимоий ирода ва умумий қадриятлар унинг кетма-кетлигини ташкил қилади.

Ижтимоий ҳамжиҳатлик деб, биринчидан жамият ҳаёти анъанавий маданий асослари билан ижтимоий-сиёсий институтларнинг интеграциясини тушуниш керак. Бундан ташқари, баркамол ижтимоий ҳамжиҳатлик жамиятни турли соҳалари (сиёсий, иқтисодий, мафкуравий, маданий ва ҳок.) жамият ҳаётида ва инсонни жамият ичида ижобий шаклланиши жараёнида тенг иштирок этадилар. Ушбу соҳалар бирор бир соҳа устида хукмронлик қилиши ёки кескин таъсир этиши мумкин эмас. Ва ниҳоят, ҳамжиҳатлилик баркамол бўлиши жамиятни кўпчилик аъзосини доимий ва онгли, аста-секинлик билан, кайфиятига қараб ижтимоий-сиёсий институтларни босқичма-босқич ўзгариши керак.

Ўзбекистон тараққиётининг жамият бирлашуви ва бирлилигини талаб этадиган оғир шароитлари, доимий равишда турли гуруҳлар, табақалар, ташкилотлар ўртасида шундай бир ўзаро муносабат изланишни талаб қилганки, улар орасида онгли келишув бўлиши, яъни ҳар бир жамият гуруҳи мавжуд бўлиши учун кафолатланган шароитлар бўлиши билан бирга ушбу жамиятлар ичидаги хуқуқ ва эркинликларни меъёрда чекланиши зарурати ҳамда ўзларини маънавий ва функционал асосларини асрайдиган ички манфаатларини сақлайдиган шароитни талаб қилган. Ушбу муаммо долзарблиги қийинчилик вақтида намоён бўлиб, умумий ижтимоий-маданий ғоя йўқлиги ҳамда мафкураларни қарама-қаршилиги билан бирга турли жамият гуруҳлари ўртасидаги манфаатлардаги кескин фарқ ижтимоий организмни тўлиқ йўқ қилиши мумкинлигига олиб келиши мумкинлигида ўз аксини топган.

Тўғрироғи, ушбу даврда, шахсий ва маҳаллий гуруҳбозлик ва уюшган умумий манфаатлар, жамиятни бирлаштирадиган ғояни ва у билан бирга жамиятни мустаҳкамлайдиган сиёсий ва мафкуравий қоидаларни йўқ қилиши мумкинлигини ҳис этган. А.С. Ахиезер ёзишича, - “Локал кучлар авторитаризмни йўқ қилган ва вақтинчалик ухлаган қадриятлар бир бири билан очиқ низога дуч келган”[5]. Тадқиқот муаллифи кўрсатиб бермоқчиким, давлат ҳаётини шундай бир оғир босқичидан сўнг жамиятни уйғунлаштириш, ягона яхлитликка унинг бўлинган қисмларини бирлаштириш биринчи масалага айланган: “Эрта идеални жамиятнинг умумий розилиги билан янги идеал деб номлаш, ўзида жамиятни турли қатламларини бирлаштиришдир. Унинг ғояси **ҳалқ бурчи – подшохнинг иродасига итоат қилиш, подшохнинг бурчи эса – халқни эшитиш**”[6]. Ушбу ҳолатда воқеаларни универсал тизим билан таққослаб, табиатда, космосда ва макродунёда, маълум бир тизимни тикланишида қарама-қарши бўлган асослар тез-тез ўзини намоён қилиб бир-бирига ҳаракатланишини таъкидлаган. Бу ерда, ижтимоий ҳаётда, ўзига қарама-қарши бўлган асослар, ижтимоий хукмронлик қиладиган ва ижтимоий хукмронлик остида бўлган асослар бир бири билан яқин алоқада бўлган. Парчаланиш жараёнида низо ҳолатида бўлиб, тиклаш жараёнида эса улар ўзаро манфаатли муносабатга келган.

Барчани бирлаштирувчи олий ирода муҳимлиги ҳамда яқинда тарқоқ бўлган жамиятни турли табақаларининг муросаси ва тотувлиги ғояси ёркинроқ ва ифодалироқ тикланди ва ривожланди. Жамиятдаги икки мазкур тамойил осойишта

[5]Ахиезер А.С. Россия: критика исторического опқта. Новосибирск. 1999. 2-қ. 1 қисм. 127 б.
[6]Ахиезер А.С. Россия: критика исторического опқта. Новосибирск. 1999. 2-қ. 1 қисм. 131 б.

жамият идеалини илгари суришда ва амалга оширишда асос бўлди. Ушбу тамойилни илгари суришга Ўзбекистон жамиятини ижтимоий тизимини тез суратда парчаланиб кетиши ва нисбатан тез суръатда қайта тиклашга кўмаклашди.

Агар парчаланиш ва қайта тикланиш жараёнларини табиат ва коинотдаги тегишли жараёнлар билан таққосласа, бу ерда макродунёни таркибий элементлари бўлган радикалларга эътибор бериш лозим. Е.В. Ушаковни таъкидлашича, улар тизимнинг ўз-ўзидан фаол парчалари бўлиб, ўз-ўзидан парчаланишида таркибий қисмлар ва оналик тизимни сифатларини йўқотиши натижасида таркибий яхлит фаол тизим даражасигача қайта тикланмайдилар[7]. Биз кузатаётган жамият ривожида, ижтимоий тизим парчаланиши ва тикланиши билан боғлиқ жараёнлар ижтимоий парчаланиш тез тенденцияларида ҳамда жамият борлиғининг "инсон - жамият" ва "инсон - давлат" даражаларида тез суръатда ижтимоий ҳамжиҳатликни ўрнатилишида ўз аксини топади. Лекин нисбатан узоқ вақт давомида бўлмайдиган инқирозлар умумий ижтимоий ҳамжиҳатликка кўмаклашгани ижобий ҳол бўлса, мазкур инқирозларни кўплиги йўқолган тизимли ижтимоий тузилмалар тўлиқ қайта тикланишига керакли вақтни ажратилишига тўсиқ бўлгани салбий ҳолатдир.

Умумхалқ йиғинларида жамият ҳаётининг муҳим масалалари ва ҳуқуқ билан хокимиятнинг бузилган институтларини қайта тиклаш масалалари мухокама этилган. Унда турли табақа ва қатлам вакилларини иштирокини инобатга олиб, улар ўртасида мурасоли келишувга келиш уринишларни излаб у орқали жамият ташқи ва ички хавфсизлигига эришиш, унинг аста секин емирилиб кетиши ва халокатга учрашини олдини олишга эришган. Биринчи маротаба қатъиян ўрнатилган қонуний тартиб доимийлигига эришиш кераклиги англаб олинган. Лекин хуқуқ, жамият тузилишини тартибга солишнинг универсал ва камчиликсиз воситаси сифатида қабул қилинмаган. Хуқуқ фақат жамиятни янгиланишга йўл ва уни бутун жамият билан боғланишини бирламчи шарти бўлган. Хуқуқ жамият хаётини "ўрта" бошланиши, уни пойлаш имконига эга, аммо фақат инсонлар муросага келиб, кейинчалик ўзларининг умумий мақсадларини англашлари учун керак бўлган ходиса сифатида тушунилган. Умумий мақсадлар эса, нафақат муросага келтириш балким йиғиш, бирлаштириш имкониятига эга маълум бир юксак идеал билан боғлиқ бўлишлари мумкин бўлган.

С.М. Соловьев таъкидлашича, тепага чиқаётган хокимият айрим алоҳида гуруҳ ва табақаларнинг уюшган ва маданий онгини вайрон қилган, ўрин олган ўзбошимчалик эса куч ва нуфуз хуқуқига нисбатан улар томонидан ҳурмат уйғотган: "ўзининг ички ҳамжиҳатлилиги, умумий мақсадларни англаши, ўзининг хуқуқи, бир бирига маълум бир муносатга эга бўлган ижтимоий қатламлар рўёбга чиқмаган ... Барча муносабатлар шахсий кучда асосланган: инсон ўзидан устунига бўйсиниб, ўзидан заифроқни устидан ҳукмронлик қилган"[8].

Лекин табақа-уюшган онгнинг вайрон бўлиши ижтимоий муносабатларда ижобий интилишни юзага келишига ҳам асос бўлган: Ғарбдан фарқли, қаерда ҳар бир ижтимоий гуруҳ ўзининг функционал вазифасини ва ментал ва маънавий моҳиятини билиб лекин бошқа жамиятдаги гуруҳларга нисбатан ёпиқ бўлган бўлса, Ўзбекистонда, аслида олганда, бир биридан кескин равишда фарқ қилган ва бегоналашган жамоалар деярли мавжуд бўлмаган.

---

[7]Ушакова Е.В. Системная философия и системнфилософская научная картина мира на рубеже третьего тысячелетия. 3 қисмда. Қ. 2. Барнаул, 1998. 149 б.

[8]Соловьев С.М. Публичные чтения о Петре Великом. М., 1984. 63 б.

Уюшган бегоналашув шароитида, Ғарбдаги ижтимоий бахслар ва келишмовчиликлар кўпинча сиёсий ва маъмурий йўл орқали ҳал этилган. Бу ерда инглиз парламенти эрта шаклланишини, Европада шаҳар кенгашлари ва магистратлари сонининг кўплиги, кўп чиқарган фармон ва хужжатларда (мисол, машҳар хартиялар) у ёки бу ижтимоий уюшмани хуқуқ ва мажбуриятлари доимий равишда аниқланганини бу ерда мисол қилиш мумкин. Объектив-функционал механизмлар орқали жиддий табақа ва қатламлараро зиддиятларни узоқ вақтга барҳам беришига қарамасдан, европа жамиятида кўп ҳолларда узвий бирлилик ва якдиллик мавжуд бўлмаган.

Ўзбекистонда эса, ижтимоий-сиёсий хаётнинг кундалик қийинчиликларига, доимий равишда вужудга келган ички ва ташқи сиёсий экстраординар муаммоларига қарамасдан, жамиятнинг узвий ҳамжиҳатлилиги пайдо бўлишида қатор ижобий омиллар юзага келган. Ва уларнинг пайдо бўлишида уюшган чекланишнинг йўқлиги яхши имконият бўлган. Шу билан бирга, Ўзбекистон жамиятида ҳам, ижтимоий бирлашувни бўлишига тўсиқ бўлган нарсалар ҳам мавжуд бўлган. Кўплаб этник ва маданий элементлар ичида уларни умумий аксиологик йўналишини топиш доимий ва муҳим муаммо бўлиб келган. Ўзбекистондай давлат йўққи, у ерда шундай кўп ҳалқлар, маданиятлар, динлар ва маънавий йўналишлар бўлса.

Ижтимоий ҳамжиҳатликка тўсиқ бўладиган бир қатор омилларга қарамасдан, узвий тузилишга интилиш асосий ва етакчи маънавий пойдеворни топиш ҳамда барча жамиятдаги элементларини, уларни хусусий ва вақт жиҳатидан давомийлигига қарамасдан гуруҳлар манфаатларида намоён бўладиган якдиллик тамойилини кенгайтириш намоён бўлган.

Жамиятдаги хаётнинг устуворлари – ижтимоий макондаги шароитнинг кўп вақт давомида шаклланиб тана ва қонга аста секин сингиб кетганлиги. Таъкидлаймизким, ғарбдаги яшаш тарзнинг геосиёсий характери нафақат хусусийликни биринчиларга қўйишга, балким у билан шахсни камол топишини, уни тўлалигигача маънавий ва аҳлоқий ривожланишини боғлаган. Жамиятни ташқи ва ички жойлашуви инсонни чегараланган борлигига қарамасдан хавф-хатар хиссини уйғотмасдан, шахсий ҳаёт унинг, умумижтимоий ҳаётини англагандан сўнг, сифатан янги босқич эканлиги ҳақида тасаввурини уйғотган. Европа ушбу дунёқараши Гегелда яққол акс эттирилган: “Аҳлоқда барча иш инсонни шахсий манфаатидадир, ва инсонни юксак мазмуни ҳам ўзини абсолют сифатида англаши ва таъриф беришидадир. Маърифатсиз инсон кучига ва табиатни тайинликларига бўйсинади, болалар эса маънавий эркинликка эга эмаслар ва улар ўз ота-оналари билан маслаҳатлашишади; аммо маърифатли, ичидан шаклланган инсон барча қилмишида ўзлигини намоён этишни хохлайди”[9].

Бундай дунёқараш индивид мустақил моҳияти ва унинг ҳаётини бошқа соҳаларига қарамасдан мустақил ривожи хақидаги масалани биринчи ўринга қўйган. Узоқ вақт давомида ва турли омиллар таъсирида шаклланган ушбу дунёқарашга ахлоқий баҳо бериш қийин. Турли ҳолатда, Ўзбекистонда яшаш тарзи ва ундаги шароитлар учун, бундай дунёқарашни жорий қилиниши, ижтимоий ҳаётни шахсий томондан ўзгартириш мумкин эмас эди. Бунда ижтимоий ҳаёт тимсолини ўзи қанақа бўлиши мумкин деган масала турган.

[9]Гегель Г. Философия права. М., 1990. 155 б.

Ҳар қандай жамият ўзининг ўтмишида маънавий ва функционал яшашини пойдеворини, ўзини англанган ва кетма-кет тарихий дастурини маълум “мағзини” топишга, хаётини бош устуворларини яққол кўришга интилади.

Жамиятни ичида турли эркинликларни излаш билан боғланган ва бошқа сохалар билан нисбатан қадрсиз бўлмаган ҳаётни диний англаш, доимий равишда жамият фаолиятида индивид мухториятини маълум бир даражасини сақлаб қолиш шароитидаги ижтимоий ҳаёт пойдевори эҳтиёжини сақлаб қолган. Бу нарса инсон макроижтимоий маконни душман ва мустабид мухит эмас, аксинча шахсиятни намоён этиш ва бевосита маънавий-амалий фаолият юритиш ходиса сифатида қабул қилиш учун зарур бўлган. Аввалам бор, шахсий ва умумижтимоийлик ўртасидаги ақлли ва муросали марказни топиш мушкил эди.

Ўзбекистонда кўпинча, жамиятни сақлаб қолиш ва мустаҳқамлашга қаратилган аксиологик интилишларни ўзида акс эттирган мафкуравий парадигмалар, хукмронлик қилган. Биринчидан, уларда жамиятни парчалашувини олдини олиш мақсади мавжуд бўлган; иккинчидан – давлат мустаҳкамлигини сақлаб қолиш, унинг мустақиллигини ва умумжаҳон-тарихий мавқеини асраб қолиш бўлган. Ушбу умумбашарий мақсадлар олдида алоҳида жамиятни аъзосини эркинлиги ёпилган бўлсада, лекин шу билан бирга ижтимоий ҳамжиҳатликни яратиш вазифаси намоён бўлган.

Хуллас, ижтимоий ҳамжиҳатлик инсоннинг шахс эркинлиги томонларини сақлаган ҳолда муайян жамият тартибини сақлаб қолишни назарда тутади. Юқорида таъкидлаганимиздек, жамият ҳамжиҳатлилигининг таркибий қисми нафақат умумий аксиологик пойдеворлардан, балки унинг аъзоларининг маънавий-амалий йўналишлар ўзгариши билан унинг сиёсий ва хуқуқий механизмларни ҳамда яшаш мафкураларининг мослашувидан иборатдир. Ўзбекистонга нисбатан айтиш мумкинки, бу ерда ижтимоий ҳаётни аксиологик асосларига қатъий эътибор берилиб, кўплаб ҳолларда шахсий аксиологик асослар мавжудлиги унутилган. Кўплаб ҳолларда ижтимоий организмни мустаҳкамланганидан, ташқи таъсирдан озод бўлганидан сўнг, тарихий имкониятни давлатни улуғлаш ва жаҳондаги нуфузини оширишга қаратиш истаги пайдо бўлиб, ижтимоий яхлитлик алоҳида шахсни мажбурлашига доир жараёнлар билан ҳамроҳ бўлган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТИНИНГ ТАРИХИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тўхтамишев Ў – СамИСИ доценти.
Абдурашидов Ш.,Алимов А – СамИСИўқитувчилари

Аннотация: *Ушбу мақолада Ўзбекистонда таълим хизматининг тарихий илдизлари, аждодларимизнинг миллий менталитети, ислом динининг тарбиявий хусусиятлари баён этилган.*

Таянч иборалар: *Мустақиллик, менталитет, она-ватан, тарбия, мафкуравий мансублик, иқтисодиёт ва ҳокозо*

Аннотация: *В данной статье отражены исторические корни услуга образования, национальный менталитет предков, воспитательные особенности ислама в Узбекистане.*

Ключивые слова. *Независимостъ, менталитет, Родина- матъ, воспитания, идеологическая принадлежностъ, экономика и т.д.*

Annotation: *This article describes the historical roots of education services in Uzbekistan, the national mentality of our ancestors, Islam, and educational features.*

Basic phrases:*Independence, mentality, education, ideological affiliation, economics, etc.*

Ҳар бир халқнинг ўзига хос, миллий менталитети бор. Унинг таркиб топиши ҳам узоқ давом этадиган ижтимоий психологик жараён бўлиб, у жамият, миллат,жамоа ёки алоҳида олинган шахснинг тарихан таркиб топган тафаккур даражаси, маданий салоҳияти, инсоний қадр-қиммати, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қиёфаси ва қувватидир.

Ҳақиқатан ҳам, ўзбек халқининг ноёб миллий менталитети бўм-бўш жойда, ғойибдан пайдо бўлган эмас. Миллий удум ва урф-одатларимизнинг минг йиллар давомида машаққатли турмуш имтиҳонларидан ўтиб муқим топган. Шунинг учун ҳам ўзбек миллий менталитети серқирра ва мустаҳкамдир. Узоқ тарихий жараёнлар давомида ўзбек миллий менталитети 5 та йирик мафкуравий босқични босиб ўтди ва улар миллат феъл-атворида ўчмас из қолдирди.

1). Аждодларимизга хос биринчи мафкуравий мансублик зардуштийлик диний қарашлар бўлиб, бу диннинг ахлоқий фалсафаси одамларни эзгуликка чорлаш, бошқаларга яхшилик қилиш юксак инсоний фазилатларнинг маънавий камолоти чўққиси эканлигига ишонтиришдан иборат.

2). Ўзбек халқи миллий менталитетининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган иикинчи мафкуравий мансублик буддавийлик диний қарашлар бўлиб, у одамларни сабр-тоқатли бўлишга, доимо ўзга халқлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни узмасликка чорлайди.

Буддавийлик бошқа динлардан фарқли ўлароқ, дунёда ҳеч бир ўзгармас нарса йўқ, ҳаёт доимо ривожланишда, ўзгарувчан, деб уқтиради.

Буддавийлик таълимоти Ўрта Осиёга, жумладан она диёримизнинг жанубий сарҳадларига милодий Эра бошларида кириб келди ва ислом динига қадар аждодларимиз эътиқодидан жой олди.

3). Ўзбек халқи миллий менталитетининг шаклланишида жуда муҳим маънавий ва ғоявий роль ўйнаган учинчи мафкуравий мансублик-ислом дини ва унинг ахлоқидир. Ислом ахлоқи асосида қурилган жамият илмий тараққиёт билан уйғунлашгандагина инсон фаровонлиги таъмин этилиши таъкидланди.

“Ҳозирги маданият даврида диёнат билан тараққиёт бирга яшай олмайди, деб хато фикр юритадилар Ҳақиқатда эса дин покликка қурилган ахлоқдир. Динимизнинг асли ақлдир, қуроли эса илмдир.10

Халқимиз эътиқодидан кетма-кетликда жойлашган бу уч мафкуравий мансублик ўзбек халқи миллий менталитетининг ибратона фазилатларини, умумбашарий қадриятлари ва этнопсихологик жиҳатларини шаклланишида асосий омил ролини ўйнаган.

Миллий менталитетимизнинг бу жиҳатлари билан фахрлансак арзийди. Афсуски,ўзбек миллий менталитетига, унинг бетакрор фазилатларига соя солиб келган мафкуравий мансублик ҳам бўлганки, у ўзбек миллий менталитетига атеистик эътиқод-яккаҳокимлик мафкураси ғоя билан кириб келди. Бу мафкура халқимиз миллий менталитетидан жой олган учта диний мансубликнинг илдизини

[10]Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси.-Т.:2003. 97-бет.

қуритишга у халқимиз маънавий-ахлоқий оламига “янгилик”(инновация) сифатида кириб келган катталарга ҳурматсизлик, миллатга хос ибратли удумни сарқит сифатида баҳолаш, ахлоқий одобсизлик, лоқайдлик ва боқимандалик, инсон ҳаётига нопокликнинг суқулиб кириб бориши билан характерланади.

Ўзбек миллий менталитетига хос яна бир олийжаноб фазилат унинг туркий илдизи билан боғлиқдир. Туркийликка хос жанговорлик, мардлик, матонат ва лафз ҳалоллиги, бағрикенглик, саҳоватпешалик ва ҳожатбарорлик каби хислатларимизда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Ўзбек миллий менталитети, умуман барча халқларга хос миллий менталитетлар қўшни халқлар таъсирисиз, муаллақ ҳолда, ўзга халқлардан ажралган ҳолда шаклланмаган.

Ўзбек миллий менталитетининг яна бир муҳим жиҳатларидан бири бу жамият ҳаёти, инсонлар турмуш тарзи кўпроқ анъана ва урф-одатлар орқали бошқарилади. Масалан, ўзбекона расм-русумларга қаъий амал қилган оилаларда ўғил уйлантириш, келин танлаш, қиз узатиш, куёв танлаш пайтларида ота-оналар ва қариндош-уруғлардан алоҳида эътиборни талаб қилинади.

Авваламбор, бўлажак келин ва куёвнинг саломатлиги, жисмоний нуқсонлардан холи бўлиши, қуда томонларнинг ижтимоий келиб чиқиши, жамоада тутган ўрни, мавқеи ва обру-эътибори ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳам халқимиз “тенг тенги билан, тезак қопи билан” деб бекорга айтмаган.

Агар куёв ёки келин бўлмиш томоннинг ақли, одоби, ҳусни жамоли, уларнинг бир-бирига кўнгил қўйиши асосида туғилган севги-муҳаббати бир ўлчам бўлса, уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, авлодларнинг жамоадаги мавқеи ва бу хусусдаги жамоатчилик фикри иккинчи, аксарият ҳолларда, ҳал этувчи омил вазифасини ўтайди. Ота-оналар учун фарзандларни яхшига қўшиш, бу борада хато қилиб қўймасликда жамоа, жамият раъйи, кўпчиликнинг кенгашли фикри муҳим роль ўйнайди.

Анъаналар ва урф-одатлар халқни бирлаштирувчи миллатимизнинг энг яхши сифатлари. Бу ҳақда бошқа гап бўлиши мумкин эмас. Аммо, миллий хислатлар иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш билан узвий боғланмаса у халқнинг келажаги кўринмайди, халқ миллат сифатида халокатга учраши мумкин. Миллат иқтисодиёти қанча мустаҳкам бўлса, унинг “оила иқтисодиёти” ҳам шунча мустаҳкам бўлади. Иқтисодиёт оилада фарзанд дунёга келиши билан бошланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач аждодларимиз томонидан яратилган бебаҳо маънавий ва маданий меросимизни, шўролар даврида сохталаштирилган тарихимизни янгилаш ва шу асосда умумиллий маънавий ислоҳотларни амалга ошириш асосий вазифалардан бири сифатида эътироф этилди. Ва улар давлат сиёсати даражасидаги ғоят муҳим вазифа қилиб белгиланди. Бу ўзбек миллий менталитетининг шаклланиб бориш тарихидаги бешинчи мафкуравий мансублик-миллий истиқлол ғояси, мустақиллик мафкураси бўлиб, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи халқимиз миллий менталитетига, онгига суқилиб кирган коммунистик мафкурадан тозалашга, янгилашга жиддий эътибор беришликни тақозо этмоқда.

Афсуски, бугунги кунда ер юзининг барча мамлакатларида кечаётган глобаллашув жараёни жаҳон халқлари учун умумий феъл-атвор, умумий менталитетни шаклланишига олиб келмоқда. Бунга бевосита жаҳон миқёсида кечаётган жиддий сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий рақобатлар ва жаҳон ахборот воситаларида ғарб ахлоқий нормаларнинг тинимсиз тарғиботи тарихан таркиб топган миллий менталитетимизга кучли салбий таъсир кўрсатмоқда.

Глобаллашув туфайли Ўзбекистон бир томондан иқтисодий жиҳатдан жаҳон ҳамжамиятига кириб борса, иккинчи томондан, ўзбек халқининг миллий менталитетига хос кўплаб қадриятлар, маросим ва ибратли удумларимизга секин-аста путур етишига сабаб бўлмоқда.

Миллатимизнинг эртанги тақдири, бугунги ёшларимизнинг эртанги кунга ишончи, пухта эгаллаган касби, билими ва малакасига бевосита боғлиқдир. Мамлакатимизда "Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури" ишлаб чиқилди. Бугунги ёшларимиз қалбида, онгида тафаккурида муқаддас миллий ғурурни, Ватан туйғусини, инсонга, унинг оиласини, хонадони ва маҳалласини, она-Ватанни қалбдан севишни англатиш керак. Буларнинг ҳаммаси ўзбек миллий менталитетининг мазмун ва моҳиятини ташкил этади.

Ёш авлод онгига бу фазилатларни сингдириш мураккаб жараён бўлиб, унинг ечими заминида энг муҳим омил-иқтисодиёт ётади. Тараққиёт чўққисига эътиқоди мустаҳкам, кучли характерли, диёнати юксак миллат эришади. Ҳаёт қонун-қоидалари шуни кўрсатадики, ҳар бир шахснинг комил инсон бўлиб етишишида унинг насл-насаби, оиладаги тарбияси, маҳалла жамоаси катта ўрин тутади. Ҳамда уларнинг илмий, сиёсий тайёргарлиги, ўз устида муттасил ишлаб бориши янада муҳимдир.

Бундай масъулият ўзбек миллий менталитетининг асосий омилларидан биридир. Афсуски, шўролар даврида раҳбарлик вазифасида хизмат қилган миллатимиз мисолида менталитетимизнинг бу олтин бойлиги кўп оилаларда йўқолиб борди. Бола тарбиясини боғча ва мактабга мутлақо топшириб қўйилди.

Тарих ва маданий мерос миллатнинг асосий бойлиги.Тарихни холислик, объективлик тамойиллари асосида билиш янгитдан миллий давлат барпо этаётган халқ учун ғоят зарур. Замонамизнинг илғор миллатлари ўз тарихини танқидий кўз билан мушоҳада қилиш орқали ўз миллий менталитетларини шакллантирганлар. Ҳозирги кунда ўзбекка хос менталитетнинг асосий омиллари, қирралари таркиб топган. Шунинг билан бирга, менталитет миллатнинг узил-кесил шакланиши билан боғлиқ эканлигини ҳам унутмаслик керак.

Истиқлол туфайли миллатимиз жаҳонга танилди, ўзининг имкониятларини намоён этиш даври келди. Катта ютуқлар қўлга киритилди. Аммо, мустақилликнинг учинчи ўн йиллигига қадам қўйибмизки, ҳамон кенг халқ оммасини, биринчи навбатда, ёш авлодни истиқлол мафкураси, миллий ғоя ва маънавият асослари билан қуроллантириш вазифаси энг долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Давлат ҳар қанча бой бўлгани билан, агар жамият аъзолари (фуқаролари) маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлса, бундай моддий бойликнинг фойдасидан зарари кўпроқ бўлиши тарихда кўп марта исботланган. Айнан шу ҳақиқатни теран англашимиз қийин кечаяпти. Илм заиф бўлган жойда маънавият бўлмайди, илмсиз жойда иймон бўлмаганидек, маънавият илмсиз жойда юксак кучга айлана олмайди.

Аниқки, эришилган ютуқлар билан қаноатланиб, олға интилмаслик миллатга хос эмас. Шу Ватан, шу миллат меники деган инсон унинг учун қайғуради. Бундай инсонлар миллат сараси, ҳақиқий ўзбек ўғлонларидир. Ўзбек миллий менталитети ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш жараёнида ҳаёт шундай хулосага келишликни тақозо этади.

QISHLOQ AHOLISI BANDLIGINI TA’MINLASHDA XIZMAT KO’RSATISH VA SERVIS SOHALARNI RIVOJLANTIRISH

Sh.Kuvondikov, Xudayarova M SamDUi

Maqolada xizmat ko’rsatish va servis sohalarining qishloq aholisi bandligini ta’minlashdagi roli ochib berilgan. Shuningdek, qishloqda xizmat ko’rsatishni rivojlantirishning ilmiy asoslangan konsepsiyasi taklif etilgan.

В статье раскрыта роль сферы услуг вобеспечении занятости сельского населения. А так же предложены научно обоснованные концепции развития сферы услугна селе.

The role of the service sector in securing the employment of the rural population is disclosed in the article. And also the scientific justification of the concept of development of the service sector in the village is proposed.

Kalitli so’zlar: *xizmat ko’rsatish va servis, hududiy dastur, konseptual yo’nalishlar, innovatsiya, konseptual yo’nalishlar.*

Ключевые слова: *программное обеспечение и услуги, региональные услуги, концептуальные направления, инновационные, концептуальные направления.*

Keywords: *software and services, regional services, conceptual directions, innovative, conceptual directions.*

Xizmat sohasini rivojlantirish aholi farovonligi va ish bilan bandlik masalasining hal bo’lishini ta’minlovchi muhim omillardan biridir. O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning 2017-2021-yillarga mo’ljallangan 5 ta ustuvor yo’nalishlari bo’yicha harakatlar strategiyasida xususiy sektorniahamiyatini oshirishga alohida e’tibor berilgan.Shuningdek, 2013–2016 yillarda qishloq joylarda xizmat ko’rsatish va servis sohasini rivojlantirish dasturiga ko’ra, 2016 yilda xizmatlar sohasini jadal rivojlantirib, uning yalpi ichki maxsulotdagi ulushini 54-56 foizga yetkazish, xizmatlarning yangi, zamonaviy turlarini joriy etish, aholini, birinchi navbatda, qishloq joylarda odamlarni ish bilan band qilish muammolarini hal etishdagi rolini oshirish chora tadbirlari ko’zda tutilgan.

2013-2016 yillarda mamlakatimizda xizmatlar ko’rsatish va servis sohasini rivojlantirishning asosiy konseptual yo’nalishlari qo’yidagilardan iborat bo’ldi[11]:

1. Xizmatlar ko’rsatish sohasida tadbirkorlikning faolligini yanada kuchaytirish uchun qullay shart-sharoit yaratish, xususan, bu boradagi rasmiyatchilik to’siqlarini bartaraf etish vazifasi qo’yilgan.

2. Xizmatlar hajmini yuqori sura’tlarda o’sishini ta’minlash va ularning yalpi ichki mahsulotdagi ulushini 2016 yilda 54-56 foizga yetkazish.

3. Xizmatlar va servis sohasida band bo’lgan aholining sonini muntazam oshirib borish.

4. Qishloq joylarda xizmat va servis sohasini jadal rivojlantirish, xususan, qishloq aholisiga ko’rsatilayotgan xizmatlar, birinchi navbatda, komunal-maishiy, uy-joylarni ta’mirlash va qurish, suvdan foydalanish, veterinariya, qishloq xo’jalik mahsulotlarini tayorlash va mashina traktor parklari sohasidagi xizmatlar hajmi va turlarini yanada oshirib borish.

[11] Ushbu yo'nalishlar bevosita Prezidentning «O'zbekiston Respublikasida 2006–2010 yillarda xizmat ko'rsatish va servis sohasini rivojlantirishni jaddalashtirish chora tadbirlari to'g'risida» gi (2006 yil 17 aprel) qarorda va «O'zbekiston Respublikasida 2013–2016 yillarda xizmat va servis sohasini rivojlantirish dasturi» da keltirilgan.

5. Mamlakatimizda an’anaviy xizmatlar turlarini rivojlantirish, ayrim bugungi kun talabiga javob beradigan, ammo unitilib ketilgan xizmat turlarini izlab topish va ularni tiklash.

6. Xizmatlarning yangi istiqbolli turlarini, xususan, yuridik, konsalting, bank, moliya, sug’urta, lizing va boshqalarini jadal rivojlantirish.

7. Mamlakatimiz xizmatlar eksportini ko’paytirish uchun ushbu soha korxonalarining xalqaro bozordagi xizmatlar darajasi va sifatini oshirishga erishish.

8. Eng muhimi, xizmatlar ko’rsatish va servis sohasida ishlaydigan kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirishni har tomonlama qo’llab-quvvatlash.

Xizmat ko’rsatish va servis sohasini rivojlantirish uchun ushbu tadbirlar asos bo’lib qoladi. Chunki, bugungi ehtiyoj va talabdan kelib chiqib, belgilangan tadbirlar, ushbu sohani rivojlantirish uchun muhim ahamiyatga ega. Ushbu tadbirlarni va vazifalarni batafsil bajarish uchun xizmatlar ko’rsatish va servis sohasini 2013-2016 yillarda rivojlantirish Dasturi ishlab chiqilgan.

Ushbu Dasturga asosan aholiga, ayniqsa, qishloq aholisiga, O’zbekiston respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muxofaza qilish vazirligi huzuridagi aholi bandligini rivojlantirish jamg’armasi mablag’lari hisobidan shu soha bilan shug’ullanadigan tadbirkorlik subyektlariga imtiyozli kreditlar ajratish va shu asosda aholining bandlik darajasini oshirish vazifasi ham yuklatilgan.

Bugungi kunda mamlakatimizda xizmatlar sohasining yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 2010 yilda 49 foizni tashkil qilgan bo’lsa, 2015 yilda 54,5 foizga etdi. Bu ko’rsatkich rivojlangan mamlakatlarda 60-80 foizgacha yetmoqda va iqtisodiyotlarida band bo’lgan aholining 70 foizi aynan shu sohada faoliyat ko’rsatmoqda. Shulardan kelib chiqqan holda, Prezidentimiz sohani jadal rivojlantirish zarurligiga katta e’tibor qaratdi. Zero, xizmat sohalarining rivojlanmaganligi aholi iste’mol xarajatlari tarkibiga ham o’z ta’sirini ko’rsatadi.

Bu ma’lumotlardan ko’rinib turibdiki, xizmat ko’rsatish sohasi umuman olganda o’sish tendensiyasiga ega. Mazkur qarorda ko’rilgan chora–tadbirlar va ularga berilgan imtiyozlar kelajakda ushbu sohaning jadal rivojlanishini ta’minlash bilan birga, xizmatlar sifatining oshishiga, uning xalqaro andozalar darajasidagi holatining shakllanishiga olib keladi.

O’zbekistonda xizmat sohalarini rag’batlantirilishi mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotining hal qiluvchi strategik omillaridan biri xisoblanadi. Xizmat sohasi korxonalari umuman olganda, mamlakat bo’yicha iqtisodiy faol korxonalarning asosiy qismini tashkil etadi Shuni alohida ta’kidlash joizki, aynan ko’p sonli korxonalar, savdo va maishiy xizmat ko’rsatish sohalarini qamrab oladi. Xizmat ko’rsatish sohasida faoliya yuritayotgan kichik biznes subyektlari 80 ming 400 tani yoki umumiy xizmat sohasi korxonalarining 80 foizini tashkil etadi. Bunday turdagi korxonalar aholiga ko’rsatilayotgan moddiy va nomoddiy xizmat turlarini tashkil etadi. Moddiy xizmatlarga, savdo va umumiy ovqatlanish, transport, aloqa, maishiy xizmat va uy-joy komunal xo’jaligi kiradi. Ushbu korxonalar tomonidan ko’rsatilayotgan xizmatlar insonni turli xil moddiy ehtiyojlarini qondirishni ta’minlaydi.

Xizmat ko’rsatish sohasida tadbirkorlik faoliyatining qulayligi va afzalligi shundaki, uni tashkil etishning osonligi va ixchamligi, ishchi kuchi va mehnat resurslarining oiladan yetishib chiqishi, aniq mijozlar talabi uchun turli xil xizmatlar ko’rsatish, mahaliy xom ashyolardan keng foydalanilishi hamda tovar va xizmatlarni sotish esa mahaliy bozorlarda amalga oshiriladi.

Xulosa qilish mumkinki, kichik biznes o’z o’rnini aholiga maishiy xizmat ko’rsatish sohalarida ham topmoqda. Bugungi kunda madaniy–maishiy uskunalarini ijaraga berish va ta’mirlash ishlari xususan, kiyim kechaklarni ta’mirlash, aholiga yuqori saviyada transport xizmatini ko’rsatish, xonadonlarga zarur xo’jalik buyumlarini yetkazib burish uchun kerakli xizmatlar ko’rsatilmoqda.

Hozirgi vaqtda Respublikamizda uy-joy qurilishi va komunal komleksida islohatlar jarayoni kechishi munosabati bilan kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari tomonidan aynan shu sohalarda aholining maishiy xizmatga bo’lgan ehtiyojlarini qondirishga aloxida e’tibor qaratilmoqda. Bu borada kichik korxonalar uy-joy ekspluatasiyasi, ularni suv, issiqlik manbai, elektr energiyasi bilan ta’minlash bo’yicha ham o’z xizmat turlarini taklif qilishmoqda. Tabiiyki ta’mirlash-qurilish ishlari bilan shug’ullanadigan korxonalar tomonidan, dala hovli madaniy–maishiy imoratlarni qurish va ta’mirlash amalga oshirilmoqda. Aytish joizki, bu ishlar ko’llamida ham aholining uy-joy qurilishi va kommunal xizmat turlariga bo’lgan ehtiyojlari u yoki bu darajada qondirilmoqda.

Shunday qilib, xizmat sohasi tadbirkorlik faoliyatiga quyidagilar kiradi: umumiy ovqatlanish, oziq-ovqat maxsulotlarini ishlab chiqarish, qayta ishlash va saqlash; kiyimlar, oyoq kiyimlar, ichki kiyimlarini tikish va ta’mirlash; mebellar, xo’jalik va madaniy maishiy jihozlar, inventarlar, idishlar, yengil transport vositalarini ta’mirlash; uy-joy qurish va ta’mirlash; dehqonchilikda kartoshka, sabzovot, mevalar va boshqa mahsulotlarini yetishtirish; mahsuldor hayvon va o’simliklarni saqlash kabi agroservis xizmatlari.

Yuqorida nomi ko’rsatilgan “Harakatlar strategiyasi”, farmonlar, qonunlar va nizomlar xizmat sohalarida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish uchun huquqiy asos bo’lib xizmat qiladi. Demak, xizmat sohasi kelajakda iqtisodiyotning muxim sohasiga aylanadi. Shu munosabat bilan viloyatimiz shahar va qishloqlarida quyidagi yo’nalishlar hayotga tadbiq etilishini maqsadga muvofiq, deb hisoblaymiz:

- Qishloq joylarda xizmat va servis sohasini jadal rivojlantirish, xususan, qishloq aholisiga ko’rsatilayotgan xizmatlar, suvdan foydalanish, veterinariya, qishloq xo’jalik mahsulotlarini tayorlash va mashina traktor parklari sohasidagi xizmatlar bilan shug’ullanuvchi sub’ektlar faoliyatini tiklashni rag’batlantirish;
- qishloq xo’jalik maxsulotlarini ishlab chiqarish va agroservis yo’nalishidagi korxonalarnga, ularga o’z faoliyatlarini boshlab olishi uchun zarur bo’lgan boshlang’ich mablag’ bilan ta’minlashda iimtiyozli kreditlarni yo’lga qo’yish lozim.

Xulosa qilib aytganda, xizmat sohasini rivojlantirish, bandlik muammosini ayniqsa, xotin-qizlar, qishloq yoshlarini ish bilan ta’minlash va butun mamlakatimiz aholisining farovonligini oshirish imkoniyati yaratadi.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ БОШ ОМИЛИ

Ю.П.Урунбаева СамИСИ Катт.ўқит.

Аннотация: *В статье рассматривается актуальные вопросы перспективы повышения уровень жизни население на основе развитие сферы услуг, тенденции изменения количественных и качественных результатов функционирования отраслей сферы услуг.*

Development of encreasing level of living of population in the field of development of services. The sources effecting the living of population were proved theoretically; and sphere of the role of the place of the sphere of service is in high point; were analyzed developing condition of the sphere of service.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳар қандай иқтисодий тизимнинг барча муаммолари марказида туради ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт соҳасида барча уринишлар пировард натижада шу бош муоммони ечишга қаратилган. Шу сабабли ижтимоий фаровонлик ва турмуш даражасига оид масалалар қадим замонлардан бери кўплаб иқтисодчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилган.

Ушбу соҳадаги назарий изланишларимиз натижасида аҳоли турмуш даражаси кишилар ҳаётий фаолиятининг кўп қирраларини ўзида мужассамлаштирган мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларининг қондирилиш меъёри ҳисобланади. Ҳар бир кишини қанча миқдордаги ва қандай сифатдаги товар ва хизматларни истеъмол қилиши унинг турмуш даражаси сифатида тавсифланади. Шунингдек, аҳоли турмуш даражаси давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонидир. Аҳоли турмуш даражасини ифодалашда бир-бирига яқин ёки чамбарчас боғлиқ бир қатор атамалар мавжуд, улар жумласига турмуш шароити, турмуш сифати, турмуш тарзи, турмуш фаолияти хавфсизлиги, меҳнат фаолияти сифати, аҳоли фаровонлиги тушунчаларини киритиш мумкин. Юқорида келтирилган турли атамалар бир мазмунни англатгандек бўлса-да, баъзи ҳолларда улар ўртасидаги фарқ муайян характер касб этади, мазмуни бир-биридан сезиларли даражада фарқланади. Биз олиб бораётган илмий тадқиқот мақсади нуқтаи назаридан, бу атамалар ичида аҳоли турмуш даражаси тушунчаси муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодчи олимлар орасида аҳоли турмуш даражаси тушунчаси, уни шакллантиришда товарлар ва хизматларнинг роли тўғрисида турли қарашлар мавжуд. Мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг аксарият кўпчилиги аҳоли турмуш даражасининг мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория эканлигини эътироф этганлари ҳолда, унинг мазмун-моҳиятини турлича таърифлайдилар.

Бизнинг назаримизда, инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳар қандай мамлакатда ишлаб чиқарилган ЯИМнинг ярмидан зиёдроғи айнан хизматлар соҳаси ҳиссасига, иқтисодиётда банд аҳолининг эса 70 % ушбу соҳага тўғри келиши, аҳоли истеъмоли учун харажатларда унинг ҳиссаси қарийб 75-80 %га етганлигига ва унинг турмуш даражасини шакллантиришнинг бош омилига айланганлигига қарамасдан, у “аҳоли турмуш даражаси” тушунчасига берилган таърифларда ўзининг ёрқин ифодасини топмаган. Ушбу муҳим тушунчага берилган таърифлар аҳоли турмуш даражасини шакллантиришда ҳали хизматларнинг роли у қадар муҳим бўлмаган, яъни унда моддий неъматлар етакчи ўринни эгаллаган, даврларда вужудга келган ва шу сабабли ҳозирги даврдаги ўзгаришларни ўзида тўла акс эттирмаган бўлса ажаб эмас.

Фикримизнинг исботи сифатида унга берилган бир қатор таърифларни келтирамиз. Русча-ўзбекча луғатда[12] аҳолининг турмуш (фаровонлик) даражаси куйидагича изоҳланган: ”Аҳоли турмуш даражаси – кишилар эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси”[13] деб кўрсатилган. Ушбу изоҳда кишиларнинг умуман эҳтиёжлари ҳақида сўз юритилган. Лекин унинг хизматларга бўлган эҳтиёжининг қондирилиш даражаси алоҳида акс эттирилмаган. Адабиётларда аҳоли турмуш даражасига берилган таърифларда унга асосан иқтисодий категория сифатида қараш ҳоллари кўп учрайди. Масалан, айрим тадқиқотчилар “Аҳоли турмуш даражаси уларни ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражаси сифатида аниқлаш мумкин”[14] деб таъриф беришган. Айнан шунга яқин таърифни В.И. Гурьев муаллифлигида чоп этилган ўқув қўлланмада[15], А.В.Сиденко, М.В.Матвеевалар муаллифлигида тайёрланган дарсликда ҳам учратдик. Бир қатор олимлар ушбу таърифга маълум даражада аниқлик киритиб, «Аҳоли турмуш даражаси – ижтимоий-иқтисодий тушунча бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маънавий-маърифий эҳтиёжларининг қондирилиши ҳамда турмуш шароитининг яхшиланиш даражасини тавсифлайди»[16], «Аҳоли турмуш даражаси – ижтимоий-иқтисодий тушунча бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маданий-маиший эҳтиёжларининг қондирилиши ҳамда ижтимоий турмуш шароитининг яхшиланиб бориши каби тушунчаларни ўз ичига олади»[17].Ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан ушбу таърифларга ватандош олимларимиздан Б.К.Ғойибназаров томонидан келтирилган назарий қарашлар анча яқин туради: «Аҳоли турмуш даражаси – ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маиший эҳтиёжининг қондирилиши ҳамда ижтимоий турмуш шароитининг яхшиланиб бориши каби тушунчаларни ўз ичига олади»[18].

Аҳоли турмуш даражасига берилган таърифлар орасида М.Г.Назаров берган таъриф, яъни “Аҳоли турмуш даражаси – бу инсонлар ҳаёт фаолиятининг энг аввало, реал ижтимоий-иқтисодий шароитлар йиғиндисини ифодаловчи мураккаб ва кўп қиррали категория бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг муҳим тавсифи ҳисобланади»[19]деган фикр эътиборга молик деб ҳисоблаймиз. Ушбу ва юқорида келтирилган бошқа таърифларда турмуш даражасининг кенг қамровли ва бошқа барча кўрсаткичлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқлиги эътироф этилиши билан бир қаторда, унинг нафақат иқтисодий, балки айни бир пайтнинг ўзида, муҳим ижтимоий категория ҳам эканлиги кўрсатилган.

Аҳоли турмуш даражасининг моҳиятини очишда бир гуруҳ олимлар айнан хизматлар билан таъминланганлик даражаси билан боғлиқ равишда ёндашганлар[20].

---

[12] Русча- ўзбекча луғат. II-том. Т.: ЎСЭ Бош редакцияси. 1984.-643 бет.

[13] А.Ўлмасов., Н.Тўхлиев. Бозор иқтисодиёти. Қисқа луғат- маълумотнома. Т.:-Қомуслар бош таҳририяти, 1991.-10-б.

[14]Ш.Шодмонов, Р.Алимов, Т.Жўраев Иқтисодиёт назариясиТ-“Молия”-2002. 367б.

[15] «Турмуш даражаси – мураккаб комплекси ижтимоий – иқтисодий категория бўлиб, аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодалайди» (таржима муаллифники). Гурев В.И. Основы социальной статистики. Учеб.пособие.М.: Финансы и статистика, 1991, 67-б.

[16] Абдуллаев.Ё. Макроиқтисодий статистика. Ўқув қўлланма. Т.: Меҳнат, 1998, 181б.

[17]Акрамов Э.А., Соатов Н.М. Статистика асослари. Дарслик. Т.: Ўқитувчи, 1989, 385б.

[18] Ғойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. Монография. Т.: Фан, 2005, 5-б.

[19] Назаров М.Г. Курс социально – экономической статистики. ЮНИТИ-ДАНА,2005, с.57.

[20] АбдураҳмоновҚ.Х., Зокирова А.Х., Тохирова. Х.Т. Аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси», 2004.; Шишкин А.Ф. Экономическая теория. Учебник. М.: Экономист, 2005.; Поков Ф.И. Эканомическая теория. Учебник для вузов. СПБ.: Питер, 2006.;

Масалан, Қ.Х.Абдураҳмонов, К.Х.Зокирова, Х.Т.Тохирова муаллифлигида тайёрланган «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» номли ўқув қўлланмасида аҳоли турмуш даражаси тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Турмуш даражаси деганда, аҳолининг моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлик ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади»[21]. Айниқса В.Н.Салин ҳамда Е.П.Шпаковскаялар томонидан келтирилган фикрлар: «Аҳоли турмуш даражаси – аҳолини шахсий истеъмол қондирилишининг моддий имкониятларини характерлайди. У меҳнат шароити, аҳоли даромадлари ва харажатлари даражаси ва тузилмаси, бўш вақтдан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш, маданий, санъат ва бошқаларнинг ривожланиш даражаси каби жиҳатларни ўз ичига олади»[22] деган фикрлар анча кенг ва бошқа муаллифлар томонидан берилган таърифлардан сезиларли даражада фарқ қилади. Яъни, турмуш даражаси аҳолининг нафақат моддий ва маънавий, балки унинг хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш даражасини ҳам ўз ичига олишини эътироф этадиган олимлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Фақат юқорида келтирилган таърифда ‘‘номоддий’’ неъматлар ва ‘‘хизматлар’’ алоҳида ажратиб кўрсатилмаган. Агар ‘‘хизматлар’’ ‘‘номоддий’’ неъматларга кирмайдиган бўлса, унда ‘‘номоддий’’ неъматлар нималардан таркиб топганлиги мавҳум бўлиб қолмоқда.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда ва амалга оширилган назарий тадқиқотлар натижасида аҳоли турмуш даражасига қуйидагича таъриф беришни маъқул деб топдик. Аҳоли турмуш даражаси – кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у аҳолининг моддий ва маънавий неъматлар, турли-туман хизматлар билан таъминланганлик даражаси (истеъмол ҳажми) ҳамда қулай ва хавф-хатарсиз ҳаёт кечириш учун зарур шароитларнинг мавжудлиги билан ўлчанади. Аҳоли турмуш даражаси, бошқа барча муҳим кўрсаткичлар сингари, ўзининг миқдор ва сифат жиҳатларига эга. Шундай қилиб, «турмуш даражаси» тушунчасининг таърифларидан, биз бу категориянинг ўта мураккаб ва кўп қиррали мазмунга эга эканлигига ишонч хосил қиламиз. У қандайдир битта баҳолаш мезони, кўрсаткич ва омиллар билан эмас, балки кишилар ҳаётининг турли қирраларини ифодаловчи бир қанча кўрсаткич ва омиллар тизими ҳамда буларнинг ичида турли-туман хизматлар алоҳида ўрин тутиши билан тавсифланиши лозим деган назарий хулосага келиш учун тўла асос бор.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 33,8 %дан (1990 йил) 54,5% гача (2015 йил) ошди, аҳоли истеъмолида эса пуллик хизматларнинг улуши мос равишда 10,2% дан 15,8% гача кўтарилди[23].

Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: Меҳнат, 1995.;Ғойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. Монография. Т.: Фан, 2005ва бошқалар.

[21] Абдураҳмонов Қ.Х., Зокирова Қ.Х., Тохирова Х.Т.Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси», 2009. -74б.

[22]Салин В.Н., Шпаковская У.П. Социально-экономическая статистика. Учебник М.: Юрист, 2001, с.339.

[23]Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлашган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 16 январь 2016 йил.

жадвал

Иқтисодиёт тармоқларининг 1991-2015 йилларда ЯИМдаги улуши (фоизларда)[24]

№	Кўрсаткичлар	ЙИЛЛАР									
		1991	1995	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Иқтисодиёт жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
2.	Саноат	26,3	17,1	14,2	20,7	24,0	24,0	24,0	24,2	24,1	24,0
3.	Қишлоқ хўжалиги	37,4	28,1	30,1	25,0	17,5	17,6	17,5	17,6	17,2	17,0
4.	Қурилиш	10,4	7,1	6,0	4,9	6,4	6,1	5,9	6,0	6,8	6,7
5.	Хизматлар	26,2	34,6	37,2	38,4	45,1	44,5	44,9	44,2	51,8	54,5
6.	Соф эгри солиқлар	-0,3	13,1	12,5	11,0	7,0	7,8	7,7	8,0	8,4	8,0

Юқорида келтирилган статистик маълумотлар оддийгина кўринсада, хизматлар соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланаётганлиги ва унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги мавқеининг тобора мустаҳкамланаётганлиги мамлакат миллий иқтисодиётининг тараққиётнинг қуйироқ босқичидан юқорироқ босқичига, яъни индустриал жамиятдан постиндустриал жамият томон тез ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, мустақиллик йилларида хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланиши миллий иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар содир бўлаётганлигини, қолаверса, ушбу соҳага жалб этилаётган моддий, молиявий, меҳнат ресурслари кўламининг кескин кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. Жами банд аҳолининг ярмидан кўпи ушбу соҳада меҳнат қилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир[25].

Юқоридагилардан хулосамиз шундан иборатки, хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати, ушбу соҳада ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми ва унинг мамлакатда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотдаги улуши, соҳада банд бўлган аҳоли сони ва унинг иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонидаги улуши, аҳоли истеъмоли таркиби ва унда хизматлар айрим турларининг нисбати каби бир қатор муҳим кўрсаткичлар ёрдамида хизматлар соҳасининг, биринчидан, мамлакат иқтисодий юксалишидаги аҳамиятини баҳолаш имконини берса, иккинчидан, унинг ижтимоий тараққиётдаги ўрнига баҳо бериш учун асос бўла олади. Мамлакатнинг иқтисодий равнақи аҳоли реал даромадларининг ошишида ўз ифодасини топса, унинг ижтимоий тараққиёти аҳоли истеъмоли таркибида хизматларнинг улуши ва улар алоҳида турларининг нисбати билан белгиланади. Бизнинг назаримизда, жамият ривожланиб, ундаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар такомиллашиб борган сайин, мамлакатда хизматлар, биринчидан, миқдор жиҳатдан ўсади, иккинчидан, сифат жиҳатдан яхшиланади, учинчидан, турлар бўйича кенгаяди ва тўртинчидан, аҳоли истеъмолидаги нисбати бўйича такомиллашади.

[24] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.
[25] Ўша жойда.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб оғишмай жуда катта эътибор қаратиб келган ва барча ислоҳотларнинг пировард мақсади сифатида қаратилаётган масалага яна бир марта тўхтатиб, шундай деган: “Аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини муттасил ошириш билан боғлиқ масалалар доимо эътиборимиз марказида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади”[26]. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожининг 2011-2015 йилларга мўлжалланган асосий кўрсаткичлари бўйича шу йиллар мобайнида аҳолининг ялпи даромадини 2,6 баробар кўпайтириш, харид қобилияти паритети бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни 1,5 баробар ошириш прогнозлаштирилган эди. Шу даврнинг ўтган йиллари мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ва аҳоли реал даромадларининг ўсиш суръатлари мўлжалланган марралар даражасида бўлди. Яқин ва узоқ келажакда (2016-2020 ва ундан кейинги йилларда) ҳам аҳоли реал даромадларининг тез суръатлар билан ўсишини таъминлаш учун етарли шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг реал ҳаётда рўёбга чиқаришга, яъни аҳоли турмуш даражаси ва сифатини муттасил юксалтириб боришга тўсқинлик қиладиган ҳеч қандай асос ёки жиддий сабаблар йўқ, деб хулоса чиқарсак, ўйлаймизки, ушбу хулосани рад этадиган ёки унинг тўғрилигини шубха остига қолдирадиган илмий ғояларни илгари суриш қийин. Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш даражасига таъсирига алоҳида эътибор қаратдик.

ОСОБЕННОСТИ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ СФЕРЫ ИНФОКОММУНИКАЦИОННЫХ УСЛУГ В ПОСТИНДУСТРИАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ

Ш.Б.Журакулов асс. Каршинского филиал ТУИТ,
кафедры Телекоммуникационного инжиниринга.

Аннотация: *Ушбу мақола постиндустриал экономикада инфокоммуникация соҳаси ҳизматлари. Ахборот алмашиш зарурлиги. Инфокоммуникацияда ташкил этилган иқтисодий моҳият, белгиланган ўзаро хизматлар ва технологиялар. Ахборот ва коммуникация хизматлари таснифи. Алоқа бозорида ўрнатилган янги ахборот ва коммуникация тузилмаси. Маҳсулот ҳақида маълумот келтирилган. Тузилган ахборот ва коммуникация алмашинуви контсептуал модели ва фаолият хусусиятлари кўрсатилган.*

Annotation: *This article is devoted to features of the functioning of info-communication services in the post-industrial economy. In this article is given exchanging and justifying depend on information. The economic essence of info-communications is established that the interaction of services and technologies is determined. Info-communication services consist of classification. The new info-communication structures are installed in the market. The list of products of info-communication is given in the market. The conceptual model of the sphere in info-communication exchanging is made and the features of functions are shown in this article.*

[26]Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва деверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устивор вазифамиздир. Халқ сўзи, 2015 йил, 16 январ, 3 б.

Одним из важнейших условий человеческого существования является наличие информационного обмена.

Информация, необходимая для жизнедеятельности человека, распределена во времени и пространстве. Некоторая её часть оказывается доступной для непосредственного восприятия. Однако в большинстве случаев получение информации осложняется по различным причинам, имеющим как технический, так и экономический характер.

Для понимания экономической сущности инфокоммуникаций их, прежде всего, следует рассматривать как вид деятельности, направленный на удовлетворение вполне определённых потребностей – услуга информационная и телекоммуникационная.

В первом случае, в процессе информационного обмена следует оперировать такими понятиями, как содержание услуг, кто их предоставляет и, кто получает; затраты, кто их несёт и, кто погашает; инвестиции, кто их осуществляет и кому от них достаётся отдача. Технические характеристики в этом случае будут важны только в той мере, в которой они влияют на экономику процесса. Например, при телекоммуникационной услуге скорость доставки информации влияет на потребительскую полезность этой услуги.

В тоже время, услуга информации и ИКТ оказывают существенное положительное влияние в медицине – рекомендации специалистов из медицинского центра по запросу регионального врача; доступ вузов к мировым библиотекам, к их литературному источнику, Госорганам, банковской системе, организациям бизнеса и населению. Этот перечень можно многократно расширить.

Приведённые выше примеры инфокоммуникационных услуг приводят к пониманию экономической сущности инфокоммуникационного процесса.

История развития инфокоммуникационных сетей свидетельствует, что можно рассматривать два вида взаимодействия услуг и технологий. Первый процесс – разработка технологий, вызванная необходимостью предоставления услуг, на которые уже сформирован платёжеспособный спрос. Характерным примером можно считать систему спутниковой связи для трансляции программ телевидения или телефонизации удалённых (труднодоступных) населённых пунктов. Второй процесс – разработка новых услуг на базе появившейся на рынке технологии. Простейший пример этого процесса – IP телефония, порождённая одноимённой технологией.

В настоящее время известно множество видов инфокоммуникационных услуг. Но далеко не все они пользуются спросом у абонентов.

Классификация инфокоммуникационных услуг

Информационные услуги классифицируют по различным признакам. Практический интерес представляет следующая форма классификации информационных услуг:

– услуги по информационному обслуживанию;

– поиск информации; – обработка информации;

– выдача данных (документов);

– хранение информации;

– услуги доступа к автоматизированным информационным системам, банкам данных; – консультационные услуги; – услуги по передаче информации.



С переходом человеческой цивилизации от индустриального общества к информационному происходит модификация всей системы социально-экономических отношений.

При функционировании инфокоммуникационных услуг (ИКУ) существует целый ряд технических признаков, по которым принято судить о темпах продвижения к информационному постиндустриальному обществу. К ним обычно относят телефонную плотность и её распределение по регионам, количество компьютеров, число пользователей сетью Интернет и т.п. При всей важности уровня технической оснащённости, Интернет является лишь необходимым, но не достаточным условием массовой информатизации общественно экономической жизни.

Отличительной чертой информационных ресурсов, создаваемых в инфокоммуникационном комплексе, является их мобильность, когда не потребитель территориально перемещается к ресурсам, а наоборот, информация доставляется к потребителю.



Концептуальная модель сферы инфокоммуникационного обмена

В соответствии с этой моделью сфера инфокоммуникаций представляет собой виртуальное пространство, в котором размещены информационные ресурсы, являющиеся своеобразным благом и имеющие определённую потребительскую полезность.

Характеризуя данную модель, отметим, что при инфокоммуникационном обмене обращаются различные товары, относящиеся как к средствам производства, так и предметам потребления.

Основные товары сферы инфокоммуникационного обмена

Товар	**Форма предложения**	**Продавцы**	**Покупатели**	**Посредники**
Контакт с пространством информационных ресурсов	- время контакта	- провайдеры	- конечные потребители	
Информационный контент	- конкретные фрагменты информации	- владельцы контента	- конечные потребители	-провайдеры
Услуги распространения информации	- трансляция радио и телепрограмм - реклама в Интернете	- операторы связи провайдеры	- владельцы контента - вещатели	
Услуги передачи информации	- пропуск трафика - аренда каналов	- операторы связи	-провайдеры - конечные потребители	
Программный контент	- пакеты программ	-разработ-чикиПО	-провайдеры - конечные потребители	-провайдеры

Характеризуя сферу инфокоммуникационных услуг в целом, важно подчеркнуть, что она имеет целый ряд особенностей, отличающих её от других отраслевых сфер. К числу этих особенностей относятся:

1. *Массовый характер потребностей в инфокоммуникационных услугах, порождающий устойчиво растущий рыночный спрос.*

В этих условиях крайне важным становится обеспечение доступности средств, позволяющих каждому члену общества, независимо от его социального статуса и уровня дохода, оперативно получать необходимую информацию при любой отдалённости источника её возникновения.

2. По характеру организации производственного процесса и наличию разветвлённого сетевого хозяйства инфокоммуникационный комплекс во многом схож с другими отраслями, осуществляющими передачу и распределение определенного продукта. К числу таких отраслей, в частности, относятся газовая промышленность и электроэнергетика.

3. Рынок телекоммуникаций оказывается далеко не однородным и распадается на целую систему взаимосвязанных рынков. В этой системе чётко

прослеживается многоуровневая организация. Среди рыночных структур, складывающихся в отдельных секторах, помимо естественной монополии можно встретить монополистическую конкуренцию, монопсонию, олигополистические структуры, различные комбинированные варианты конкуренции.

4. *Инфокоммуникационная сфера построена по принципу сетевой структуры, для которой присуща высокая степень самоорганизации*. Все его участники, предлагающие потребителю свой товар, выступают от имени сети. Это означает, что каждый из них, владея лишь отдельным её фрагментом, предлагает потребителю доступ ко всей совокупности сетевых ресурсов.

В общем случае отдельная фирма сама по себе не имеет возможности оказать полный комплекс инфокоммуникационных услуг. Для этих целей она должна иметь постоянный технический контакт с аналогичными фирмами, обслуживающих потребителей других регионов или осуществляющих информационную связь между регионами, а также с заграницей. На базе всей совокупности этих контактов создаётся единое пространство, в котором обмен информацией между любыми точками обеспечивается только на основе совместной работы различных фирм.

5. *Интенсивное обновление номенклатуры инфокоммуникационных услуг происходит вследствие появления новых технологий на основе достижения технического прогресса, которые получили название информационно-технологическая революция*. Информационные технологии проникают во все сферы человеческой деятельности и создают принципиально новые возможности экономического развития. Реальный эффект от этих технологий прежде всего возникает в самом инфокоммуникационном комплексе. Складывающаяся в нём общая тенденция экономических характеристик показывает стабильный рост доходной базы при существенном сокращении удельных затрат. Это позволяет товаропроизводителям проводить достаточно гибкую политику цен, что благоприятно сказывается на рыночной конъюнктуре.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Нурматов Н.Ж. – ТерДУ “Иқтисодиёт” кафедрасикатта ўқитувчиси
Маликов А.Ў. – ТерДУ Ижтимоий-иқтисодийфакультети талабаси

Аннотация: *Мақолада мамлакатда изчиллик билан амалга оширилган ислоҳотлар, барқарор иқисодий ўсишни таъминлаш, жамиятни модернизациялаш, иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилганлиги, хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни, ривожланиш ҳолатига алоҳида тўхталиб ўтилган.*

Аннотация: *В статье рассматривается актуальные вопросы перспективы повышения конкурентоспособности национальной экономики в современных условиях. Уровень жизни население на основе развитие сферы услуг, тенденции изменения количественных и качественных результатов функционирования отраслей сферы услуги его значения в экономике, а так же перспектив его развития.*

Annotating:*The article deals with topical issues nersnewuvy novyshensha competitiveness of the national economy in modern conditions of life living of population in the field of development of services. The sources effecting the living of population were proved theoretically; and sphere of the role of the place of the sphere of service is in high point; were analyzed developing condition of the sphere of service.*

Калит сўзлар: *хизмат, сервис, хизмат соҳаси, аҳоли турмуш даражаси, турмуш сифати,турмуш даражаси, истеъмол.*

Ключевые слова: *услуга, сервис, сфера услуг, уровень жизни населения, качество жизни,потребности, потребление.*

Keywords: *service; service sphere: level being of population, quality of being, the high quality level of being, factors, prosperity.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади миллий иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлаш ва рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади. Бу кўп жиҳатдан хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиш даражасига ҳам боғлиқдир. Инсонларнинг ҳаёт сифатини ошириш, турмуш фаровонлигини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамиятга эгадир. Хизмат кўрсатиш соҳаси моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежайди, инсонлар ҳаётини янада мазмунли қилади ва шу орқали аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари, қатламларининг ҳаётий манфаатларини юзага чиқаради.

Ҳозирги вақтда инновациялар иқтисодиётининг барча соҳаларида ривожланиш мазмунига айланиб улгургани барчага аён. Барча соҳаларда бўлгани сингари хизматлар соҳасида ҳам инновацияларга эътибор бериш лозим. “Инновация” атамаси лотинча “innovato” сўзидан олинган бўлиб, янгилаш деган маънони англатади. Умумий мазмунда мазкур атама одамлар томонидан, асосан, айни пайтда ва муайян вақтда янги деб қабул қилинган маданиятнинг моддий ёки номоддий қадр-қиймати сифатида тушунилган. “Инновация” тушунчаснинг пайдо бўлиши биринчи марта XX аср бошларида хорижлик маданиятшунослар илмий тадқиқотларида пайдо бўлган ва қўлланилганлиги эди. Иқтисодий назарияда мазкур атама илк бор олим Йозеф Шумпетер томонидан ўзининг “Иқтисодий ривожланиш назарияси” номли асарида келтирган ва унда инновацияни фойдани ошириш мақсадида тадбиркорлик воситаси сифатида қараган.

Илм-фан тараққиётининг амалий ҳаётга таъсири ортиб бориши натижасида XX асрнинг 30-йилларида Й.Шумпетер “инновация”нинг янги мазмун касб этишини аниқлади ва унинг янги истеъмол товарлари, ишлаб чиқариш ва транстпорт воситалари, бозорларнинг янги турлари ва саноатнинг янги ташкилий шакллари жорий этилиши ва фойдаланилиши мақсади билан ўзгаришини очиб берди.

Жаҳон банки томонидан мазкур атама мазмунига қуйидагича таъриф берилган: “инновация – технологияларни англатади ёки ушбу жамиятда нимадир янги нарсанинг амалиётда қўлланилишидир”[27].

Демак, инновация – у ёки бу фаолият соҳасида самарадорликни ошириш мақсадида янги техника-технологияларни яратиш, бошқарувнинг

[27]Innovation Policy A Guide for Developing Countries. The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. 1818 H Street, NW, 2010. – P.28. (P. 436.)

такомиллашган усул ва шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни жорий этишга қаратилган илмий-ижодий фаолият натижасидир.

ХХ асрда фан ва технологиялар соҳасида яратилган кўплаб кашфиётлар жаҳон иқтисодиётининг жадал ривожланишини таъминлади ва фаннинг ҳаётдаги етакчилигини таъминлашини исботлаб берди. Бунинг натижасида илм-фан ютуқларидан амалиётда кенг фойдаланишга талаб ва маблағлар сарфи ортиб борди, шу тариқа инновация ривожланиб, сони ва эҳтиёжи ўсиб бораётган аҳоли томонидан унга бўлган талаб ортиб бораверди. Давлатлар ўртасида илм-фаннинг очилмаган сирларини чуқур ўрганиш, кенг кўламли илмий-тадқиқотлар олиб бориш ва унга катта ҳажмдаги маблағларни сарфлаш борасида ўзаро кураш авж олиб кетди. Бунинг натижасида илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланган давлатларда жадал иқтисодий ўсиш ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечими кузатилди. Мавжуд муаммоларнинг ечимини асосан инновациялар орқали ҳал этиш мумкинлигини бугунги кунда дунё ҳамжамияти англаб етди.

Янги билим ва технологияларни яратиш ва улардан давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида фойдаланиш мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва ролини белгилаб беради. Ривожланган давлатларда ЯИМ ўсишининг 80-95 фоизи техника ва технологияларга киритилган янги билимлар ҳиссасига тўғри келади, яъни ушбу мамлакатларда инновацион иқтисодиёт ривожланмоқда[28].

Бугунги кунда инновация соҳасида катта ютуқларга эришган ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инновация фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантиришда давлат томонидан инновацион сиёсатни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам инновацияларни кенг жорий этишни янада такомиллаштиришда давлатнинг тартибга солувчи ва рағбатлантирувчи сифатидаги аралашуви талаб этилади. Хизматлар соҳасида инновацияларни ривожлантиришда давлатнинг таъсири қуйидаги учта босқичда бўлиши мақсадга мувофиқ:

1. Хизматлар соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг илмий асосланган концепциясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш. Бунда инновация бозоридаги янгиликлар ва ривожланиш йўналишлари, мамлакат инновацион салоҳиятининг амалдаги ҳолати, инновация маҳсулотларига бўлган талаблар, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси, инновация соҳасини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш ҳолати ва имкониятлари ҳамда илмий-техникавий янгиликлардан фойдаланиш даражаси ва таъсири кабиларни чуқур, комплекс таҳлил қилиш ва шу асосда концепция яратиш лозим.

2. Хизматлар соҳасидаги инновацион фаолиятни давлат томонидан фаол қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

3. Хизматлар соҳасида инновацион фаолликни янада кучайтиришга қаратилган мақсадларнинг самарали амалга оширилиши бўйича амалий ҳаракатлар олиб бориш лозим.

[28] Кадыров А.М., Севликянц С.Г., Отто О.Э., Ахмедова А.Т. Информационно-инновационное развитие экономики Узбекистана. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. С. 12.

Инновация фаолиятининг ривожланишида уни маблағлар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараённи таҳлил этишда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ривожланган давлат сифатида АҚШ тажрибасини кўриб чиқадиган бўлсак, ушбу давлатда барча ишланмалар ва янгиликларни молиялаштириш қуйидаги пропорцияда амалга оширилади: 35 фоизи – федерал бюджетдан (200 млрд. АҚШ доллари атрофида); 60 фоизи – ишлаб чиқариш компанияларининг ўз маблағлари ҳисобига; 5 фоизи – штатлар ҳукуматлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, коллежлар, университетлар ва хусусий фондлар маблағлари ҳисобига. АҚШда фундаментал тадқиқотларнинг аксарият қисмини университетлар олиб борадилар. Мазкур ишланмаларнинг устувор қисми грантлар тизими орқали федерал ҳукумат томонидан молиялаштирилади. АҚШда ижроия ҳокимияти инновация фаолияти соҳасидаги миллий сиёсатнинг олиб борувчиси ҳисобланади. Бунда федерал ҳукумат илмий ишланмаларни бошқаришнинг марказий аппаратига эга эмас ва мазкур фаолиятни агентликлар орқали амалга оширади.

Инновация фаолиятини молиялаштиришнинг АҚШ тажрибаси шуни тасдиқлайдики, мазкур фаолиятнинг ривожланиши давлат томонидан молиялаштирилмасин (1/3 қисми) ва қанчалик қўллаб-қувватланмасин, энг асосий маблағларни сарфловчилар тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳисобланишади. Бу шундан далолат бердики, энг аввало, АҚШда тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги кескин рақобат муҳити уларнинг инновацион фаолият билан фаол шуғулланишини тақозо этади. Тадбиркорлар манфаатларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши хусусий инвесторлар учун инновация фаолиятини молиялаштириш орқали юқори фойда олишга бўлган интилишни рағбатлантиради ва кучайтиради. Натижада инновация фаолиятини молиялаштиришда ҳамда ундаги янгилик ва ишланмаларни ўзлаштиришда асосий устунлик хусусий компаниялар ҳиссасига сақланиб қолмоқда.

Бизнинг фикримизча, хизматлар соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантиришда қуйидагиларга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир:

истиқболли йўналишлардаги илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

инновацион фаолликни оширишга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

инновация жараёнларини қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан мувофиқлаштириб бориш чораларини қўллаш;

инновация фаолиятини кадрлар билан таъминлаш;

хизматлар соҳасида инновацияларни ривожлантириш бўйича ривожланган давлатларда қўлланилаётган илғор тажрибаларни амалиётга жорий этиш.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Нурматов Н.Ж. – ТерДУ “Иқтисодиёт” кафедрасикатта ўқитувчиси
Маликов А.Ў. – ТерДУ Ижтимоий-иқтисодийфакультети талабаси

Аннотация*:В статье рассматривается актуальные вопросы перспективы повышения уровень жизни население на основе развитие сферы услуг, тенденции изменения количественных и качественных результатов функционирования отраслей сферы услуг.*

Development of encreasing level of living of population in the field of development of services. The sources effecting the living of population were proved theoretically; and sphere of the role of the place of the sphere of service is in high point; were analyzed developing condition of the sphere of service.

Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларидан бўшаган меҳнат ресурсларини иш ўринлари билан таъминлаш ва меҳнат ресурсларининг баланслашувига имкон бериш орқали мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда жами банд аҳолининг ярмидан кўпи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида хизмат кўрсатиш соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг энг истиқболли ва тез суръатларда ривожланаётган тармоғига айланди.Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви ва бозорнинг товарлар билан тўлдирилиши натижасида хизматларга бўлган талаб ўса бошлайди. Иқтисодий даража қанчалик юқори ва индустриал асос ва меҳнат унумдорлиги юксак бўлса, жамиятнинг хўжалик фаолияти шунчалик мураккаблаша боради. Натижада хўжалик тузилмаси ўзгаради ва хизматларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган меҳнат фаолиятининг аҳамияти ортиб боради.

Иқтисодий ислоҳотларни юксалтириш, иқтисодиёт соҳасида эркинлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини юқори суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган қуйидаги чора-тадбирлар хизматлар соҳасининг ривожланишига имкон бермоқда:

- ❖ хизматлар соҳасини ривожлантириш, иш билан бандликнинг минтақавий дастурлари, кичик бизнесни ривожлантириш, банк соҳасини ислоҳ қилиш ва бошқа тармоқ дастурларини амалга ошириш;
- ❖ депозитар тизим, аудиторлик, лизинг, реклама, консалтинг, суғурта фаолиятлари каби янги бозор институтларининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар;
- ❖ транспорт коммуникацияси тизимлари, телефон алоқа станциялари ва линияларини ривожлантириш бўйича хорижий инвестицияларни жалб қилиш, меҳмонхоналар тармоғини ривожлантириш, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни ҳаётга жорий этиш**.**

Мустақилликнинг илк даврида хизматлар соҳасининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 33 фоиз атрофида бўлган бўлса, 2015 йил ҳолатига ушбу кўрсаткич 54,5 фоизни ташкил этган (1-расм).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

1-расм. **Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши.**

Мамлакатимизда мустақилликка эришилгандан сўнг янги турдаги хизмат турлари, жумладан, рақамли ахборот-коммуникацион технологиялар, мобил алоқа хизматлари, компьютер дастурлаш, консалтинг, ҳуқуқий ва аудиторлик хизматлари, риэлтер ва брокерлик хизматлари, хусусий медицина, молиявий хизматларнинг янги турлари, шу жумладан лизинг, электрон банкинг ва ҳоказолар пайдо бўлиб, уларнинг хизматлар умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги кунда 21 фоиздан ошди. Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида 2016 йилда 2015 йилга нисбатан хизматлар 12,5 фоизга ўсди.

Банк, суғурта, лизинг, консалтинг ва бошқа турдаги бозор хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланмоқда, улар хусусий сектор ва кичик бизнес ривожига хизмат қилмоқда. Қишлоқ ва туманларимизда хизмат кўрсатиш соҳасини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада жадал ривожлантириш дастури доирасида сўнгги уч йилда 22 минг 800 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми 1,6 баробар, қишлоқда бир кишига тўғри келадиган хизматлар ҳажми 1,5 баробар ошди.

2016 йилда Сурхондарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотида хизматларнинг улуши 50,3 фоизни ташкил этган бўлиб, 2015 йилда ушбу кўрсаткич 48,4 фоизни ташкил этган эди. 2016 йилда вилоят аҳолисига жами 3852,5 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди ва 2015 йилга нисбатан 116,2 фоизни ташкил этди. Хусусан, 2016 йилда 678 та хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилиб, шундан компьютер дастурлаштириш хизматларида 4 та, молия хизматларида 8 та,

транспорт хизматларида 48 та, турли жиҳозларни таъмирлаш ва техника хизматини кўрсатиш хизматларида 1 та, қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш ва техника хизматини кўрсатиш хизматларида 48 та, туризм хизматларида 5 та, савдо ва умумий овқатланиш хизматларида 420 та, маиший хизматларда 51 та, таълим хизматларида 1 та, соғлиқни сақлаш хизматларида 48 та, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматларда 1 та, бошқа хизматларда 43 та шахобчалар ташкил этилди.

1-жадвал

Сурхондарё вилоятида мавжуд меҳнат ресурслари ва яратилган иш ўринлари тўғрисида маълумот

№	Туманлар	01.01.2017 йил ҳолатига аҳоли сони, минг киши	Иқтисодий фаол аҳоли, минг киши	Иқтисодиётда банд аҳоли сони, минг киши	Жами ишсизлар сони, киши	Яратилган янги иш ўринлари, бирлик	Шу жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида, бирлик
1	Вилоят бўйича	**2462,2**	**1018,279**	**961,497**	**56782**	**67416**	**32340**
2	Термиз шаҳри	142,1	72,719	69,162	3557	7637	5322
3	Ангор	124,2	50,091	47,283	2808	3912	2545
4	Бойсун	113,1	47,908	44,47	3438	4900	2379
5	Денов	369	155,826	148,656	7170	6292	3980
6	Жарқўрғон	204,4	79,859	75,617	4242	4856	2323
7	Қизириқ	217,4	67,394	63,495	3899	4196	1564
8	Қумқўрғон	160,3	85,785	81,123	4662	3787	1562
9	Музработ	132,8	55,71	52,702	3008	3465	1428
10	Олтинсой	164,6	64,842	61,159	3683	3634	1250
11	Сарисоиё	192,5	80,228	75,634	4594	5463	2125
12	Термиз	101	42,581	40,078	2503	3437	1484
13	Узун	166,1	69,272	64,436	4836	5118	2016
14	Шеробод	181,3	69,387	65,311	4076	4980	2306
15	Шўрчи	193,4	76,677	72,371	4306	5739	2056

Манба: вилоят статистика бошқармаси маълумотлари

Сурхондарё вилоятида 2016 йилда 67416 та иш ўринлари яратилган бўлиб, шуларнинг 32340 таси ёки 47,9 фоизи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳиссасига тўғри келган. Вилоят бўйича хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида яратилган иш ўринлари сони бўйича Термиз шаҳри, Денов ва Ангор туманларида юқори кўрсаткичларга эришилган. Айрим туманларда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш даражаси талаб даражасида эмаслигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, вилоят марказига яқин жойлашган бўлишига қарамасдан Термиз туманида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида яратилган иш ўринлари сони 1484 тани ташкил этган бўлиб, бу вилоят бўйича энг паст кўрсаткичдир.

Бизнинг фикримизча, хизматлар соҳасини янада ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини ошириш учун қуйидагиларга эътиборни янада кучайтириш лозим:

- ❖ хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш;
- ❖ мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;
- ❖ қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, маиший хизматлар, савдо, транспорт, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, ветеринария, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоялаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш;
- ❖ анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истиқболли консалтинг, маркетинг, лойиҳалаш, лизинг, баҳолаш ва бошқа хизмат турларини жадал ривожлантириш;
- ❖ хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритадиган кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

II ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА УНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳ.Н. Мусаев, иқтисод фанлари доктори, СамИСИ,
Д.А. Нематова,талаба, СамИСИ

Аннотация:*мақолада аудиторлик текширувлари ва хизматлари, уларнинг самарадорлигиилмий жиҳатдан асосланган. Аудиторлик текширувларининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик кўрсаткичлари мазмуни келтирилган.*

Калит сўзлар: *аудиторлик текширувлари, аудиторлик хизматлари, самара, самарадорлик, аудиторлик текширувларисамарадорлиги кўрсаткичлари.*

Аннотация:*в статье рассмотрены вопросы эффективности аудиторских проверок, даны научные содержания таких понятия, как: "эффект аудиторской проверки", социалъная и экономическая эффективностъ аудиторских проверок.*

Ключевые слова: *эффект, эффектностъ, эффективностъ аудиторских проверок, виды эффективности аудиторских проверок.*

Annotation: *the questions of effectiveness of audit checks are examined, scientific descriptions are given to such concepts as: "audit effect", social and economic effectiveness of audits.*

Key words: *effect, effectiveness, effectiveness of audits, types of effectiveness of audits.*

Мустақилликка эришган республикамизда, барча тармоқ ва соҳаларда ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бундай ўзгаришлар аудиторлик фаолиятига ҳам тегишлидир. Аудиторлик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Аудиторлик фаолияти қўйилган мақсад ва вазифаларга қараб ривожлантирилмоқда. Унинг ҳуқуқий асослари яратилган. Аудиторлик текширувларининг асосий объекти корхоналарда юритилаётган бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳисобланади. Ушбу объектлар ҳужжатларга асосан текширилади. Корхоналарнинг молиявий ҳисоботларида келтирилган маълумотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун барча ҳужжатлар чуқур ўрганилиб чиқиши керак. Чунки, молиявий ҳисоботлардаги маълумотлар дастлабки ва умумлашган ҳужжатларда ўз аксини топган бўлади. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир. Барча фаолиятлар каби аудиторлик фаолиятлари ҳам самарали бўлиши керак. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики аудиторлик фаолиятининг самарадорлиги, уни ифодаловчи кўрсаткичлар билан ифодаланади. Аудиторлик текширувларининг самарадорлиги дейилганда, кўп ҳолларда текширувларни белгиланган муддатда ўтказиш, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботига хулоса бериш тушинилади. Бизнинг

фикримизча, аудиторлик текширувларининг самарадорлиги бир қанча кўрсаткичлар билан ифодаланиши ва баҳоланиши керак.

Иқтисодий манбаалардан маълумки, самара, самарадорлик ва самарадорлик кўрсаткичлари бир – биридан фарқ қилади ва маълум мезонларга асосланади. "Корхона иқтисодиёти" дарслигида самарадорликнинг мазмуни қуйидагича ифодаланади: "Самарадорлик" сўзи натижа деган маънони беради. …Ижтимоий – иқтисодий самарадорлик – чегараланган ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда эришилган, аҳолининг ижтимоий – иқтисодий исътемол даражасини юксалтиришдир"[29]. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида самара ва самарадорлик тушунчаларининг мазмуни қуйидагича келтирилган: "Самара" (араб тилида - мева, ҳосил) – натижа, ҳосила, фойда.… "Самарадорлик" – самарали, фойдалили бўлишлик, фойдалилик. Иқтисодий самарадорлик"[30]. Қисқа маънода самара ёки самарадорлик деганида бирор – бир фаолиятнинг нафлиги, фойда келтиришлигини тушиниш мумкин. Кенг маънода эса, самарадорлик деганда бирор – бир натижанинг нималар ҳисобидан олинганлиги, яъни, ушбу натижа қанча ресурслар сарфланганлиги ҳисобидан олинганлиги тушинилади. Шундай қилиб, олинган натижа самара бўлса, самарадорлик эса, ушбу натижанинг унга қилинган сарф – харажатларга нисбати тушинилади.

Самара, самарадорлик, уларнинг турлари ва кўрсаткичлари махсус адабиётларда етарлича ифодаланган. Қуйида аудиторлик фаолиятининг самарадорлиги, уни ошириш йўлларининг айрим жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Аудит текширувини ўтказиш жараёнида аудитор томонидан содир бўлган воқеа - ҳодисалар, уларнинг амалдаги қонун – қоидаларга мос келиш– келмаслиги текширилади. Корхона фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва хўжалик юритувчи субъектининг "ҳисоб сиёсати" талаблари асосида аудиторлик таҳлил қилинади. Бундан келиб чиқиб, аудиторлик фаолиятининг самарадорлигини икки йўналиш бўйича ифодалаш мумкин: ушбу текширув натижаси мижозга, яъни текширилаётган корхонага нима берди (фойдалили бўлди), иккинчи томондан эса, аудиторлик ташкилоти (фирмаси)га нима берди (қанча даромад, фойда келтирди). Аудиторлик текширувларининг самарадорлиги маълум хусусиятларга эга. Жумладан, текширув натижаларининг самарадорлиги аксарият ҳолларда ижтимоий аҳамиятга эга. Ушбу самарадорликнинг моддий кўринишдаги натижаси ўта муҳим ҳисобланмайди. Аудиторлик фаолияти томонидан текширишлар қанчалик оқилона, адолатли ва асосли амалга оширилса, мавжуд камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқ далиллар билан исботланса ва корхона молиявий ҳисоботи, ундаги кўрсаткичларнинг тўғрилигига холисона баҳо бериш, ундан ҳам буюртмачи (мижоз), ҳам аудиторлик ташкилоти наф (фойда) кўради. Бу ўзнавбатида, аудиторлик текширувларининг ижтимоий – иқтисодий кўрсаткичлар тизимини илмий жиҳатдан ишлаб чиқишни тақозо қилади. Аудиторлик текширувлари ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкил этиш, корхонадаги тартиб, мехнат ва технологик интизомни, товар-моддий захираларнинг омборлар ва бошқа саклаш жойларидаги ҳисоби, мулкларнинг сакланиши, ҳисоб-китоблар холати ва корхона молия-хўжалик фаолияти хамда унинг натижаларига сезиларли таъсир

[29] Абдукаримов Б.А., Жабриев А.Н., Зугуров Н.Р. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: "Фан", 2005, 122-123 бетлар.

[30] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2007, 434-б.

кўрсатадиган бошқа кўплаб холатларни камраб олади. Шунинг учун аудиторлик ҳисоботида корхона молия-хўжалик фаолияти ва унинг натижаларига бевосита таъсир – кўрсатадиган, хамда ҳисоб маълумотлари ва ҳисобот кўрсаткичлари ишончлилигини пасайтиришига олиб келадиган, мехнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги катта камчиликларни бартараф этишга каратилган тавсиялар берилиши лозим. Шунингдек, Ўзбекистондаги аудиторлик фаолияти олдида турган муҳим вазифалардан бири – хорижлик ҳамкорлар тан оладиган аудиторлик хулосаси бериш кобилиятига эга, сертармоқ ва профессионал даражадаги умуммиллий аудиторлик компаниялари ташкил этиш ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, аудиторлик текширувларининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқот натижалари бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни берамиз:

- аудиторлик текширувлари самарадорлиги ва унинг турларини асослаш;
- аудиторлик текширувларининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш;
- аудиторлик текширувлари самарадорлик кўрсаткичларини ва уларнинг турлари, яъни мажбурий аудиторлик текширувлари ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари турлари бўйича таснифлаш;
- аудиторлик текширувларининг корхонадаги ички назорат самарадорлигига таъсирини аниқлаш;
- текширувларнинг самарадорлик натижаларига қараб аудиторларни қўшимча моддий рағбатлантириш ёки маъмурий чора кўриш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

КОРПОРАТИВ КОРХОНАЛАРДА ҚУЛАЙ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Алиева С.С. – СамИСИ ката ўқитувчиси
Рузибаева Н.Х. – СамИСИ ассистенти
Амонов Б. – СамИСИ МК-114 гуруҳ талабаси

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистонда корпоратив корхоналарнинг инновацион фаолияти ёритиб берилган. Давлат томонидан корхоналарнинг илмий ва инновацион фаолиятини молиявий рағбатлантирилиши ва унинг ривожланиш йўллари борасида амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар. *Корпоратив корхона, инновацион фаолият, молиявий рағбат.*

Аннотация. *В статье освещена инновационная деятельность корпоративных предприятий в Узбекистане. Разработаны рекомендации по финансовому стимулированию государством научной и инновационной деятельностей предприятий и пути их развития.*

Ключевые слова. *Корпоративное предприятие, инновационная деятельность, финансовый стимул.*

Annotation. *The article reveals corporate innovation activities of corporate enterprises in Uzbekistan. Encourages scientific and innovative activities of state enterprises and development of practical recommendations.*

Key words. *Corporate enterprise, innovation, financial incentives.*

Бозор иқтисодиёти шароитида бозор субъектларининг кенг кўламда иқтисодий тараққиёт учун курашлари, уларнинг янги турдаги бирлашувлари, молиявий имкониятларни тақсимлашдаги янгича ёндашувлари, ижобий самарага эришиш мақсадида инвестицион жараёнларнинг мураккаб тузилмаларини шакллантиришга бўлган интилишлари ва эркин рақобат муҳитига бўлган муносабатлари ўртасидаги зиддиятлар йирик корпоратив тузилмаларда янгича иқтисодий қарашлар ва илмий изланишларни тақозо этмоқда. Ўзбекистонда корпоратив корхоналарни инновацион фаолиятини ривожлантириш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар қандай мамлакатда корпоратив корхоналарни инновацион фаолиятини жадал тараққий этиши соҳанинг давлат томонидан молиявий қўллаб-қувваланиши ва рағбатлантирилишига бевосита боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш борасидаги қатор фармон ва қарорлари, хусусан. 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ иқтисодиётни либераллаштириш ва корпоратив корхоналар фаолиятида бизнес юритиш шарт-шароитларини янада енгиллаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича кескин ва таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширилиши корпоратив корхона фаолиятини янада ривожланишига замин ва туртки бўлмоқда.

Хусусий мулкни, тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар дастурларини изчил амалга оширилиши натижасида 2015 йилда 55,7 мингта янги корхоналар ташкил этилиб, шундан 26,9 мингтаси кичик тадбиркорлик (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) субъектларидир, 2016 йилга келиб эса кичик тадбиркорлик субъектлари сони 31,8 мингдан ортди, яъни 5,7%га ошган[31].

2016 йилда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 10,2 трли сўм ёки 2015 йилдагига иисбатан 1,2 баробар кўп инвестицион кредитлар ажратилди[32].

Мамлакатимизда яратилаётган қулай шарт-шароитлар корпоратив корхоналарни тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш имконини бермоқда. Президентимиз бу борада 2012 йилда мамалакатамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасинингмажлисидаги маърузасида "... рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин", - деб таъкидлаб ўтганлар.

[31] www.uzreport.uzмаълумотлариасосида

[32] МирзиёевШ.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: “Ўзбекистон” 2017 й.

Бизнеснинг инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватловчи ва рағбатлантирувчи технопарклар, тижорат банклари, ахборот-консалтинг марказлари, аудиторлик фирмалари, ўқитиш марказлари, баҳолаш компаниялари, товар-хом ашё биржасининг савдо майдончалари, микрокредит ташкилотлари. кредит уюшмалари, брокерлик идоралари, лизинг компаниялари, бизнес-инкубаторлар ва бошқа ташкилотларни ўз ичига олган иннования инфратузигшаси ташкил этилган.

Бизнинг фикримизча, корпоратив корхоналарда бизнесга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани тузишдан асосий мақсад унинг объектлари самарали фаолият кўрсатишигина эмас, балки уларнинг фаолиятларини жамият манфаатлари, хусусан, тизимли ўзгартириш ҳамда маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кенгайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш учун йўналтиришдан иборатдир.

Республика ҳудудларида корпоратив корхоналар кесимида тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи Бизнес марказлар фаолиятини ташкил қилиш Дастури тадбиркорлик муҳитини муваффаққиятли шакллантиришда тадбиркорлик соҳасидаги миллий ахборот-маслаҳат таъминотининг таҳлили ва консалтинг хизматидаги жаҳон тажрибаси ютуқлари асосида тайёрланган ҳамда ҳудудларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожланишини молиявий рағбатлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Корпоратив корхоналарни бизнес инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнлари асосан қуйидаги 3 та йўналишни ўз ичига олади:

1. Корпоратив корхоналар бизнес инновацион фаолияти учун етарлича ишбилармонлик шарт-шароитларини ва муҳитини яратиш.
2. Тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини бевосита рағбатлантириш.
3. Корпоратив субъектларнинг инновацион фаолиятини ўз вақтида тўғри молиялаштириш.

Ҳозирги кунда, мамлакатимизда корпоратив корхоналар доирасида бизнесни бошлашга имкон яратувчи рўйхатга олиш ва ундан кейинги жараёнлар соддалаштирилди, янада енгиллаштирилиши муҳимдир.Рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча" тамойили асосида Давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолият бошлади. Айнан шундай хизматларни корпоратив корхоналарга ҳам яратиш муҳимдир.

Бугунги кунда сир эмаски, бизнеснинг инновацион фаолиятини ривожлантириш биринчи навбатда, илғор илм-фан ютуқларига асосланади.

Мамлакатимизда инновацион фаолиятни молиявий таъминотини ривожлантириш учун илмий, иқтисодий ва меъёрий-ҳуқуқий асослар мавжуд ва кадрлар салоҳияти ҳам маълум даражада юқорилигини таъкидлаш мумкин.

Бироқ, мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш кўрсаткичини талаб даражасида деб бўлмайди. Маълумотларга кўра, фаолият кўрсатаётган 230 га яқин илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик муассасаларидан атиги 10 фоизга яқини инновация фаолияти билан шуғулланаяпти. Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш даражаси ҳам юқори эмас, айниқса жуда кам сондаги кичик бизнес субъектлари патентларни қўлга киритмоқда.

Маълумки, ҳар қандай инновацион фаолиятнинг асосий негизини илмий ғоялар ва илмий тадқиқотлар ёки уларнинг натижалари сифатида янги, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш технологияларини янгилашга, ҳамда такомиллаштиришга жорий этиш жараёнлари ташкил этади. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти эса амалда шу жараёнлар билан бевосита уйғунлашиб кетади.

Давлатнинг илмий ва инновацион фаолият соҳасидаги сиёсатида уларни рағбатлантириш масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Давлат томонидан корпоратив корхоналарни илмий ва инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш механизми 2 та таркибий қисмдан иборатдир:

а) билвосита молиявий рағбатлантириш;

б) бевосита молиявий рағбатлантириш.

Давлатнинг илмий ва инновацион фаолиятини билвосита молиявий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизми қуйидагиларни ўз ичига олади:

- илмий-тадқиқот натажаларни амалиётга жорий этиш натижасида олган фойдадан имтиёзли солиқ олиш;
- илмий тадқиқотлар ихтиёрида бўлган ёрдамчи ва бошқа мулкдан солиқ олишни бекор қилиш;

илмий иш олиб бориш учун хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган буюмлар учун тўловлардан озод қилиш.

Илмий ва инновацион фаолиятни бевосита молиявий рағбатлантиришда давлат томонидан бериладиган қуйидаги имтиёзларназарда тутилади:

- индивидуал ихтирочилар ва корпоратив корхоналар учун имтиёзли фоизли кредитлар бериш;
- имтиёзли солиқлар имконияти бўлган венчур инновация фойдани яратиш;
- индивидуал ихтирочилар учун давлат патент тўловини камайтириш;
- ресурсларни иқтисод қилувчи ихтирочилар учун тўлов муддатини кечиктириш.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва уни давлат томонидан тартибга солиш механизми қуйидагилар орқали тавсифланиши лозим:

- илмий тадқиқотлар ва инновацияларга маблағларни тўплаш;
- инновация фаолиятини мувофиқлаштириш;
- инновацияларни рағбатлантириш;
- инновация жараёнллрининг ҳуқуқий асосларини яратиш;
- инновацияларни кадрлар билан таъминлаш;
- илмий-инновация инфраструктурасини шакллантириш;
- инновация жараёнларини институционал таъминлаш;
- инновация фаолиятиниит ижтимоий мақомини ошириш;
- инновация жараёнларини минтақавий тартибга солиш;
- инновация жараёнларининг халқаро жиҳатларини тартибга солиш муҳимдир.

Кичик инновацион бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ушбу йўналиши хўжалик юритиш субъектлари экспорт салоҳиятини ошириш ва уларнинг ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини таъминлаш имконини беради. Корпоратив корхоналарда қулай инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантиришда бозор иқтисодиётнинг инновацион тармоғи фаолиятини кенгайтиришга кўмаклашиши, корпоратив ишлаб чиқариш корхоналар инновацион

фаоллигини рағбатлантириш, бу энг аввало жамиятдаги инновацион тараққиётга олиб келиши мумкин.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, корхоналар рақобатдошлигини оширишнинг муҳим омили инновацион жараёнларни стратегик бошқариш, инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш эканлигини кўрсатади. Чунки инновацион жараёнлар стратегияси рақобатчиларга нисбатан мазкур корхона салоҳияти ва кучини мустаҳкамлашга қаратилган, қўйилган мақсадларга эришишнинг ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи ҳисобланади. Бу эса, корхона инновацион старегиясини тўғри танлашга, маҳсулот рақобатдошлигини ошириш механизмларини самарали ташкил этишга, ишлаб чиқариш учун ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш имкониятларини юзага келтиради. Пировард натижада корхоналарда қулай инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантиришни оширишга шароит яратилади.

АҲОЛИГА СЕРВИС ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Г.Қодирова, СОҲАҚМБЮ каттаЎқитувчиси
Л.Э.Турсунов, СамДУ ўқитувчиси
С.Б.Бобоқулов, СамДУ КИХИ

Аннотация:*Ушбу мақолада муаллифларнинг аҳолига сервис хизмат кўрсатиш фаолиятини самарадорлигини оширишнинг таҳлили ўрганилиб керакли фикрлар келтирилган ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *хизмат кўрсатиш,сервис тизими, сервис, маиший хизмат, самарадорлик, таҳлил.*

Аннотация: *В данной статье делается анализ, а также разработаны советы и рекомендации со стороны авторов по повышению эффективности деятельности сервисного обслуживания населения.*

Ключевые слова:*обслуживание, система сервиса, сервис, анализ, коммунальное обслуживание, эффективность.*

Annotation:*In this article is analyzes and develops advice and recommendations from the part of the authors on improving the efficiency of the service of the population.*

Keywords: *service, service system, service, analysis, public service, efficiency.*

Ҳозирги даврда хизмат кўрсатиш фаолияти– бу хизмат бажарувчининг истеъмолчи билан бевосита алоқада бўладиган фаолиятидир. Мазкур хизмат кўрсатиш жараёни хизмат кўрсатиш соҳасининг ишлаб чиқариш воситалари ва ходимлари орқали таъминланади. Хизмат кўрсатиш ўз ичига истеъмолчилар буюртмаларини таҳлил қилиш, хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, яъни ташкилий-техник вазифалар ва хизмат кўрсатиш жараёнини амалга ошириш, хизматнинг зарурий сифатини белгилаш ва таъминлаш ҳамда истеъмолчига етказиш тартиблари ва шарт-шароитларини ўз ичига олади.

Иқтисодиётнинг замонавий тармоқларини модернизациялаш шароитида мамлакатимизда ўз фаолиятини амалга ошираётган хизмат кўрсатиш соҳаси мутахасислари хизмат кўрсатиш жараёнининг барча сир-атворлари бўйича юқори касбий билим ва малакага эга бўлишларини тақоза этмоқда. Хусусан, шу мақсадда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида”хизматлар кўрсатиш соҳасини

жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини энг аввало хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”[33].Бу эса соҳада ресурслардан самарали фойдаланиш эвазига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга олиб келади ҳамда хизмат сифати яхшиланади.

Аҳолига хизмат кўрсатиш сифати кўпгина ҳолларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш услубларига боғлиқ бўлади. Хизмат кўрсатиш услублари хизмат кўрсатиш корхоналарининг турлари ва ихтисослигига боғлиқдир. Хизмат кўрсатиш сифатига хизмат кўрсатиш шароитлари бевосита боғлиқ бўлиб, мазкур жараёнда истеъмолчига таъсир кўрсатади.

Аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнида фаолиятни амалга оширишнинг асосий элементлари бўлиб хизмат кўрсатишни амалга оширувчи ходимлар, хизмат кўрсатиш воситалари, предметлари ва хизмат кўрсатиш шароитлари ҳисобланади.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг самарадорлиги корхоналар раҳбарларининг ташкилий-бошқарув ва ташкилий-иқтисодий жараёнларини илмий асосда ташкил этишига боғлиқ. Хизмат кўрсатиш корхонасининг ташкилий-бошқарув фаолияти ўз ичига қуйидагиларни олади:

– хизмат кўрсатиш корхонасининг фаолиятини режалаштириш, хизматлар бозори конъюнктурасининг ёки хизматлар ассортиментининг ўзгариши натижасида корхона ривожланишининг истиқболини белгилаш;

–ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатларини баҳолаш;

– хизматлар ассортименти ва сифат даражасини инобатга олган ҳолда технологик асбоб-ускуналар ва техник воситалар таркибини оптималлаштириш;

– истеъмолчилар билан ишлаш учун ижтимоий-психологик лаёқатга эга бўлган мутахасисларни танлаш;

–хизмат кўрсатиш ходимлари касбий маҳорати ва малака даражасини ошириш;

– меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига интенсив ривожланишни таъминлаш;

– ишлаб чиқариш жараёни ва хизмат кўрсатиш фаолиятини техник қуроллантириш;

– ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш харажатлари самарадорлигини баҳолаш;

– хизмат кўрсатиш натижаларини ошириш.

Республикамизда амалга оширилаётган бир қатор иқтисодий ислоҳотлар миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишга, хусусан, унинг таркибий қисми ҳисобланган хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш, унинг турли хилдаги талабларини қондириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

[33] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-йил 14 январдаги Вазирлар махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Зарафшон газетаси, 18 январ 2017 йил

1-жадвал

2008-2015 йилларда Самарқанд вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаб чиқаришнингўсиши умумий динамикаси

(% ҳисобида)

Йиллар	Тармоқлар		
	Саноат	Қишлоқхўжалиги	Хизматкўрсатиш
2008	130,6	117,8	119,7
2009	112	105,0	122,7
2010	120,0	107,6	118,5
2011	123,2	110,7	108,3
2012	127,4	118,4	114,6
2013	128,6	121,8	121,7
2014	118	110,0	124,7
2015	128,0	112,6	126,5

Манба:Самарқандвилоят статистика Бош бошқармасимаълумотлариасосида тузилган.

Самарқанд вилоятида кейинги йилларда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига кўра, хизмат кўрсатиш соҳаси жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Хусусан, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши мунтазам ўсиб бормоқда. Биргина 2008йилда хизмат кўрсатишнинг олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати 130,6% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 120,0%га пастлаган.

Вилоят қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш ҳажмининг бундай ўсиши 2008 йилда 117,8%га ўсган бўлса, 2015 йилда эса 112,6%ни ташкил этган.

Вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2008 йилда 130,6%га, 2013 йилда эса 128,6% га, 2015 йилга келиб 128,0% ни ташкил этган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиб бориши қишлоқ хўжалигидан қишлоқ хўжалиги иш ўринларнинг яратилиши, хусусий тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб бориши билан изоҳланади. (1-жадвал)

Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари тажрибаси шундан далолат беради, хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг самарадорлиги ҳамда иқтисодий ўсиши аҳолига хизмат кўрсатиш хусусиятлари ва шароитларига боғлиқ бўлиб, бирқатор омиллар таъсири билан белгиланади. Шунга кўра, биз ҳудудий даражада аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг тармоқлари ва йўналишларида иқтисодий ўсишнинг омилли тараққиётини амалга оширамиз.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки бунда асосий мақсад иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив омилларини хизмат кўрсатиш фаолиятининг иқтисодий ўсишига таъсирини аниқлаш асосий мақсад ҳисобланади. Ўтказилган омилли таҳлил доирасида экстенсив ва интенсив омиллар индекси таққослаш усули орқали иқтисодий ўсиш шакли белгиланади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Эргашев И.И.СамДУ,асс

Аннотация*: Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолият юритишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, инновацион фаолиятни амалга оширишнинг барча босқичларида инвестициялашнинг ўзига хос хусусиятлари қараб чиқилган.*

Калит сўзлар: *инновация, инвестиция, тадқиқотлар, хизмат кўрсатиш, илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ), инфратузилма.*

Аннотация:*В статье рассмотрены особенности инвестирования на всех этапах реализации инновационной деятельности, с учётом особенностей деятельности хозяйственных субъектов сферы услуг.*

Ключевые слова: *инновация, инвестиция, исследования, услуги, НИОКР, инфраструктура.*

Annotation:*In the article are considered the features of investment at all stages of realization of innovative activity, taking into account features of activity of economic subjects of services sector.*

Key words: *innovation, investment, research, services, R & D, infrastructure.*

Иқтисодий тизимларни ривожланишнинг инновацион турига ўтишини зарурат этувчи объектив сабаблар ҳозирги вақтда тадбиркорликнинг инновацион инфратузилмасига инвестициялар жалб қилиш механизмини самарали амал қилишини таъминлаш асосида инновацион-инвестицион фаолиятни жадаллаштиришни ва бутун бир инновациялаш жараёнида илмий-техник ва иқтисодий омилларнинг самарали ўзаро ҳамкорлиги муаммосини комплекс ҳал қилинишини зарурат этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни фаол жалб қилиш долзарб масала ҳисобланади[34].

Миллий иқтисодиётимиз ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни бошқариш методологияси асосан хориж услубий ишланмалари асосида лойиҳаларни баҳолаш усулларини такомиллаштириш йўналишида ривожланди, лойиҳаларни танлашнинг ва капитал қўйилмалар бюджетини шакллантиришнинг комплекс муаммолари эса деярли кўриб чиқилмаган эди. Шу билан бирга, узоқ муддатли қўйилмаларга объектив равишда хос бўлган ноаниқлик, молиявий ресурслар етишмовчилиги ва капитал нархининг юқорилиги шароитида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг методологик асоси капитал инвестициялаш назарияси ривожланишининг долзарб ва муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Инновацион-инвестицион жараённи бошқариш – бу турли хилдаги инновацияларни яратишга, инновацион-инвестицион лойиҳаларга молиявий маблағларни нисбатан самаралироқ киритишни таъминлаш ва кутилаётган натижаларни олишга йўналтирилган фаолиятдир.

[34] “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони, 1-илова, 3.4-банд.

Инновацион-инвестицион жараённи самарали бошқариш самарали инновацион-инвестицион лойиҳаларни танлаш бўйича асосланган бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишни ифодалайди.

Кўриб чиқилаётган бир қанча муқобил вариантлардан рационал қарорни танлаш бир нечта устуворлик мезонлари орқали амалга оширилади ва ушбу мезонлар муқобил вариантларни бир ёки бир нечта мақсадларга эришиш нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради.

Инновацион ва инвестицион қарорлар ўртасида узвий ўзаро боғлиқлик мавжуддир. Биринчи навбатда у янги лойиҳаларни бутун ҳаётийлик даври давомида ресурслар билан таъминлаш босқичида намоён бўлади.

Инқилобий инновацияларнинг ҳаётий даври кўрсаткичларнинг икки тизими билан аниқланади: янги ишланманинг технологик салоҳияти билан ва унинг иқтисодий салоҳияти билан, яъни ишлаб чиқариш, муомала ва истеъмол жараёнида салмоқли харажатларни қисқартиришнинг чегаравий имкониятлари билан.

П.Н.Завлин таҳрири остида олимлар гуруҳи томонидан нашр этилган ўқув қўлланмада муаллифлар фикрича, тобора кўпроқ капитал харажатлар, айниқса, инвестицион талаб товарлари соҳасида, жисмоний фойдаланиш муддати давомида ялпи харажатларни акс эттирмайди[35]. Шу сабабли инновациялардан рационал фойдаланилган ҳолдагина фойдали истеъмол самараси юзага чиқиши мумкин. Шундай қилиб, замонавий иқтисодиёт фан сиғими юқори бўлган маҳсулотлар истеъмолчиларига ҳам етарлича қатъий талабларни қўймоқда. Хусусан, улар ИТТнинг самарасини фақатгина истеъмол ва фойдаланиш жараёнини қайта қуриш йўли билан юзага чиқариши мумкин. Масалан, малакали ишчи кучи таркибини ўзгартириш, қимматбаҳо техник тизимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида юқори даражада бандлигини таъминлаш ва бошқалар. Бу ҳолда ИТТнинг иқтисодий самараси махсус ялпи нархнинг пасайиши кўринишида акс этмайди, балки ялпи қиймат бирлигининг қисқариши йўли билан таъминланади, айниқса жамиятнинг тамомила янги ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи радикал янги ишланмалар бунга ёрқин мисол бўла олади. Шундай экан, истеъмолчилар инновацион жараёнда пассив бўғин вазифасини бажаришни тўхтатишади. Хусусан, маҳсулотнинг ўзидан ташқари янги истеъмол хусусиятларини самарали реализация қилиш йўлларини билиш ҳам зарур.

Технологик самарадорлик янги ишланмани тижорат муваффақиятининг фақатгина зарурий, бироқ етарлича тўлиқ бўлмаган шарти бўлиб хизмат қилади. Инновациянинг самарадорлиги ўзининг икки таркибий қисми: технологик ва иқтисодий самарадорлик орқали ифодаланиши мумкин. Шу сабабли инновациянинг самарадорлиги ижобий бўлиши учун унинг иккала таркибий қисми ҳам ижобий кўрсаткичга эга бўлиши талаб этилади. Инновациялар юқори технологик самарадорликни кўрсатиб, лекин талаб мавжуд бўлмаган ҳолатда унинг умумий самарадорлиги салбий кўрсаткичга эга бўлади. Шу тариқа тез ўзгарувчан рақобат шароитида ўзгармас технологик база асосида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ҳам салбий оқибатларга олиб келади, чунки рақобат натижасида ҳамда талабнинг қондирилиши натижасида бундай маҳсулотнинг истеъмол қиймати борган сари пасайиб боради.

[35]Основы инновационного менеджмента: Теория и практика: Учеб. пособие / Под ред. П. Н. Завлина, А. К. Казанцева, Л. Э. Миндели. М.: ОАО «НПО «Изд-во “Экономика”», 2000.

Инновациянинг ҳаётийлик даврини қуйидаги умумлаштирилган чизма кўринишида акс эттириш мумкин (1-расм) ва у қуйидаги асосий босқичлардан ташкил топади:

– фундаментал тадқиқотлар;

– илмий тадқиқотлар, ўз ичига ишлаб чиқаришни, яратишни, синов нусхасини синовдан ўтказишни ва бозорни таҳлил қилишни олади;

– тажриба-конструкторлик ишланмаси (технология, усул ва методлар, ноу-хау);

– тижоратлаштириш ва ишлаб чиқариш (маркетинг, бизнес-режалаштириш, инвестициялар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш);

– товарни сотиш (лицензия ва патентларни ҳам), фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш (сервис) тизимини ташкил этиш, техник ёрдам кўрсатиш;

– инновациянинг тугалланиши (ишлаб чиқаришни бекор қилиниши, тугалланиши, қайта жиҳозланиш, малакани ошириш ва қайта тайёрлаш ва бошқалар).

Харажатларнинг шакллантирилиш жараёнини ва инновация натижаларини кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, инновациялар ҳаётий даврининг дастлабки босқичларида (илмий тадқиқотлар ва бозорни ўрганиш, ишланмани яратиш ва дастлабки ёки синов нусхасини яратиш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш) фирмалар фақатгина мунтазам ўсиб борувчи харажатларга эга бўлишади.

Инновациянинг бозорга чиққанидан сўнг ва унинг харидорлар томонидан тан олинганидан кейин нисбатан қисқа вақт ичида талабнинг кескин ортиши кузатилади ва бу янги ишланманинг харажатлари қопланишининг ва даромадлилигининг гарови бўлиб хизмат қилади, кейничалик эса талаб бирмунча барқарорлашади. Фақатгина инновацияни реализация қилиниши орқалигина уни ишлаб чиқишга кетган харажатларни қоплаш мумкин. Дастлабки харажатлар миқёси қанчалик катта бўлса, талабни кенгайиши жадаллиги ҳам шунчалик юқори бўлиши зарур. Ишлаб чиқариш ҳажмлари мувофиқлашгандан кейин, модернизация ҳисобига талабнинг кенгайиши, маҳсулот турининг кўпайиши ҳисобига тежаш ва янги ишланманинг иқтисодий ва технологик салоҳияти тугаб бориши билан нархларнинг тушиши натижасида маънавий эскириш даври келади ва истеъмолчиларнинг хоҳиш-истаклари янги истеъмол қийматларига қаратила бошлайди. Ўзининг иқтисодий мазмунига кўра янги ишланманинг ҳаётий ва бозор даврининг якунловчи босқичи аҳамиятига кўра бозорга кириб келишдаги ишлаб чиқариш ҳажмларини юқори суръатларда ошириш давридан камроқ мазмунга эга эмас, чунки ишлаб чиқариш суръатларини ўз вақтида ва кескин тўхтатилиши ҳамда ресурсларнинг истиқболли соҳаларга йўналтирилиши етарлича миқдордаги харажатларни тежалишини англатади. Бироқ, кучли рақобат шароитида даромадларнинг энг юқори ҳажмига эришилган давр – янги технологик босқичга ўтиш зарурлигини англатувчи жуда кеч белги бўлиб ҳисобланади, чунки технологик узилишни олдини олишга тайёргарлик кўриш жараёни бирмунча олдинроқ бошланиши керак

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолиятни инвестициялаш масаласини ижобий ҳал қилиниши мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва замонавий тармоқларни диверсификация қилинишини

жадаллаштириб қолмасдан, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ва инвестицион жозибадорлигини ошишига олиб келади



1-расм. Инновацион даврнинг умумлаштирилган чизмаси*

***Муаллиф ишланмаси.

..

Шундай қилиб, ҳозирги кунда инновацион фаолиятни инвестициялаш мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва инновацион иқтисодиётни самарали шакллантиришнинг муҳим омиллардан бири сифатида қараш мумкин. Республикамизда инновацион иқтисодиётни ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирларига қуйидаги уч фундаментал вазифаларни киритиш мумкин: биринчидан, ИТТКИларини молиялаштириш ва инвестициялаш ҳажмларини ошириш ва унинг механизмларини такомиллаштириш, иккинчидан, инновацион муҳитни молиявий қўллаб-қувватлашнинг билвосита усулларидан амалда самарали фойдаланиш – солиқ имтиёзлари, божхона преференциялари, мақсадли кредитлаш ва лизинг, давлат кафолатлар, учинчидан, инновацион кластерларни шакллантириш ва уларнинг давлат ҳамда хорижий инвесторлар томонидан аниқ молиялаштирилишини таъминлаш.

Инновацион фаолиятни жадаллаштириш мақсадида инвестициялаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши зарур:

– уствор илмий-техник вазифаларни амалга ошириш мақсадида иқтисодиётнинг давлат ва хусусий тадбиркорлик секторларининг молиявий ресурсларини бирлаштириш механизмини шакллантириш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини амалда такомиллаштириш;

– инновацион вазифаларни ўз ичига олувчи ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларни ишлаб чиқиш;

– инновацион дастурларни мустақил баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш ва ушбу баҳолаш натижаларини иш билармон доираларга етказиш;

– инновацион фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида халқаро ва ҳудудий даражада технологик иттифоқларни шаклланишига кўмаклашиш;

– олий таълим муассасалари ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига техник кўмаклашиш ва замонавий технологияларни етказиб бериш маказларини яратиш.

СУҒУРТАНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Муртазаев.Н.Р-ҚарМИИкатта ўқитувчиси

Аннотация: *Суғурта институти анъанавий тарзда хўжалик юритишнинг эҳтимолий хатарларини ҳам олдини олиш, ҳам бартараф этиш имконини берувчи муҳим сегмент сифатида эътироф этилади. Унинг ҳам давлат, ҳам бизнес йўналиши бўйича фойдаланиладиган бошқа ҳимоялаш институтлари ва механизмларидан фарқи ана шунда.*

Ўтиш иқтисодиёти кўпроқ беқарорлаштирувчи омилларга дучор бўлишга мойиллиги туфайли унинг базавий тармоқларини тадқиқ этиш биринчи даражали вазифага айланди.

Калит сўзлар: *суғурта, бозор иқтисодиёти, суғурта бозори, суғурта хизматлари, рақобат, модернизация*

Аннотация: *Институт страхования представлен в виде основного сегмента дающего право для того, чтобы вероятность рисков в ведении хозяйства было основным из сегментов. В этом и есть разница использования других институтов и защитных механизмов в использовании им в бизнесе и государством.*

Ключевые слова:*Страхование, рыночная экономика, страховой рынок, страховые услуги, конкуренция, модернизация*

Annotation: *The Insurance Institute is represented as the main segment of the grantor in order for the probability of introducing risks to the economy.In fact, there is a difference mechanism with other protective institutions in the use of business lines and the state*

Key words: *Insurance, market economy, insurance market, insurance services, competition, modernization.*

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ривожланиш “ўзбек модели”нинг томойилларига асосланган мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибини диверсификациялаш сиёсати миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим стратегик йўналиши ҳисобланади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «…барчамизга яхши аёнки, бизнеснинг муваффақияти бозор иқтисодиёти институтлари, хусусан, юксак профессионал даражадаги мустақил аудитни, суғуртанинг замонавий шаклларини ва молиявий хизматларнинг бошқа турларини кенг ривожлантиришга бевосита боғлиқ».

Ретроспектив таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистоннинг ҳозирги суғурта бозори 1991 йилдан бошлаб республикамизда бозор муносабатларининг ривожланиши билан параллел равишда шакллана бошлади. Давлатнинг суғурта бозорининг вужудга келиши учун шароитлар яратиш ва унинг янги иштирокчиларини шакллантиришдаги кучли роли иқтисодиёт суғурта сегменти вужудга келишининг ўзига хос хусусияти бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва мамлакатимиз ҳукуматининг қарорларига мувофиқ давлат капиталига асосланган ва ўзига хос хатарларнинг қопланишини таъминловчи қуйидаги йирик ихтисослашган компаниялар ташкил этилди: экспорт-импорт операцияларини суғурта қилиш бўйича – «Ўзбекинвест" экспорт-импортни суғурта қилиш миллий компанияси (ЭИСМК) – устав капитали 60 млн. АҚШ доллари, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг хатарларини суғурта қилиш бўйича – «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси (ДАСК) – устав капитали 2 млрд. сўм (Ўзбекистон Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат суғуртаси Бош бошқармаси шаҳар суғуртаси хатарларини суғурта қилиш бўйича – «Кафолат» ДАСК – устав капитали 500 млн. сўм ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорлик хатарларини суғурта қилиш бўйича – "Мадад" ОАЖ суғурта агентлиги – устав капитали 250 млн. сўм. Мазкур компаниялар ҳозирги вақтда ҳам Ўзбекистон суғурта бозорида ўзининг етакчилик мавқеини сақлаб турибди.

Бугунги кунда мамлакатимиз суғурта бозори муҳим иқтисодий тенденциялар ва бозор муносабатларининг ривожланишига мос тарзда ривожланмоқда, шунингдек у ўсишнинг тез ва барқарор суръатларини намойиш этмоқда, унинг сифат хусусиятлари яхшиланмоқда. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишининг ҳозирги босқичи истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида суғурталовчилар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ташкил этилиши ва ривожланиши билан ҳам, суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун (2007 й.) каби муҳим қонунчилик ташаббуслари асосида суғурта фаолиятининг янада эркинлаштирилиши билан ҳам боғлиқ.

Суғурта хизматлари бозорида рақобатни шакллантириш, суғурта фаолиятининг янги турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, суғурталовчиларни капиталлаштириш даражасини ошириш ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, суғурталовчиларнинг минтақавий тармоғини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган 2007-2010 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури тасдиқланиб, унда қуйидаги чора-тадбирлар назарда тутилди:

- суғурта фаолиятининг қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш;

- суғурта фаолиятини халқаро амалиётга мувофиқ тартибга солиш ва назорат қилиш тартиботини такомиллаштириш, суғурта хизматлари истеъмолчиларини ҳимоялаш нуқтаи назаридан суғурта назоратининг самарадорлигини ошириш;

- кўрсатилаётган суғурта хизматлари, айниқса тадбиркорлик фаолиятини, импорт-экспорт операцияларини суғурталаш, ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш, шу жумладан, суғуртанинг жамғарма турлари соҳасида суғурта хизматлари ҳажмини, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

- суғурта соҳасида кенг маърифий ва тушунтириш ишларини ҳамда аҳолининг суғурта маданиятини ошириш бўйича бошқа тадбирларни амалга ошириш;

- халқаро суғурта ва қайта суғурта муносабатлари даражасига эришиш мақсадида барқарорликни мустаҳкамлаш ва суғурталовчиларнинг молиявий салоҳиятини ошириш;

- халқаро ташкилотлар, шу жумладан Суғурта назорати халқаро уюшмаси билан суғурта назорати муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантириш;

- суғурта соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлашва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

- суғурта бозорининг инфратузилмасини ташкил этувчи унинг профессионал иштирокчилари фаол ишлаши учун шароитларни таъминлаш, кўрсатиладиган асосий ва қўшимча хизматлар турларинингг даражасини ошириш.

Суғурта бозори фаолият кўрсатишининг суғурта бозориривожланган мамлакатларга мос келувчи ҳуқуқий базанинг юксак даражасига асосланган тўлақонли шароитларининг шакллантирилиши давлат томонидан қилиган саъй-ҳаракатлар натижаси бўлди. Умуман олганда бу ҳол суғурта бозори иштирокчиларининг сони ва унинг ҳажмий кўрсаткичлари ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

АГРОСУҒУРТАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Муртазаев.Н.Р. - ҚарМИИ катта ўқитувчиси

Аннотация: *Ҳозирги даврда бу ерда миллий суғурта тизимининг мустақил унсури сифатида агросуғурта тизимини ажратиш, давлатнинг агрохатарларни суғурта қилишдаги иштирокининг доираларини ва моделини аниқлаш, суғурта жамғармаларини аккомуляциялаш ва суғурта хатарларини қоплашнинг замонавий воситаларини шакллантириш, суғурта фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш зарур.*

Калит сўзлар: *суғурта, бозор иқтисодиёти, суғурта бозори, агросуғурта, қишлоқ хўжалиги*

Аннотация: *Для определения приоритетных направлений страховой деятельности в настоящее время нужно основать современные методы покрытия страховых рисков, познать модели и участие в страховании государственных агрорисков, выделить систему агрострахования в виде самостоятельного показателя национальной страховой системы.*

Ключевые слова: *страхование, рыночная экономика, страховой рынок, агрострахование, сельское хозяйство*

Annotation: *To determine priority areas of insurance business, it is now necessary to establish modern methods for assessing insurance risks, to learn the models and participation in insurance of state agrarian enterprises, to identify the system of agricultural insurance as an independent indicator of the national insurance system.*

Key words*: Insurance, market economy, insurance market, insurance market, agriculture.*

Маълумки, жаҳон иқтисодий ривожланишининг сўнгги ўн йилликларида глобал тўсқинлиқ қилувчи омиллар кузатилди. Ана шундай омиллар жумласига,

юқорида таъкидланганидек, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш омиллари сифатида табиий ер ресурсларидан ва қишлоқ хўжалиги хомашёсидан фойдаланувчи тармоқларига салбий таъсир кўрсатувчи қатор техноген ва табиий катаклизмлар киради. Биринчи галда, агросектор ана шундай тармоқлар жумласидандир. Иқтисодиётнинг айнан ушбу соҳаси, эришган салмоқли муваффақиятларга қарамай ҳамон табиий хатарларга боғлиқ ва яна узоқ вақт мобайнида уларга боғлиқ бўлиб қолади. Таъкидлаш лозимки, мазкур сектор иқтисодиётнинг ҳам миллий хўжаликнинг қатор тармоқлари, унинг ташқи иқтисодий муносабатлари, аҳоли учун, ҳам умуман миллий ҳафсизлик учун стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқлари жумласига киради. Айнан шунинг учун қишлоқ хўжалиги хатарли таркибий қисмни пасайтириш, сўзсиз, миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

МДҲнинг барча ҳудудларида агросуғурта тажрибасини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бу ерда суғурталовчиларнинг асосий муаммолари асосан, бир томондан, якка тартибдаги деҳқон хўжаликларини суғурта қилиш учун молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, иккинчи томондан, давлат суғурта жамғармаларининг етишмаслиги билан боғлиқ. Бунда марказлашган давлат ресурсларининг давлат маъмурчилиги даражасида (Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас) ҳамма вақт ҳам бир қарашда молиявий маблағларнинг етишмаслиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчилар (маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ва унинг рақобатбардошлигини ошириш ҳисобидан), қишлоқ хўжалиги хомашёсининг истеъмолчилари томонидан олинадиган катта миқдордаги фойда билан қопланиши мумкиндек туюлган ҳолат ҳисобга олинмайди. Назаримизда, суғурта фаолиятининг айнан ушбу йўналиши иқтисодий муносабатлар барча субъектларининг ва умуман иқтисодий ривожланиш манфаатларига кўпроқ мос келади.

Шунинг учун қишлоқ хўжалиги хатарларини суғурта қилишдан, биринчи галда, давлатнинг манфаатдорлиги бежизга эмас. Бошқа рағбатлантирувчи чора-тадбирлардан фарқли равишда қишлоқ хўжалигини суғурта қилиш тизимини субсидиялашни, зарарланишпрофилактикасини ва ўсимликлар зараркўнандалари билан курашиш ва бошқа тадбирларни назарда тутувчи “яшил сават” гуруҳига кирувчи товарларни суғурта қилишдан фойдаланишни истисно этмайдиган Бирлашган савдо ташкилоти доирасида жаҳон савдоси амалиёти барчага маълум. Масалан, биргина АҚШда “яшил сават” тадбирларининг харажатлари қишлоқ хўжалиги секторини умумий ички қўллаб-қувватлашнинг 85 фоизидан кўпини ташкил қилади... Ушбу тадбирлар нафақат суғурта йўқотишларининг қопланишини таъминлайди, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг истиқболли воситалари бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда жаҳон тажрибаси қишлоқ хўжалиги секторининг фаолиятини суғуртавий ҳимоялашни фаоллаштиришнинг қуйидаги механизмларидан фойдаланади:

- суғуртавий ҳимоялашнинг қишлоқ хўжалиги хатарларини мақсадли суғурта қилишга йўналтирилган мулкчиликнинг турли шакллари субъектларининг иштироки тизимини назарда тутувчи кўп пағонали тизимини шакллантириш;
- ўзаро суғурта қилиш механизмлари орқали ўз суғурта ҳимоясини шакллантириш учун хусусий қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини фаоллаштириш;

- хусусий суғурта компанияларини тўғридан-тўғри рағбатлантириш;
- суғурта бозорида агросуғуртанинг иштирокини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- суғурта компанияларини давлатнинг кўмагида агрохатарларни суғурта қилишга бевоситажалб қилиш;
- суғурта қилдирувчилар зарарларини қоплашда суғурта компанияларини билвосита рағбатлантириш;
- суғурта хатарларинипасайтириш эҳтиёт чораларини қўллаб-қувватлаш;
- агросуғурта қилдирувчилар учун суғурта хизматларининг сифатини давлат томонидан тартибга солиш
- давлат билан хусусий суғурта компаниялариўртасида қишлоқ хўжалиги хатарларини суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш юзасидан шартнома муносабатларини шакллантириш;
- инфратузилмани ва суғурта сервисини ташкил қилиш;
- хусусий суғурта фондларининг ривожланишини рағбатлантириш;
- қишлоқ хўжалиги хатарларини бартараф этиш учун давлатлараро бирлашмалардан фойдаланиш.

Ривожланган мамлакатларда миллий суғурта тизимини шакллантиришда, одатда, суғуртани амалга оширишда тизимли ёндашувдан фойдаланилади, бу қуйидагиларни назарда тутади:

суғурта муносабатлари барча иштирокчиларининг манфаатлари мажмуини ҳисобгап олувчи чуқур ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий базанинг мавжудлиги;

ваколатли давлат тузилмаларининг мувофиқлаштирувчи роли; молиявий ресурсларни махсус жамғармаларда тўплаш;

давлат иштирокидаги дастурларнинг йўналишларини, суғурта зарарларини қоплаш ва энг кам давлат суғурта ҳимоясини белгилаш мезонларини ажратиш.

Эътиборлиси, фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улуши ҳозирги вақтда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотнинг 97 фоизидан кўпини ташкил қилмоқда. Қишлоқ хўжалиги тармоғида кўп сонли кичик корхоналарнинг фаолият кўрсатиши ҳам ички ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган, ҳам кичик бизнеснинг умумий хатарлари билан боғлиқ ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хатарлари билан кучаювчи ташқи хусусиятига эга бўлган кўплаб хатарларни келтириб чиқаради. Уларни ташқи ва ички хусусиятига эга бўлган хатарларга ажратиш мумкин. Ташқи хусусиятига эга бўлган хатарлар жумласига ишлаб чиқаришнинг табиий-иқлим ва техноген омиллар таъсирига заифлигини киритиш мумкин. Ички хусусиятига эга бўлган хатарларжумласига агротехнологияларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ тармоқ хатарларини, муомаланинг юқори даражадаги харажатлари, қарз маблағлари ва инвестициялар, юқори навли экиш материали ва маҳсулдор қорамолларни олиш билан боғлиқ ва майда товар ишлаб чиқаришига хос бўлган бошқа хатарларни киритиш мумкин.

Агросуғурта тизими қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари даромадларининг юқоридаги хатарлар билан боғлиқ кескин ўзгариб туришининг олдини олишга қодир. У шу тариқа (суғурта қопламалари тақдим этиш ва кредитлаш зонасини кенгайтириш ҳисобидан) фермер ва деҳқон хўжаликларининг молиявий аҳволини барқарорлаштириш учун шароит яратади. Ўз навбатида,

республикамиз аграр секторининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун қўшимча рағбатлантирувчи омиллар шаклланади. Бироқ, Ўзбекистон учун агросуғурта долзарб аҳамият касб этишига қарамасдан, қишлоқ хўжалиги секторини суғурта хизматлари билан қамраб олиш даражаси юқори эмас. Бунинг сабабларини ҳам суғурталовчилар, ҳам суғурта қилдирувчилар томонида кузатиш мумкин.

Агросуғуртанинг барқарор ва таъсирчан тизими давлатнинг, биринчи галда, тармоқни табиий хатарлардан ҳимоялашда иштирок этиши механизмларини ўз ичига олади. Бунда давлат ҳам умумдавлат, ҳам минтақавий даражада иштирок этиши мумкин.

Умумдавлат даражасида қўллаб-қувватлашнинг асосий институционал тузилмалари – солиқ механизмлари, марказлашган инфляцияга қаршисуғурта тўловлари фондлари (жамғариладиган суғурта), қайта суғурта компаниялари ва суғурта пуллари шаклланади.

Минтақавий даражада агросуғуртанинг минтақавий вазифаларини ҳал этиш, суғурта маданиятини ошириш (конференциялар, махсус нашрлар, аудио ва видеоматериаллар, компьютер дастурлари ва ҳ.к. ташкил этиш), суғурта тузилмалари филиаллари ходимларининг маълумот даражасини ошириш учун маҳаллий ҳокимият органлари, суғурта ҳамжамиятлари, бизнес, Деҳқон ва фермер хўжаликлариуюшмаси ҳамкорлиги институтлари шаклланади.

ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ХОДИМЛАР БИЛАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

Худайбердиев Н.У. СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси катта ўқитувчиси
Бахромов А. СамИСИ, магистрант

Аннотация*: Мақолада хизмат кўрсатувчи субъектларда хизмат сафари билан боғлиқ ҳисоб-китобларни такомиллаштириш масалалари ёритилган.*

Калит сўзлар*: Бўнак, ҳисобдор шахс, ҳисобдор шахс ҳисоботи.*

Аннотация:*В этой статье освещены вопросы усовершенствования расчетов по служебной командировке в субъектов сфере обслуживание.*

Ключевые слова*: Аванс, подотчетное лицо, отчет подотчетного лица.*

Annotation*: In this article described problems with bond to perfect account works the business trips of service sphere.*

Keywords: *advance, accountable person, accountable persons report.*

Ўзаро рақобат ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг узликсиз фаолият юритиши ва ривожланишининг асосий шартларидан бири харажатларни тежаган ҳолда хўжалик фаолиятини ташкил этишни талаб қилади. Акс ҳолда улар рақобатда ютқазадилар. Бундай шароитида хўжалик юритишнинг ушбу муҳим шартига амал қилиш воситаси бўлган бухгалтерия ҳисоби олдига корхоналарнинг барча фаолият турларига доир харажатларни тўлиқ ва тизимли равишда акс эттириш, улар тўғрисидаги аниқ ахборотларни фойдаланувчиларга ўз вақтида етказиб беришдек долзарб вазифани кўндаланг қилиб қўймоқда.

Шуни ҳам такидлаш лозимки, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг хўжалик юритувчи субектлар харажатлари ҳисобини тартибга солиш бўйича бир нечта меъёрий-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни[36], мулкий ва ташкилий-ҳуқуқий мақомидан қатьи назар республикамизда фаолият юритаётган барча хўжалик юритувчи субъектлар учун уларнинг харажатларини таснифлаш ва ҳисобга олишни тартибга солиб турувчи ягона меъёрий ҳужжат, яъни «Маҳсулот (иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»[37] ҳамда қонун ва ушбу низом талаблари асосида бухгналтерия ҳисоби миллий стандартлари ишлаб чиқилди. Ушбу меъёрий-хуқуқий хужжатлар биринчи марта корхоналарнинг барча харажатларини таснифлаш, тан олиш мезонлари, баҳоланиши, ўлчаниши ҳамда счётларда акс эттирилишига асос солди.

Бироқ, қабул қилинган ушбу меъёрий ҳужжатларда харажатларни таснифлаш ва ҳисобга олиш бўйича назарда тутилган тартиб-қоидалар халқ хўжалигининг алоҳида тармоқ ва соҳалари корхоналарининг барча хусусиятларини қамраб олмаган. Турли тармоқ ва соҳа вазирликлари томонидан уларга кирувчи корхоналар харажатларининг таснифи, таркиби ва ҳисобини юртиш тартиби уларнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилмаган. Жумладан, бу масалалар, хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи субъектларда ҳозиргача ўз ечимини топмаган.

Харажатларининг таркибида акс эттириладиган хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи субъектларнинг ўз ходимлари билан амалга ошириладиган молиявий ҳисоб-китоблар таркибида хизмат сафарлари учун берилган қарзлар ва хизмат сафари билан боғлиқ амалга оширилган харажатларини қоплаш бўйича қарзлари муҳим ўрин эгаллайди. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари фаолияти хусусиятлари инобатга олган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи субъектларнинг хизмат сафарлари учун берилган қарзларнинг харажатлар таркибида акс эттириш борасида айрим тушунмовчиликлар, хато камчиликлар вужудга келмоқда.

Республикамизда амалда бўлган 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»да[38] хизмат сафарлари учун берилган қарзларнинг харажатларда акс эттирилиш қуйидагича берилган:

Корхона ходимларига хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар 4220 «Хизмат сафарларига берилган бўнаклар» счётида ҳисобга олинади. Хорижга хизмат сафарига юборилаётган ходимга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 7-февралда 16-сон билан тасдиқланган «Вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотларнинг ходимларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатларига маблағлар бериш тартиби»га[39] мувофиқ, чет эл валютасида бўнак берилади. Ушбу валютадаги бўнак берилган кундаги Ўзбекистон Республикаси

[36]2016 йил 13 апрелда қабул қилинган.

[37] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган (кейинги ўзгартириш ва қўшимчалар билан)

[38] Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатга олинган, № 1181

[39]Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5. июнда рўйхатга олинган, №932

Марказий банки курси бўйича сўмга айлантирилади ва сўмда ҳисобга олинади. Хизмат сафарлари учун берилган ва сарфланган чет эл валютасининг ҳисоби алоҳида юритилади.

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Ҳисобдор шахсларга банкдаги счётлардан Хизмат сафарларига берилган бўнакларга	4220	5110-5530
2	Ҳисобдор шахсларга кассадан хизмат сафарларига берилган бўнакларга	4220	5010, 5020
3	Ишлатилмаган ҳисобдор суммалари кассага қайтарилди	5010, 5020	4220
4	Ишлатилмаган ҳисобдор суммалари корхонанинг банкдаги счётига қайтарилди	5110- 5530	4220
5	Ҳисобдор шахслар капитал қўйилмалар, товарлар, ҳайвонлар, материаллар, асбоб ускуналарни сотиб олиш, етказиб келиш, тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни амалга оширди	0710-0890, 1010-1090, 1110-1120, 2910-2990	4220
6	Ҳисобдор шахслар асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар, шунингдек, умумишлаб чиқариш харажатларни амалга оширди	2010, 2310, 2510, 2710	4220-4290
7	Ҳисобдор шахслар давр харажатларига тегишли бўлган турли хилдаги харажатларни тўлади	9410-9440	4220-4290
8	Хисобдор шахслар келгуси давр харажатларига тегишли бўлган турли харажатларни тўлади	3190	4220-4290

«Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар» счёти корхона ишчиларига маъмурий-хўжалик ва операцион харажатлар, шунингдек хизмат сафарлари учун берилган ҳисобдорлик суммалари билан ҳақиқий сарфланган суммалари ўртасидаги фарқ натижасида келиб чиқадиган қарзлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш, умумишлабчиқариш ва бошқарув эҳтиёжлари, хизмат кўрсатувчи хўжаликларга тааллуқли харажатларни амалга оширганлиги учун ҳисобдор шахсларга қарзлар ҳисобланди	2010, 2310, 2510, 2710, 9420	6970
2	Яроқсиз маҳсулот билан боғлиқ бўлган турли харажатлар (қайтариб олиб	2610	6970

	келиш ва ҳоказо) тўлови учун ҳисобдор шахсларга қарзлар ҳисобланди		
3	Сотиб олинган товарлар учун ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар ҳисобланди	2910-2990	6970
4	Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган (транспорт ва бошқа) харажатларни амалга оширганлиги учун ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар ҳисобланди	9410	6970
5	Табиий офатларнинг олдини олиш ёки бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган турли харажатларнинг тўлови учун ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар ҳисобланди	9720	6970

Юқорида берилган бухгалтерия ҳисоби ўтказмалари хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи субъектлари томонидан ўз ходимларига хизмат сафарлари учун берилган қарзлар ва ходимларига хизмат сафари билан боғлиқ амалга оширилган харажатларини қоплаш бўйича қарзлари акс эттириш тартиби аниқ белгиланган эмас.

Фикримизча, хизмат кўрсатувчи субъектларда хизмат сафарлари учун ходимларга берилган қарзларнинг ва ходимларига хизмат сафари билан боғлиқ қарзларининг харажатларга олиб боришда амалга оширилган хизмат сафари манзили, мақсади, даври ва натижаси кабиларни инобатга олиш мақсадга муовиқ деб ўйлаймиз.

Юқоридаги фикримизни амалиётда қўллаш тартибини қуйидаги шартли мисолда кўриб чиқайлик.

Айтайлик, туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи “Икс” корхонаси ўз ходимини хорижга мижозлар билан шартнома тузиш мақсадида хизмат сафарига юборди. Ходим 6 январь куни хизмат сафари бўйича ҳисобот тақдим этган. Хизмат сафари харажатлари 350 $.

Хизмат сафари натижасида мижозлар билан тузилган шартномалар.

№	**Ташкилот номи**	**Сана**	**Шартнома бўйича сумма $**
1	«CYR Francint+1» МЧЖ	6-9.02.20_	1360
2	«Sin Sa Rand» фирмаси	10-12.03.20_	1340
3	«Amos Jennifer» МЧЖ	11-14.04.20_	1355
	Жами		4055

Қўшимча маълумотлар:

Ўз.Р.МБ. томонидан эълон қилинган чет эл валютасининг сўмга нисбатан курси (шартли равишда): 20_ й. 5.01-2330 сўм, 20_й. 10.01-2345 сўм, 20_й.12.03-2450 сўм, 20_й.14.04-2560 сўм.

1.Ходим 6 январь куни тақдим этган хизмат сафари бўйича ҳисоботига асоан амалга оширилган харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши.

Дебет 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари»

Кредит 6970 «Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар»

Сумма 815500 сўм (350*2330)

2.«CYRFrancint+1» МЧЖга кўрсатилган хизматларга тўғри келувчи харажатларни кўрсатилган хизматлар таннархига ўтказилиши.

Биринчи ҳисоб-китоб. Мижозлар билан тузилган шартнома қийматларининг жами шартнома қийматидаги улушини аниқланади.

	Ташкилот номи	**Сана**	**Шартнома бўйича сумма $**	**Улуши**
	«CYR Francint+1» МЧЖ	6-9.02.20_	1360	33.54
	«Sin Sa Rand» фирмаси	10-12.03.20_	1340	33.05
	«Amos Jennifer» МЧЖ	11-14.04.20_	1355	33.41
	Жами		4055	100.00

Иккинчи ҳисоб-китоб.«CYR Francint+1» МЧЖга кўрсатилган хизматларнинг жами шартномалар қийматидаги улушини инобатга олган холда келгуси давр харажатларининг кўрсатилган хизматлар таннархига ўтказилиши.

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Кредит 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари»

Сумма 273518,70 сўм (815500*33,54/100)

Фикримизча, хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларда хизмат сафарлари учун ходимларга берилган қарзларнинг ва ходимларига хизмат сафари билан боғлиқ қарзларининг харажатларга олиб бориш тартиби юқоридаги методологик тартибларда ҳисоб-китоб қилиш, тақсимлаш ҳамда ҳисобини юритиш:

*ҳисобот даври даромадлари ва харажатлари мослигининг амалиётда жорий қилинишига;

*хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарияти ва бошқа барча қизиқувчиларни корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида ҳаққоний ахборот билан таъминлашга имкониятларини беради.

СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАЙИНЛАШ ВА УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

А. Амонов- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада иқтисоий экспертизанинг бир тури бўлган Суд-бухгалтерия экспертизасини моҳияти, ҳуқуқий меъёрий асослари, тайинлаш зарурияти ва унинг натижаларини расмийлаштириш ҳақида сўз боради.*

Калит сўзлар: *Экспертиза, Эксперт, Суд экспертизаси, Бухгалтер-эксперт, Суд экспертининг хулосаси (хулоса).*

Аннотация: *В данной статьи освешены вопросы значение, сушности, прововые основы и роли судебно-бухгалтерской экспертизы, в процессе рассматрения судебно-следственных разбирательствах в органах суда и следствия.*

Ключивые слова: *Экспертиза, Эксперт,Судебная экспретиза, Эксперт-бухгалтер, Заключение экспертизы*

Annotation*: in the article the essence, legal-normal basics, designating necessity of judge-accounting expertise which is one type of expertise and formalization of its consequences were stated.*

Key words: *Expertise, expert, judge expertise, accountant-expert, the consequence of judge-expertise.*

Бозор иктисодиёти шароитида барча мутахассислар каби ҳисоб ва назорат тизимида фаолият кўрсатаётган мутахассисларининг масъулияти ва жавобгарлиги янада ортади. Шу сабабли бухгалтерия хисоби ва назорати ходимлари хўжаликни юритишга ёрдам кўрсатиши, турли хўжалик ҳолат ва муҳитларини тезкор ва тўлиқ аниқлаб иш кўра билиши, бозор иқтисодиёти вазифаларини ва улардаги йўналишларни тушиниб етиши, бошқарув қарорларини қабул қилишда раҳбариятга ҳамда фуқаролик, жиноий ва хўжалик(иқтисодий) фаолиятлари бўйича кўрилаётган ишларни одилона ҳал қилишда суд-тергов органларига суд экспертизаси ўтказиш натижалари бўйича асосланган тавсияларини тақдим этишлари лозим бўлади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси шундай ҳолатларда белгиланадики, унда кузатилган жиноий ишнинг терговини олиб борувчи терговчи ишни сифатли ва қонунан тўғри боришида чуқур ва юқори савияли бухгалтерия билимлар лозим деб топилса. Албатта ишни олиб борувчи терговчи ҳам маълум бир бухгалтерия билимларга эга бўлиши ва оддий ҳисобларни ўзи бажариши ёки тергов вақтида айбланувчининг ёхуд гувоҳларнинг кўрсатмаларини таҳлил этиши мумкин. Хусусан иш юзасидан жиноий ишга қўл урган шахслар, моддий жавобгар шахслар юритган ҳар бир ҳужжат ва материалларини таҳлил қилиб янги фактларни очиши ҳам мумкин. Лекин бундай ҳолатларда терговчи суд бухгалтерия экспертининг ёрдамисиз кўзланган ютуққа эриша олмайди.

Республикамизнинг сиёсий ва иқтисодий жабҳаларида олиб борилаётган чуқур ислоҳатлар суд-ҳуқуқ тизимини ҳам кенг қамраб олди.

Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да *Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берди:*

1.Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш:

2.Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш:

3.Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш:

4.Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш:

5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш:

6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш:

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг Республикада суд экспертиза фаолиятини такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан: 1995 йил 22 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида Адлия вазирлигининг экспертиза хизматини ривожлантириш тўғрисида" ги 234-сонли қарорига асосан, Тошкент суд экспертиза илмий-тадқиқот институти Республика илмий-тадқиқот криминалистика марказига айлантирилди. Маказнинг илмий салоҳиятини Тошкент шаҳридаги 8 та етакчи лаборатория ва 9 та вилоятлардаги бўлинмалари ташкил этди.

Суд-иқтисодий экспертизалари ўтказилиши бугунги кунда нафақат Марказий муассасада, балки вилоят бўлинмаларида ҳам суд-иқтисодий экспертизанинг барча турлари, чунончи: бухгалтерия, молия-кредит, иқтисодий-режавий, меҳнат иқтисодиёти ва иқтисодий-статистика экспертизаларига суд-тергов органларини бўлган эҳтиёжларини қондириб келмоқда.

Сўнгги йилларда ташкил қилинган экспертиза турлари қаторига, иқтисодиёт соҳасида банк-кредит, солиқ қонунчилиги ва ташқий-иқтисоий каби экспертиза турларини таъкидлаш жоиз.

Республика суд-экспертиза марказининг Самарқанд вилоятлараро бўлими бугунги кунгача Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида суд-иқтисодий экспертизанинг барча турлари бўйича экспертизалар ўтказиб келмоқда. Жумладан: 2014 йилда 125 та, 2015 йилда 71 та, 2016 йилда 83 та хулосалар берилган.

Бугунги кунда суд, тергов амалиётида суд-иқтисодий экспертизанинг турларидан бири бўлган суд-бухгалтерия экспертизасининг роли ошиб бормоқда. Одатда суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- тафтиш ва тергов материаллари мос келмаганда ёки дастлабки ва такрорий тафтишлар хулосаларида зиддиятлар мавжуд бўлганда;
- айбланувчи тақдим этган хужжатлар тафтишчи томонидан қабул қилинмаган ҳолларда;
- маълум масалаларни хал этиш бухгалтерия ҳисобидаги махсус билимлар талаб қилиниши тўғрисида айбланувчининг асосланган тафтишномаси мавжуд бўлганда;
- суистеъмол ва товар моддий бойликларни топишда тафтишчи томонидан қўлланган услуб ва методларни тўғрилиги ва тўла эканлигига ҳамда тафтиш хулосасига терговчининг гумони бўлгана;
- моддий жавобгар шахсларни аниқлаш ва улар келтирган зарарнинг миқдори ва даврини ташкилот бухгалтерияси тўғри аниқланганлигини текшириш зарурияти туғилганда;
- камомадларни яшириш имкониятлари бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва назоратдаги камчиликлар, мавжуд қоидаларга риоя қилмаслик оқибатида бўлганда уларни аниқлаш;
- хужжатли тафтиш тартиби тўғри ўтказилиб ва тафтишчининг нотўғри харакатлари тафтишчининг тафтиш қилинаётган корхона ходимлари билан ишга тааллукли бўлмаган алоқалари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган ҳолда.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш фақат қонунларга бўйсиниш, унга тўлиқ амал қилиш орқали эришилади. Президентимиз эътироф этганидек: "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва

шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлмоғи керак”. Ушбу вазифаларни тўлиқ ижро этиш қонунларга амал қилиб фаолият юритишни, суд-ҳуқуқ тизими ишларида кескин бурилиш ясаш, жамият, халқ манфатларини кўзлаган ҳолда, ҳар қандай кўрилаётган фуқаролик, жиноий ва иқтисодий ишлар жараёнини шаффофлигини ва одилона ечимини таъминлашни талаб этади.

Юқорида қайд этилган вазифаларни тўлиқ бажариш кўп ҳолларда судларда фуқаролик, жиноий ва иқтисодий ишларини кўриб чиқишда бойликлар талон-тарожи, мансабдорлик ва хўжалик жиноятларини суриштириш ва тергов қилишда иқтисодий фанлар жумладан махсус бухгалтерия ҳисоби билимлари қўлланилади. Махсус билимлар орасида суд-бухгалтерия экспертизаси муҳим ўринда туради.

Бу уч сўздан иборат (суд, бухгалтерия ва экспретиза) сўзлар бирикмасидан пайдо бўлган “Суд-бухгалтерия экспертизаси”нинг моҳияти қуйидагилардан ташкил топади:

Суд - фуқаролик, жиноий ва хўжалик(иқтисодий) масалалари бўйича қўзғатилган ишларнинг кўриб чиқиш жараёни.

Экспертиза - жиноят процессуал қонуни асосида, фан ва техниканинг, санъат ва иқтисодиётнинг айрим соҳаларидаги мутахассислар, касб-ҳунар эгалари томонидан терговда ёки суд муҳокамасида келиб чиқадиган баъзи камчиликларни аниқлаш мақсадида объектлар устида олиб бориладиган текшириш ишлари.

Бухгалтерия – корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритувчи таркибий бўлими.

Шундан келиб чиққан ҳолда *“Суд-бухгалтерия экспертизаси”*–бу бухгалтерия ҳужжатларида ва регистрларида акс эттирилган хўжалик операцияларини бухгалтер-эксперт (мутахасис)томонидан текшириш жараёнидир.

Бухгалтер-эксперт - жиноий иш жараёни субъекти ҳисобланиб, жиноий иш аҳамиятига эга бўлган масалалар бўйича хулоса бериш учун жалб килинади.

Тергов ва судда кўрилаётган ишларга далил сифатида хулоса далолатнома тайёрлаш билан биргаликда ҳўжаликка етказилган моддий зарарни аниқлаш ва камомадни ундириб олишда бухгалтерия экспертизасини аҳамияти ортиб боради.

Суд-бухгалтерия экспертизанинг асосий мақсади - жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича адолатли хукмнинг амалга ошишига ёрдам бериш, иктисодиёт соҳасида жиноят ва ҳуқуқ, бузишларга йўл қўймаслик, келажакда хўжалик ҳуқуқ бузишларни огохлантиришга дойир тадбирларни белгилаш.

Суд-бухгалтерия экспертизаси ҳам бошқа экспертиза турлари каби *ўз предмети ва тадқиқот объектларига эга.*

Суд-бухгалтерия экспертизанинг предмети - аник, жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишларининг ҳақиқий вазиятлари ҳисобланади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси объектлари- бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ҳисобот, тафтиш далолатномалари ва ишнинг бошқа материаллар ҳисобланади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси иқтисодий соҳа бўйича махсус билимга эга бўлган, суд иқтисодий эксперти мутахасислиги бўйича махсус тайёргарликдан ўтган, судга оид иқтисодчи –эксперти мутахассислиги малакасига эга бўлган ходимлар томонидан бажарилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига биноан суд экспертизасини

ўтказишнинг асоси бўлиб, терговчи, прокурор ёки суднинг қарори ёхуд судда кўрилаётган фуқоролик, хужалик ва жиноят ишлари бўйича суднинг ажрими ҳисобланади.

Суд экспертизаси тегишли қарор ёки ажрим чиқарилган кундан эътиборан тайинланган ҳисобланади.

Ўзбекистан Республикаси ЖПК моддасига мувофиқ қонунда белгиланган тартибда суд, терговчи ижтимоий хавф-хатар мавжудлиги ёки мавжуд бўлмаганлиги ушбу ҳаракатни содир қилган шахс айбдорлиги ва ишни тўғри ечилишга аҳамияти бўлган барча хақиқий маълумотлар жиноий иш бўйича далил бўлади. Эксперт хулосаси ана шу далиллар жумласидандир.

Суд эксперти ёки суд экспертлари комиссияси текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин тегишли суд эксперти ёхуд суд экспертлари комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир суд эксперти имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади. Хулосада суд экспертизаси ўтказилган сана ва жой; суд экспертизасини ўтказиш асоси; суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) тўғрисида маълумотлар; суд эксперти (ф.и.ш, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва суд экспертизасини ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар; суд экспертининг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги; суд экспертининг олдига қўйилган саволлар; суд экспертига тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари; суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар; қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда текширишларнинг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу текширишлар, агар суд экспертлари комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги; текшириш натижаларининг баҳоланиши, кўйилган саволларга берилган асосли жавоблар; иш учун аҳамиятга молик бўлган ва суд экспертининг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилади.

Эксперт хулосасининг далолатномаси асосан *кириш*, т*екшириш* ва *хулоса* қисмларидан ташкил топади.

Эксперт хулосаси ҳақидаги далолатноманинг кириш қисмида бухгалтерия экспертизаси қачон, қайси жойда, ким томонидан ва нимага асосан экспертиза ўтказилганлиги кўрсатилади.

Хулосанинг кириш қисмида юқоридагилардан ташқари, яна жиноят ишининг қисқача баёни, эксперт ихтиёрига берилган текшириш объектлари устида тўлиқ маълумот ҳамда эксперт томонидан ҳал қилиниши керак бўлган саволлар кўрсатилади.

Эксперт хулосаси ҳақидаги далолатномани текшириш қисмида текширилган объектларга мукаммал равишда баён қилинади. Эксперт томонидан қўлланилган текшириш усули ва методлари кўрсатилади.

Текшириш натижалари далолатноманинг хулоса қисмида якунланади ва унда экспертиза олдига қуйилган саволларга жавоб берилади.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ АУДИТИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

З.У. Муҳаммадиев - катта илмий ходим- изланувчиси

Аннотация:*Мазкур мақолада корхоналарда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари аудитининг методологик асосларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари асослаб берилган.*

В данной статье обоснованы основные направления совершенствования методологических основ аудита процессов модернизации на предприятиях.

The article substantiates the main directions of improvement of the methodological basis of audit of modernizations at enterprises

Республикамизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар Стратегиясида[40] иқтисодиётимизнинг барча тармоқ ва соҳаларини тубдан модернизациялаш ва шу асосда халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришдек устувор вазифалар белгиланди. Ушбу устувор вазифаларни муваффиқиятли бажарилишини таъминлаш мақсадида республикамиз иқтисодиётининг барча тармоқ ва соҳалари субъектларига турли манбалар ҳисобидан катта миқдордаги капитал инвестициялар киритиш лойиҳалари тасдиқланди.

Иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳа корхоналарида амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнларини янада жадаллашуви, бу жараёнларга катта миқдордаги капитал инвестицияларни киритилиши, улар эвазига корхоналарда вужудга келаётган энг замонавий кўчар ва кўчмас мулк турлари, чунончи юксак техника ва технологиялар, самарали ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари ахборот фойдаланувчилар, айниқса инвесторларнинг ушбу жараёнларга оид ҳисоб маълумотларининг реаллигига бўлган талабларини ошишига олиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, модернизациялаш жараёнлари ва уларга қилинаётган катта миқдордаги капитал инвестициялар ҳисоби ҳамда аудитининг назарий, ташкилий ва методологик асосларини янада такомиллаштиришни объектив зарурат қилиб қўймоқда.

Қуйида ҳозирги шароитда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда кенг кўламда юз бераётган модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилаётган катта миқдордаги капитал инвестициялар аудитини такомиллаштиришнинг айрим йўналишларига тўхталамиз.

Биринчи йўналиш – бу ҳисоб ва аудитнинг муҳим объекти ҳисобланган модернизациялаш жараёнлари, уларга киритилаётган капитал инвестицияларнинг таърифи, таснифи ва тавсифини янги концепциялар ва талаблардан келиб чиқиб очиб беришдир.

Таъкидлаш жоизки, шу пайтгача аудитга оид чоп этилган луғотлар, дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда модернизациялаш жараёнларига берилган таърифлар ҳозирги пайтда буткул янгича мазмун ва сифатда олиб борилаётган модернизациялаш жараёнлари ва уларга қилинаётган капитал инвестицияларни тўлиғича ўзида мужассамлаштирмаган. Чунончи, берилган

[40] Ўз.Р. Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг фармони «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 7 феврал

таърифларда модернизациялашнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни энг замонавий юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилиш ҳамда юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бу жараёнларни янада тезлаштириш борасидаги фаол капитал инвестиция сиёсати эканлиги, уларни ички ва ташқи манбалар, чунончи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосида, шунингдек корхоналар ва аҳоли маблағлари, тижорат банклари кредитлари ҳамда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши каби жиҳатлари аниқ ўз ифодасини топмаган.

Бизнингча, макон ва замонда юз бераётган модернизациялашга, уларга қилинаётган реал капитал инвестицияларга янги сайланган Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг 2016 йилнинг охирги ойлари ва 2017 йилнинг бошидан шу кунгача бўлган даврдаги маърузалари, чиқарган Фармонлари ва Қарорларида белгилаб берган концепциялар ва йўналишларга асосланган ҳолда қуйидаги таърифни бериш мақсадга мувофиқдир:

Модернизациялаш жараёнлари – бу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни энг замонавий техник ва технологик қайта жиҳозлаш, юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилиш ҳамда замонавий юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уларни турли ички ва ташқи манбалар, авваламбор, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосида, шунингдек корхоналар ва аҳоли маблағлари, тижорат банклари кредитлари ҳамда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилишидир.

Ҳисоб ва аудит объектлари сифатида корхоналарни модернизациялаш жараёнларига қуйидаги тавсифларни бериш ҳам фойдадан холи бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

Модернизациялаш – бу хўжалик юритувчи субъектлар моддий-техника базасини доимо ривожлантириш ва такомиллаштириб боришга қаратилган фаолиятдир.

Модернизациялаш – бу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда амалга оширилаётган капитал қурилиш, юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилиш, мавжуд асосий фондларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда энг замонавий техника ва технологиялар асосида янгилаш жараёнларининг мажмуасидир.

Капитал инвестициялар – бу хўжалик юритувчи субъектларни модернизациялаш, уларни реконструкция қилиш, кенгайтириш, юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилиш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш объектларини қуришга турли манбалар ҳисобидан йўналтирилган маблағлар мажмуаси.

Шундай қилиб, юқоридаги қисқача шарҳлардан кўриниб турибдики, модернизациялаш жараёнлари, уларга киритилаётган капитал инвестициялар бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг кенг қамровли объектлари бўлиб ҳисобланади.

Бизнингча, модернизациялаш жараёнларини, шунингдек уларга киритилаётган капитал инвестицияларни ҳисоб ва аудит объектлари сифатида

таснифлаш негизига ҳозирги шароитда қуйидаги иккита белгини олиш мақсадга мувофиқдир:

(1) модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилаётган капитал инвестицияларнинг йўналишлари;

(2) модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилаётган капитал инвестициялар манбаларининг турлари.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда амалга оширилаётган модернизация жараёнларини ва уларга киритилаётган капитал инвестицияларни ушбу белгиларига кўра ҳисоб ва аудитда қуйидагича таснифлаш ўта муҳимдир (1-расмга қаранг).



1-расм. Модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилаётган капитал инвестицияларнинг ҳисоб ва аудит объектлари сифатидаги таснифи

Иккинчи йўналиш – бу модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилган капитал инвестицияларнинг аудитининг асосий ахборот манбаси ҳисобланган ҳисоб ва ҳисобот тизимини янада такомиллаштириш.

Бизнинг фикримизча, модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилган капитал инвестицияларнинг ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш услубияти улар тўғрисидаги ахборотларни модернизациялаш жараёнлари ҳамда уларга киритилган капитал инвестицияларнинг юқорида келтирилган таърифи, тавсифи ва таснифидан келиб чиқиб шакллантириш имконини бериши лозим. Таъкидлаш жоизки, республикамизда амалда бўлган 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва унини қўллаш

бўйича йўриқнома»[41] корхона, муассаса ва ташкилотларда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари ва уларга киритилган капитал инвестициялар тўғрисидаги ахборотларни ушбу талаблар асосида шакллантиришга қўйилаётган талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Чунончи, унда назарда тутилган счётлар тизими ҳам таркиби, ҳам номи бўйича ҳозирги шароитда корхоналар учун ўта муҳим бўлган модернизациялаш жараёнларини, уларга киритилаётган инвестициялар ҳамда бу инвестицияларнинг манбаларини бевосита ўзида акс эттирмайди. Чунончи, 21-сон БҲМСда назарда тутилган 0800 «Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар» тизимига очилган барча счётлар ўзининг номи ва мақомига кўра такомиллаштиришга муҳтождир. Фикримизча, ушбу счётлар тизимига киритилган барча счётлар модернизациялаш жараёнларининг барча йўналишларини, мос равишда, уларга киритилган капитал инвестицияларни бевосита акс эттиришга мўлжалланган бўлиши лозим. Чунончи, 0810 «Тугалланмаган капитал қурилиш» номли счетни «Капитал қурилишга инвестициялар» деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, айнан шу ном корхонада амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнининг муҳим йўналиши бўлган капитал қурилишга инвестицияларни аниқ ва тўлиқ ифода этади. 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш» номли счётни «Асосий воситаларни харид қилишга инвестициялар» деб номлаш ҳамда уни янада кенгайтиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунончи, ушбу счёт тизимида 0821 «Юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилишга инвестициялар», 0822 «Кўчмас мулкни харид қилишга инвестициялар» ва 0823 «Бошқа асосий воситаларни харид қилишга инвестициялар» каби счётларни очишни тавсия этамиз. Бундай тартиб корхоналар томонидан сотиб олиш йўли билан амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнларининг аниқ йўналишларига инвестициялар тўғрисида ахборотларни бевосита тўғридан-тўғри бош китобдан олиш имконини беради.

Амалдаги 21-сон БҲМСнинг камчиликларидан яна бири, бизнинг фикримизча, шундаки, унда модернизациялаш жараёнларининг муҳим йўналишлари бўлган кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилаш жараёнларини, мос равишда ушбу жараёнларга киритилган инвестицияларни махсус алоҳида акс эттирувчи счётлар кўзда тутилмаган. Бу турдаги жараёнлар ва уларга киритилган капитал инвестициялар ҳисоби учун амалдаги счетлар режасида 0890 «Бошқа капитал инвестициялар» счёти назарда тутилган. Бироқ, бу счётда акс эттирилган маълумотлардан тўғридан тўғри модернизациялаш жараёнларининг муҳим йўналишлари бўлган кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилаш, мос равишда, бу жараёнларга киритилган инвестициялар суммаларини билиб бўлмайди. Бунинг учун ушбу счёт маълумотларини аудиторлик текширувларида қайтадан гуруҳлаб чиқиш зарурати мавжуддир. Бизнинг фикримизча, модернизациялаш жараёнларининг муҳим йўналишлари бўлган кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилаш, мос равишда, уларга киритилган инвестициялар ҳам алоҳида счётларда акс эттирилиши лозим. Бунинг учун, чунончи, 0890 «Бошқа капитал

[41] Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатга олинган, № 1181.

инвестициялар» счётлар тизимида қуйидаги счётларни очишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз:

*0891 «Мавжуд қувватларни кенгайтиришга инвестициялар»;

*0892 «Мавжуд қувватларни реконструкция қилишга инвестициялар»;

*0893 «Мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилаш».

Бизнинг фикримизча, 0800 «Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар» тизимида очилган бошқа счётлар номларини ҳам ҳозирги замон талабларига мослаштириш лозим. Чунончи, 0830 «Номоддий активларни сотиб олиш» счётини «Номоддий активларни харид қилишга инвестициялар», 0840 «Асосий подани шакллантириш» счётини «Биологик активларга инвестициялар», 0850 «Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар» счётини «Ерни ободонлаштиришга инвестициялар», 0860 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётини «Молиявий ижара шартномаси бўйича харид қилинган асосий воситаларга инвестициялар» деб номлаш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, капитал таъмирлашга қилинаётган ҳамда ҳисобдан чиқаришга олиб борилаётган сарф-харажатларни ҳам капиталлаштириш тартибини ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, жуда катта маблағ эвазига қилинаётган капитал таъмирлаш ишларини бирданига ҳисобдан чиқариб юбориш асоссиз ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини, мос равишда, уларнинг сотиш таннархини ошишига, шу сабабли тайёр маҳсулотларнинг баҳоси юқори бўлганлиги учун рақоботбардошлик даражасини пасайишига олиб келмоқда. Бизнингча, капитал таъмирлашга қилинган инвестициялар ҳисоби учун 0890 «Бошқа капитал инвестициялар» счётлар тизимида махсус 0894 «Капитал таъмирлашга инвестициялар» счётини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, модернизациялаш жараёнлари тўғрисидаги ахборотларнинг фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шу жумладан улар аудитини осонлаштириш, бунда ахборот реаллигини янада ишончли таъминланишига эришиш мақсадида 21-сон БҲМСда кўзда тутилган 0800 «Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар» тизимини қуйидагича янги таркибда янгилашни тавсия этамиз (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Корхоналарда модернизациялаш жараёнларини акс эттирувчи счётлар тизими

Амалдаги 21- сон БҲМС бўйича		**Тавсия**	
Счёт-нинг т/р	**Счётнинг номи**	**Счёт-нинг т/р**	**Счётнинг номи**
0810	Тугалланмаган капитал қурилиш	0810	Капитал қурилишга инвестициялар
0820	Асосий воситаларни сотиб олиш	0821	Юксак самарали асбоб-ускуналарнихарид қилишга инвестициялар
		0822	Кўчмас мулкни харид қилишга

			инвестициялар
		0823	Бошқа асосий воситаларни харид қилишга инвестициялар
0830	Номоддий активларни сотиб олиш	0830	Номоддий активларни харид қилишга инвестициялар
0840	Асосий подани шакллантириш	0840	Биологик активларга инвестициялар
0850	Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар	0850	Ерни ободонлаштиришга инвестициялар
0860	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар	0860	Молиявий ижара шартномаси бўйича харид қилинган асосий воситаларга инвестициялар
0890	Бошқа капитал қўйилмалар	0891	Мавжуд қувватларни кенгайти-ришга инвестициялар
		0892	Мавжуд қувватларни рекон-струкция қилишга инвести-циялар
		0893	«Мавжуд қувватларни замо-навий техника ва техно-логиялар асосида янгилаш
		0894	Капитал таъмирлашга инвестициялар

Учинчи йўналиш – бу модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилган капитал инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш услубиятини такомиллаштириш.

Бизнинг фикримизча, модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилаётган капитал инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш услубияти ҳам улар тўғрисидаги ахборотларни модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилаётган капитал инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг юқорида келтирилган тавсифи ва таснифидан келиб чиқиб шакллантириш имконини бериши лозим. Таъкидлаш жоизки, республикамизда амалда бўлган 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва унини қўллаш бўйича йўриқнома»[42] корхона, муассаса ва ташкилотларда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари ва уларга киритилаётган капитал инвестицияларни молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ахборотларни юқорида таъкидланган тартиблар асосида шакллантиришга қўйилаётган талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Чунончи, унда назарда тутилган счётлар тизими ҳам таркиби, ҳам номи бўйича ҳозирги шароитда корхоналар учун ўта муҳим бўлган модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилаётган капитал инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларини бевосита ўзида акс эттирмайди. Чунончи, 21-сон БҲМСда назарда тутилган 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари», 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари», 7820 «Узоқ муддатли қарзлар», 8800 «Мақсадли тушумлар ҳисоби

[42] Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатга олинган, № 1181.

счётлари» тизмида назарда тутилган счётлар, кўриниб турибдики, ўз номи билан корхонада амалга оширилаётган модернизациялаш жараёни, мос равишда, уларга киритилаётган капитал инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларини бевосита ифода этмайди. Бизнинг фикримизча, ушбу счётлар тизимида махсус модернизациялар жараёнлари ва уларга киритилган капитал инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларини акс эттирувчи қуйидаги счётларни назарда тутиш лозим:

*6811 «Модернизациялаш жараёнлари учун олинган қисқа муддатли банк кредитлари»;

*6821 «Модернизациялаш жараёнлари учун олинган қисқа муддатли қарзлар»;

*7811 «Модернизациялаш жараёнлари учун олинган узоқ муддатли банк кредитлари»;

*7821 «Модернизациялаш жараёнлари учун олинган узоқ муддатли қарзлар»;

*8811 «Модернизациялаш жараёнлари учун олинган грантлар»;

*8821 «Модернизациялаш жараёнлари учун олинган субсидиялар»;

*8841 «Модернизациялаш жараёнлари учун корхона ихтиёрида қолдирилган солиқ имтиёзлари»;

*8891 «Модернизациялаш жараёнлари учун олинган бошқа мақсадли тушумлар»;

Ушбу счётларни амалиётда қўллаш корхоналар томонидан амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилган капитал инвестицияларни молиялаштириш манбалари тўғрисида ахборотларни аудиторлар томонидан бевосита тўғридан-тўғри бош китобдан олиш имконини беради.

Тўртинчи йўналиш – бу модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилган капитал инвестициялар аудитининг ҳозирги шароитда инвесторлар талабларига жавоб берадиган ташкилий дастакларини, чунончи унинг режа ва дастурини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилаётган капитал инвестициялар аудитининг режа ҳамда дастури ўз ичига ахборот фойдаланувчиларни қизиқтирадиган барча саволларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ. Ушбу дастакларга кўра модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилаётган капитал инвестицияларни текширишга оид аудиторлик муолажаларига етарлича вақт ажратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, бундай масъулятли объектни вақтни тежаш мақсадида юзаки текшириш турли ахборот фойдаланувчиларни реал ахборот билан таъминлашга олиб келиши, бу ўз навбатида, ҳам фойдаланувчилар, ҳам аудиторларнинг ўзлари учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бешинчи йўналиш – бу модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилган капитал инвестициялар аудити услубиятини, чунончи исботу-далилларни йиғиш, гуруҳлаш, жамлаш, аудит натижаларини ифодаловчи аудиторлик иш ҳужжатлари шакл ва мазмунини янада такомиллаштириш ҳисобланади. Бизнингча, модернизациялаштириш жараёнларининг аксарият ҳолларда техник ва технологик жиҳатлари маавжудлиги сабабли аудиторлик текширувларига инженер мутахассисларни экспертлар сифатида жалб этиш, улар томонидан турли мухандислик хулосаларини олиш кўпроқ самара беради.

Фикримизча, юқоридаги келтирилган таклиф ва тавсияларимиз ҳозирги пайтда мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари

ва уларга киритилаётган капитал инвестициялар ҳисоби ҳамда аудитининг назарий ва методологик асосларини янада такомиллашишига хизмат қилади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН МОЛИЯВИЙ КЎЛЛАБ КУВВАТЛАШ МАСАЛАЛАРИ

А.А.Бекмуродов “Банк ва жамғарма иши” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *Мазкур мақола хизмат кўрсатиш тизимига тижорат банклари томонидан кўрсатилган молиявий хизматлар, хизмат кўрсатиш тизимига яратилган шароитлар, миллий ва хорижий валютада бериладиган кредитларнинг бу соҳанинг ривожланишга таъсири ёритилган.*

Калит сўзлар*: тижорат банклари хизматлари, валюта, тижорат банкларининг янги хизмат турлари, валюта операциялари, конвертация, эркин валюта, банкомат.*

Аннотация:*В данной статье рассматриваются коммерческие банки, предлагаемые системе обслуживания, созданы условия для обслуживания системы, влияние займов в национальной и иностранной валюте на лавирование этой сферы*

Ключевые слова: *Услуги коммерческих банков, валюта, новые виды услуг коммерческих банков, обменные операции, обмен, свободная валюта, автоматизированная банковская машина*

Annotation:*The article explores commercial banks financial services offered to servicing system, established conditions to servicing system, impact of loans in national and foreign currency to the dovelopement of this sphere*

Keywords:*Commercial banks services, currency, new types of commercial banks services, exchange operations, exchange, free currency, automated teller machine*.

Юртимизда шаклланиб бораётган бозор иқтисодиётининг ўзига хос йўли бугунги кунда дунё ҳамжамиятида тан олинаётгани сир эмас. Айниқса давлатимиз томонидан хизмат кўрсатиш тизимига яратилган шарт-шароитлар айниқса аҳамиятлидир. Шунга қарамай ривожланишнинг ҳозирги кундаги ҳолати биздан янада кўпроқ интилиш, янгича ёндошув ва албатта синовлардан ўтган тажрибаларга таяниб иш кўришни талаб қилади.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва

жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.[43]

Хизмат кўрсатиш тизими иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилидир. Бироқ, бу бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаётганимиз сир эмас.

Лекин шунга қарамасдан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, ўз навбатида, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошиб боришида намоён бўлмоқда. Хусусан, 2016 йилда 726 минг нафарга яқин аҳолининг, шу жумладан, 438,5 минг таълим соҳаси битирувчиларининг иш билан бандлиги таъминланди. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадларнинг 11 фоизга ўсишига хизмат қилди.

2016 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилиб, ушбу даврда кўрсатилган хизматлар ҳажми 2015 йилга нисбатан 12,5 фоизга ўсди.

2016 йилда иқтисодиётда пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасида яратилган қўшилган қиймат ҳажмининг 2015 йилга нисбатан 9,3 фоизга ўсиши ялпи қўшилган қиймат таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси улуши 49,5 фоизгача ошишини таъминлади.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар (30,6 фоиз), умумий овқатланиш (19,0 фоиз), савдо хизматлари (18,5 фоиз), соғлиқни сақлаш (17,2 фоиз), компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш (16,3 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш (16,0 фоиз), автомобиль транспорти хизматлари (11,8 фоиз) ҳамда таълим (11,2 фоиз) каби соҳаларда кузатилди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 56,9 фоизгача, саноатда эса 45 фоизгача ошди. Ҳозирги кунга келиб иқтисодиётда иш билан банд аҳолининг 78 фоизи мазкур соҳада меҳнат қилмоқда.[44]

Шунга қарамасдан хизмат кўрсатиш тизимига банклар томонидан кўрсатиладиган хизматларни ва мижозларнинг молиявий операциялар билан боғлиқ мурожаатлари ўртасида тафовут кўзга ташланмоқда.

Мисол учун республикамизда 624 меҳмонхона хўжалиги ва 1000 атрофида сайёҳлик фирмалари фаолият олиб бормоқдалар. Меҳмонхоналарга дунёнинг турли давлатларидан у ёки бу иш юзасидан, хизмат юзасидан ёки бўлмаса турист, сайёҳ бўлиб ташрифлари кундек равшан.

Меҳмонхона ва сайёҳлик фирмаларига туристларга хизмат кўрсатиш тизимига вақтида, керакли валютада кредитлаш механизмини мувофиқлаштириш лозим.

Бугунги кунда Меҳмонхона инфратузилмасини ривожлантириш учун таклифлардан бири сифатида биз меҳмонхона хўжаликларини кредитлашни қайта кўриб чиқилиши керак. Ҳозирда тижорат банклари ўртача меҳмонхоналарга 7 йилга, сайёҳлик фирмаларига 4 йилга кредит ажратмоқда, меҳмонхоналарнинг харажатларни қоплаш муддати эса 10−12 йилни, сайёҳлик фирмаларининг харажатларини қоплаш муддати 5-6 йилни ташкил этади. Республикамизда Марказий банки тижорат банкларига бундай кредитларни ажратиш тўғрисида амалда ижобий силжиш бўлгани йўқ. Бу борада фақатгина тавсия беришга эришилди холос. Айни вақтда бирорта ҳам тижорат банк бундай операцияларни

[43]Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)

[44]Монетар сиёсатнинг 2017 йилгамўлжалланган асосий йўналишлари

амалга оширмаяпти. Меҳмонхона туризмини ривожлантириш учун мазкур таклиф ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Кейинги масала турист ва сайёҳларнинг валюта операциялари билан боғлиқ масалаларидир. Мамлакатимизда асосан конвертация АҚШ долларида амалга оширилади. Бу Европадан ташриф буюрадиганлар Еврони олиб келиш ўрнига асосан АҚШ доллари билан Ўзбекистонга ташриф буюришлари кўпроқ кузатилмоқда. Аслида бизларда тижорат банклари учун Евро пул бирлигининг аҳамияти АҚШ долларига нисбатан кам аҳамият касб этмайди.

Хизмат кўрсатиш тизимларига банк хизматларини кўрсатиш, ҳамда терминаллар, корпоратив карточкалар билан таъминлаш хизмат кўрсатиш тизимидаги бирламчи юзага келаётган муаммоларни бартараф этилишига кўмаклашади.

Меҳмонхона хизматларини молиявий муаммоларни ечими учун тижорат банклари махсус касса операцияларини амалга оширувчи касса ёки банкоматлардан фойдаланишни жадаллаштириш лозим.

Хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва уларга имкониятларни амалда яратиб бериш иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган қатор тармоқлари, инфратузилманинг ривожланишига туртки беради.

СУЩНОСТЬ И РОЛЬ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ АУДИТОРСКИХ УСЛУГ КАК СФЕРА ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Д.К. Уразов Асс. Сам ИЭС

Аннотация:*Ушбу мақолада профессионал аудиторлик хизматларнинг тадбиркорлик фаолияти сифатидаги моҳияти, аҳамияти ва хусусиятлари очиб берилган.*

В данной статье раскрыты суть, роль и специфики профессиональных аудиторских услуг как предпринимательской деятельности.

This article reveals the essence, role and specifics of professional audit services as an entrepreneurial business.

Одним из основных требований, предъявляемых к любым видам услуг, является профессионализм. Данное требование относится и к аудиторским услугам, которые выступают в настоящее время одним из перспективных видов предпринимательской деятельности. В нашей республике данная предпринимательская деятельность ведется в настоящее время более сотнями, так называемыми аудиторскими организациями.

И так, что такое профессионализм в области аудиторских услуг? В чем суть и значение профессиональных аудиторских услуг как специальной предпринимательской деятельности? Каковы основные особенности отдельно взятых профессиональных аудиторских услуг?

Для того, чтобы найти ответы на эти вопросы, сначала остановимся вкратце на сути понятий «профессионал», «профессионализм» и «профессиональные услуги».

Профессионал - это человек, сделавший определённое занятие своей профессией; человек, ставший в какой-либо области деятельности специалистом; подготовленный для работы в определённой сфере специалист, имеющий навыки, квалификацию, а при необходимости и допуск к выполнению обязанностей по своей специальности. Многие путают

понятие **профессионала** с мастером. Не все профессионалы могут быть мастерами своего дела, точно так же, как и мастер в определенной области деятельности не всегда является профессионалом в этой же области[45].

Базовые характеристики профессионала, обычно, ярко проявляются в таких его качествах, как:

- приверженность интересам потребителей и общества в целом;
- наличие необходимых теоретических знаний;
- владение необходимыми для данной профессии навыками и приемами;
- умение формулировать целостные суждения в условиях этической неопределенности;
- системный подход;
- участие в развитии профессионального сообщества[46].

Профессионализм - способность человека систематически, надёжно и эффективно выполнять свою работу в самых разнообразных условиях. В понятии «профессионализм» отражается такая степень овладения человеком психологической структурой профессиональной деятельности, которая соответствует существующим в обществе стандартам и объективным требованиям. Профессионализм рассматривается в качестве интегральной характеристики человека-профессионала (как индивида, личности, субъекта деятельности и индивидуальности), проявляющийся в деятельности и общении. Профессионализм человека - это не только достижение им высоких производственных показателей, но и особенности его профессиональной мотивации, система его устремлений, ценностных ориентаций, смысла труда для самого человека[47].

В настоящее время термин «профессиональная услуга» широко встречается как отечественной, так и зарубежной литературе. Он широко применяется и в деловой практике всех стран. Данный термин нашел отражения даже в межгосударственных конвенциях. В частности, в конвенции между Правительством РФ и Правительством Королевстве Швеции об избежании двойного налогообложения в отношении налогов на доходы данному термину дано следующее определение:

«Профессиональные услуги включают в себя, в частности, независимую научную, литературную, художественную, образовательную или преподавательскую деятельность, также как и независимую деятельность врачей, адвокатов, инженеров, архитекторов, зубных врачей и бухгалтеров »[48].

Таким образом, как видно из выше приведенных толкований, в отношение к применению в той или другой сфере человеческой деятельности понятия «профессионалы», «профессионализм» и «профессиональные услуги» практически не имеют границу. Они встречаются и имеют место во всех сферах жизнедеятельности людей. Одним словом, профессионалы, профессионализм и профессиональные услуги нужны везде и во всем.

---

[45]https://ru.wikipedia.org/wiki/

[46] Джон Богл. Не верьте цифрам! Размышления о заблуждениях инвесторов, капитализме, «взаимных» фондах, индексном инвестировании, предпринимательстве, идеализме и героях . — М.: Альпина Паблишер, 2013. — 545 с.

[47] https://ru.wikipedia.org/wiki/

[48]https://ru.wikipedia.org/wiki/

Прямое отношение понятий «профессионалы», «профессионализм» и «профессиональные услуги» к отдельным видам услуг как предпринимательской деятельности рассмотрим на примере аудиторских услуг. Суть понятий «профессионалы», «профессионализм» и «профессиональные услуги» в данной сфере непосредственно заложено в самой сути аудиторских услуг. Ибо, согласно закону нашей республики «Об аудиторской деятельности» (статья 2) «Под аудиторской деятельностью понимается предпринимательская деятельность аудиторских организаций по оказанию аудиторских услуг. Аудиторские услуги включают в себя аудиторские проверки и профессиональные услуги, предусмотренные статьей 17 настоящего Закона».[49]

Как аудиторская проверка, так и профессиональные услуги, оказываемые аудиторскими организациями, проводятся профессионалами, носящими название «аудиторы».

Аудиторская проверка - проверка аудиторскими организациями финансовой отчетности и связанной с ней финансовой информации хозяйствующего субъекта с целью установления достоверности и соответствия финансовой отчетности и иной финансовой информации законодательству о бухгалтерском учете.

Аудиторская проверка осуществляется в *обязательной* и *инициативной* формах.

Обязательной аудиторской проверке ежегодно подлежат: акционерные общества; банки и иные кредитные организации; страховые организации; инвестиционные и иные фонды, аккумулирующие средства юридических и физических лиц, и их доверительные управляющие инвестиционными активами; благотворительные и иные общественные фонды, источниками которых являются добровольные отчисления юридических и физических лиц; внебюджетные фонды, источниками образования средств которых являются предусмотренные законодательством обязательные отчисления, производимые юридическими и физическими лицами; хозяйствующие субъекты, имеющие в уставном фонде долю, принадлежащую государству и государственные унитарные предприятия; фондовые и товарные биржи.

Инициативная аудиторская проверка может проводиться по решению других видов хозяйствующих субъектов – ООО, частных предприятий, иностранных предприятий,фермерских хояйств, семейных предприятий и т.д.

Сущность этих видов аудиторских услуг заключается в следующем.

Во-первых, как аудиторские проверки, так и профессиональные услуги аудиторских организаций оказываются на коммерческой основе, то есть согласно заключенным договорам между аудиторской организацией и ее клиентами.

Во-вторых, услуги по проведению аудиторских проверок являются строго лицензионными, то есть этим видом услуг аудиторские организации имеют право заниматься только при наличии соответствующей лицензии. Последняя, в свою очередь, делится на три категории:

*первая категория, дающая право на заниятие аудиторскими организациями только инициативной аудиторской проверкой; данные аудиторские организации должны иметь уставный капитал не менее 1500-кратного размера минимальной заработной платы и не менее 2 штатных аудиторов;

[49] Закон РУз «Об аудиторской деятельности, 26 мая 2000г., № 78-II.

*вторая категория, дающая право на заниятие аудиторскими организациями инициативной и обязательной аудиторской проверкой хозяйствующих субъектов, за исключением акционерных обществ, банков и страховых организаций, данные аудиторские организации должны иметь уставный капитал не менее 3000-кратного размера минимальной заработной платы и не менее 4 штатных аудиторов, из которых не менее одного аудитора - с наличием международного сертификата бухгалтера;

*третья категория, дающая право на заниятие аудиторскими организациями аудиторской проверкой всех хозяйствующих субъектов, данные аудиторские организации должны иметь уставный капитал не менее 5000-кратного размера минимальной заработной платы и не менее 6 штатных аудиторов, из которых не менее двух аудиторов - с наличием международного сертификата бухгалтера.

Требование настоящего пункта к аудиторской организации о наличии минимального количества штатных аудиторов предусматривает полную укомплектованность установленного минимального количества аудиторских штатов аудиторами, для которых данная аудиторская организация является основным местом работы.

Профессиональные услуги, оказываемые аудиторскими организациями также имеют ряд специфик. Эти специфики заключается в следующем.

Во-первых, профессиональные услуги аудиторских организаций включают в себя их конкретные виды, определенные 17-статьей закона Республики Узбекистан об аудиторской деятельности. Ими, в частности, являются:

*постановка, восстановление и ведение бухгалтерского учета;

*составление финансовой отчетности;

*перевод национальной финансовой отчетности на международные стандарты бухгалтерского учета;

*анализ финансово-хозяйственной деятельности хозяйствующих субъектов;

*консалтинг по бухгалтерскому учету, налогообложению, планированию, менеджменту и другим вопросам финансово-хозяйственной деятельности;

*составление расчетов и деклараций по налогам и другим обязательным платежам;

*осуществление функций ревизионной комиссии (ревизора) хозяйствующего субъекта.

Аудиторские организации могут оказывать и иные профессиональные услуги, предусмотренные национальными стандартами аудиторской деятельности.

Во-вторых, все выше приведенные виды профессиональных услуг оказываются аудиторскими организациями на коммерческой основе, то есть согласно заключенным договорам между аудиторской организацией и ее клиентами.

В-третьих, услуги по проведению аудиторскими организациями профессиональных услуг не являются лицензионными, то есть профессиональными услугами аудиторские организации имеют право заниматься без получения лицензии.

Следует отметить, что каждый вид профессиональных услуг, оказываемых аудиторскими организациями, имеет свое конкретное содержание и назначение. Их суть, в частности, сводится к следующему:

*__под постановкой бухгалтерского учета__ понимается организация бухгалтерского учета в соответствие с требованиями закона Р.Уз о бухгалтерском учете;

* __под восстановлением бухгалтерского учета__ понимается приведение состояние бухгалтерского учета в соответствие с требованиями закона Р.Уз о бухгалтерском учете;

под ведением бухгалтерского учета понимается осуществление функции предприятия по обязательному ведению бухгалтерского учета аудиторской организацией согласно заключенному договору; ответственность за правильное ведение бухгалтерского учета в соответствие с требованиями закона Р.Уз о бухгалтерском учете при оказании данного вида профессиональных услуг полностью возлагается на аудиторскую организацию;

*__под составлением финансовой отчетности__ понимается осуществление функции предприятия по составлению финансовой отчетности аудиторской организацией согласно заключенному договору; ответственность за правильное составление финансовой отчетности в соответствие с требованиями закона Р.Уз о бухгалтерском учете при оказании данного вида профессиональных услуг полностью возлагается также на аудиторскую организацию;

*__под переводом национальной финансовой отчетности на международные стандарты бухгалтерского учета__ понимается осуществление функции предприятия по трансформации финансовой отчетности на форматы отчетности согласно МСФО аудиторской организацией согласно заключенному договору; ответственность за правильную трансформацию финансовой отчетности в соответствие с требованиями МСФО при оказании данного вида профессиональных услуг полностью возлагается также на аудиторскую организацию;

*__под анализом финансово-хозяйственной деятельности хозяйствующих субъектов__ понимается осуществление комплексного или тематического анализа финансово-хозяйтсвенной деятельности предприятия аудиторской организацией согласно заключенному договору и программе; данный анализ может производиться на основе финансовой отчетности без проверки ее реальности или же на основе финансовой отчетности, подвергщей предварительной аудиторской проверке; без проверки ее реальности ответственность за правильную трансформацию финансовой отчетности в соответствие с требованиями МСФО при оказании данного вида профессиональных услуг полностью возлагается также на аудиторскую организацию;

под консалтингом по бухгалтерскому учету, налогообложению, планированию, менеджменту и другим вопросам финансово-хозяйственной деятельности понимается осуществление консалтинговых услуг по организации и ведению бухгалтерского учета или его конкретных объектов, расчетам конкретных видов налогов, составлению бизнес-плана (бюджета) основных показателей финансово-хозяйтсвенной деятельности предприятия, анализу состояния корпоративного управления, оценки КПЭ и других дополнительных показателей деятельности органов управления, а также по другим вопросам аудиторской организацией согласно заключенному договору и программе; данный вид услугтакже может производиться на основе финансовой отчетности без проверки ее реальности или же на основе финансовой отчетности, подвергщей предварительной аудиторской проверке;

*__под составленим расчетов и деклараций по налогам и другим обязательным платежам__ понимается оказание услуг по составлению расчетов и деклараций по налогам и другим обязательным платежам предприятия в соответствие с требованиями Налогового кодекса Р.Уз аудиторской организацией согласно заключенному договору и программе; данный вид услуг может производиться на основе финансовой отчетности без проверки ее реальности или же на основе финансовой отчетности, подвергщей предварительной аудиторской проверке;

*__под осуществлением функций ревизионной комиссии (ревизора) хозяйствующего субъекта__понимается оказание услуг по осуществлению функций ревизионной комиссии (ревизора) хозяйствующего субъекта по по представлению информации акционерам об основных успехах предприятия за отчетный период, а также фактах, имевщих место в его хозяйственной жизни, для принятия соответствующего управленческого решения в соответствие с требованиями законов республики аудиторской организацией согласно заключенному договору и программе; данный вид услуг, обычно, производиться на основе внутреннего контроля аудитором фактов хозяйственной жизни как внутренного ревизора.

Таким образом, как видно из выше приведенных, профессиональные аудиторские услуги, оказываемые аудиторскими организациями, имеют своеобразное толкование и значение. Они выступают важными рычагами содействия в достижении успехов в бизнесе, улучшении состояния дел, управления всеми процессами, протекающими на каждом предприятии и в человеческом обществе в целом.

ERKIN IQTISODIY HUDUDLARDA YARATILGAN IMTIYOZLARNING XORIJIY INVESTITSIYALARNI JALB ETISHDAGI O'RNI

Orzuqulova Z.A.qizi SamDUmagistrant.

Mamlakatimiz iqtisodiyoti shiddat bilan rivojanib borayotgan bir paytda erkin iqtisodiy hududlarning yaratilishi dolazarb masala hisoblanadi. Mazkur maqolada erkin iqtisodiy hududlarda joriy etilayotgan imtiyozlarning dunyo davlatlaridagi holat bilan solishtirish natijasida erkin iqtisodiy hududlar faoliyatini yanada takomillashtirish haqida so'z boradi.

Одовременно с развитием национальной экономики создания свободно экономических зон является очень актуальным. В статье говорится об усовершенствования создания свободо экономических зон и предоставляемых преференций в этих зонах сравнивая их с другими странами мира.

During the rapid development of national economy creation of free economic zones is very important. This article is about improving creation of free economic zones and current preferences in this zones by comparing them with other countries for further development of national economy

Tayanch so'zlar: *Erkin iqtisodiy hudud, investitisiya, soliq, bojxona, imtiyoz, xorijiy investitsiyalar,savdo hududlari, eksport.*

Ключевые слова: *Свободная экономическая зона, инвестиция, налог, таможня, преференция, иностранные инвестиция, торговая зона, экспорт.*

Key words: *Free economic zone, investment, tax, custom, preferences, foreign investment, trade zones, export.*

Butun dunyo miqiyosida xorijiy investitsiyalar oqimini ko'paytirish hamda iqtisodiy o'sish sur'atlarini yaxshilash maqsadida xorijiy investorlarga turli xil imtiyoz va yengilliklar yaratib kelinmoqda. Bu erkin iqtisodiy zonalar misolida yaqqol ko'zga tashlanadi. Mazkur hududlarda soliq va bojxonaga oid yengilliklarning berilishi hudud ishlab chiqarish, eksport, import salohiyatini oshirish orqali mamlakat iqtisodiyotining yuqori sur'atlarda o'sishiga zamin yaratmoqda.

Xorijiy investitsiyalarni jalb etishning eng samarali yo'llaridan biri bo'lgan erkin iqtisodiy hududlarning tashkil etilishi mazkur hududlardagi iqtisodiy va investitsion muhitni chuqurroq o'rganishga undaydi. Erkin iqtisodiy zonalarda yaratilgan imtiyozlarning turlarini o'rganish investitsiyalar oqimini o'shishiga xizmat qilishini jahon tajribasi ko'rsatdi. Bu esa o'z navbatida mavzuning dolzarbligini ifodalaydi. Mamlakatimizda erkin iqtisodiy hududlar (EIH)soni oshib borayotgan bir paytda bu hududlarda yaratilishi lozim bo'lgan imtiyozlarni o'rganib chiqish tobora muhim bo'lib bormoqda.

Mamlakatimizda erkin iqtisodiy hududlarning tashkil etilganligiga hali uzoq vaqt bo'lmagan bo'lsada, hozirda Navoiy, Jizzax, Angren (faoliyat yuritayotgan) , Urgut, Xazorasp, G'ijduvon, Qo'qon (2017 yil 12 yanvardagi Pezident farmoniga asosan tashkil etilayotgan) kabi EIHlar mavjud. Bu hududlarni tashkil etilishi to'g'risidagi qonunlarda va xorijiy mamlakatlardagi erkin iqtisodiy zonalardagi imtiyozlarni organib chiqish va o'zaro taqqoslash orqali qanday turdagi imtiyozlarni, qaysi muddatlarga joriy etish haqida takliflar ishlab chiqish mumkin. Shu maqsadda quyidagi davlatlardagi EIHlarda qo'llaniladigan yengilliklar va imtiyozlarni ko'rib chiqsak.

Lotin Amerikasida 1957 yilda tashkil etilgan va 1967 yilga kelibgina faoliyat yuritgan Manaus EIH mamlakatdagi eng yirik EIH hisoblanadi. Bu EIHni tashkil etishdan ko'zlangan maqsad mamlakatda sanoat, savdo va qishloq xo'jalik markazini barpo etishdir. 1967 yil 28 fevraldagi № 288/67 dekretga asosan hududga erkin savdo va maxsus soliq bo'yicha imtiyozlar 30 yil muddatga berilishi ko'zda tutilgan.

Manaus EIHdagi korxonalarga quyidagi imtiyozlar berilgan:

- Hudud ichida iste'mol qilish uchun mo'ljallangan import tovarlarni olib kirishda soliq to'lashdan ozod etiladi;
- EIHda ishlab chiqarilgan sanoat va iste'mol tovarlari uchun to'lanadigan soliqdan ozod etiladi (korxonalar 10 yil muddatga daromad solig'i to'lashdan ozod etiladi);
- Korxonalar eksport uchun soliq to'lashdan ozod etiladi va hk.

Bu imtiyozlardan tashqari Amazonas shtati hukumati 2012 yilda mazkur hududda mototexnika tovarlari ishlab chiqaruvchilar uchun elektrenergiyadan foydalanganlik uchun to'lanadigan soliqdan 1 yil muddatga voz kechdi. Bunga sabab mazkur sohadagi krizis edi. Shuncha soliq imtiyozlari joriy etilganligiga qaramay "Manaus" EIH hukumat g'aznasiga jami shimoliy hududning 50% solig'ini topshiradi.

Hukumat tomonidan bu hududdagi imtiyozlarni 2003 yildan 2023 yilgacha uzaytirish to'g'risida qaror qabul qilingan bo'lib, hozirda uni yana 50 yilga uzaytirish masalasi ko'rib chiqilmoqda.

Endi Belarussiya Respublikasida EIHlarda joriy etilgan imtiyozlarga to'xtalib o'tsak. Belarussiyada EIH rezidenti bo'lish uchun qator talablarga javob berish kerak. Bu

talablar biroz murakkab bo'lishiga qaramasdan mavjud imtiyozlari bu hududlarda faoliyat yuritishga undaydi. Bu hududlarda yaratilgan imtiyozlar quyidagilar:

- Foyda solig'i, faoliyat turi bo'yicha qonunda belgilangan stavkalardan 50% kam miqdorda lekin 12 % dan kam bo'lmasligi kerak;
- QQS 10 % (EIH da ishla chiqarilgan Belarussiya hududid sotiladigan tovarlar uchun);
- EIH da joylashgan ko'chmas mulk uchun soliqdan ozod etiladi;

Belarussiyadagi bu imtiyozlar EIHdagi umumiy ovqatlanish joylari, o'yingohlar, qimatbaho qog'ozlar bilan bog'liq operatsiyalarni amalga oshiruvchilar uchun qo'llanilmaydi. Belarussiyada ishlab chiqarilgan, EIH ishtirokchisi ishlab chiqarishda qatnashgan import o'rnini bosuvchi tovarlar uchun bojxonada erkin aylanish tizimi yo'lga qo'yilgan.

Rossiya Federatsiyasiyasida esa barcha turdagi EIHlar uchun soliq imtiyozlari mavjud. Hamma turdagi EIH rezidentlari uchun foyda solig'i bo'yicha pasaytirilgan stavkalar qo'llaniladi. Erkin iqtisodiy hududning turiga qarab rezidentlar mol-mulk solig'idan 5-10 yil muddatga ozod qilinadi. Bunda mol mulk EIHda joylashgan bo'lishi, EIH da foydalanish maqsadida olingan bo'lishi va shu hududda undan foydalanilayotgan bo'lishi kerak.

Rossiyada EIH da transport solig'i bo'yicha yengillikar joriy etilgan bo'lib, bunda xorjiy investorlar transporti bu hududda ro'yxatdan o'tkazilgan zahoti, ularga imtiyoz amal qiladi. Bundan tashqari investorlar 5-10 yil muddatga yer solig'i to'lashdan ozod etiladi. EIHning turiga ko'ra qo'shimcha imtiyozlar beriladi. Jumladan, sanoat- ishlab chiqarish va turistik- rekreatsion hududlarda tezlashtirilgan amortizatsiyani qo'llab, asosiy vositalarga o'sib boruvchi koeffitsient o'rnatilishi mumkin. Bundan tashqari Rossiyada Yagona oyna (единое окно) tizimi orqali rasmiylashtirish bilan bogliq jarayonlarni tezlashtirish yolga qo'yilgan. Soliq to'lashning soddalashtirilgan tizimidan foydalanilishi va ayrim davlat fondlari, jamg'armalariga to'lovlar to'lashdan ozod etilganligi, ayrim turdagi EIHlada amortizatsiya koeffitsientlarining alohida belgilanishi EIHlardagi korxonalar buxgalteriya hisobini o'ziga xos tarzda yuritilishidan dalolat beradi.

O'zbekiston misolida " Navoiy" EIHda joriy etilgan imtiyozlar 2008 yil

2 dekabrdagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Navoiy viloyatida erkin industrial iqtisodiy zona tashkil etish to'g'risida" gi farmonida belgilab qo'yilgan.

Unga ko'ra :

- Navoiy erkin industrial iqtisodiy zonaning (EIIZ) faoliyat ko'rsatish muddati 30 yil (keyinchalik uzaytirish mumkin);
- EIIZ faoliyati davomida mazkur hududda alohida valyuta, bojxona va soliq rejimlari amal qilinadi;
- Mazkur hududda ro'yxatdan o'tgan xo'jalik yurituvchi subyektlarga ular kiritgan to'g'ridan to'g'ri xorijiy investitsiya miqdoriga qarab yer, mulk, daromad,obodonlashtirish va ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish solig'i, yagona soliq to'lovi, respublika yo'l jamg'armasi va respublika maktab ta'limini rivojlantirish jamg'armasiga majburiy to'lovlardan ozod etiladi.

Bunda investitsiyalar hajmiga qarab imtiyozlar quyidagi muddatlarga beriladi:

- 3 mln yevrodan 10 mln yevrogacha – 7 yilgacha ;
- 10 mln yevrodan 30 mln yevrogacha - 10 yilgacha, keyingi 5 yilda foyda solig'i ,yagona soliq to'lovi amaldagi stavadan 50% kam miqdorda bo'ladi;

- 30 mln yevrodan oshsa 15 yilga, keingi 10 yilda foyda solig'i, yagona soliq to'lovi amaldagi stavadan 50% kam miqdorda bo'ladi;

Bundan tashqari eksportga yo'naltirilgan mahsulot ishlab chiqarish uchun olib kelinayotgan asbob-uskunalar, xom ashyo materiallari bojxona to'lovlaridan ozod qilinadi. Bu hududlarda mulkni ijaraga berish, faoliyatni rasmiylashtirish jarayonlarini soddalashtirish maqsadida yagona darcha tizimi faoliyati yo'lga qo'yilgan (Rossiya Federatsiyasidagi kabi).

Yuqori davlatlar misolida EIHlarda yaratilgan imtiyozlarni solishtirish orqali ularni quyidagicha guruhlarga ajratish mumkin:

1. Soliq bo'yicha imtiyozlar
2. Valyuta bo'yicha imtiyozlar
3. Bojxona bo'yicha imtiyozlar
4. Ma'muriy jarayonlarni yengillashtirish bo'yicha qulay sharoitlarni yaratilishi bilan bo'gliq imtiyozlar

Imtiyozlarni taqdim etuvchilar tomonidan olib qaraganda davlat tomonidan

beriladigan umumdavlat va mazkur EIH joylashgan mahalliy vakillar tomonidan berilgan imtiyozlarga (Manaus misolida) bo'lish mumkin.

Yuqoridagi davlatlar miqiyosida EIHlarning faoliyat muddati 30 yil etib belgilangan (Manaus, Navoiy) bo'lib, bu muddat keyinchalik uzaytirilishi ko'zda tutilgan. Bu hudud faoliyatining samaradorligi bilan bog'liq.

Soliqlar bo'yicha berilgan imtiyozlar investorlarga ko'proq daromad olishni ta'minlasa ma'muriy jarayonlarni yengillashtirilishi faoliyat yuritishni osonlashtiradi. Yuqoridagi davlatlardagi imtiyozlarni inobatga olgan holda mulk va transport bilan bog'liq imtiyozlarni O'zbekistondagi EIHda qo'llanilishining ijobiy va salbiy tomonlarini o'rganish zarur bo'ladi.

Soliq va bojxona imtiyozlari nisbatan umumiy harakterga ega bo'lib, barcha EIHlarda mavjud. Lekin soliqlar bo'yicha imtiyozli stavkalar va bojxona, valyuta tizimidagi imtiyozlar davlatning iqtisodiy siyosati bilan bog'liq.

Xulosa qilib aytganda, imtiyozlarni davlatning iqtisodiy holati, EIH turiga qarab belgilash samarali natija beradi. Lekin har qanday holda ham soliq va bojxona bilan bog'liq imtiyozlar yetakchilik qiladi. Imtiyozlar muddatlari esa hududlar faoliyatning istiqboli bilan bog'liq ravishda uzaytirib boriladi. EIHlarda ham ishlab chiqaruvchilar ham investorlar uchun alohida imtiyozlar borasida yondashuv samarali natija berishini jahon tajribasi ko'rsatdi.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СОХАСИНИ МОЛИЯВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ.

Янгибоев Д.Ғ.- ТошДАУ ассистент

Аннтация: Ушбу мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодий ривожланиши роли ҳамда аҳамияти келтирилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни такомиллаштириш истиқболлари таҳлил қилинган. Шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришни ташкил этиш механизмлари ҳамда унинг илмий назарий асослари кўриб чиқилган.

Аннтация:В данным статье рассмотрени роль малые бизнес и частный предпренительство экономечискые развитие стране. В том числе в статье

анализурится переспективы совершенсвования малого бизнеса и частного предпренительство в сервисные услуге Узбекистане. Рассмотриваются научная-теореческая осново и механизм оргнизации финансирования малого бизнеса и частный предпренительство.

This article examines the role of small business and private entrepreneurship in the country's economic development. Including in the article the prospects of perfecting small business and private entrepreneurship in service services of Uzbekistan are analyzed. The scientific-theoretical basis and the mechanism of organization of small business financing and private entrepreneurship are examined.

Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради. Кичик бизнес иқтисодиётнинг шундай секторидирки, у инвестиция муҳитида юз бераётган деярли барча ўзгаришларга мослашади. Кичик бизнес нуқтаи назаридан инвестиция муҳитининг жозибадорлик даражасини аниқлаш учун бутун мамлакат ва минтақалардаги иқтисодий вазиятни кўрсатувчи омиллар, иқтисодиётнинг бу тармоғига инвестициялар киритиш қонунлар ва инфратузилмалар билан қанчалик таъминланганлиги, минтақада бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, малакали ишчи кучининг мавжудлиги, шунингдек, мана шу ва бошқа омиллар билан боғлиқ хатарлар бор ёки йўқлиги ғоят муҳимдир.

Хусусий тадбиркорликнинг асосий хусусияти шундаки, унинг учун минтақавий омиллар қоида тариқасида, инвестициялар жалб этиш жараёнига таъсири жиҳатидан устунлик қилади. Инвестициявий муҳит таҳлилини тармоқлар бўйича олиб бориш зарурлигини кўрсатиб ўтиш керак. Чунки, ижобий инвестициявий омиллар турли тармоқлар учун ўзига хос жиҳатларга эга. Баъзи ҳолларда бир тармоқда ижобий рол ўйнаши мумкин бўлган омиллар бошқа тармоқ учун салбий бўлади ёки агар муайян тармоқ учун бирон-бир кўрсаткич етарли даражада намоён бўлса, шу кўрсаткпчнинг ўзи бошқа тармоқнинг муваффақиятли ривожланиши учун мутлақо кам бўлиши мумкин.

Бизнеснинг мақсади одатда фойдани барқарор ҳолда келтириш ва уни муттасил ошириб боришдир. Тадбиркорликнинг ҳамма ўй-фикрлари, ҳаракатлари ва сарф-харажатлари айнан фойда олишга қаратилган бўлади. Бу фойда бизнеснинг кейинги ривожланишини ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилганбўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” фармони қабул қилинди.

2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови тўлашдан озод қилинади.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади:

1) 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача - 3 йилмуддатга;

2) 3 миллионданортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача - 5

йилмуддатга;

3) 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йилмуддатга

Ушбу Низом "Чет эллик инвесторлар хуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ чет эллик инвесторларга қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) беришда улар билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан инвестиция шартномалари тузиш тартибини белгилайди. Чет эллик инвесторлар билан уларнинг қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериш билан боғлиқ бўлмаган инвестиция мажбуриятларини мустаҳкамлашга йўналтирилган шартномаларни тузиш ва амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига алоҳида эътибор берилиши натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини албатта қувонарли ҳолатдир. Ҳозирги пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи тўғри келмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи ушбу соҳада банд. Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнаётганини қайд этиб ўтиш жоиздир.

2015 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир.

Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди.

2016 йилда эса иқтисодиётимизни ривожлантириш, модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун 17 миллиард 300 миллион доллар қийматидаги инвестициялар йўналтириш, уларнинг ўсиш суръатини 109,3 фоизга етказиш белгиланган. Ана шу инвестицияларнинг 4 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил қилади, бу 2015 йилга нисбатан 20,8 фоиз кўпдир.

Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарини барпо этиш орқали мустақил хўжалик юритувчи мулк эгалари шаклланди. Кичик бизнес корхоналари бозор иқтисодиётига хос турли макроиқтисодий шарт-шароитлар ва талабларига мослашиши имкониятларига эгалиги билан устувор аҳамиятга эга. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашнинг муҳим макроиқтисодий омилларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда кичик бизнес тараққиётининг кескин авж олиши натижасида уларнинг мамлакатда яратилаётган

ялпи ички маҳсулот салмоғидаги улушининг ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

1- расм.



1-расм.Ўзбекистондакичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда.

Ушбу диаграммадан кўриниб турибдики, 2000 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 31%ни ташкил этган бўлса 2016 йилга келиб 56,9 %ни ташкил этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш натижасида ўтган йилда 37 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари, 119,6 мингта якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Шунингдек, таркибий ўзгартирилаётган монополист-корхоналарнинг фойданилмаётган қувватларида 130 та турли мулкчилик шаклларига асосланган янги кичик корхоналар ташкил этилиб, уларда 7,5 мингга яқин иш ўринлари яратилди. 83 та банкрот корхоналар негизида 92 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларда 9,8 мингта иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қуйидаги таклифларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

Ш тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларни малакасини янада ошириш;

Ш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган корхоналарнинг моддий-техника базасини замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантириш;

Ш тадбиркорларнинг фаолиятига инвестицияларни жорий қилишни такомиллаштириш;

Ш тадбиркорлар ўртасида соф рақобат муҳитини янада такомиллаштириш;

Ш кўрсатилган хизматларнинг иш ҳақини ҳамда сотилган маҳсулотларнинг тўлашни таъминлаш ва бошқалар.

Юқоридаги таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин. Албатта ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи асосий кучлардан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдир. Тадбиркорлик фаолиятида рақобат муҳитининг юзага келишидан аввало, истемолчилар, давлат

ҳамда мамлакат аҳолиси учун фойдалидир. Шунинг учун ушбу соҳага инвестицияларни жалб этиш, уни ривожлантирилиши натижасида аҳолининг даромадлари ошади ва турмуш фаровонлиги яхшиланади. Мамлакат иқтисодиёти юксалиши билан биргаликда етиштирилаётган маҳсулотлар ҳамда кўрсатилаётган хизматларни сифати яхшиланиб, экспорт салоҳияти юксалади.

АВТОТРАНСПОРТ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР АУДИТИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

О. Х. Холиқулов“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ассистенти -
М.М. Қурбонова касб-ҳунар коллежи маҳсус фанлар ўқитувчиси

Аннотация:*Во время проведения аудита по финансовым результатам в предприятии автотранспортного обслуживания анализируется финансовый устойчивый показатель автотранспортного предприятия и выдается соответствующая характеристика. В процессе проведения аудита анализируются виды активов, уровень рентабельности, и рекомендуется повышение полученной прибыли, на основе проверки.*

Annotation: *The financial stability indicators of moto-vehicle transport service enterprises in the process of audit the financial results of motor vehicle transports were analysed and proper advices were given. In the process audit the degree of profitability according to types of actives were analysed. The opportunity of creating reasonable advices for increasing the profit was worked out.*

Аннотация:*Автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий натижаларни аудит қилиш жараёнида автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарини молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва тегишли тавсиялар берилган. Аудит жараёнида активларни турлари бўйича рентабеллик даражаси таҳлил қилиш фойдани янада оширишга қаратилган асосли тавсиялар берилган.*

Ключевые слова:*Аудита, сфера услуг, аудиторской проверки, бухгалтерский учет, качество услугстандарты аудита, сущность общепринятых стандартов аудита, финансовым результат, финансоваяотчетность.*

Keywords:*Auditing, services, technique audit, accounting, types of services, auditing standards, generally accepted auditing standards, financial results, financial statements.*

Таянч иборалар:*Аудит, хизматлар, аудиторлик текшируви, бухгалтерия ҳисоби, хизмат сифати, аудитнинг умум қабул қилинган стандартлари, молиявий натижалар, молиявий ҳисоботлар.*

Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби.
И.Каримов

Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, инновация жараёнларини жадаллаштириш ва бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда иш билан бандликни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида асосий эътиборни моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишга, унумсиз сарфларни ва нобудгарчиликларни

бартараф қилишга қаратмоқ керак. Бундай улкан ишларни амалга оширишда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг роли беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса, ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини аудит қилиш натижасида молиявий ҳисобот истеъмолчиларини ишончли ахборот билан таъминлашга олиб келади.

“Иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Ижобий таркибий ўзгартиришлар ва иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари туфайли аҳолининг реал даромадлари 11 фоиз ошди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 15 фоиз, пенсия ва ижтимоий нафақалар – 12,1 фоиз, аҳоли жон бошига реал даромадлар – 11 фоиз ўсди,”[50]. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси таъкидлаб ўтди.

2016 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,8 фоиз ўсганлиги қайд этиб ўтилди. Саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоиз, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоиз, **хизматлар – 12,5 фоиз** ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташкил этди.

Шунингдек ушбу йўналиш хусусий мулкни, молия бозорини ҳимоя қилиш, хизмат кўрсатиш соҳасини, заргарлик соҳасини ривожлантириш, айрим миллий корхоналарнинг акцияларини (IPO) нуфузли хорижий фонд биржаларига дастлабки тарзда жойлаштиришга тайёргарлик кўриш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, **аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш** мақсадида 86 та янги автобус йўналишини жорий этиш ва 537 та замонавий автобус харид қилиш назарда тутилмоқда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади[51].

Жумладан автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий натижалар аудити аудиторлик текширувининг муҳим ва ажралмас қисмларидан саналиб, уни ўтказиш ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бунда аудиторлар транспорт ташкилотининг фаолият тури, молиявий натижанинг шаклланиши, манбалари,

[50]Мирзиёев Ш.М. “Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси” 2017.

[51] “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”гиЎзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

молиявий натижаларни тақсимланиши хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишларни амалга ошириши зарурияти муҳимдир.

Аудитор автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий натижаларни шаклланишини куйидаги бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар орқали текширади: 9000-«Асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счётлари», 9300-«Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби счётлари», 9500-«Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счётлари», 9700-«Фавкулотда фойда (зарар)лар ҳисоби счётлари», 9800- «Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиши ҳисоби счётлари», 9900 - «Якуний молиявий натижа» ва бошқа счётлар.

Автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарида асосий фаолиятдан даромадлар кўрсатилган иш-хизматларни, мулкларни сотишдан олинган даромадлар, бажарилган ишлар ва хизматлардан олинган даромадлардан иборат. Ушбу даромадлар 9030-«Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счётларнинг кредитида ва 4010- «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 5110- «Ҳисоб-китоб счётининг» дебетида акс эттирилган бўлади. Нақд пулга сотилган товарлар, кўрсатилган иш-хизматлардан олинган тушумлар эса бевосита 5010, 5020 счётларда ифодаланган бўлади. Автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарида реализациядан олинган даромадлар ой охирида якуний молиявий натижа счётига ўтказилган бўлади. Шу мақсадда аудитор автотранспорт хизмат кўрсатувчи корхонасида 9030-«Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счётининг дебетидаги ёзувлар билан 9900-«Якуний молиявий натижа» счётининг кредитдаги ёзувларни ўзаро солиштириб кўради. Ушбу маълумотлар Бош китоб, айланма қайдномалари ва «молиявий ҳисобот» даги 2-шакл: «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» кўрсаткичлари билан таққосланади. Автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарида фойда аудити жараёнида асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, яъни асосий воситаларни сотишдан олинган даромадлар (9310 - счёт), бошқа активларни сотишдан олинган даромадлар (9320 - счёт), ундирилган жарималар (9330 - счёт), бошка асосий фаолиятнинг даромадлари (9340, 9390 -счёт бўйича) текширилиб чиқилади. Ундирилган жарималар пул маблағларини ҳисобга олиб борилган счётларда (5110, 5210, 5220) ифодаланган бўлади. Ой охирида ушбу даромадлар ҳам 9900 - молиявий натижа» счётига ўтказилган бўлади. Аудитор ушбу операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигига эътиборини қаратиши керак.

Автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий натижаларни аудит қилиш жараёнида автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинади ва тегишли тавсиялар берилади. Автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарининг молиявий ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарининг мулкий ҳолати;
- автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналари балансининг ликвидлиги;
- автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарининг тўлов қобилияти;
- автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарининг молиявий барқарорлиги;
- автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарининг рентабеллик даражаси.

Молиявий натижа – ҳисобот давридаги фойда ёки зарардир[52]. Рентабеллик - самарадорлик кўрсаткичи ҳисобланади. Аудитор автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий натижани текшириш жараёнида харажатлар таркибига киритилган фойда (зарар) кўрсаткичига таъсирини аниқлаши керак.

Автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналари фойдаси муҳим сифат кўрсаткичларидан бўлиб ресурслардан самарали фойдаланганликни ифодалайди. Олинган фойда миқдорига қараб активларнинг рентабеллигини билиш мумкин. Аудит жараёнида активларнинг турлари бўйича рентабеллик даражаси таҳлил қилинган фойдани янада оширишга қаратилган асосли тавсиялар ишлаб чиқиш имконияти яратилади.

Фойда аудитнинг муҳим объекти ҳисобланади. Аудитор тузилган шартномага асосан фойданинг тўғри ҳисобланганлигини, йил давомида меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар талаблари асосида ишлатилганлигини текширади. Бундай текширув 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)», 9900 - «Якуний молиявий натижа» ва бошқа счётлар орқали амалга оширилади.

Аудитор автотранспорт хизмат кўрсатиш корхонаси фойда кўрсаткичининг тўғри ҳисобланганлигини қуйидаги операциялар орқали текширади:

- даромад турлари бўйича операциялар;
- харажат турлари бўйича операциялар;
- йил давомида ишлатилган фойда бўйича операциялар.

Фойданинг аудити 9900 - «Якуний молиявий натижа» счётидаги бухгалтерия ёзувларини текшириш орқали амалга оширилади. Бундай текширув тартибини «FAYZ-TRANS» МЧЖ мисолида кўриб чиқамиз. Ҳисобот даври бўйича автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарининг 9900 «Якуний молиявий натижа» счётида қуйидаги ёзувлар бўлган:

Дебет **9910 - «Якуний молиявий натижа»**Кредит

Колдиқ- 2) 765000,0 4) 860 000,0 5) 152 000,0 7) 55 000,0	Қолдиқ- 1)2 758 000,0 3) 905 000,0 6) 170 000,0 8) 58 000,0
Дт.оборот. 1 832 000,0	Кт.оборот.3 891 000,0 Оқ. 2 059 000,0

Автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарининг ҳисобот давридаги барча даромадлари 3 891,0 минг сўм, барча харажатлари 1 832,0 минг сўм, фойдаси эса 2 059,0минг сўм бўлган. Ушбу кўрсаткичдан солиқ тўланиши керак. Солиқ суммаси йил давомида 9810, 6410, 5110 счётларда акс эттирилиб борилган. Аудитор йил бўйича ҳисобланган фойда солиғини қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали текшириб чиқади. Йил давомида ҳисобланган ва тўланган фойда солиғи:

Дебет	Кредит	Сумма
9810	6410	154 425
6410	5110	154 425

Йил якуни бўйича қўшимча ҳисобланган фойда солиғи қуйидаги ёзувлар орқали текширилади:

[52] Жўраев Н., Бобожонов О., Абдувахидов Ф., Сотиволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби: Дарслик. ТДИУ. Т.: 2007. 103- бет.

Дебет	Кредит	Сумма
9900	6410	10 295
6410	5110	10 295

Ушбу операцияларнинг солиқ конунчилигига мослиги аудитор томонидан чуқур ўрганилади. Бунинг учун «Молиявий ҳисобот» даги маҳсус жадвал «Автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий натижалар тўғрисида»ги маълумотлардан кенг фойдаланилади. Автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналари фойдасидан тўланган солиқнинг тўғрилигини текшириш учун аудитор маҳсус жадвал тузади. Буни «FAYZ-TRANS» МЧЖ мисолида ҳисобот даври учун кўриб чиқамиз:

«FAYZ-TRANS» МЧЖ ида фойда ва ундан тўланган солиқлар аудити натижалари[53]

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	АТХКК маълумот лари бўйича	Аудитор маълумот лари бўйича	Фарқи (+;-)
1	Транспорт ташкилотлариннг умумий фойдаси	минг сўм	5 600,0	5 600,0	-
2	Солиққа тортилмайдиган фойда	минг сўм	700,0	500,0	-200,0
3	Солиққа тортиладиган фойда	минг сўм	4 900,0	5 100,0	+200,0
4	Фойда солиғи ставкаси	%	7,5	7,5	-
5	Солиқ суммаси	минг сўм	367,5	382,5	+15
6	Аванс шаклида тўланган солиқ	минг сўм	250,0	250,0	-
7	Тўланиши керак бўлган фойда солиғи	минг сўм	117,5	132,5	+15
8	Тўланган дивидендлар	минг сўм	25,0	25,0	-
9	Йилнинг соф фойдаси	минг сўм	5207,5	5192,5	15

Фойда кўрсаткичининг аудити натижасида қуйидагилар аниқланган: автотранспорт хизмат кўрсатувчи корхонаси маълумотлари бўйича солиққа тортилмайдиган фойда 200,0 минг сўмга кўп қилиб кўрсатилган. Натижада солиққа тортиладиган фойда 200,0 минг сўмга кам бўлган. «FAYZ-TRANS» МЧЖ қўшимча 15,0 минг сўм фойда солиғини ва солиқ қонунчилигида белгиланган жарималарни бюджетга тўлаши керак бўлади.

Аудитор молиявий ҳисобот маълумотларни бухгалтерия ҳисобининг жорий маълумотлари билан ўзаро таққослаб текширади. Аудитор ҳисобот йилидаги соф фойданинг тақсимланишини (зарарнинг ёпилишини) қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали текширади:

Дебет	Кредит	Сумма
8710	8532	Фойда суммаси
8532	8710	Зарар суммаси

[53] «FAYZ-TRANS» автотранспорт хизмат кўрсатиш корхонасини 2016 йил молиявий натижалари тўғрисидаги маълумотларидан кенг фойдаланилган.

Автотранспорт хизмат кўрсатиш корхоналарида йўловчи ва юк ташиш бўйича кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар автотранспорт хизматлари кўрсатиш фаолияти учун муҳим ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, 9030-«Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счётига қуйидаги қўшимча счётларни киритиш орқали ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир:

9031 – «1 тонна ташилган юк тарифи бўйича ишлайдиган юк ташувчи машиналар кўрсатган хизматидан олинган даромадлар»

9032 – «Соат тарифи бўйича ишлайдиган юк ташувчи машиналар кўрсатган хизматидан олинган даромадлар»

9033 – «Юк ташиш ва ортиш ишларидан олинган даромадлар»

9034 – «Экспедиция хизматлари кўрсатишдан олинган даромадлар»

9035 – «Бошқа ишлар ва хизматлар турларидан олинган даромадлар»

Аудитор бухгалтерия ҳисобида счётлар қолдиғи бўйича айланмаларни тўғри акс эттирилганлигини синчиклаб текшириши лозим. Автотранспорт хизмат кўрсатиш корхонасининг фойдасини текширишда аудитор пул ажратмаларига аҳамият бериши керак. Бунда аудитор йўл варақаларининг тўғри тўлдирилганлиги, товар-транспорт устамаларини, счет-фактураларни ва бошқа шу каби ҳужжатларни синчковлик билан текшириши лозим.

THE CURRENT STATUS AND STABILITY OF UZBEKISTAN'S BANKING SYSTEM

Rasulov Kh.K, Karshi engineering-economics institute

Annotatsiya: *Ushbu maqolada tijorat, davlat banklarining bugungi kundagi holati va barqarorligini O'zMB ma'lumotlari asosida tahlili ko'rib chiqilgan.*

Kalit so'zlar: *dual bank tizimi, O'zMB, barqaror, iqtisodiy o'sish, islohotlar, kreditlar, daromadlar, likvidaktivlar, marja.*

Аннотация: *В данной статье представлен текущий статус, а также стабильность коммерческих, акционерных и государственных банков, проанализированных с использованием информации, предоставленной ЦБУ.*

Ключевые слова: *двойная банковская система, ЦБУ, стабильный, экономический рост, реформы, обесцененные кредиты, доходы, ликвидные активы, маржа.*

Annotation: *In this article the present status, alongside the stability of commercial, joint-stock and state banks analized using the information provided by CBU.*

Keywords: *dual banking system, CBU, stable, economic growth, reforms, impaired loans, revenues, liquid assets, margin.*

At present days Uzbekistan has a dual banking system which consists of the Central Bank and commercial banks. As of 1 January, 2013, Uzbekistan's banking system has 30 commercial banks, which include 3 state banks, 11 joint-stock commercial banks, 5 commercial banks with a share of foreign capital, and 11 private banks (the share of physical entities in the authorized capital of these banks is higher than 50%). During its first years of independence, Uzbekistan did not have a special law on the Central Bank. The banking system functioned in compliance with the Law on Banks and Banking Activity adopted on 15 February, 1991 (1 September, 1991 is the day the country gained its independence). This law was improved by introducing various amendments and

addenda into it, thus creating a legal foundation for establishing the Central Bank of Uzbekistan (CBU) based on the regional division of the U.S.S.R. State Bank. At the initial stage of the country's economic reform, the CBU performed such functions as servicing the government's accounts, controlling the activity of commercial banks, and organizing and managing the national payment system. But it did not issue money, since at that time Uzbekistan did not have its own national currency. Introduction of the national currency, the soum, into circulation required conducting an independent monetary policy and presumed the need for intensifying the reforms in the financial sector. In addition, it became obvious that it was impossible to define the legal status, goals, and tasks of two entirely different institutions-the CBU and commercial banks-within the framework of one law. These factors made it necessary to regulate the activity of the CBU by means of a separate law. Keeping in mind the proposals and recommendations of international financial institutions, foreign banks, and independent experts, the CBU drew up the draft of a Law on the Central Bank. This draft law was openly and extensively discussed by specialists, academic economists, and experts, who supplied numerous proposals and comments. Finally, on 21 December, 1995, at a regular session of the OliyMajlis (the country's parliament), the Law on the Central Bank of the Republic of Uzbekistan was adopted.

Fitch Ratings says in a newly published sector presentation that the outlook for Uzbekistan's banking sector remains stable, supported by consistently strong economic growth. However, the banks' credit profiles are undermined by constraints on currency conversion operations, directed lending, weak corporate governance and heightened credit risks from the limited financial transparency of most Uzbek corporates.

GDP growth in Uzbekistan was 8% in 2013, supported by the government's industrial development spending. The sovereign balance sheet remains strong with low government debt at 8.7% of GDP, a fiscal surplus of 1.2% of GDP and a positive current account balance of 1.7% of GDP. However, the economy is vulnerable to external shocks, with exports being commodities-driven and concentrated on a few countries, and external finances supported by significant remittances from Russia. Moreover, institutional reforms are slow with limited improvement of the currently difficult business climate.

Bank lending continues to grow at a rapid pace (28% in 2013) on the back of strong economic growth and low credit penetration (loans/GDP ratio of 22% at end-2013). The share of impaired loans, based on IFRS accounts, was a moderate 8% at end-2013, with the ratio benefiting from growing loan portfolios. However, unreserved impaired loans were a material 22.5% of sector equity at end-2013. Foreign currency lending was a significant 40% of total loans, although positively most borrowers have FX revenues, while the sector's currency position is balanced by FX denominated funding amounting to 39% of total liabilities.

The sector is mostly deposit-funded (65% of end-2013 liabilities) with a comfortable 80% loans-to-deposits ratio at end-2013. Customer finding is predominantly short-term, although fairly stable. Liquidity risk is also mitigated by a generally high share of liquid assets (about 25% at end-2013).

However, long-term funding sources are scarce, being limited to deposits of the Uzbekistan Fund for Reconstruction and Development (UFRD, 16% of sector liabilities) and external foreign borrowings (below 10% of sector liabilities), mainly attracted under government-supported project finance programmes.

Reported capitalization, while declining, remained reasonable at end-2013 with an equity/assets ratio of 9.6% and an equity/loans ratio of 15.4%. According to Fitch estimates, the available capital buffer would be sufficient to increase reserves by about 11% of loans on average, enough to fully reserve existing NPLs. However, this should be viewed in the context of the sector's rapid growth and only modest profitability (return on average assets of 1.2% in 2013); the latter was due to low-margin directed lending in state banks and private players lacking scale. The government's decree requires banks to grow capital by at least 20% annually until 2015, and rated state banks, which are anticipating some capital contributions from the government, are expected to comply.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА АЖРАТИЛАДИГАН КРЕДИТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Р.И.Азимова - СамИСИ«Банк ва жамғарма иши» кафедраси ассистенти.

Республикамиз тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларнинг умумий структурасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитларни такомиллаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

На сегодняшней день в общей структуре кредитов выдаваемых коммерческими банками для поддержания и развития сектора услуг остаеться одним из самых актуальных вопросов.

To date, the overall structure of loans issued by commercial banks to maintain and develop the services sector remains one of the most pressing issues.

Таянч сўз ва иборалар: *кичик бизнес, тадбиркорлик,хизматлар бозори, тижорат банклари, хизмат тушунчаси, банк хизматлари, банк хизматларининг ўзига хос хусусиятлари, хизмат соҳасини кредитлаш.*

Основные слова и фразы: *small business, business, market, commercial banks, service, banking services, banking services, the specifics of the service sector lending.*

Keywords and word-combinations: *small business, business, market, commercial banks, service, banking services, banking services, maintenance work carried out specifics of the loan.*

Бугунги кунда республикамиз ҳаётида кичик бизнесни ривожлантириш борасида янгича ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони келтириш мумкин. Фармондан келиб чиқиб, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур.

Бугунги кунда хизматлар соҳаси мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланмоқда. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши 70-75 фоиз оралиғида тебранади. Бундан ташқари, иқтисодиётда банд аҳолининг асосий қисми, жумладан, АҚШда 80 фоиз, Японияда 70 фоиздан кўпроғи мазкур соҳанинг ҳиссасига тўғри келади. Хизматлар ҳажмининг асосий қисми, хусусан, маиший

хизматларнинг 99 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан кўрсатилмоқда. Ўз навбатида, кичик корхоналар ҳаражатларининг 90 фоизгача бўлган қисми тижорат банкларининг кредитлари ва инвестициялари ҳисобидан молиялаштирилмоқда (йирик корпорацияларда ушбу кўрсаткич деярли 30 фоизни ташкил этади)[54].

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасига иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. «2016 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келгани бу тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва таъсири нақадар катта эканини кўрсатди».

Республикамиз тижорат банклари томонидан ажратилаётган умумий кредитлар структурасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитлар салмоғи анча фоизни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сон «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарори, 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бугунги кунда республикамизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун кичик бизнес субъектларига кредитлар тақдим этиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Тижорат банклар томонидан 2016 йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 12,1 трлн сўмни ташкил этган, шундан 1,3 трлн сўм ёки 14,2 фоизи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун ажратилган кредитни ташкил этади. 2015 йилда бу кўрсаткич 9,2 трлн сўм бўлиб, шундан 1,6 трлн сўми ёки 13,2 фоизи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун ажратилган бўлиб, 2016 йилда ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 132,3 фоизни ташкил этган[55].

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсидаги улкан синов ва машаққатлар, оғир муаммоларга, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳали-бери давом этаётгани, тайёр маҳсулотлар ва асосан хом ашё ресурсларига бўлган талабнинг кескин пасайиб бораётганига қарамасдан, юртимизда иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитларни такомиллаштиришда қуйидаги муаммолар мавжуд ва қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- *Муаммо: Республикадаги хизмат кўрсатиш соҳасига тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар фоиз ставкаларининг юқорилиги уларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.*

[54] Обзор сферы услуг Западных стран.www.export.by/act= s - doc@mode;http://aftershock.news.; Politeconomica. ru/feb 2013/malyj - biznes.; http://aftershock.news.

[55] O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki «Tijorat banklarining investitsiyalar portfelini monitoring qilish departamentining» ma’lumotlari asosida tayyorlangan.

➢ *Ечим: Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган ҳудудларида фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш субъектларига тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкаларини мазкур банкларни давлат томонидан билвосита молиявий қўллаб-қувватлаш орқали қоплаб бериш тавсия этилади.*

➢ *Муаммо: Қорақалпоғистон Республикасининг ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган шимолий ҳудудларида фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш субъектларига тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкаларини мазкур банкларни давлат томонидан билвосита молиявий қўллаб-қувватлаш орқали қоплаб бериш тавсия этилади.*

➢ *Ечим:Ҳуқуқий-меъёрий асослар ва хизмат кўрсатиш соҳасининг босқичларга ажратилган дастурий ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилиши керак.*

Жумладан:

•*Хизмат кўрсатиш инфратузилмаси субъектларининг ишчи ходимларининг касбий йўналишлари бўйича тайёрлаш;*

• *қишлоқ ва оғир экологик муҳит таъсиридаги аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ва иқтисодий маслахат марказларини ташкил этиш;*

•*хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари учун микрокредит ташкилотлари тузиш ва ҳ.к.*

➢ *Муаммо: Хизмат кўрсатиш соҳасида лизингга олувчининг меъёрий фойдасини фоиз тўловини амалга оширишда ҳисобга олинмаслиги кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган лизинг хизматларидан фойдаланишдаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.*

➢ *Ечим:Лизинг учун олинадиган устама фоизни лизинг объекти қийматига нисбатан қўллаш лизингга олувчининг молиявий барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтириши мумкин. Чунки, бунда лизинг учун тўлов қатъий 2 қисмдан иборат бўлади: лизинг объектига ҳисобланган амортизация ажратмаси ва лизингга берувчининг фоизли даромади. Натижада лизингга олувчининг меъёрий фойдаси фоиз тўловини амалга оширишда ҳисобга олинмайди.*

Бу муаммолар бартараф этилса, тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитларни такомиллаштиришга эришилади деб ҳисоблаймиз.

BANK KREDITLARINING INVESTITSIYA FAOLIYATINI MOLIYALASHTIRISHDAGI AHAMIYATI

Rasulov X.Q. Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti

Annotatsiya*: Ushbu maqolada investitsiyalarni moliyalashtirish uchun bank kreditlarining muhim jihatlari ko'rib chiqilgan, chunki mamlakatimizning rivojlanishida investitsiyalarning roli beqiyos hisoblanadi.*

Kalit so'zlar: *strukturaviy o'zgarish, yangi ishlab chiqarish quvvatlari, moliyalashtirish, kredit, xususiy investitsiyalar, kredit liniyalari, tadbirkor.*

Аннотация: *В этой статье мы исследовали важность банковских кредитов для финансирования инвестиций, поскольку они играют важную роль для развития нашей страны.*

Ключевые слова: *структурные изменения, новые производственные мощности, финансирование, кредиты, частные инвестиции, кредитные линии, предприниматель.*

Annotation:*In this article, we have researched the importance of bank credits for the financing the investments as they are play important role for the development of the our country.*

Keywords*: structural change, the new production capacities, financing, credits, private investments, lines of credit, businessman.*

Mamlakatimiz iqtisodiyotini tarkibiy o‘zgartirish, tarmoqlarni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik yangilashga doir loyihalarni amalga oshirish uchun investitsiyalarni jalb qilish borasida bajarilayotgan ishlar alohida e’tiborga loyiq.

2015-yilda ana shu maqsadlarga barcha moliyalashtirish manbalari hisobidan 15 milliard 800 million AQSh dollari miqdorida investitsiyalar jalb etildi va o‘zlashtirildi. Bu 2014-yilga nisbatan 9,5 foiz ko‘p demakdir. Jami investitsiyalarning 3 milliard 300 million dollardan ziyodi yoki 21 foizdan ortig‘i xorijiy investitsiyalar bo‘lib, shuning 73 foizi to‘g‘ridan-to‘g‘ri chet el investitsiyalaridir.

Investitsiyalarning 67,1 foizi yangi ishlab chiqarish quvvatlarini barpo etishga yo‘naltirildi. Bu esa 2015-yilda umumiy qiymati 7 milliard 400 million dollar bo‘lgan 158 ta yirik ishlab chiqarish ob’ekti qurilishini yakunlash va foydalanishga topshirish imkonini berdi.

Investitsiya faoliyatini moliyalashtirish, odatda, investitsiya loyihalarini mablag‘ bilan ta’minlash orqali amalga oshiriladi. Investitsiya loyihalarini moliyalashtirishda esa turli manbalardan foydalaniladi.

Hozirgi kunda tijorat banklari kreditlardan keng foydalanib investitsiya loyihalarni moliyalashtirish keng amalga oshirmoqdalar. Lekin, loyihalarni uzoq muddatga kreditlash ko‘pgina mablag‘larni safarbar etishni talab qilganligi sababli, barcha tijorat banklari ham bunday faoliyat bilan keng qamrovda shug‘ullana olmaydilar.Shunga qaramay, O‘zbekistonda juda ko‘plab moliyalashtirishni talab etadigan loyihalar mavjud bo‘lib, ularni amalga oshirish iqtisodiyotni rivojlantirishga, mahalliy ishlab chiqarish darajasini ko‘tarishga olib keladi. Ularni amalga oshirishda kapital qo‘yilmalarni puxta baholash, loyihani amalga oshirish hamda monitoringini olib borish tizimidan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Tijorat banklari tomonidan loyihalar moliyalashtirilganda ba’zi bir xususiyatlar e’tiborga olinishi lozim. O‘zbekistonda odatda bankdan so‘raladigan kredit summasining miqdori qarz oluvchining xususiy mablag‘lariga nisbatan ancha balanddir (ko‘pincha qarz mablag‘lari – 75%, xususiy mablag‘lar – 25%). Xuddi shu o‘rinda, g‘arb tajribasiga ko‘ra, talab qilinayotgan investitsiyalarning hajmi xususiy kapitalning 10-20% ini tashkil etishi kerak. Xalqaro moliya institutlarining xorijiy kredit liniyalarini jalb etish tajribasi shuni ko‘rsatadiki, nafaqat loyihaning, balki loyihani amalga oshiruvchi korxonaning ham moliyaviy-iqtisodiy tahlili talab qilinadi.

Agar chet el kapitalini jalb etish maqsad qilib qo‘yilgan bo‘lsa, ulushi katta bo‘lmasa-da, xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonani tashkil qilish maqsadga muvofiqdir. bunda chet ellik investor ijobiy tajribaga ega bo‘lishi kerak. Bu esa o‘z navbatida jalb qilingan mablag‘larni qo‘llashda o‘ziga xos kafolat bo‘lib xizmat qiladi.

Investitsiya faoliyatini kreditlash jarayonini rivojlantirish maqsadida bir qancha chora-tadbirlarni amalga oshirish mumkin, ularning ba’zilari quyidagilar:

- birinchidan, aholi mablag‘larini loyihalarga jalb etishni rag‘batlantirish,

omonatchilarga ishonchli kafolatlarni taqdim etish. Bizga ma’lumki, fuqarolar jamg‘armalari loyihalarni kreditlashda muhim manba bo‘lib hisoblanadi. Ayniqsa, ularning muddatliligini hamda ma’lum bir shart-sharoitlarda barqaror kelib turishini e’tiborga olsak, boshqa manbalardan ustunligi yaqqol ko‘rinadi;

- ikkinchidan, banklarning kreditlash faoliyatini rag‘batlantirish, iqtisodiyotning ustuvor sohalarini rivojlantirishga qaratilgan loyihalarni kreditlash va moliyalashtirishda davlat kafolatlarini kengaytirish, soliq imtiyozlarini joriy qilish. Bunda soliqqa oid qonunlar, masalan, kapital qo‘yilmalarga yo‘naltirilgan mablag‘larni imtiyozli soliqqa tortish to‘g‘risida; banklarning aktivlarini soliqqa tortishdan voz kechish to‘g‘risidagi qonunlar, shuningdek, aholi omonatlarini kafolatlari to‘g‘risidagi qonunlar qabul qilinishi lozim.

- uchinchidan, har qanday tijorat banki loyihalarni kreditlash bozorida o‘z o‘rnini bilgani holda shu narsani e’tiborga olishi lozimki, iqtisodiyotda kapital qo‘yilmalarga bo‘lgan talab balanddir. Shuning uchun alohida tarmoqlarni investitsiyalashda o‘zaro raqobatlashish hozircha maqsadga muvofiq emas. Shu sababli kreditlash ob’ektini tanlashda bank o‘z ixtisosligidan kelib chiqishi kerak.

Mijozlar har doim ham o‘z g‘oyalarini aniq ifodalab berishga tayyor bo‘lavermaydilar. Ular o‘z loyihalarni amalga oshirishning faqat texnik tomonlarini ko‘rsatib berib, uning iqtisodiy ko‘rsatkichlarini ifodalab berishga qiynaladilar. Shuning uchun bankning kredit yoki investitsiya bo‘limi tadbirkorlik g‘oyasini ko‘rib chiqqandan so‘ng, loyihani biznes-rejasini ishlab chiqishda, nafaqat, o‘zining yordamini, balki bank tomonidan maxsus jalb qilingan yuqori malakali ekspertlarning xizmatlarini ham tavsiya etadi.

Zamonaviy sharoitlarda shu narsa ma’lum bo‘ldiki, tadbirkorlar uchun moliyaviy mablag‘larni yetkazib beruvchi yagona va asosiy manba sifatida tijorat banki qatnashar ekan, bank bu mablag‘larni tadbirkor bilan birga ishlashdan manfaatdor bo‘lsagina beradi. Bankda tadbirkor bilan birga ishlash istagi faqatgina loyiha foydali va ishonchli bo‘lsa, shuningdek, bankda zarur bo‘lgan moliyaviy mablag‘ yetarli bo‘lsagina paydo bo‘ladi.

Ma’lumki, loyihalarni moliyalashtirish uchun investorning o‘z mablag‘laridan, boshqa muassasalardan olinadigan qarz mablag‘lardan foydalaniladi. Bozor iqtisodiyoti sharoitlarida loyihalarni tashqi manbalar hisobiga moliyalashtirishning ikki xil shakli mavjud. Birinchi shakli loyihalarni moliyalashtirish uchun uzoq muddatli qarz mablag‘larni jalb qilish shakli, ikkinchisi esa qisqa muddatli qarzlarni jalb etish shakli. Tashqi manbalar hisobiga loyihalarni moliyalashtirish o‘ziga xos xususiyatlarga ega, ular qarz olingan mablag‘larning qaytarishliligi, qarz mablag‘larning belgilangan muddatlarda qaytarilishi, qarz mablag‘lari bo‘yicha hisoblanadigan foizlarning to‘lanishi va boshqalar. Qarz mablag‘larni jalb qilishdagi xususiyatlardan yana biri bu qarz mablag‘larning ta’minlanganlgidir.

Tashqi manbalar hisobiga loyihalarni moliyalashtirishning uzoq muddatli qarzlar ajratish shakli yoki tijorat banklari uzoq muddatli kreditlari tadbirkorlar imkoniyatlarini oshiradi, mablag‘lar taqchilligining oldini oladi, kredit ajratilishi shuningdek tadbirkorlarning daromadlarini kamaytiradi, chunki qarz oluvchi qarz bo‘yicha asosiy to‘lovni va foizlarni to‘lashi kredit shartnomasida ko‘rsatib o‘tilgan bo‘ladi. Kreditlashning tashkiliy shakli sifatida kredit shartnomasi hisoblanadi. Unda qarz oluvchi va qarz beruvchilar nomlari, kreditlash shartlari, muddatlari, tomonlar huquq va majburiyatlari o‘z aksini topadi.

Hozirgi kunda respublikamizdagi tijorat banklari xorijiy moliyaviy institutlar bilan hamkorlikda iqtisodiyotning ustuvor sohalarini rivojlantirish, xususan, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishda faol qatnashib kelmoqdalar va qator chora-tadbirlarni amalga oshirmoqdalar. Lekin kapital qo‘yilmalarni uzoq muddatli kreditlash jarayonida kuzatilayotgan muammolarni hal etish va uni takomillashtirish, nafaqat, tijorat banklarining faoliyatini yanada kuchaytirishga, shuningdek iqtisodiyotning barcha sohalarida, xususan, kichik va o‘rta biznes sohasida ham ishlab chiqarishning yanada rivojlanishiga imkon beradi.

III ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ, МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МУАММОЛАРИ

РЫНОК ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

Болбеков М.А. - (*Самаркандский филиал ТУИТ, ассистент кафедры Телекоммуникационный инжиниринг*)

В статье исследуются вопросы трансформации рынка телекоммуникаций в Узбекистане. Дано определение рынка телекоммуникаций и рассмотрена его структура. Рынок телекоммуникаций представлен как инфраструктурная отрасль, обеспечивающая функционирование национального хозяйства. Кроме того, в статье, на основе оценки современных тенденций, обоснована необходимость реформирования отраслей связи под воздействием фактора глобализации.

***Ключевыеслова**: рынок телекоммуникаций, информация, информационные технологии, отрасли связи, сотовая связь.*

This paper studies issues of the transformation of the Uzbekistan telecommunication market. The author gives a definition of the telecommunication market and examines its structure. The telecommunication market is represented as an infrastructural economic sector ensuring operation of the national economy. In addition, on the basis of assessment of the modern tendencies the author proves the necessity of reformation of the communication sectors under the influence of the globalization factor.

***Key words:** telecommunication market, information, information technologies, communication sectors, cellular communications.*

Maqolada O’zbekiston hududida telekommunikatsiya sohasini o’zgartirish masalalari ko’rib chiqilgan. Telekommunikatsiya bozoriga ta’rif berilgan va uning strukturasi ko’rib chiqilgan. Bunda telekommunikatsiya bozori milliy xo’jalikning infrastruktura sohasi deb o’rganiladi. Bundan tashqari, maqolada zamonaviy tendensiyalarni baholash asosida, globalizatsiya faktori asosida aloqa sohasini tubdan isloh qilish masalalari o’rganib chiqilgan.

***Kalit so’zlar:** Telekommunikatsiya bozori, axborot, axborot texnologiyalari, aloqa sohasi, mobil aloqa.*

На рубеже XX-XXI вв. человечество вплотную подошло к реализации так называемых предельных задач в области развития телекоммуникаций – глобальных персональных систем связи, что позволяет потребителям пользоваться различными их услугами в любой точке земного шара. Телекоммуникациям, благодаря которым возможна передача различного рода информации, по мнению экспертов, принадлежит немаловажная роль в подъеме экономики государства.

В условиях глобализации мировой экономики, ускорения научно-технического прогресса, повышения деловой активности общества, расширения связей в национальном и международном масштабе значительно возрастает роль информации. В последнее время ее стали рассматривать в качестве одного из национальных ресурсов, составляющих национальное богатство страны.

Происходящая информатизация общества выдвигает новые высокие требования к качеству и эффективности функционирования телекоммуникаций.

Таким образом, в целях удовлетворения возникающих в обществе и бизнесе требований в сфере предоставления телекоммуникационных услуг должна быть создана полноценная конкурентная среда, в результате направлениям развития рынка телекоммуникационных услуг должно уделяться пристальное внимание, как со стороны правительства, так и различных экспертов.

За годы реформ российский отраслевой рынок телекоммуникационных услуг претерпел значительные трансформации, изменившие его облик: появились новые рыночные сегменты, изменился состав участников. Начиная с 1999 г., российский рынок телекоммуникационных услуг находится в стадии активного роста, темпы его развития опережают рост экономики в целом. Быстро увеличиваются количество абонентов, доходы отрасли и инвестиции, особенно в сегменте сотовой связи.

В большинстве стран мира развитие рынка телекоммуникационных услуг начиналось на базе частных телефонных компаний, действовавших на малых территориях в городах и иных населённых пунктах. В результате бурного развития телекоммуникаций, возникновения, слияния и исчезновения компаний появилось три типа рынков:

– территориально-распределенные монопольные рынки;

– рынки с разделением сферы услуг между компаниями;

– государственная монополия.

В процессе развития телекоммуникационного рынка услуг сформировались следующие основные сегменты:

– мобильная связь. Данный сегмент рассматривает период динамичного роста, в этом сегменте рынка преобладает высокий уровень конкурентоспособности. В этом сегменте рынка развернулась наиболее острая конкурентная борьба, количество абонентов мобильной связи увеличивается в 1,5-1,8 раза ежегодно, наблюдается постоянное снижение тарифов на услуги мобильной связи;

– местная телефонная связь. Операторы связи концентрируют свои усилия на привлечении наиболее платежеспособных клиентов, предлагая им весь спектр самых современных и качественных услуг;

– междугородная и международная связь. Как правило, в данном случае доминирует в большей степени акционерное общество «Узбектелеком». При этом операторы других сетей в той или иной степени используют инфраструктуру этого акционерного общества при оказании ими услуг связи. В условиях конкуренции доля акционерного общества в сегменте рынка услуг постоянно снижается;

– передача данных (включая Интернет). Один из наиболее быстро развивающихся сегментов телекоммуникационного рынка, в том, что касается роста абонентской базы и развития инфраструктуры [3].

Анализ общих направлений отечественных экономических реформ показывает, что многие их проявления были связаны с попыткой максимально сократить государственное присутствие в народном хозяйстве, обеспечив его функционирование лишь на условиях рыночного саморегулирования [5]. Однако, несмотря на проведение реформ, до сих пор отрасли телекоммуникаций относятся к естественным монополиям, которые относятся к объектам инфраструктурного назначения.

Развитие инфраструктурных отраслей опережающими темпами является конъюктуро-образующим фактором в международной торговле и мировом движении капитала, а также обеспечивает конкурентоспособность страны в мировом пространстве, устойчивость и динамизм экономического роста. В свою очередь, рост инфраструктурных отраслей по сравнению с материальным производством и расширением ее хозяйственных функций – одна из закономерностей общественного развития.

Таким образом, с одной стороны, отрасли инфраструктуры – сфера экономики, располагающая широкими возможностями генерирования издержек. Но с другой – субъектам современной экономики, включая естественные монополии, присущ высокий уровень концентрации капитала, который позволяет осуществлять крупномасштабную вертикальную интеграцию процесса производства и реализации товаров и услуг, что обусловливает существенное снижение транзакционных издержек [2].

При этом, сегодня активно идут процессы реформирования и реструктуризации данных отраслей. Кроме того, со стороны правительства сделано много в вопросах тарифной политики.

Внимание зарубежных инвесторов и компаний в сферу ИКТ способствует либерализации рынка и повышению конкуренции. В результате привлечения иностранных инвестиций в этой сфере действуют различные совместные предприятия и проекты, большое значение придается развитию частного сектора. С каждым годом инвестиции в эту сферу увеличиваются. Если общие инвестиции в эту сферу в 2003 году составляли $75 млн, то в 2005 году общие инвестиции составили $96 млн.

В 2005 году предприятиями в отрасли ИКТ были оказаны услуги на сумму 413,5 млрд сум (около $340 млн), что составляет 107% к прогнозу (рост к 2004 году на 32%). Вклад сферы ИКТ в ВВП страны за 2005 год составил 2,7%. В первом полугодии 2006 года предприятиями в сфере ИКТ были оказаны услуги на 247,8 миллиарда сумов (около $204 млн). Общие доходы отрасли по сравнению с соответствующим периодом прошлого года увеличились на 37,3%.

В Узбекистане в годы независимости были осуществлены масштабные проекты в сфере телекоммуникаций, среди которых можно отметить проект на поставку оборудования спутниковой международной станции, двухэтапный проект модернизации телекоммуникационной сети Республики Узбекистан и др.

В результате реализации данных проектов во всех регионах республики установлены цифровые международные станции, проведена замена аналоговых и установка цифровых АТС, осуществлена прокладка волоконно-оптического кабеля на магистральных междугородних и внутриобластных линиях связи общей протяженностью 6 200 км., проведена модернизация телевизионных и радиостанций, быстрыми темпами развивается сотовая связь и увеличивается число пользователей Интернет.

Уровень охвата цифровыми сетями телекоммуникаций городов республики Узбекистан составляет 96,4%, районных центров республики — 72,5%. Уровень охвата сельских населенных пунктов сетями телекоммуникаций составляет — 77,2%, в т.ч. цифровыми — 33,3%.

На сегодняшний день в стране бурно развивается национальная информационная система. Под эгидой правительства республики и Узбекского

агентства связи и информатизации (УзАСИ) созданы центры регистрации электронных цифровых ключей, создана Ассоциация предприятий и организаций в сфере ИКТ Узбекистана, членами которой является более 35 компаний и фирм. Указом Президента введены льготные условия для организаций в сфере ИКТ. В связи с этим, количество хозяйствующих субъектов, осуществляющих деятельность в области производства программных продуктов, увеличилось более чем в два раза и на начало 2006 года по данным Госкомстата Республики Узбекистан составило 132 компании. Объем рынка программных продуктов оценочно составляет $9,5-10 млн. По данным Государственного Патентного Ведомства Узбекистана, общее количество заявок на программные продукты на I полугодие 2006 г. составило 1 097, баз данных — 95. Наибольшее количество поданных заявок (почти 93%) приходится на Ташкент, Самарканд и Бухару.

При этом долгосрочная перспектива в расчетах ведомства ряду специали- стов кажется слишком оптимистичной, прежде всего, по части распространения мобильных уст- ройств связи. Снизятся и темпы роста в сетях фиксированной связи. Кроме того, эксперты со- мневаются в успешности общефедеральных про- ектов по развитию телекоммуникационной отрас- ли.

Таким образом, проводимая сегодня струк- турная реформа на рынке телекоммуникаций должна быть направлена на повышение эффек- тивности деятельности предприятий – участников рынка, а также наилучшего использования их по- тенциала, что приведет к повышению их конку- рентоспособности, как на отечественных, так и на международных рынках.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Тошпулатов Д.А. - Ал Хоразими номидаги ТАТУСФ ўқитувчиси

Аннотация: *В этой статье с точки зрения экспертов рассматривает использование технологии для повишения качества в сервисном обслуживании: гостиницы, рестораны и т.д.*

Ключевые слова: *качественне, туристические информация, туристические ринок, инновационная технология, туристически инфрастурктура, ресторан*

Annotation: *In this article, from the point of view of experts, the use of the service of technology for improving the quality in service is considered: hotels, restaurants, etc.*

Key words:*guilty, touristic information, touristic infrastructure, touristic marked, restaurant, innovation technologies.*

Аннотация: *Ушбу мақолада мехмонхона хизмат кўрсатиш сифати, инновацион технологияларнинг хизмат кўрчсатишдаги таъсири ва аҳамияти мутахассислар нуқтаи назаридан ёритиб берилган.*

Калит сўзлар:*сифат, туристик ахборотлар, туристик инфратузилма, туристик бозор, ресторан, инновацион технологиялар.*

Хизматнинг сифати тушунчасини талқин қилишга нисбатдан ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Хизмат кўрсатиш бу одамлар турмуш ва меҳнат фаолияти, дам олиши, ҳаракатланиши каби муҳим ҳаётий заруриятларни енгиллаштиришга шароит яратиш, хизмат кўрсатиш хусусиятларига кўра фарқланади: ресторанли, меҳмонхонали, комплекс, сервисли, транспортли, сотувдан кейин туристлар ва

йўловчиларга хизмат каби. Шунингдек истеъмол қиматини сотиб олувчига қулай ва фаровон шароит яратиш, унинг талабларини қондиришга қаратилган фойдали ҳаракатлар тизими.

Хизмат кўрсатиш хизматлар тушунчасига яқин, аммо шуниси билан фарқ қиладики, агар кейинги тушунчаси истеъмолчи ва сервис маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ўртасидаги муносабатга қаратилса, хизмат кўрсатиш бу муносабатни босқичма-босқич узоқ жараён сифатида талқин этади, у конкрет комплекс хизматлардан иборат. Бир қатор товарлар ва маҳсулотлар тақдим этиш хизмат истеъмолчи хизмат кўрсатишни сотиб олгандан кейин амалга оширилади. Шу ўринда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ҳақида тўхталсак. Хизмат кўрсатиш инфратузилмаси бу ишлаб чиқариш, марказлар ва муассасалар мажмуи, аҳолига турли хил сервис хизмати кўрсатиш фаолиятига қаратилган, шунингдек, уларни энергетик, транспорт, коммуникатив тизимлари фаолиятини қўллаб қувватлайди.

Мамалакат миқиёсида хизмат кўрсатиш инфратузилмаси мураккаб характер касб этади. Негаки, турли буғинлар бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Шу жумладан, ишлаб чиқариш инфратузилмалари ҳам айрим ҳолларда бу жамиятнинг ягона инфратузилмасини ташкил қилади. Хизмат кўрсатиш инфратузилмасини бўлиши мумкин: одамлар турмуш таъминоти билан боғлиқ моддий маиший заруратини қондириш, турар жойлар қуриш ва уларни эксплутация қилиш, транспорт хизмати, алоқа, чакана савдо, умумий овқатланиш ва бошқа, ижтимоий маданий хизматлар (банк хизмати, тиббий, рекреацион хизматлар, ижтимоий таъминот, таълим, илмий ва ахборот маълумот хизмати, бадиий эстетик қадриятлар ва маданий маҳсулотлар ишлаб чиқариш,дам олиш ва кўнгил очар хизматлар).

Хизмат кўрсатиш соҳаси инфратузилмасини ривожлантиришда бугунги кунда инновацион технологияларнинг алоҳида аҳамиятга эга ўрни мавжуд. Инновация (инг. innovation янгилик) техника, технология, меҳнатни ташкил қилиш ва бошқариш соҳасида фан ютуқлари ва илғор тажрибалардан фойдаланган ҳолда янгилик жорий этиш. Инновацияга қизиқиш тадқиқотчиларда XIX асрда пайдо бўлди. XX асрда янги илмий йўналиш инноватика шакилланди. У жамиятни ижтимоий маданияти тараққиёти фаоллашувини ва янгиланишнинг муҳим омиллари сифатида кўриб чиқади.

Ҳозирги замонда туризим жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривож топиб боришга муҳим аҳамият касб этади. Буни биз туристик ассоциация ва туристик атлас мисолида кўришимиз мумкин. Туристик ассоциация бу туризим индустрияда ишловчи жисмоний шахслар ёи ташкилотларнинг ихтиёрий бирлашмаси. Туристик ассоциация хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича фарқланади. Миллий туристик ассоциациялар, Америка клуб ходимлари ассоциацияси, Америка отеллар ва мотеллар ассоциацияси,

Туристик ахборотлар тизими компютер маълумотлар базаси, фойдаланувчига сафарда ҳам, борган жойида ҳам қулайлик туғдиради. Бу системалар масофадан бошқариш тизими деб ҳам аталади. Оксфорднинг кейинги луғатида жой, одам саёҳат қилади, жўнатилади деган маънони англатади.

Ҳозирги вақтда туристик ахборотлар тизимининг катта миқдори мавжуд, қатор параметерлари билан бир-биридан фарқ қилади: алоқа усуллари, ахборот таркиби, бу тизимлар саёҳатчиларга жаҳонгашталик ахборотларини олишга қулай, шунингдек, аэропотлар, отеллар вестбюллари ва бошқа жамоат жойларида

жойлашган кўнгил ёзиш терминаллари билан магазинлар, ресторанлар, меҳмонхоанлар ҳақида маълумот олишга имконини беради, терминалларда опраторлар орқали справочний бюродан ахборотлар олиш мумкин. Туристик ахборотлар тизими халқаро туризимни ривожлантиришга катта имконият туғдиради.

Туристик инфратузилмани ривожлантиришда туристик базани аҳамияти катта ҳисобланади. Туристик база бу меҳмонхона типидаги корхона, йил давомида ёки мавсумий ишлайди. Курорт зоналарида, қулай табий –иқлим шароити мавжуд жойларда жойлашган ва туристларга турли хил хизматларни кўрсатади: тунаш учун жой, овқатланиш, маданий –маиший, экскурсион, соғломлаштириш ва бошқа хизматлар. Туристик база одатда фаол дам олишга: походлар, экскурсиялар, мусобақалар ва бошқаларга мўлжалланган. Туристик бозор бу туризим инфратузилмасини такоммиллаштириш йўлида энг муҳим бўғини ҳисобланади.

Туристик бозор бу товар ишлаб чиқариш қонунияти асосида ташкил этилган ишлаб чиқариш, талаб ва муомала, туристик соҳада амал қилади, умумиқтисодий алмашилиш бозорининг хилма-хиллиги туристик бозор ишлаб чиқарувчи ва туристик хизмат истеъмолчилари ўртасида боғловчи механизм ҳисобланади. Туристик бозорда фаол сервис субъекти бўлиб ҳам хусусий, кооператив, давлат, ҳам аралаш корхоналар чиқиши мумкин. Туристик бозор юқори даражада ривожланганлиги шунда кўринадики, унинг доирасидаги хизматлар ишлаб чиқаришга манополия бўйсундирилган. Туристик бозор хизматлари бошқа соҳалари сегментлари сингари давлат ва туристик хизматлар ишлаб чиқарувчилар томонидан иқтисодий тартибга солиш объекти саналади.

Туристик бозорга талаб ва таклиф бир қатор омилларга боғлиқ ҳолда шакилланади. Уларга характер ва солиқ кўлами ҳамда бошқа туристик бизнес соҳасида давлат томонидан ўрнатилган тартиб ва ҳуқуқий меъёрлар, иқтисодий нормативлар таъсир ўтказади. Туристик талабаларга ва хизматларга маркетинг фаолияти, мавсум омиллари ва бошқалар сезиларли таъсир ўтказиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш дастури мехмонхонанинг барча бўлимлари фаолиятини ўз ичга олади. Корхонада сифатни ялпи бошқаришнинг муфассал тамоилини хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун, ишлаб чиқиладиган дастур 10 асосий принсипни ўз ичига олиш мумкин.

Туризим инфратузилмасини такоммиллаштиришда оқилона раҳбарлик. Мехмонхона раҳбарияти корхонанинг вазифалари ва унинг келгусида ривожланиш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак. Аммо шунинг ўзи кифоя эмас. Раҳбарлар бу тасаввурни қўл остидаги ходимларга етказишлари ва уларни бунга ишонтириш орқали сифатли хизмат кўрсатишга эришишнинг асосий мақсад деб биладилар. Тегишли технологиялардан фойдаланиш. Технологиядан маркетинг муҳитининг ўзгаришини назорат қилиш, операцион тизимларга ёрдам бериш, мижозларнинг маълумотлар базаларини ривожлантириш ва улар билан алоқа қилиш усулларини такоммилаштириш учун фойдаланиши лозим. Мисол учун, «мехмонхона тарихи» каби яъни келган мижоз ходимлардан мехмонхона тарихи ҳақида маълумот олиш билан бирга, яна қўшимча ўзларига қизиқтирилган маълумот олишлари мумкин. Шунингдек «мехмон тарихи» компютер кичик тизими мижозга сифатли хизмат кўрсатишга монелик қилиш мумкин бўлган муаммоларни анқлаш учун ўзига хос огоҳлантириш тизими бўлиб хизмат қилади. Бошқа бир тизим PMS бинони

бошқариш тизими эса номерларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни профилактик таъминлаш сикиллари ҳақида ахборот беради.

Мехмонхонанинг барча бўлимларига маркетинг ёндашувини жорий этиш. Маркетинг консепсияси уни бутун ташкилотга тўла жорий этишни назарда тутади. Мехмонхонада мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича маркетинг функцияларни бажариш фақат маркетинг бўлими ходимларининг вазифаси эмаслигини доимо ёдда тутиш зарур. Яна бир муҳим омил бу мижозларнинг талаб ва эхтиёжларини тушуниш. Чунки мижозлар сифатни жуда яхши ҳис қиладилар. Юқори сифатли хизмат кўрсатадиган мехмонхона бозор ўзидан нимани талаб қилишини яхши билади. Мехмонхона таклиф қилувчи хизмат муаян бозорга мўлжалланган бўлши керак.

Меҳмонхона ресторни иш фаолияти бошқа оддий ресторанлар иш фаолиятидан бироз фарқ қилади. Ресторан иш вақти шундай ташкил этилиши керакки, ушбу вақт меҳмонхонада жойлашган кўпгина мехмонлар эҳтиёжини қондирсин, ҳатто бу ресторанга баъзи ҳолларда фойда келтирмаса ҳам. Меҳмонхона меҳмонларнинг 70% тушлик, 50%га яқини кечки овқатни меҳмонхона ресторанига қилмайдилар. Ресторан даромадининг учдан икки қисмини четдан кирган хўрандалар олиб келади. Бундан шуни хулоса қилиш керакки, меҳмонхона ресторани ташқаридан алоҳида кирадиган эшик қават автомобиллар тўхташ жойига эга бўлиши керак.

XX асрнинг 50 йилларигача меҳмонхона ресторанига иккинчи даража фойда келтирувчи манба деб қаралар эди. Баъзида у меҳмонхона эгасига ортиқча юкдек туюларди. Ресторандан кўрилган зарарни номер фондига келадиган фойда билан қоплаш мумкин деб ҳисобланарди. Бошқа тарафдан меҳмонхона мижози ресторандаги овқатни сифати паст деб ҳисоблаб ташқарида овқатланар эди. Лекин меҳмонхоналардаги жойлашиш даражаси пасайиб борган сари меҳмонхона ресторанларининг фойда беирувчи манба сифатида рол олиб борди ваҳатто номер фондидан оладиган фойда билан тенглашди. Шунинг учун меҳмонхонадаги ушбу хизмат меҳмонхона ресторанига бўлган эътибор тобора ошиб, битта меҳмонхонанинг ўзида махсус ресторан сони миллий ошхоналар, барлар, кофетериялар кўпайиб бормоқда. Ҳозирда мехмонхона класси қанчалик юқори бўлса, у ердаги ресторанлар шунчалик аҳамятлидир.

Мехмонхона бош директори одатда ресторан ишини унчалик тушинмайди, ҳаттоки у ҳар куни ошхонага кириб овқатлар таъмини татиб кўриб ҳам, бу у учун одатий ҳолдек туйилади. Шунинг учун кўпгина ҳолларда мехмонхона ресторани малакали рестораторга ижарага берилади ва унинг шартномасига мехмонхона мижозлари эҳтиёжини қондирувчи шартлар келишилади. Агар ресторан мехмонхона структурасига бўлса, у овқатлантириш хизматига киради (Фоод анд Бевераге Департмент, Саретинг Департмент) ва уни мехмонхона бошқаруви таркибига кирувчи директор бошқаради.Мехмонхонада умумий овқатланиш мустақил бошқарувига эга ва унинг реклама компанияси мехмонхона рекламасидан алоҳида олиб борилади.

Овқатланиш хизмати директорига бевосита шеф-повар, овқатланиш хизмати контролёри, метрдотел, банкет менежери, бош бармин стюард бўй сўнади. Агар ресторан харидларини ўзи амалга оширса унинг штатида яна озиқ-овқатлар, вино бошқа ичимликларни харид қилувчи ходимлар ҳам киради. Мехмонхонада ресторанлар бир неча бўлса, ҳар қайсисининг ўз директори (ҳатто роом сервисе

яъни номерда овқат ва ичимлик етказиб берувчи хизматнинг ҳам) бўлади. Мехмонхонада ресторанлар бир нечта бўлса, ҳар бир зал аниқ имиджга (ҳар хил миллий ошхоналар), зал интерерлари меню ва мижозларига мос бўлиши керак.

Ресторандан ташқари ҳар бир мехмонхона бир неча кичик овқатланиш корхоналари-барлар, кофейнялар, буферлар ва бошқаларга эга. Кичик мехмонхоналарда ресторан шеф-повари менеджерлик функсиясини ҳам бажаради.Ресторан бизнеси бу унчалик осон бизнес эмас, бир қарашда муваффақият формуласи осондек: маъзали овқат, сифатли сервис ва оқилона нахр сиёсатларининг уйғунлиги.

Аммо бу уйғунликка эришиш осон иш эмас, чунки яна бошқа параметрларга ҳам эътибор бериш керак бўлади(овқатни тайёрлаш вақти,санитария меъёрлари, ишлаб чиқариш харажатлари, мижозлар хоҳиши, рақобатчи ресторанлар ва б.). Янги ресторан очаётганда бошқарувчи бир неча омилларга эътибор бериши керак. Хулоса шундаки, бугунги кунда хизмат кўрсатишни такомиллашувига энг асосий омиллардан бу кадрларни тўғританлаш, уларга замонавий интерактив хизмат кўрсатиш сирлардан воқиф қилиш ва нутқий равонлигини таминлаш учун тўғри йўналитирган дастурларни ўргатиш лозим бўлади. Сабаби тез ва жадал ривожланаётган дунё туризимида хизмат кўрсатишга ходимлардан камида 4 та халқаро тилларни ва инновацион технологиялардан ишлатилишни мукаммал билишни талаб этади. Жаҳонда кўплаб мехмонхоналар мавжуд улардаги ишчи ходимлар алоҳида курсдан ўгандан кейин ишлашлари мумкин бўлади. Жумладан Жанубий Кореа мамлакатини олсак уларда ходимлар ўз ишларни сифатли бажаришлар учун талаб ва эхтиёжлар мавжуд. Ҳар бир мехмонхона ўз мижозларини сақлаш учун албатта ўз қўл остида ишлаётган қанақа лавозимдан бўлишидан қатти назар чет элларга малака оширишга юборадилар ва бу ўз натижасини бермоқда. Агар биз ҳам буни йўлага қўйисак албатта сервис хизматлари ҳам яхшиланар эди.

КОРПОРАТИВ КОРХОНАЛАРНИ ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ БОШҚАРИШДА КОРПОРАТИВ СТРАТЕГИЯНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Ш.М.Латипова – СамИСИ “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси ассистенти

Аннотация. *Мақолада корпоратив стратегиянинг иқтисодий моҳияти ва унинг корпоратив корхоналарни инқирозга қарши бошқаришдаги аҳамияти ёритилган.. Шунингдек, инқирозга қарши корпоратив стратегиянинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ҳам ўз аксини топган.*

Аннотация. *В данной статье освещена экономическая сущность корпоративной стратегии и её значение в антикризисном управлении корпоративными предприятиями. В том числе, в ней нашли отражение рекомендации по повышению эффективности антикризисной корпоративной стратегии.*

Abstract. *This article describes the economic essence of corporate strategy and its importance in the anti-crisis management of corporate enterprises. In particular, it reflected recommendations for improving the effectiveness of the anti-crisis corporate strategy.*

Калит *сўзлар: стратегия, корпоратив стратегия, корпоратив стратегия элементлари*

Ключевые слова*: стратегия, корпоративная стратегия, элементы корпоративной стратегии.*

Key words: strategy, corporate strategy, the elements of corporate strategy.

Миллий иқтисодиётимизда фаолият юритаётган корпоратив корхоналарнинг ҳаётийлик даври ва ривожланишининг ҳар бир босқичида инқирозли вазиятлар вужудга келиши мумкин. Инқироз турли хил кўринишда бўлсада, корпоратив корхонадаги аҳвол ижобий бўлмаса, ҳаттоки қисқа муддатли инқироз ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун корпоратив корхоналарда самарали бошқарув тизимини ишлаб чиқиш талаб этилади. Ҳозирги кунда кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрича, корпоратив корхоналардаги ҳар қандай бошқарув инқирозга қарши бошқарув кўринишида бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.Каримов томонидан 2015 йил 24 апрелда "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4720-сонли фармоннинг қабул қилиниши ҳам мамлакатимизда корпоратив тузилмалар, хусусан акциядорлик жамиятларининг бошқарув тизимини буткул янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш давр талаби эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Фармонда "Корпоратив бошқарувнинг илғор услубларини жорий этиш бўйича тавсиялар, жумладан, узоқ муддатли истиқболда ривожланиш стратегияси ва вазифалари, ички назорат тизимлари ва ижро органининг акциядорлар ҳамда инвесторлар билан самарали ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилаш..."[56] каби вазифаларнинг қўйилиши корпоратив корхоналар фаолиятида корпоратив стратегиянинг муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Стратегия тушунчасига умумий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, стратегия деганда корхонанинг узоқ муддатли истиқболдаги йўналишларини, ички ва ташқи муҳит таъсирини ҳисобга оладиган ҳамда корхонанинг келажакда қўйилган мақсадларига эришишга хизмат қиладиган режани тушуниш мумкин. Корпоратив стратегия эса корпоратив тузилма (корхона)ларни ривожлантиришнинг умумий ривожлантириш стратегияси бўлиб, у ўз ичига корпоратив тузилма (корхона)нинг бош стратегик мақсадига эришиш борасидаги чора-тадбирлари комплексини жамлайди. Инқирозга қарши бошқарувда стратегиянинг ўзига хос хусусияти корпоратив корхонадаги инқирознинг вужудга келиш сабабларини ва бу сабабларнинг олдини олиш ҳамда инқироз пайтида корпоратив корхона фаолиятини тўғри юритиш имконини беришида намоён бўлади. Стратегияни амалда бехато жорий қилиш корпоратив корхонага кўпгина инқироз хавфининг кириб келишини олдини олади.

Корпоратив корхонада инқирозга қарши бошқарув стратегияси қуйидаги элементлардан ташкил топади:

1) Корпоратив корхона фаолият доираси ва уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Самарали таҳлил ва инқироз олдини олиш учун корпоратив корхонанинг қайси бозор сегментига тегишлилигини аниқлаш.

[56]Ўзбекистон Республикаси президентининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4720-сонли фармони.

2) Корпоратив корхона фаолиятининг мақсади. Инқирозга қарши бошқарувда кўпроқ узоқ муддатли мақсадлар қизиқтиради, чунки айнан шу мақсадлар асосида корпоратив корхонанинг ривожланиш йўналишлари аниқланади.

3) Мақсадгаэришишнинг методлари ва шаклларини аниқлаб олиш. Бу энг муҳим босқич ҳисобланади ва бу босқичда корпоратив корхона ўзининг муқобил қарорларини кўриб чиқади.

4) Кадрлар сиёсати. Корпоратив корхона персоналининг ички тузилишини ва бўлимлар ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштиради.

5) Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш. Инқирозга қарши бошқарув нуқтаи назаридан бу ўта маъсулиятли босқич ҳисобланади. Айнан шу босқич ресурслар тақсимоти, техник базани баҳолаш, замонавий технологиялар билан таъминлаш кабиларни ўз ичига олади. Кўпинча ички омиллар таъсирида вужудга келадиган инқироз айнан ишлаб чиқариш жараёнидаги мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланмаслик оқибатида юзага келади.

6) Бизнеснинг ички ва ташқи муҳитини баҳолаш. Шуни таъкидлаш керакки, корпоратив корхонанинг келажакдаги фаолияти ўтказилган таҳлилнинг сифати билан боғлиқ,чунки стратегия таҳлил натижасида олинган маълумотлар асосида шаклланади.

7) Маркетинг дастурини ишлаб чиқиш. Ҳозирги кунда маткетинг сўзсиз стратегиянинг энг асосий бўғини ҳисобланади ҳамда инқирозга қарши бошқарув стратегиясининг асосий қуроли ҳисобланади.

Инқирозга қарши бошқарувда стратегия корпоратив корхонанинг доимий равишда ривожланишини таъминлайди. Лекин стратегия корхонага инқирозни тўлиқ четлаб ўтиш имкониятини бермайди, у фақатгина инқироз олдини олиш хавфини камайтиради ҳамда иложи борича тезкор суръатлар билан инқирозни енгиб ўтишга ва фаолиятни кўп йўқотишларсиз давом эттиришга имкон беради. Аммо корпоратив корхоналарда ишлаб чиқилган корпоратив стратегияга таъсир қлувчи айрим омиллар борки, бу омиллар таъсирида корпоратив стратегия ўзининг самарадорлигини йўқотиши мумкин. Бу омиллар 1-чизмада келтирилган. Бундай омилларни бартараф этиш учун корпоратив корхоналарда стратегияни қуйида келтирилган тамойиллар асосида шакллантириш мақсадга мувофиқдир:

- Тизимлилик тамойили. Ушбу тамойил асосида стратегиянинг таркибий қисмлари ўртасидаги узвий боғлиқлик мустаҳкамланади, корпоратив стратегия ягона тизим сифатида жамиятнинг ривожланишига хизмат қилади;
- Мувофиқлик тамойили. Амалиётда корпоратив стратегиянинг таркибий қисмлари истиқболли бизнес режалар, харажатлар сметаси, ички бошқарув сиёсатлари, узоқ муддатли ривожланиш чора-тадбирлари ва дастурлари билан мувофиқ равишда тузилиши лозимлигини билдиради;
- Аниқлик тамойили. Ушбу тамойил корпоратив стратегиянинг пухта ва аниқ таҳлил асосида ишлаб чиқилишини англатади, чунки мазкур стратегияга тузатишлар киритиш кўп молиявий ҳамда меҳнат ресурсларини сарфланишини талаб қилади.

Юқорида келтирилган тамойиллар асосида корпоратив корхоналарда инқирозга қарши бошқарув стратегиясини ишлаб чиқишнинг биринчи босқичи корхона ҳолатини аниқлашдан бошланади. Бунинг учун эса аввало ташқи омиллар таъсирини таҳлил қилиш талаб этилади.

Ташқи омиллар таъсирини аниқлашда қуйидаги ўзига хос хусусиятлар эътиборга олиниши керак:

•макромуҳит таҳлили, бунда макромуҳитни тўртта секторга ажратиш мумнкин: сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик муҳит;

•рақобатдош муҳитнинг беш асосий ташкил қилувчи қисмлари таҳлили: харидорлар, мол етказиб берувчилар, тармоқ ичидаги рақиблар, потенциал янги рақиблар ҳамда ўриндош товарлар.



1-чизма. Корпоратив корхоналарда стратегиянинг самарадорлигига салбий таъсир қилувчи омиллар.

Ташқи муҳит ҳақида етарлича маълумотга эга бўлгач, уларни таҳлил қилиш натижасида корпоратив корхона келажакда у ёки бу тармоқларда қандай ўзгариш тенденцияларининг пайдо бўлишини башорат қилади.

Ташқи муҳит таҳлили билан бир қаторда корпоратив корхона реал ҳолатини ҳам чуқур текширувдан ўтказиш керак. Бу тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар асосида корпоратив корхонанинг келажакдаги ҳолати қандай бўлиши аниқланади ҳамда менежерлар корпоратив корхонада маълум ўзгаришларни амалга ошириш учун инқирозга қарши бошқарув стратегиясини ишлаб чиқишлари мумкин бўлади. Менежерлар корхонанинг инқироз жараёнида тадқиқотлар натижасида олинган натижаларни умумлаштирадилар ва қандай хусусиятларга эътибор қаратилишини аниқлайдилар.Тадқиқот натижасида олинган натижаларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

✓ корхона фаолиянинг стратегик кўрсаткичлари;

✓ корхонанинг ички кучли ва заиф томонлари,ташқи хавфлар ва имкониятлар;

✓ рақобат билан боғлиқ ўзгаришлар;

✓ корхона томонидан ҳал қилиниши зарур бўлган асосий стратегик муаммолар.

Инқирозга қарши бошқарув стратегиясини ишлаб чиқишнинг учинчи босқичи корхонанинг инқироздан чиқиш стратегиясининг алтернатив қарорларини қабул қилиш ва стратегияни танлаш ҳисобланади. Бу босқичда корхона инқирозга қарши стратегиясини ишлаб чиқиш босқичи тугайди ва танланган стратегиянинг турли тактик(тезкор) режалари жорий қилинади,бундан кейин инқирозга қарши стратегия амалда қўланилади ва олинган натижалар баҳоланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, корпоратив корхоналарда стратегияни ишлаб чиқиш корпоратив мақсадга эришишнинг асосланган ва истиқболли усули бўлиб ҳисобланади. Корпоратив стратегия корпоратив корхонани ривожлантиришнинг бош йўналишларини ўзида ифода этиб, бошқаришнинг юқори бўғини (акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши) фойдаланадиган чора-тадбирлар мажмуидир. Амалиётда, корпоратив стратегия корпоратив тузилмаларнинг турли бўлинмаларини ягона корпоратив мақсад атрофида бирлаштириш учун ишлаб чиқилиб, бошқарув бўғинлари раҳбарларида стратегик башоратлаш (прогнозлаш)ни амалга оширувчи ягона восита сифатида эътироф этилади.

Корпоратив корхоналарда инқирозга қарши корпоратив стратегияни жорий қилишда қуйидагиларни амалга оширишни таклиф этамиз:

- инқирозга қарши корпоратив стратегиянинг корхона томонидан қўйилган мақсад ва вазифаларга зид бўлмаслигини таъминлаш;
- корхонадаги ҳар бир ходимни инқирозга қарши корпоратив стратегия ҳақида хабардор қилиш;
- инқирозга қарши корпоратив стратегияни амалга ошириш учун зарур бўладиган молиявий ресурслар билан таъминлаш;
- корпоратив корхонанинг барча қувватларини ва ишлаб чиқариш жараёнини стратегияга мос ҳолга келтириш.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган таклифларга риоя қилинса, корпоратив корхоналарда ишлаб чиқиладиган стратегиялар корхоналарда юзага келиши мумкин бўлган инқирозли ҳолатларнинг олдини олиб, самарадорликни таъминлашга хизмат қилади.

ТУРОПЕРАТОРЛИК ХИЗМАТИНИНГ МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИДА PR МУТАХАССИСЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ибодов К. М - СамИСИ, ассистент

Аннотация: *Ушбу мақолада PR хизматининг асосий мақсади, вазифалари, туризм индустриясида PR хизмати ва туроператорликнинг PR бўйича мутахассислари фаолияти йўналишлари ёритилган. Шунингдек, туроператорлик хизматининг маркетинг фаолиятида хизматларни силжитишнинг PR бўйича мутахассислари қўллайдиган асосий усуллари келтирилган.*

Таянч сўзлар:*PR хизмати, PR бўйича мутахассис, хизматларни силжитишнинг PR усуллари,аҳоли ва ОАВ билан ишлаш, турфирманинг ижобий обрў-эъбори ва нуфузи*

Аннотация: *Данном статье выясняетъся цели, задачи службы PR, основные направлении PR службы туроператорских услуг в индустрии туризма.*

Раскрывается основные методы используемой PR специалистом туроператорских услуг в маркетинговой деятельности.

Ключевые слова: *служба PR, специалист по PR, PR методы продвижение туристических услуг, работа с СМИ и населениями, положительный имидж и репутация турфирмы.*

Annotation: *This article clarifies the goals and objectives of the PR-service, the main direction of PR service of tour operator services in the tourism industry. Disclosed main methods of PR-specialist of tour-operation services in the marketing activities.*

Key words*: PR service, PR specialist, PR methods promotion of tourist services, work with mass media(OPO) and population, positive image and reputation of travel agency.*

Ҳозирги замон иқтисодий муносабатлари туристик корхоналарда яхши ташкил қилинган маркетинг хизматлари ва маркетинг коммуникациялари тизимининг мавжуд бўлишини тақозо этади. Интеграциялашган маркетинг коммуникацияларини режалаштириш ва муносабат маркетинги замонавий маркетинг концепциясининг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Муносабатлар маркетингига асосланган ҳолда бизнес олиб бориш туристик корхоналарда асосий эътиборни ўзаро ишонч ва ҳамкорликка асосланган, ҳар иккала томонга ҳам маълум наф келтиришга қаратилган жамоатчилик билан алоқалар тизимини янада такомиллаштиришга қаратишларини талаб этмоқда. Бундай муносабатлар маркетинг коммуникациясида жамоатчилик билан алоқалар ёки PR хизмати сифатида майдонга чиқади.

Туризмда PR хизматининг асосий мақсади туристик корхонанинг жамиятда муваффақиятини таъминлаш, унинг жамоатчилик билан самарали коммуникация тизимини шакллантириш бўлса, вазифалари туристик товар ва хизматларни бозорда сотилиши тезлаштиришдан иборатдир. PRхизмати фаолияти туристик маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларини муайян бир минтақа ёки жаҳонда турфирманинг ижобий обрў-эъбори, нуфузини яратиш мақсадида оммавий фойдаланувчиларга мўлжалланган журнал ва газеталарга юборади.

Айрим адабиётлар туризм соҳаси ва туроператорлик фаолиятидаги PR хизматининг бошқа соҳа ташкилотларидаги PR хизмати ўртасида фарқ мавжуд эмаслигини уқтиришади. Аммо бу нотўғри, туризмда сиёсий жараёнлардаги каби PR аҳамиятли бўлмасада, маркетинг коммуникацияси сифатида унинг ўз ўрни ва маълум вазифалари мавжуддир.

Туризмда маркетинг коммуникациясининг PR концепцияси фақатгина ишончли, ўзаро ҳурматга асосланган, жамоатчилик фикрига муқобил ёндашиш, мақсадли аудиториянинг қизиқишлари ва хулқини эътиборга олишга асосланади. Туристик бизнеснинг тараққий этиши, замонавий маркетинг назарияси ва амалиётининг такомиллашиб бориши PR концепцияси билан чамбарчас боғликдир. PR ва унинг тамойиллари, функциялари ва вазифалари асосида бошқа маркетинг коммуникацияси воситалари орқали эришиб бўлмайдиган мақсадларга эришиш мумкин.

Туризм индустриясида PR хизмати жамият аъзолари фикрларни ўрганиш ва мақсадли аудитория ва кенг жамоатчилик ўртасида туристик фирмага нисбатан ижобий муносабатини шакллантиришга қаратилади. Турфирма томонидан ўтказилаётган реклама тадбирлари ёки сотиш бўйича менежерларнинг истеъмолчилар(туристлар) ўртасидаги тўғридан-тўғри келишувлар харидорларда

ҳар нарсага шубҳа (ишончсизлик) билан қарашни келтириб чиқаради. Аммо PR, мустақил ахборот манбалари орқали алоқага чиққанлиги боис, уларнинг ишончини ошириши мумкин. Масалан, потенциал харидор дам олиш учун йўлланма ёки меҳмонхоналардан бирини танлашда турагентликдан кўра туризм бўйича шарҳловчи, экскурсовод-гид ёки оддий сотиладиган туристик каталогга мурожаат қилишни маъқул кўради. Бунда турист қулайликни эмас, балки маълумотларнинг ишончлилигини асосий ўринга қўяди.

Туризм соҳасида PR хизмати қуйидаги мақсадларни кўзда тутади:

– турмаҳсулот таклиф қилувчи ташкилотлар ва мақсадли аудиториялар, ва ОАВ билан умумий мақсад ва манфаатларни аниқлаш учун иккитомонлама муносабатларни ўрнатиш;

– тўлиқ хабардорлик, туристик ташкилотлар ва кенг жамоатчилик ўртасида ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишонч муносабатларини ўрнатиш;

– туристик ташкилотнинг танилишини таъминлаш, имижини яратиш, мақсадли аудиториялар томонидан қўллаб-қувватланишига эришиш;

– туризм соҳаси ва туристик маҳсулотни оммалаштириш, нотўғри кўрсатилган ва ёмон таассурот қолдирадиган ахборотлар, миш-мишларга барҳам бериш;

Туроператорлик хизматининг PR бўйича мутахассиси фаолияти қуйидаги йўналишларида олиб бориши мақсадга мувофиқдир:

1.Аҳоли ва ОАВ билан ишлаш, яъни ишлаш жараёнида вазиятга мослашувчан ва тезда ўзгарувчан бўлишни таъминлаш, барча ахборотларнинг ОАВда ўз ҳолича, ҳеч қандай ўзгартирилмасдан ва мазмуни ўзгармасдан акс эттирилишига эришиш, жамоатчилик билан алоқалар ўрнатишда маълум ахлоқий меъёрларга риоя қилиш, аҳоли ва оммавий ахборот воситаларини туроператорлик хизмати тўғрисидаги турли ахборотлар билан кўмиб ташламаслик.

2. Мижозлар билан ишлаш – турли тадбирларни уюштириш, тантанали саналарни нишонлаш ва он–лайн силжитиш.

3. Туроператорнинг ички ва ташқи ижобий имижини яратиш.

Йирик туристик ташкилотларда маркетинг бўлимлари бир вақтнинг ўзида PR бўлинмалари вазифасини ҳам бажарадилар. PR фаолиятини матбуот бўйича мутахассис (press officer) ёки маркетинг бўйича менежер (Sales Manager, marketing manager)лар олиб боришади. Уларнинг асосий вазифалари қуйидагилар[57]:

– журналистлар, гид-экскурсоводлар фойдаланиши учун мақолалар, репортажлар ва тасвирий-тавсифий маълумотлар тайёрлаш;

– турли ОАВ сўровларига жавоб бериш, теле-, радио- лойиҳаларда чиқиш қилиш;

– мониторинг – турли матбуот материалларининг чоп этилишини назорат қилиш, радио ва телекўрсатувдаги чиқишларни баҳолаб бориш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш[58].

– турфирманинг мақсадли аудиториялари, потенциал мижозлари ва ҳамкорлари тўғрисида маълумотлар банкини яратиш, турфирманинг веб-сайтини янгилаб бориш, турфирма ва туроператорлар фаолияти тўғрисида аҳолининг фикрини ўрганиш (сўров ўтказиш);

---

[57] Джефкинс Ф., Ядин Д. Паблик рилейшнз: Пер. с анг. под ред. Б.Л. Еремина - Уч. пос. для вузов. / Ф. Джефкинс, Д. Ядин. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003, 416 с.

[58]Scott McCabe: Marketing Communications in Tourism and Hospitality: Consepts, Strategies and Cases /Elsevier Linacre House, GB, 2009 – 321 pages. 247-249 бетлар

– турфирма ташкил этаётган тадбирларни ўз вақтида ёритишга қаратилган пресс-релиз ёзиш, фото- ва видеосуратга тушириш, уларни турфирманинг расмий сайтига жойлаштириш;

– жойлардаги олий ўқув юртлари ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик дастурини ишлаб чиққан ҳолда кадрлар ресурси, кўнгиллиларни жалб этиш тизимини яратиш.

Туроператорлик хизматининг PR фаолияти ҳамкорлик дастурлари асосида республика олий ўқув юртларидаги "Туризм", "Маркетинг(туризм)", "Менежмент(туризм)" каби йўналишлари бўйича бакалавр босқичининг сўнгги курслари талабалари учун малакавий ва битирув олди амалиёт дастурларини тадбиқ қилиши бўйича кадрлар билан таъминлаш тизимини мақсадли ўрганишни ва турфирмани қўллаб-қувватлаш ишларини ўз ичига олиши ҳам мумкин.

Туроператорлик фаолиятининг PR бўйича мутахассиси хизматларни сижитишда қуйидаги усулларидан фойдаланади:

Матбуот анжумани – туроператор фаолиятининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборот ва янгиликлар ҳақида фирманинг ваколатли кишилари шарҳи ўқиб эшиттирилади.

Брифинг – долзарб янгиликни тезлик билан тарқатиш ва уни қисқача қилиб мақсадли аудитория вакилларига баён қилиш, туроператор фаолияти, фаолият йўналишлари бўйича олинган натижалар тўғрисидаги муҳим маълумотни, бу ҳақда истеъмолчилар, маҳаллий органларнинг расмий фикрини, яъни муқаддам ҳеч қаерда маълум қилинмаган хабарни етказиш учун ташкил қилинадиган йиғилиш.

Ахборот учрашуви – мақсадли аудитория вакилларини туроператор фаолиятидан шунчаки хабардор этиш мақсадида ташкил этилади. Бундай учрашув чоғида турли турфирма вакиллари томонидан янгиликлар маълум қилинади, аммо муҳокама этилмайди. Фақат битта масала учрашув мавзуи бўлиши мумкин.

Давра суҳбати – муҳокама қилиниши талаб этиладиган муаммонинг борлиги билан ажралиб туради ва унда турли мутахассислар ва турфирмалар вакиллари билан бир қаторда PR бўйича мутахассислар ҳам иштирок этади.

Тақдимот – турфирманинг муайян мақсадга йўналтирилган фаолиятини ёки у ҳал этиш ва муҳокама қилиш ниятида бўлган муаммони ёритиб беришдир. PR бўйича мутахассис тақдимот давомида ҳатто эркин мулоқот чоғида ҳам ўз материаллари учун маълумот йиғишлари мумкин.

Пресс-тур – олдиндан режалаштирилган ва мақсадли аудитория вакиллари учун махсус мўлжалланган тадбир бўлиб, у холис чиқишларни ОАВда эълон қилиш учун уюштирилади. Пресс-турлар бир неча соатдан бир неча кунгача давом этиши мумкин. Пресс-турни уюштириш учун туроператор бевосита иштирок этадиган ҳар қандай аҳамиятли воқеа сабаб бўлиши мумкин.

Пресс-релиз (press-release) – мақсадли аудитория учун тайёрланган ахборот бўлиб, долзарб мавзудаги, муҳим янгилик ёки фойдали маълумотдан иборат ёки аҳоли кенг қатлами учун мўлжалланган фойдали хабар. Унда туроператорнинг бирор масала бўйича нуқтаи назари баён этилади ва матбуотда чоп этиш учун юборилади. Одатда, турфирманинг у ёки бу ахборот сабабига жавоб кўринишидаги расмий позицияси пресс-релизда акс эттирилади.

БИЗНЕСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ХИЗМАТЛАР ИНЖИНИРИНГИ

Иброҳимова З.Э. - ТАТУ СФ ассистенти
Тоиров Ш.А. - ТАТУ СФ катта ўқитувчиси
Умиров Ж.И- СамИСИ АТ маркази дастурчиси

Аннотация: *Ушбу мақола бизнесга йўналтирилган хизматлар инжинирингинингжахон дастурий махсулотлар бозоридаги ўрни ва даражаси, ахборотни бошқа маҳсулотлардан тубдан фарқловчи хусусиятлари, ахборот бозори сегментлари таркибий қисмларини ёритишга бағишланган.*

Калит сўзлар: *Ахборот индустрияси,модернизация, инновацион иктисодиёт,ахборот иктисодиёт, янги иктисодиёт, иктисодий категория, интеллектуал иш.*

Аннотация: *В этой статье инженерной роль на мировом рынке программных продуктов и услуг, направленных на бизнес-уровне, а также других информационных продуктов, охватывающих различные компоненты характеристик сегментов рынка, посвященных.*

Ключевые слова: *Информационная промышленность, модернизация, инновация экономика, информационная экономика, новая категория экономики, экономической и интеллектуальная работа.*

Annotation: *In this article, the engineering role in the global market for software products and services aimed at the business level, as well as other information products covering various components of the characteristics of market segments dedicated.*

Keywords: *Information industry, modernization, innovation economy, information economy, a new category of economy, economic and intellectual work.*

XXI асрда ривожланган мамлакатлар иктисодиётида янги сектор шакллана бошлади ва у сектор ўз таркибига компьютер ишлаб чиқариш, электрон курулмалар, коммуникация воситалари, дастурий махсулотлар, хизмат курсатиш каби сохаларни қамраб олди. Буларнинг барчаси биргаликда ахборот индустриясини (инг. informationIndustry) вужудга келтирди ва у уз навбатида ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) гуркураб ривожланишига олиб келди.

Ахборот-коммуникация технологиялари сохасини ривожлантириш миллий иктисодиётни модернизация қилиш ва инновацион иктисодиётни шакллантиришнинг асосий омилларидан хисобланмокда. Ривожланган давлатларнинг тажрибаси шуни курсатмокдаки, хар бир мамлакатнинг дунёдаги иктисодий, ижтимоий ва сиёсий мавкеини, авваломбор, унинг интеллектуал бойлиги таъминламокда, яъни иктисодиёти билимларга асосланиб тараққий этмокда. Ахборот-коммуникация технологиялари бугунги кунда кўплаб мамлакатлар миллий иктисодиётининг жадал ривожланаётган сохаси хисобланади. Айникса, ахборот махсулотлари ва хизматларини яратиш билан боглик хизматлар кўрсатиш саноати жуда тез суръатлар билан тараққий этмокда. Хусусан, жахон дастурий махсулотлар бозорининг йиллик ўсиш суръатлари турли бахоларга кура, 10 %дан 20 %гача булаётганлигини кўрсатмокда.

Ҳозирда ривожланган давлатларда «инновацион иктисодиёт» (инг. innovationeconomy) ва «ахборот иктисодиёт» (инг. informationeconomy) тушунчалари кенг кулланилмокда. Юкори технологиялар эса инсоният ижтимоий-

иктисодий хаётида «янги иктисодиёт» (инг. neweconomy) деган янги йуналиш яратилишига олиб келди.

Ахборот махсулотлари ва хизматлари бизнеси юкорида келтирлган "янги иктисодиёт" нинг ўзаги ва асоси хисобланади. Шунинг учун хам жахон олимлари томонидан бу масалага алохида эътибор билан қаралмокда.

Ахборот махсулотлари ва хизматлари бозорини ўрганган олим И.И. Родионов унга куйидагича таъриф берган - "Ахборотнинг турли хил ишлаб чикарилган шакллари истеъмолчиларнинг турли хил талабларини кондириш учун йуналтирилган хизматлар ёки товар куринишидаги ишланмалар ахборот махсулотлари ёки ахборот хизматлари дейишимиз мумкин". В.П.Тихомирова фикрича - ахборот махсулоти иктисодий категория сифатида турли ташувчиларда тупланган ва белгиланган аник ахборотни жисмоний, юридик шахслар ва иктисодий субъектлар ўртасидаги ишлаб чикариш, яратиш, алмашиш ва истеъмол қилиш муносабатларини тавсифлайди.

Ахборот хизмати эса - кўп марта фойдаланиш имконини берадиган ахборот махсулотларининг материал шаклига эга булмаган кўриниши.

Бугунги кунда ахборот махсулотлари ва хизматларига жамият ривожланишининг мухим бир ресурси сифатида каралмокда. Анъанавий ресурслар хусусиятларига ўхшаш ахборотларнинг катор хусусиятларини мавжудлиги ахборот ишлаб чикаришни тахлил килишда куплаб иктисодий категориялардан (нарх, киймат, харажатлар, фойда ва х.к.) фойдаланишга асос булади.

Ахборот махсулотининг асосий хусусияти булиб, яъни ахборотни бошка махсулотлардан тубдан фаркловчи хусусияти куйидагилар:

1. Истеъмол пайтида ахборот йуколмайди, балки, куп марта ишлатилиши мумкин.

Ахборот махсулоти неча марта ишлатилишидан катъий назар, ундаги мавжуд ахборот сақланиб колади.

2. Ахборот махсулоти вакт утиши билан узига хос "маънавий эскириш"га ёки ундаги билимлар уз долзарблигини йукотиб бориши билан, узининг кимматини йукотиши мумкин.

3. Ахборот махсулотларини турли хил истеъмолчиларига турли хил усулларда такдим килиш мумкин (саклаш, узатиш, кайта ишлаш).

4. Ахборотни ишлаб чикиш моддий товарларни ишлаб чикаришдан фаркли равишда купайтириш учун харажатларни камрок талаб килади.

Ахборот махсулотлари ва хизматлари бозори мавжуд булиши учун, махсулотлар ва хизматлар хамда сотувчилар ва харидорлар мавжудлиги зарур, яъни талаб ва таклифни мавжуд булиши лозим.

Ахборот махсулотлари ва хизматлари бозори - бу тижорат асосида ахборот махсулотлари ва хизматларининг савдоси буйича иктисодий, хукукий ва ташкилий муносабатлар, махсулотлар ва хизматлар номенклатураси, уларни такдим этиш шартлари ва механизмлари тизимидир.

Ахборот махсулотлари ва хизматлари бозорининг энг мухим ташкил этувчилари (компонентлари) булиб, куйидагилар хисобланади: техник ва технологик ташкил этувчи, дастурий ташкил этувчи, коммуникацион ташкил этувчи, меъёрий-хукукий ташкил этувчи, ахборот ташкил этувчи, ташкилий ташкил этувчи.

Ривожланган мамлакатлар бозорлари доирасида дастурий таъминот сегменти номенклатураси куйидаги махсулотлар гурухини уз ичига олади: матнли кайта ишлаш, электрон жадваллар; маълумотлар базаси ва маълумотлар базасини бошкариш тизимлари; графикли ахборотни кайта ишлаш; тахририят-нашриёт тизимлари; ёрдамчи воситалар; дастурлар; компьютер уйинлари. Ахборот махсулотлари ва хизматлари бозори таснифи ва уни сегментлаш. Ахборот махсулотлари ва хизматлари бозорини ифодалаш учун Г.Попел ва Б.Голдстайн томонидан таклиф этилган, ушбу бозорни икки характеристика асосида тасниф этишдан фойдаланилади: махсулотлар ва хизматлар ким учун мулжалланган ва истеъмолчи учун ахборот махсулотлари ва хизматлари ёрдамида нималар килинмокда.

Ахборот бозори куйидаги сегментларниўз ичига олади:

- истеъмол ахборотларни ва кўнгилочар технологияларни узатиш ва уларнинг хусусий шахслар томонидан истеъмол қилишни таъминлаш;
- ўзаро фаолият сегменти - махсулотлар ишлаб чиқарувчилари фирмаларнинг ўзаро фаолияти;
- бизнесни таъминлаш - турли хил ишбилармон фаолиятларни амалга оширишда ахборот махсулотлари ва хизматларни истеъмол қилиш: харид қилиш, ишлаб чиқариш, хизмат курсатиш, маркетинг, махсулотни тарқатиш.

Интеллектуал иш - мутахассислар уртасида ахборотни узатиш ваистеъмол килиш.

Биргина дастурий махсулот мисолида ахборот махсулотлари ва хизматлари бозорини куриб чикиб унинг жамият ва иктисодиётни усишига таъсирини куришимиз мумкин. Масалан, дастурий махсулотларлари ишлаб чикарувчилар ва истеъмолчилари учун географик жойлашув ахамиятга эга эмас. Шуни эътиборга



олиш керакки, жахондаги энг йирик ва энг сердаромад дастурий махсулот ишлаб чикарувчи компаниялар АКШда жойлашган, «Top 100 ResearchFoundations компанияси томонидан 2010 йилда эълон килинган жахондаги дастурий махсулотлар ишлаб чикарувчи энг йирик 100 та компаниянинг 65 таси ҳам у ерда жойлашган.

1-расм. Ахборот махсулотлари ишлаб чикарувчи жахондаги энг йирик 100 та компаниянинг географик жойлашуви.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA ELEKTRON TIJORAT FAOLIYATI

Kenjayev Sh.-O‘qituvchi SamQXI
Maxmudov R. - O‘qituvchi SamQXI

Anotatsiya. Maqola dolzarbligi internetdan foydalanish afzalliklari, yangi imkoniyatlaridan foydalana olish, elektron savdoni takomillashganligi xaridorlarni tobora jalb etib bormoqda. Axborot texnologiyalari biznesi deyarli har qanday sohada ajralmas qismi bo‘lib, yangi iqtisodiyotning shakllanishiga sabab bo‘ladi. Elektron texnologiyalar tubdan yangilangaligan savdo va xizmat ko‘rsatish sohalari xususiyatlarini o‘rganish, bu doirada savdo shakllarini o‘zgartirish juda muhim ahamiyatga ega.

Relevance of a subject is caused by escalating influence of achievements in the field of electronic information technologies on world economic system that carries to appearance and development of electronic business, and finally, to essential changes of all system of the economic relations. New electronic technologies radically change the contents and forms of trade, in this regard, the study of features of development of spheres of trade and services under the influence of new technologies are very urgent.

Актуальность статье обусловлена все возрастающим влиянием достижений в области электронных информационных технологий на мировую экономическую систему, что ведет к появлению и развитию электронного бизнеса, и в конечном итоге, к существенным изменениям всей системы экономических отношений. Новые электронные технологии радикальным образом меняют содержание и формы торговли, в связи с этим, изучение особенностей развития сфер торговли и услуг под воздействием новых технологий является весьма актуальным.

Kalit so‘z. E-biznes, Elektron tijorat, Internet,Internet-banking, VISA, MasterCard, UzCard.

Key words. E-business, e-commerce, Internet, Internet banking, VISA, MasterCard, UzCard.

Ключевые слова.Е-бизнес, электронная коммерция, Интернет, Интернет-банкинг, VISA, MasterCard, UzCard.

Elektron tijorat faoliyati O‘zbekiston Respublikasining “Elektron tijorat to‘g‘risida”gi 2004 yil 29 apreldagi 613-II son Qonuni bilan belgilanadi va amalga oshiriladi[1].

Bugungi kunda dunyoda, elektron tijorat va elektron biznesni jadal rivojlantirish yo‘lida muhim ishlar olib borilmoqda. E-biznes loyihalarni amalga oshirish uchun zarur bo‘lgan dasturlarni yaratish yoki kompaniyalar uchun e-biznes axborot mahsulot faoliyat ko‘rsatishi shart-sharoitlar shakllantirish yo‘lga qo‘yilmoqda. Qishloq xo‘jalik faoliyatiga ularni foydalanib, axborot va axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish bilan bir qatorda, ularning yaratish, yangi bilim va ko‘nikmalarga ega bo‘lishi kerak. Tarmoq kompaniyasi, - kompaniyasida e-biznes loyiha ishlab chiqarish va boshqaruv tizimini tashkil etish, yangi, elektron shaklidir uning raqobatbardoshligini ishlab chiqarish innovatsiyalarni rivojlantirish va oshirish maqsadida. biznes atrofida - turli kompaniyalar loyihalar, yetkazib beruvchilar va iste’molchilar bilan munosabatlarni, shuningdek, kompaniyalar o‘rtasida hamkorlikni ularning ichki tashkilot o‘zgarib, tarmoq barpo kompaniyalari Network tashkiloti unumdorligini oshirish va raqobatbardoshligini oshirish, tashkiliy moslashuvchan beradi[5].

Ayni paytda, Internet eng omaviy savdo faoliyati hisoblananmoqda. Internet investitsiyalar hajmi u e-tijorat investitsiya boshqa joylari bilan solishtirganda, katta emas, lekin bu investitsiyalarning o‘sish e-tijorat uchun eng yuqori nuqta hisoblanadi. Bu katta boshlang‘ich kapitalni kichik bo‘lishni ta’minlaydi va har qanday tadbirkordan ortiqcha mablag‘ talab qilmaydi, chunki e-tijoratga katta mablag‘ sarflash shart emas. Shuning uchun kiritilgan investitsiyalar katta emas. Buday elektron do‘konlar xorijda va O‘zbekistonda ham tez rivojlanib bormoqda.

Etkazib beruvchilar va iste’molchilar tuzilishi o‘z ichiga oladi:

- davlat (government)
- korxona (business)
- mijoz, (consumer)
- hamkor (partner)
- Kompaniya xodimi (employee, executive).

Forrester Research tomonidan o‘tkazilgan ma’lumotiga ko‘ra kompaniyalar o‘rtasidagi elektron tijorat aylanmasi 85% tashkil qilad. Bu, umuman olganda on-line biznesning jadal rivojlanayotgalini bildiradi.

Savdo hajmining o‘sishiga qaramay, ularning o‘sish sur’atlari yuqori bo‘lib qolmoqda. 2004-2006 yillarda. deyarli 2,6 baravar ko‘paydi va 2006-2008 yillardan ortiq 2,4ga ortiq bo‘ldi. Ayniqsa, tez rivojlanishi 2016-2017 yillarda Evropada 5 marta oshgan[5].

Global elektron tijorat bozori jadal o‘sib bormoqda. 2016 yil natijalariga kura elektron tijorat sanoatda sezilarli darajada oshganin ko‘rsatdi. Tadqiqot instituti mutaxassislari fikriga ko‘ra, jami pul elektron tijorat bozori aylanmasi 3 trillion dollardan oshib ketdi. Tahlilchilarning fikricha global elektron tijorat bozorining umumiy hajmi 5,6 trillion dollarni ortiqni tashkil etdi. Hududiy qarab - uch yildan ortiq elektron tijorat bozorida o‘sish sur’ati 30% 40%ga o‘zgaradi . Bu o‘sishning asosiy markazlari Evropa davlatlari, AQSh va Yaponiya. Elektron tijorat hozirgi paytda Xitoyda eng tez rivojlanmoqda.

Internet tarmog‘idagi tijorat sohasiga oid faollikni, unda oldi-sotdini amalga oshirilishini ifodalash uchun qo‘llaniladi[4].

U kompyuter tarmog‘idan foydalangan holda xarid qilish, sotish, servis xizmati ko‘rsatishni amalga oshirish, marketing tadbirlarini o‘tkazish imkoniyatinita’minlaydi.

Internet-banking – bankdagi hisob raqamni Internet orqali boshqarish imkoniyatini beradigan xizmat.

Internet-banking imkoniyatlari quyidagilarni bajarishga imkon beradi:

- Bankka barcha turdagi moliyaviy hujjatlarni yuborish;
- Istalgan davr uchun bankdagi hisob raqamlardan ko‘chirmalar va ularga tegishli boshqa hujjatlarni olish;
- Haqiqiy vaqt tartibida to‘lov hujjatlari bank ishlovidan o‘tishining barcha bosqichlarini kuzatish;
- Xatolar to‘g‘risida xabarlarni tezkor olish;
- Kirim va chiqim to‘lov hujjatlarini ko‘rish va chop etish.

Elektron savdo platformasi tovar ishlab chiqaruvchilar, oziq-ovqat mahsulotlarini ichki bozorda sotishga va eksport qilishga yordam beradi. Loyihasining dasturi eng avvalo kichik biznes va xususiy tadbirkorlik vakillarining tashqi bozorlarga chiqishini ta’minlashdan iborat.



trade.agrofair.uz elektron tashqi savdo platformasi mamlakatning har bir korxonasi xorijlik xaridorlar uchun ishlab chiqarilayotgan mahsulotning sifat va texnik parametrlari, ta’minot sharoitlari va eksport narxlarini o‘z ichiga olgan barcha zarur ma’lumotlarni joylashtiruvchi shaxsiy internet sahifasi xisoblanadi.

Shu bilan birga platformaning funksional imkoniyatlari korxonaning har bir xodimiga “shaxsiy kabinet” ochishni ko‘zda tutadi, bu eksport shartnomasini tuzishda ulgurji sotib oluvchilar bilan muzokara olib borishga yo‘l ochadi[3].

Ushbu ulkan elektron savdo maydonchasi orqali bugungi kunga kelib mingdan ortiq ishlab chiqaruvchilar registratsiyadan o‘tkazilgan va ular o‘z mahsulotlari haqidagi to‘liq ma’lumotlarni joylashtirishmoqda. Shuningdek, O‘zbekiston diplomatik vakolatxonalarining savdo maslahatchilari ham **trade.agrofair.uz** orqali faoliyatga jalb etiladi, ular o‘z navbatida potensial mijozlarni yangi imkoniyatlardan xabardor qilib turishadi. Bularning barchasi bir bo‘lib, o‘zbek mahsulotining eksportiga xorijdan yirik xaridorlar va importerlar jalb qiluvchi yagona samarali mexanizmni shakllantirishi ko‘zda tutilgan.

“Savdoni rag‘batlantirish” loyihasi O‘zbekistondagi taraqqiyotni tovarlarning raqobatbardoshligi va mahalliy ishlab chiqaruvchilarning eksport salohiyatini oshirish hamda ularning savdodagi ishtirokini kengaytirish yo‘li bilan qo‘llab-quvvatlaydi. Loyiha ekspertlari milliy qonunchilikning Butunjahon savdo tashkiloti normalariga muvofiqligi tahlilida yordam ko‘rsatishadi[3].

Elektron karmon - bu elektron pullarni saqlash uchun mo‘ljallangan vosita.

Elektron karmonni to‘ldirish va ulardan pul echish quyidagi usullar bilan amalga oshirish mumkin:

Tijorat banklarida naqd pul bilan

Bank kartalari (VISA, MasterCard, UzCard) yordamida

• Pochta orqali

• Internet-bankingyordamida

• Pul o‘tkazmalar tizimlari yordamida

• Mobil aloqa yordamida[4]

VISA kartalari bo‘yicha yillik savdo aylanmasi 4,8 trillion AQSH dollarini tashkil qiladi. VISA kartalari dunyoning 200 dan ortiq mamlakatlarida qabul kilinadi. Dunyoda to‘lov kartalarining 57% VISA kartalari tashkil qiladi, asosiy raqobatchilari MasterCard 26% va American Express 13% tashkil qiladi.

Internet-banking. To‘lov tizimlari orasida alohida guruh, bu Internet banking funktsiyasini bajaruvchi tizim, ya’ni Internet orqali bank operatsiyani amalga oshirish hisoblanadi[2].

Internet-banking – bankdagi hisob raqamni Internet orqali boshqarish imkoniyatini

beradigan xizmat. Internet banking tizimida samarali ishlash uchun Internetga ulangan va Internet brouzerga ega kompyuter bo‘lishi etarli hisoblanadi.

Internet-banking imkoniyatlari quyidagilarni bajarishga imkon beradi:

- bankka barcha turdagi moliyaviy hujjatlarni yuborish;
- istalgan davr uchun bankdagi hisob raqamlardan ko‘chirmalar va ularga tegishli boshqa hujjatlarni olish;
- haqiqiy vaqt tartibida to‘lov hujjatlari bank ishlovidan o‘tishining barcha bosqichlarini kuzatish;
- xatolar to‘g‘risida xabarlarni tezkor olish;
- kirim va chiqim to‘lov hujjatlarini ko‘rish va chop etish.

Туризм есть деятельность, развитие которой зависит от имеющихся финансовых и временных ресурсов потребителей туристских услуг. Необходимо отметить, что основная причина, по которой люди путешествуют, это уход от повседневных проблем жизни.

Основные характеристики туризма используются для анализа и прогноза туристских миграций, выявления основных центров и стран туризма. Количество туристов сопоставляется с местным населением стран, которые они посещают.

С обретением независимости и подлинного суверенитета проведением «политики открытых дверей» Узбекистан активно развивается по пути интеграции в мировом сообществе. Яркий пример тому - Самарканд – один из ведущих туристических центров республики. На благоприятное развитие туризма существенное влияние оказывает геополитическое положение Узбекистана и Самарканда на Великом Шелковом пути и в Центрально Азиатском регионе, благоприятные географические и климатические условия туристско – экскурсионный потенциал, представляющий международный познавательный интерес, законодательная база и развитие туристического бизнеса. Немаловажной является роль туризма и развитии дружбы и взаимопонимания между народами, мир, согласие и стабильность в стране. Это создает условия для возрождения и развития разнообразных видов туризма, формирования национальной модели туризма с учетом международных стандартов и на основе индустрии гостеприимства и локальных особенностей. «Седрце Шелкового пути» - так образно был назван Самарканд на заседании Всемирной Туристской Организации, принявший теперь известную во всем мире Самаркандскую Декларацию (5 октября 1994 года) «людьми доброй воли на всемирно известной площади Регистан».

По оценкам западных экспертов в Узбекистане ожидается рост прибытия туристов в ближайшее время на 15 процентов, что два раза больше прогнозов ВТО для всей Западной и Юго – Восточной Азии.

На территории города предусмотрено создание первой в Республике Узбекистан специальной открытой экономической зоны по международному туризму. В настоящее время определены основные этапы развития и направления туризма до 2020 года и предусмотрена кардинальная перестройка и реорганизация всей системы международного туризма в регионе.

«Самарканд становится городом, который будоражит воображение. Закройте глаза, произнесите нежно и мягко – САМАРКАНД, как по волшебству возникает перед взором поток прекрасных и загадочных явлений» - пишет одна из популярных французских журналов. Как не вспомнить из прошлого: «Так изобилен и богат этот город и земля, окружающая его, что нельзя не удивляться; и за это богатство он и был назван Самаркандом».

Таков один из древнейших городов мира – Самарканд в третьем тысячелетии - город устремленный в будущее. Ведь прошлое – для настоящего и будущего.

Таким образом, туризм можно определить как ряд явлений и взаимоотношений, являющиеся результатом взаимодействия туристов, туристского бизнеса, сферы гостеприимства, администрации и процесса привлечения, размещения и обслуживания туристов.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Остонов Ў.- СамИСИ ўқитувчиси

Аннотация: *мақола Ўзбекистондақишлоқ туризмини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва истиқболда самарали ривожлантириш йўлларига бағишланган.*

Аннотация: *статья посвящены к актуальным проблемам и пути эффективного развитие в перспективе сельского туризма в Узбекистане.*

Annotation: *Article is devoted to actual problems and ways of effective development in perspective of rural tourism in Uzbekistan*

Калит сўзлар: *ҳудудий дастурлар, қишлоқ туризми, ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёси, этнография, миллий дастур, стратегик режа, мажмуали ривожлантириш, агротуризм.*

Ключевые слова: *региональное программы, сельский туризм, животный мир, растительный мир, этнография, национальная программа, стратегический план, комплексное развитие, агротуризм.*

Keywords: *regional programs, rural tourism, fauna,flora, etnography, national program, strategic plan, complex development, agrotourism.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли Фармони мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда туб бурилишни, янги босқичнинг заминини, истиқболли ислоҳатларнинг шароитларини яратди. Президент фармонида:

-“Мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли *турларини–зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш,* ***қишлоқ,*** *саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш,болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмини, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш, ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш”* белгиланган.

Бу фармон мамлакатимизда туризмни бир текис ривожлантириш масалаларини тадбиқ қилишга, туризмнининг соҳаларини, барча турларини ҳудудий ва минтақавий ривожлантириш учун асосий дастур бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи-назардан қишлоқларимизнинг ўзига хос бўлган табиати, ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёси, иқлим хусусиятларидан туризмда фойдаланиш ҳақида илмий-амалий тадқиқотларни бошлашимизнинг вақти келди.

Қишлоқ ва овулларимизнинг турли–туман табиат минтақаларида ва баландликларда жойлашганлиги, шу сабабдан бу қишлоқларда яшаётган халқларнинг мозийнинг асрлари давомида сақланиб, ардоқланиб келинаётган, бири-бирига ўхшамаган, такрорланмас ҳаёти, яшаш тарзи, миллий урф-одатлари, миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариши, миллий маданияти ва миллий ўйинлари, миллий қадрятларни кўриш, ўрганиш ўзлигимизни англашда жуда муҳим ҳисобланади. Шунингдек, ватаниминг тарихи, маданияти, иқтисодиёти, маънавий-маърифий ҳаёти қишлоқлар билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ватанимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов-***«Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаравон бўлади»*** - деб таъкидлаган эди.

Ҳозирда Ўзбекистонда 10865 та қишлоқлар бор. Ана шу қишлоқларимизнинг ҳар бирида ўзига хос бўлган, қизиқарли туристик объект мавжуд. Мамлакатимизда ҳам, айниқса қишлоқ жойларимиздаги мавжуд туристик ресурслардан туризм фаолиятида кенг фойдаланган ҳолда туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда катта самаралар бериши исботсиз жараён.

Ҳозирги кунда ҳукуматимиз қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш ва бу омил орқали аҳолининг яшаш даражасини яхшилашга жиддий эътибор бермоқда. Бу йўналишда қишлоқ жойларда туризмни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг салоҳиятли имкониятлари ҳам бор. Бу имкониятлар қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ хизматларининг ва жойлаштириш хизматларининг арзонлиги;
- миллий ўйинларни томоша қилиш ва қатнашишнинг бепуллиги;
- қишлоқ жойларда жойлашиш ва овқатланиш хизматларининг шаҳардагига нисбатан 2-2,5 маротаба арзонлиги;
- қишлоқ жойларининг экологик жиҳатдан тозалиги;
- экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги;
- халқимизнинг қадимий миллий, маданий меъросининг ва турмуш анъаналарининг сақланиб қолинганлиги;
- жозибадор туристик ресурслар, миллий белгилар, хусусиятларга бой бўлган хизмат турларининг кўплиги ва ранг-баранглиги ва бошқ;
- миллий меърос маҳсулотлари ишлаб чиқишнинг сақланиб қолинганлиги (миллий ҳунармандчилик соҳалари, устачилик маҳсулотлари ва бошқа…).

Иккинчидан, қишлоқларимизда туризмнинг қуйидаги турларининг ресурслари ҳам мавжудлиги:

- *Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар*-Ўзбекистоннинг миллий парклари, давлат табиат қўриқхоналари, давлат табиат буюртмахоналари, табиат ёдгорликлари ёнида, яқинида қишлоқларимизнинг жойлашганлиги;
- *тарихий–археологик туризм ресурслари*–тарихий обидалар, тарихий жойлар, археологик қолдиқлар,топилмалар;
- *этнографик туризм ресурслари*–анаънавий маҳаллий ҳаёт тарзи, миллий фольклор, урф-одатлар, маданият, турли маросимлар,миллий ўйинлар;
- *қишлоқ хўжалик–агротуризм ресурслари*–қишлоқ боғлари, деҳқончилик, маданий ландшафтлар ва қишлоқ хўжалик ишлари, полизчилик, қишлоқнинг ўзига хос кўриниши ва қурилиши;
- *диний–диёрат туризми ресурслари*–муқаддас қадамжолар, азиз-авлиёларнинг қабрлари, шифобахш булоқлар, турли диний маросимлар;
- *экологик туризм ресурслари*–қишлоқ жойларнинг ватанимизнинг барча табиий–географик минтақаларида(тоғ, тоғ олди, чўл, адир, сув ҳавзалари)жойлашганлиги;
- *рекреация ва соғломлаштириш туризм ресурслари*- пансионатлар, соғломлаштириш марказлари, курортлар, минерал сувлар, бетакрор гўшалар, булоқлар, ўрмонлар, тўқайзорлар, шаршаралар, дарё соҳиллари;
- *қишлоқ фермерлари иш тартиби ва ҳаёт тарзи*-қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини сақлаш, ем-хашак тайёрлаш, маҳсулотлар етиштириш ва сотиш.

Қишлоқ туризмини ташкил қилишда юқорида қайд қилинган туризмнинг барча ресурслари мажмуали, бириккан ҳолда ишлайди ва ҳар қандай туристни кўпроқ муддатларга ушлаб қолади. Шунинг учун ҳам Европа давлатлари қишлоқ туризмини ривожлантиришга ўтган асрнинг 60 йилларидан киришди. Биз биринчи навбатда, мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришга жиддий киришишимиз ва бу йўналишда тадқиқотларни бошлашимиз ҳозирги миллий туризмни ривожлантиришдаги энг муҳим, долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирга келиб Европа давлатларида қишлоқ туризмидаги туристларнинг оқими 60 млн.туристни ташкил қилмоқда. Франция, Германия, Англия, Италия давлатларида қишлоқ туризми хизматларини ишлаб чиқарувчи 10 минглаб туристик фирмалар ва туристик ташкилотлар муваффақият билан ишлашмоқда. Биз ҳам, мамлакатимизда қишлоқ туризми нинг моҳияти, мақсади ва вазифаларини тадқиқ қилишга эндигина киришаяпмиз.

Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантириш нақадар фойдалилиги ва ҳозирги эркин бозор ижтимоий-иқтисодий ислоҳатларининг бажарилишида давлатимизнинг иқтисодий сиёсатига мос келиши қуйидаги таҳлиллардан ҳам тушуниб олиш мумкин. Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантириш асосида қишлоқларимиздаги мавжуд ишсизликни ечиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқишни кўпайтириш ва сифатини ошириш, қишлоқларнинг иқтисодини кўтариш, савдони ташкил қилиш, миллий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, халқаро ҳамдўстликни кучайтириш каби муҳим масалаларда катта ютуқларга эришишимиз мумкин.

Мамлакатимизда биринчи навбатда қишлоқ туризмини ривожлантиришда давлат дастури ишлаб чиқилиши талаб қилинади, иккинчи талаб эса стратегик режа яратишдир. Қишлоқ туризмини ривожлантириш режаси, давлат дастури, бошқарув таркиби, молиялаш тизими, қишлоқлардаги имкониятлар, қишлоқлардаги туристик ресурслар, қишлоқ аҳолисининг қишлоқларга туристларнинг ташрифи ҳақидаги муносабатлари, қишлоқ ижтимоий–иқтисодий ҳаётига таъсири, қишлоқ табиий ресурсларига таъсири ҳақида давлат оммавий нашрларида республикамизнинг олимлари, мутахассислари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар мутахассислари доимо илмий оммабоп мақолалар билан чиқишлари мақсадли бўлади.

Республикамизда қишлоқ туризмини ривожлантиришни мамлакатимиздаги шаҳар аҳолисининг қишлоқларда дам олиши деб тушунмоғимиз керак. Бундай хулосага келишга асос албатта туризм ва қишлоқ туризми жуда кучли ривожланган Европадаги қишлоқ туризмини географиясини ўрганиб чиқишимиз бўлди. Хатто Европада ҳам қишлоқ туризмининг ривожланишига собиқ иттифоқнинг катта салбий таъсири бор: Шимолий Европа қишлоқ туризми, Марказий Европа қишлоқ туризми, Жанубий Европа қишлоқ туризми ва Шарқий Европа қишлоқ туризми.

Қишлоқ туризмини ривожлантириш мавзусида республикамизда ҳали жиддий илмий-тадқиқотларнинг бошлан маганлигини ҳисобга олиб халқаро технологиялар ва дастурларни ўрганишимиз зарур бўлади. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда албатда Европа Иттифоқининг «Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг стратегик режалари»ни ўрганишимиз лозим. Бу стратегик режага асосан қишлоқ туризмини ривожлантириш дастурига қуйидагилар киритилган. Биз учун бу дастур анча муҳим бўлиши мумкин;

- қишлоқ туризмини ривожлантришнинг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини такомиллаштириш;
- салоҳиятли туристларга ва ривожланаётган тармоқларнинг ахборот бюроларига қишлоқ туризми ҳақидаги барча маълумотларни, ахборотларни бепул етказиб бериш;
- дастурда қатнашувчи деҳқон хўжаликларини манзили бўйича молиявий қувватлаш;

- қишлоқ инфратузилмаларини такомиллаштириш бўйича мақсадли маблағлар ажратиш;
- фермерларни дотациялаш ва имтиёзли солиқлар белгилашда рағбатлантириш сиёсатини қўллаш;
- лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторларни излаш;

Қишлоқ туризми, экотуризм ва рекреация туризмлари бири-бири билан ажралмас ҳолатларда, бевосита боғланган. Мамлакатимизнинг қишлоқларида туризмни ривожланти ришда, янги истиқболли йўналишларни ташкил қилишда ички ва халқаро экотуризм оқимини ташкил қилиш миллий туризмдаги энг истиқболли йўналишлардан бири бўлиши ҳеч шубҳасиздир. Чунки, халқаро экотуризм ривожланишини таҳлил қилганимизда халқаро экотуристлар биринчи навбатларда миллий паркларга, табиат қўриқхоналарига ва табиат буюртмахоналаридаги бетакрор табиий лашдшафтларга, биологик хилма-хил ресурларга ва эндемик ўсимликлар ва ҳайвонот турларига қизиқмоқдалар.

Қайд қилинган туризм ресурсларининг барчаси қишлоқларимиз билан ёнма-ён жойлашган. Халқаро экотуризмдаги иккинчи йўналиш эса давлатлардаги «Халқаро қизил» китобдаги ўсимликлар ва ҳайвонот оламига қизиқмоқдалар. Халқаро экотуризмдаги учинчи йўналишда экотуристлар ҳар бир давлатлардаги халқаро биосфера миллий паркларига, резерватларига ва алоҳида муҳофазадаги табиий ҳудудларга қизиқмоқдалар. Келтирилган экотуризм ресурслари ҳам қишлоқларимизда ҳисобланади.

Хулосалар:

1. Ҳар бир қишлоқларимизни, уларнинг маданий, моддий ва табиий ресурслари, маданий ландшафтлари, қишлоқ ҳаёти ва бошқа ресурсларни нодир, бетакрор деб қабул қилишимиз лозим.

2. Давлатимиз қишлоқ туризмини ривожлантириш билан бирга ўз мамлакатимизнинг энг муҳим ва долзарб ижтимоий–иқтисодий муаммоларини ҳал қилади. Истиқболда қишлоқ туризмини қуйидаги йўналишларда ривожлантириш мақсадли деб ҳисоблаймиз:

- Қишлоқларда иш билан бандликни ҳал қилишда қишлоқ туризмининг имкониятлари катта ва қулайлигига мўлжалланган йўналиш;
- Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодини кўтаришда қишлоқ туризмини ихтисослашган ривожлантиришга мўлжалланган йўналиш;
- Қишлоқда маҳаллий ишлаб чиқаришни кўпайтиришга мўлжалланган йўналиш;
- Шаҳарликларнинг руҳий, жисмоний дам олишини таъминлашга мўлжалланган йўналиш;
- Қишлоқ маданияти, урф–одатини ҳурмат қилиш ва қишлоқ табиатини муҳофаза қилишга мўлжалланган йўналиш.

ТУРИСТИК ИНДУСТРИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ

Ш.Ў.Ташматов- СамИСИ, асс

Аннотация: *Туризмда инновациялар – бу янги туристик маршрутлар, лойиҳалар ва шу кабиларни фан, техника, IT-технологиялар ютуқлари, шунингдек, бошқарув ва маркетинг соҳасида илғор тажрибаларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқиш, яратиш бўлиб, уларнинг жорий қилиниши аҳоли бандлик даражасини ошириш, даромадлар ўсишини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тезлаштириш ҳамда мамлакат ва ҳудудларнинг туристик имиджини яхшилаш имконини беради.*

Калит сўзлар*: инновациялар, инновацион тизим, инновацион стратегия, туристик хизматлар бозори, туризм*

Аннотация: *Инновации в туризме – это разработка, создание новых туристских маршрутов, проектов и т.д. с применением достижений науки, техники, IT-технологий, а также передового опыта в областях управления и маркетинга, внедрение которых позволит повысить уровень занятости населения, обеспечить рост его доходов, ускорить социальноэкономическое развитие и улучшить туристский имидж страны и регионов.*

Ключевые слова: *инновации, инновационная система, инновационная стратегия, рынок туристских услуг, туризм*

Abstract: *Innovations in tourism includes development, creation of new tour itineraries, projects, etc. with utilization of achievements of science and technologies, IT-technology, and advanced experience in a field of management and marketing, implementation of which will allow to increase occupational level, to provide growth of its income, to increase acceleration of social-economic development, to improve touristic image of country and regions.*

Keywords: *innovations, innovative system, innovation strategy, touristic service market, tourism*

Иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичидаги муҳим жиҳат - мамлакатлар иқтисодий ўсишининг асоси сифатида инновацияларнинг ролини ошиши, шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг юқори техника ва ностандарт номоддий активлар ҳисобига рақобатлашишга интилиши ҳисобланади.

Инновацион маҳсулотлар ва технологияларни хўжалик оборотига кенг жорий қилиш иқтисодий риовжланиш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашнинг ҳал қилувчи омилига айланди.

Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётни бошқаришдаги ташкилий-иқтисодий механизмининг ривожталаб нуқтаси инновацияларни бошқариш механизми ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида инновациялар иқтисодиётнинг жадал ривожланишига кўмаклашиши, фан ва техниканинг охирги ютуқларини ишлаб чиқаришга тезда жорий этилишини таъминлаши, истеъмолчиларнинг турли хил юқори сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириши лозим.

Айниқса, туризм соҳасида инновацияларнинг роли беқиёс. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, туристик индустрия даромади ва ривожланиш динамикаси бўйича фақатгина нефт ва газни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш саноатидан ортда қолмоқда.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти маълумотларига кўра туристик бизнес ишлаб чиқариш-сервис бозори оборотининг 10 %ни таъминлайди, унинг жаҳон инвестициялари умумий ҳажмидаги улуши 7%ни ҳамда барча солиқ тушумларидаги улуши 5%ни ташкил қилади[60].

Давлат статистика қўмитаси маълумотларида келтирилишича, айни пайтда туризмнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши жуда паст — атиги 2 фоиз атрофида. Туризм фаолиятини амалга оширган фирма ва ташкилотларнинг сони эса қарийб 400 та бўлиб, уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (73,4 фоиз), Самарқанд (13,1 фоиз), Бухоро (4,5 фоиз) ва Хоразм (1 фоиз) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Бошқача айтганда, Ўзбекистондаги сайёҳлик хизматлари кўрсатишга ихтисослаштирилган фирма ва ташкилотларнинг 92 фоизи, сайёҳларнинг 93,1 фоизи ушбу 4 та ҳудудга тўғри келади[61].

Шу сабабдан ҳозирги кунда мамлакатимизда туристик индустрияга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда мамлакатимизда туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақоми берилиши бунга яққол мисол бўла олади. Шундай экан, туризм соҳасида инновацион жараёнларни такомиллаштиришга кўмаклашиш, туристик бизнесда янги товарлар ва хизматлар ҳамда бошқарувнинг янги технологияларини яратишга ёрдам бериш бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади. Инновацияларни ривожлантириш ҳам давлат миқёсида ҳам туристик ташкилотлар миқёсида амалга оширилиши лозим. Айнан инновацион ўсиш рақобатбардош товар ва хизматларнинг яратилиши ва реализация қилинишига, нафақат корхона, балки бутун туристик йўналишнинг иқтисодий ҳолатини соғломлашишига олиб келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида туристик ташкилотлар янги маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқиш зарурияти ва у билан боғлиқ иқтисодий манфаатларни янада кўпроқ англашмоқда. Ўзининг бой маданий мероси ва улкан туристик салоҳияти, шунингдек, бетакрор табиати ва сўлим гўшалари билан Ўзбекситон туристик соҳани инновацион ривожлантириш учун барча имкониятларга эга.

Давлатнинг туристик ташкилотлар инновацион фаолиятига таъсир этиш дастаклари сифатида инновацион фаол ташкилотларга солиқ имтиёзларини бериш, махсус илмий-техник, солиқ ва кредит-молиявий сиёсат юритиш, туристик тармоққа миллий ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун қулай шароит яратиш, амортизацион сиёсатни такомиллаштириш, фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашни келтириш мумкин.

Туристик индустриядаги инновациялар, асосан, янги туристик маҳсулотларни, маркетинг фаолиятидаги янгича ёндашувларни шакллантиришга, шунингдек, бошқарувнинг IT-технологиялар асосидаги янги усулларини жорий қилишга қаратилади. Инновацияларни жорий қилиш туристик корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Туризмнинг янги шаклларини яратиш ҳамда истиқболли шаклларини ривожлантириш туристик хизматлар бозоридаги истеъмолчилар талабларининг ўсишига олиб келади.

[60]www.unwto.org.en [Электрон ресурс] // Бутунжаҳон туристик ташкилоти сайти.
[61] О. Ҳамидов. Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси тараққиётининг бугунги аҳволи қандай? [Электрон манба] http://kun.uz/

Туризмнинг инновацион ривожланиш даражасини белгиловчи қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

- бозор конъюктураси ва рақобат (ички ва ташқи бозорлардаги);
- ташқи муҳит (фан ва техника тараққиёти даражаси, меъёрий ва ҳуқуқий базанинг такомиллашуви, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик);
- кадрлар (олимлар, мутахассислар, тадбиркорлар, менежерлар, сиёсий арбоблар, давлат хизматчилари);
- ресурслар (табиий, ишлаб чиқариш, молиявий, илмий-техник, технологик, инфратузилма).

Туризмда техника, технология, иқтисодий, бошқарув ва ижтимоий соҳалардаги янгиликлар бир-бирига боғлиқ, яъни бир соҳада янгиликнинг жорий этилиши учун бошқа соҳаларда ҳам ўзгаришларни амалга ошириш зарур. Масалан, турни факс орқали эскича брон қилишдан воз кечиш ва тур тасдиғини бир лаҳзада олиш имконини берувчи янги “on-line бронлаш” тизимига ўтиш учун компания ўз ходимларини ўқитиши, мос дастурий таъминотга эга компьютерларни ўрнатиши, оператор ва мижоз ўртасидаги шартнома шартларига ўзгартиришлар киритиш каби ишларни амалга ошириши лозим. Бунда туроператор азираларни қайта ишлаш бўйича вақтини тежайди, турни расмийлаштириш жараёнини тезлаштиради, ўз тезкорлиги билан янги мижозларни жалб қилади.

Туристик индустрия корхоналарининг инновацион стратегияларини шакллантириш ҳамда туризм соҳасидаги инновацион ғояларнинг кейинги реализацияси (автоматлаштириш, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, туризмнинг янги шакллари ва янги туристик маршрутларни, меҳмонхона хизматларидаги янгиликларни ишлаб чиқиш ва ш.к.) учун тармоқ ва бозор талабларига жавоб берадиган, инновацияларни бошқариш тизими зарур. Янги тур маҳсулотнинг яратилиш самарадорлиги, унинг ривожланиш суръатлари бутунлай янги эҳтиёжни қондирувчи ёки истеъмолчилар бозорини кенгайтириш имконини берувчи янги маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги инновацион фаоллик билан аниқланади. Инновацион фаоллик инновацион жараён орқали юзага чиқади ҳамда иқтисодий ўсиш ва турмуш даражаси ошишининг зарурий шарти ҳисобланади.

Шундай қилиб, туристик индустриянинг инновацион ривожланиши – мураккаб жараён. Унда хизматлар истеъмолчилари, давлат бошқарув органлари, шунингдек, фаолияти туристик ва инновацион фаолият соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий актлар билан қатъий белгиланувчи, туристик индустрия корхоналари ва туристик фирмалар ҳарактага келтирилади. Туризмни инновацион ривожлантиришнинг самарали усулларини яратиш учун аниқ туристик йўналиш ривожланишининг тарихий ва маҳаллий шароитларини ҳисобга олувчи, хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли кўрсаткичларнинг бутун кўламини баҳолаш, туристик ресурслар ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, туризмдаги инновацияларни таснифлаш зарур.

Туризм индустриясининг инновацион ривожланиши – бу фан, техника, IT-технология ютуқларини, шунингдек, бошқарув ва маркетинг соҳасидаги илғор тажрибани қўллаган ҳолда янги туристик маршрут, маҳсулот, хизмат ва шу кабиларни ишлаб чиқиш ва яратиш бўлиб, уларни жорий этиш аҳоли бандлигини ошириш, даромадлар ўсишини таъминлаш, давлат ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда туристик жозибадорлигини ошириш имконини беради.

Туристик бозор ривожланиш динамикасининг талаблари туризмни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий актларни, шунингдек, туристик индустрия ҳолатига таъсир кўрсатувчи тармоқлараро қонунчиликни доимо такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Умуман, туризм соҳаси инновацион ривожланиши учун барча зарурий шароитларга эга.

TURIZM SOHASIDA KADRLAR SIFATINI YANADA OSHIRISHNING USTUVOR JIHATLARI: MILLIY VA ZAMONAVIY YONDOSHUVLAR

Berdimurodov A.Sh – SamISI, “Xalqaro turizm va turizm servisi” kafedrasi assistenti

Annotatsiya: *Maqolada turizm va mehmondo’stlik sohasi uchun kadrlar tayyorlashning amaldagi tizimi bilan bog'liq masalalar yoritilgan. Iqtisodiyotning ushbu sektorini jadal rivojlantirish lozimligi tufayli oliy ta'lim va mehnat bozori o'rtasidagi aniq hamkorlik tizimini yaratish talab etiladi.*

Kalit so’zlar: *kadr,kadrlar tayyorlash,turizm, mehmondo’stlik, soha, turistik xizmat, tajriba.*

Аннотация: *В статье рассмотрены вопросы, связанные с существующей системой подготовки кадров для сферы туризма и гостеприимства. В связи с активным развитием этой сферы экономики возникла необходимость четкого взаимодействия системы высшее образования и рынка труда.*

Ключевые слова: *кадр, подготовка кадров, туризм, гостеприимство, сфера, туристские услуг, практика.*

Annotation: *The article deals with issues related to the existing system of training personnel for tourism and hospitality. In connection with the active development of this sector of the economy, there was a need for a clear interaction between the higher education system and the labor market.*

Keywords: *staff, personnel training, tourism, hospitality, sphere, tourist services, practice.*

Zamonaviy sharoitda turizm va mehmondo'stlik sohasi – bu iqtisodiyotning eng katta va tez rivojlanayotgan sohasi hisoblanadi. Turizm infratuzilmasining barcha sohasida turizm va mehmondo‘stlik asosiy o‘rinni egallaydi.

Turizm bo’yicha raqobatbardosh mamlakatlar reytingida Butunjahon turizm tashkilotining e’tirof etishicha, mamlakatimiz turizm sohasining rivojlanish darajasiga ko‘ra 150-o‘rinni band etib turibdi. Butun jahondagi turistlarning bor yo‘g‘i 0,2 foizigina yurtimiz hissasiga to‘g‘ri kelmoqda. Vaholanki, bunda O‘zbekistonning salohiyati 2 foizga tengdir. Bu haqda Normativ-huquqiy hujjatlar muhokamasi saytiga joylashtirilgan O‘zbekiston Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida o‘rta istiqbolda turizmni rivojlantirish bo‘yicha Konsepsiyasini hayotga tatbiq etish choralari to‘g‘risida”gi qarori loyihasida so‘z yuritilgan. Xo‘sh, ko‘plab imkoniyatlar mavjud bo‘lgan holda, nima uchun turizm sohasining rivojlanishi jadal kechmayapti?

Albatta, mamlakatda turizm sohasining rivoji ko‘plab omillar – iqtisodiy, siyosiy, geografik, ijtimoiy, demografik, ilm-fan, axborot texnologiyalari, turistik resurslar, infratuzilma, kapital, kadrlar kabilar bilan chambarchas bog‘liq. Biz hozir turizm sohasida kadrlar tayyorlash tizimi oldidagi vazifalar, kadrlar sifatini yanada oshirish, bu borada amalga oshirilayotgan ishlar va kutilayotgan natijalar hususida so‘z yuritsak. Zero,

turizmda xizmat ko’rsatishda eng muhim yo’nalishlardan biri malakali kadrlar tayyorlash tizimining mavjudligidir.

Mamlakatimizda 550 dan ortiq turistik korxonalar – turoperatorlik tashkilotlari mavjud bo’lib, bugungi kunda turizm sohasida 200 mingdan ortiq kishi mehnat qilmoqda[62]. Demak, o’rtacha olganda har bir turistik firmada 3,6 kishi mehnat qilmoqda[63]. Bu ko’rsatkich xalqaro natijalarga nisbatan ancha kam hisoblanadi.

Mamlakatimizda Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, Toshkent iqtisodiyot universiteti, Qarshi davlat universiteti, Buxoro davlat universiteti singari oliy ta’lim muassasalari turizm sohasida har yili yuzlab mutahassislarni tayyorlab kelmoqda.

Ushbu kadrlarning bilim darajasini, amaliy ko’nikmalarini yanada oshirish borasida qilinadigan ishlar anchagina bisyor ekanligini aytishimiz mumkin. Bu borada qilinishi lozim bo’lgan ishlar nimalardan iborat?

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 2 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining turizmsohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonida “…turizm tarmog‘i uchun, ayniqsa menejment va marketing sohasida malakali kadrlarni sifatli tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish, gidlar (ekskursiya yetakchilari) tayyorlash, turizm faoliyati sub’ektlari xodimlarini muntazam ravishda qayta tayyorlash va malakasini oshirish…”[64] o‘rta muddatli istiqbolda turizm sohasidagi davlat siyosatining maqsadli vazifasi va ustuvor yo‘nalishi etib belgilandi.

Shuningdek, mamlakatimiz rahbari mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruzasida “…Oxirgi yillardaturizmdek muhim sohakompleks rahbarining zarur darajadagi e’tiboridan chetda qolib ketdi. Bu xatoni so‘zsiz va eng muhimi, natijali ravishda to‘g‘rilash kerak…”[65] – deya alohida ta’kidlab o‘tdilar.

Turizm sohasida ta’lim tizimini muntazam isloh etish, o‘qitishning zamonaviy usul va vositalarini takomillashtirish, ta’lim mazmunini boyitib borish, demak, bugungi kunning ham dolzarb talabi bo‘lib qolaveradi.

Kadrlar tayyorlash milliy tizimining globallashuv jarayonida bozor talablariga to‘liq javob bermasligi, ta’lim tizimida o‘quv jarayonining moddiy-texnika va axborot bazasi takomiliga yetkazilmaganligi, yuksak malakali pedagog kadrlarning yetishmasligi, turizm bo’yicha hozirgi zamon talablariga mos o‘quv-uslubiy va ilmiy adabiyotlar kamligi, fan, ta’lim va ishlab chiqarish o‘rtasida o‘zaro aloqaning zaifligi tizimdagi asosiy kamchiliklardan hisoblanadi.

Oliy ta’lim muassasalari hamda mamlakatdagi turistik firmalar, mehmonxonalar, turistlarga transport va ovqatlantirish xizmatlarini taqdim etuvchi korxonalarning samarali hamkorligini ta’minlash, ushbu sohada tayyorlanayotgan kadrlarning bilimi sifatining yanada oshirilishiga xizmat qiladi. Shu bilan birga turistik korxonalarning buyurtmalarini shakllantirish mexanizmlarini yanada takomillashtirish ham dolzarb masala sanaladi.

---

[62] O’zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti Islom Karimovning BMT Jahon turizm tashkilotini Ijroiya kengashi 99-sessiyasining ochilish marosimidagi nutqi. // Mohiyat. 2014, 3 oktyabr, №40.

[63] I.S.Tuxliyev, R.Hayitboyev, B.SH.Safarov, G.R.Tursunova “Turizmasoslari” darslik. T.: Fan va texnologiya, 2014 y. – 208 b.

[64] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasining turizmsohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni. O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to‘plami, 2016 y., 49-son, 558-modda, 2017 y., 1-son, 3-modda.

[65] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruzasi, 2017 yil, 14 dekabr.

Turizm sohasida kadrlar tayyorlash tizimiga byudjetdan tashqari mablag‘lar, shu jumladan, hususiy sektor vakillari mablag’larini jalb etish mexanizmlarini ishlab chiqish va amaliyotga joriy etish lozim. Kadrlar tayyorlash tizimini mamlakat iqtisodiy va ijtimoiy taraqqiyoti istiqbollaridan, jamiyat ehtiyojlaridan, texnika va texnologiyalarning zamonaviy yutuqlaridan kelib chiqqan holda qayta qurish talab etilmoqda.

Kadrlar tayyorlash sifatini ta’minlash, ularning bilim va malakalarni juda mukammal egallashlari uchun Yevropaning rivojlangan davlatlari ta’lim tizimida qabul qilingan “Jamoatchilik va kadrlar buyurtmachilari” tamoyillaridan keng foydalanish ham yaxshi samara beradi.

Turizm rivojlangan davlatlar, Yevropa davlatlari shuningdek, xalqaro standartlar, zamonaviy ilm-fan yutuqlarini inobatga olgan holda, o‘quv dasturlari, darsliklar va o‘quv qo‘llanmalari, o‘qitish uslubiyatini muntazam takomillashtirish turizm fanlarini o‘qitishning amaliy tizimlarini joriy etish, o‘qitishning barcha bosqichlarida xorijiy tillarni o‘rganishni kengaytirish lozim. Shu bilan birga, pedagog va olimlarning xalqaro turizm bozori sharoitlariga moslashishini ta’minlash muhim ahamiyatga ega.

Oliy o‘quv yurtlarida kadrlar tayyorlash, ta’lim tizimini isloh qilishning jahonda tan olingan, tajribada isbotlangan 4 ta modeli mavjud. Bular AQSh, Fransiya, Germaniya va Yaponiya modellaridir. Ular, garchi, umumiy qoida va yo‘nalishlar bo‘yicha bir-biriga yaqin bo‘lsa-da, lekin ushbu mamlakatlarning hozirgi iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy holati, milliy xususiyatlari hamda fuqarolarning yashash sharoitidan kelib chiqib, farq qiladi[66].

Osiyo, Yevropa va AQShning rivojlangan mamlakatlar safidan o‘rin olishida ushbu mamlakatlar universitetlarida zamonaviy ilm-fan, texnika, texnologiyalar yutuqlarining qo‘llanishi asosiy rol o‘ynagan. Ularning fan, texnika-texnologiyalar sohasida boshqa davlatlardan tezda o‘zib ketganligining sababi shundaki, avvalo, ushbu mamlakatlarda erkin va ijodiy fikr qadrlanadi. Har bir insonga noyob iste’dod egasi deb qaraladi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida mamlakatimizning barqaror taraqqiyotini ta’minlashda xizmatlar sohasi, hususan turizm xizmatlari muhim rol o‘ynaydi. Ta’kidlab o’tish lozimki, bugungi kunga kelib mamlakatimiz rahbariyati ushbu sohalarga katta e’tibor qaratmoqda, bu borada bir qator huquqiy-me’yoriy hujjatlar, dasturlar qabul qilinib, amaliyotga joriy etib kelinmoqda.

Yuqorida aytib o’tilganidek, turizm fanlarini o’qitishda zamonaviy usullardan, ko’rgazmali va taqdimot materiallaridan keng foydalanish talabalarning bilimlarini chuqurlashishiga asos bo’lib xizmat qiladi.

Dars jarayonlarini olib borishda talabalarning turizm sohasiga qiziqishlarini yanada oshirish, soha yangiliklaridan, chiqarilayotgan yangi qaror va farmonlar haqida ma’lumotlar berib borish, keys-stadi, muammoli vaziyatlar yuzasidan materiallardan foydalanish, barcha talabalarga o’z fikrlarini mustaqil bayon etishlari uchun imkoniyat berish, ularda guruh bo’lib ishlash tajribalarini oshirish muhimdir.

Hozirgi kunda turizm fanlaridan o’quv-uslubiy majmualar tayyorlashda xorijiy adabiyotlardan keng foydalanish, dars jarayonida xorijiy tajribalarni qo’llash amaliyotga joriy etilmoqda. Albatta bu ishlarning ijobiy natijasi tez orada ko’zga tashlanadi.

Yana bir muhim jihat shundan iboratki, ta’lim va ishlab chiqarish sohasi o’rtasida hamkorlik aloqalarining yaxshi yo’lga qo’yilishi amaliy bilimlarning yanada boyishiga zamin yaratib, talabalarning kelajakda yetuk kadr bo’lib yetishishni ta’minlaydi. Bugungi kunda turizm sohasida faoliyat yuritayotgan korxona va tashkilotlarning deyarli barchasi

[66]Rashid Qulmatov “Ta’lim tizimi: muammo va yechimlar”. www.uzhurriyat.uz. 2017 yil 22 fevral.

hususiy mulkchilikka asoslanganligini inobatga oladigan bo'lsak, ular bilan oliy ta'lim muassasalarining hamkorlik aloqalarini o'rnatishda ko'plab muammolar paydo bo'lishiga sabab bo'lmoqda.

Ushbu masalaning yechimini topishda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 2 dekabrdagi PQ-2666-sonli qarori asosida tashkil etilgan O'zbekiston Respublikasi Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi hamda uning hududiy boshqarmalari jonbozlik ko'rsatishlari lozim deb hisoblayman.

Zero, mazkur qarorda qo'mita faoliyatining asosiy vazifalari va yo'nalishlaridan biri etib turizm faoliyati sub'yektlari xodimlarini muntazam ravishda qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirishni yuqori sifat darajasida tashkil etish, tarmoq turizm fanlarini rivojlantirishga ko'maklashish belgilangan[67].

Hususan, qo'mitaning Samarqand viloyati hududiy boshqarmasi boshchiligida turistik firma va mehmonxonalar, turistlarga xizmat ko'rsatuvchi tashkilot va korxonalar, oliy ta'lim muassasasi xodimlari hamda bitiruvchi kurs talabalari ishtirokida seminarlar, davra suhbatlari o'tkazish, bugungi kunda soha oldidagi asosiy muammolar, ularning yechimi yuzasidan fikr-mulohazalar yuritish kerak. Institut talabalarining xizmat ko'rsatish korxonalariga, turistik tashkilot xodimlarining esa oliy ta'lim muassasasiga muntazam tashriflarini amalga oshirishni tashkillashtirish turizm sohasida kadrlar tayyorlash sifatini yanada oshishiga imkon berar edi.

Shu bilan birga bunda ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish korxonalarida faoliyat ko'rsatayotgan xodimlarning ham qayta tayyorlanishiga va malakalarining oshishiga imkon yaratilar edi.

Soha kadrlarini ish bilan ta'minlashda esa hududiy ish bilan bandlik markazlari oliy ta'lim muassasalari bitiruvchilari to'g'risida to'liq ma'lumotga ega bo'lib, har bir yosh mutaxassisning bilimi, qobiliyati va ko'nikmalaridan kelib chiqqan holda ish o'rinlari topishga ko'maklashishlari maqsadga muvofiqdir. Bu esa har bir hududning iqtisodiy rivoji uchun xizmat qiladi. Ko'pchilik korxonalarning dasturlarida yosh mutaxassislar stajirovkalari, ustoz va shogirdlik shakllari, shu asosda ularda korporativ madaniyatni shakllantirish vujudga kelmoqda.

Yosh mutaxassislar ish bilan bandligini ta'minlash maqsadida yoshlar o'rtasida o'tkazilayotgan tadbirlarning yangi shakllarini rivojlantirish kerak: yoshlarning mehnat birjalari, "Yoshlar amaliyotlari" dasturlari va h.k.

Kelgusida ham turizm fanlarini o'qitishda rivojlangan mamlakatlar tajribalarini chuqur o'rganib, yurtimizga xos xususiyatlar, qadriyatlar, sharoitlarni inobatga olgan holda turizm sohasida kadrlar tayyorlash tizimini tubdan modernizatsiya qilib borish, nazariy va amaliy bilimlarni birgalikda talabalarga yetkazish lozim bo'lib qolaveradi.

[67] O'zbekistonRespublikasiPrezidentining "O'zbekistonRespublikasiTurizmnirivojlantirishdavlatqo'mitasifaoliyatinitashkiletishto'g'risida"giqarori. O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to'plami, 2016 y., 49-son, 559-modda.

ЭКОТУРИЗМГА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ХАЛҚАРО ЭКОТУРИЗМ МОДЕЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Хаитбоев Р- СамИСИ катта ўқитувчиси
Махмудова А - СамИСИ ассистенти

Аннотация: *Мақолада Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш учун малакали кадрлар тайёрлашда халқаро экотуризм моделларидан фойдаланиш йўллари келтирилган.*

Аннотация: *В статье предложены пути использования международных моделов экотуризма в подготовки квалифицированных кадров для развитие экотуризма в Узбекистане.*

Annotation: *In the article the ways of using international modeliv of ecotourism in the training of qualified personnel for the development of ecotourism in Uzbekistan.*

Keywords:*national Park, a model of ecotourism, an ecotourism company, regional programs, standard, Etalon, leader rating, aborigine, state, ecosafari.*

Калит сўзлар: *миллий парк, экотуризм модели, экотуристик компания, ҳудудий дастурлар, стандарт, эъталон, лидер, рейтинг, абориген, штат, муаммолар, тропик ўрмонлар, экосафари,*

Ключевые слова: *национальный парк, модел экотуризма, экотуристическая компания, региональные программы, стандарт, эъталон, лидер, рейтинг, абориген, штат, экосафари.*

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли Фармонида:

-“Мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини–....*экологик туризмни....ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш”* белгиланган.

“Фармон”да экотуризмни ривожлантириш алоҳида таъкидланганлиги ҳам, экотуризмни жадал ривожлантиришнинг жиддий муаммоларини аниқлашимиз ва бу муаммоларнинг ечимларини ишлаб чиқишнинг илмий-амалий тадқиқотларни бошлашимиз нинг вақти келди. Экотуризмни ривожлантиришдаги кўплаб муаммолар ҳам мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришга киришганимиздан кейингина аниқланмоқда. Ривожланишини бошлаган ҳар қандай соҳа ўз тараққиётига, истиқболига босқичма-босқич етиб боради албатда. Биринчи навбатда ана шу босқичлардаги муаммоларни бажарилиш даражалари ва кетма-кетлигини аниқлаш талаб қилинади. Ҳозирга келиб, Республикамизда экотуризмни ривожлантиришда ечимлари жиддий бўлган муаммолари ҳам юзага чиқмоқда. Бу муаммоларнинг биринчи навбатда ўз ечимини кутиб тургани, экотуризм учун миллий малакали кадрлар тайёрлаш ҳисобланади

Биз илмий мақолаларимизда, яратаётган услубий, ўқув қўлланмаларимизда туризм кучли ривожланаётган давлатларнинг ривожланиш рақамларини келтирамиз, бу рақамларни таҳлил қиламиз. Ваҳоланки, туризм жадал ривожланаётган мамлакатларнинг туризмни ташкил қилиш ва туризм хизматларини кўрсатиш тажрибаларини биринчи навбатларда ўрганишимиз ва уларнинг

туризмдаги самарали фаолиятларини, ихтисослашувини, кадрлар тайёрлаш, илғор технологияларини миллий туризмга тадбиқ қилишга жиддий эътибор беришимиз керак эди.

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришнинг мақсади ва вазифаларини амалга оширишда экотуризмга малакали кадрлар тайёрлашда халқаро моделларни ўрганиш ва қўллаш кутилган натижаларни беради. Жаҳонда экотуризмни ривожлантиришда ягона, ҳар бир давлатларнинг табиий иқлим шароитига, улардаги туризм ресурсларидан фойдаланишда тўғридан-тўғри мос келадиган, қулай бўлган моделлар ёки усуллар ҳозиргача ишлаб чиқилган эмас. Лекин,экотуризмни ривожлантиришда миллий парклардан ва давлат табиий қўриқҳоналаридан фойдаланиш масалалари яхши тадқиқ қилинган.

Экотуризмни ривожлантиришда миллий парклар стандарт, эъталон вазифасини ўтамоқда. Ҳозирги вақтда экотуризм ва рекреация туризмларини ривожлантиришда миллий парклардан фойдаланишнинг 6 та модели замонавий, тан олинган моделлар ҳисобланади. Бу халқаро моделларнинг иккитасида экотуризмга малакалаи кадрлар тайёрлаш алоҳида мақом билан қўйилган. Ўзбекистон экотуризмига малакали, замонавий экотуризм кадрларини тайёрлашда бу моделларни ўрганишими ва қўллашимиз кутиладиган самарани бериши аниқ.

Австралия экотуризмни унинг тамойилларига асосланиб ташкил қилган ва жаҳонда экотуризмни илмий-амалий қоидаларига асосан ривожлантираётган лидер давлат ҳисобланади. Бу давлат экотуризмни ўз давлатининг ҳудудларида ташкил қилганда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланти ришнинг давлат дастурларини ишлаб чиқади ва ҳудуднинг табиий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда экотуризмни ривожлантириш имкониятларини ўрганади.

Энг муҳими шундаки, экотуризмни ташкил қилишда маҳаллий абориген аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳисобга олинади ва экотуристик хизматларни амалга ошириш тўлиқ уларга топширилади(маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш). Иккинчидан, мамлакатдаги штатлар маъмуриятининг таклиф ва тавсияларини ҳам тўлиқ ҳисобга олади.

Австралияда экотуризм мутахассисларини (кадрларни) тайёрлаш қуйидагича:

1.«Australian Eco Adventures» туроператор-Бутун Австралия экотуризми бўйича;

2. «Nature& Adventure»- туроператор- Австралиянинг жанубий-шарқида дам олиш ва экотуризм(қўшимча- китларни кўрсатиш);

3. «Kirrama Wildlife Toures» -туроператор- Шимолий Австралияда китлар ва қушларни кўрсатиш турлари(гид бошчилигида);

4. «Chambers Wildlife Rainforest Lodle»- Квинисленд штатидаги тропик ўрмонларидаги экзотик меҳмонхонада(Атбертон платоси) дам олиш, тропик ҳайвонларни кўрсатиш ва тропик ўрмонга экотурлар;

5.«Wait–A-While Environmetal Toures»-Австралиянинг табиий минтақалари бўйича экотурлар;

6.«Widernecc Safaris»-экотуризм бўйича аккредитланган компания- Кернс шаҳари атрофидаги тропик ўрмонларга экотурлар ва экосафарилар;

7.«Eco Escapes»- Экотуризм бўйича Янги Жанубий Уэльс штатидаги компания;



8.«One World Travel»-туроператор-Австралия бўйича ва Австралиядан ташқарида барқарор экотуризм ва маданий дам олиш турлари;

9.«Western Geographic Ecotours»-туроператор-Ғарбий Австралия штатининг ички районларига экотурлар.

Халқаро экотуризм бозорида юқорида келтирилган, энг оммавийлашган 9 та экотуристик маршрут рейтинги бўйича Австралия сўнги ўн йилликда биринчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Австралияда экотуризм билан 9 та миллий компания шуғулланади.

Биргина “Australian Eco Adventures” миллий экотуризм компаниясининг 75та турмаҳсулоти (экотуристик маршрути) халқаро экотуризм бозорида сотилади. Бу компаниянинг китларни кузатиш ва томоша қилиш экотурини халқаро экотуристлар навбат кутиб олишади. Австралия кенгуриси бўйича 3 та миллий экотуристик компаниялар ҳам фақат халқаро экотуристларни кутиб олишга ихтисослашган.



Германияда 122та туристик фирмалар фақат экотуризмни ривожлантиришга ихтисослашган. Ушбу туристик фирмаларнинг Германиядаги иш фаолиятлари қуйидагича:

- 50% туристик фирмалар дунё бўйича экологик турларни ишлаб чиқади ва халқаро экотуристик бозорга чиқаради (халқаро экотуристик хизматларни ҳам ўзлари ташкил қилади);
- экотуризм операторлари Европа давлатлари бўйича экологик турларни ишлаб чиқади ва Европа давлатларига чиқаради (экотуристик хизматларни ҳам ўзлари ташкил қилади);
- экотуризм операторлари Германиянинг табиати ва биологик хилма-хил ресурсларига экотурларни ишлаб чиқади ва экотуристик хизматларни ташкил қилади;
- 44 та туроператорлар халқаро миқёсдаги экотур операторлари ҳисобланади. Бу туроператорларни АҚШ, Канада, Ҳиндистон, Африка давлатлари ва Австралияликлар жуда яхши билишади.
- экологик турларга махсус тайёргарлик бўйича давлат аттестация имтиҳонларини топширган гид-экскурсиячилар таклиф қилинади.

Германияликларнинг экологик турларни таклиф қилишида экотуристик ресурслардан максимум фойдаланиш моделларини ишлаб чиқишади. Бу моделларни яратишда экотуристик операторлар экотуристларни қизиқтирадиган асосий экотуристик объектлар атрофларидаги барча туристик объектларни жуда

яхши ўрганишади. Шу усулда улар экотуристларнинг экотурларда белгиланган вақтларини узайтиришади.

Хулосалар:

1.Экотуризмга кадрлар тайёрлашда халқаро моделларнинг тавсиф ва тарифларини,бу моделларнинг мақсади ва вазифаларини, моделлар бўйича амалга ошириладиган ишларни батафсил ўрганиш талаб қилинади.

2.Экотуризмга кадрлар тайёрлашда халқаро ва ички экотуризм мутахассислиги таълим йўналишларини ташкил қилиш лозим.

3. Экотуризмга кадрлар тайёрлашда халқаро моделларини қўллашнинг рекламаларини ишлаб чиқиш ҳамда халқаро ва ички туризм бозорларига чиқариш талаб қилинмоқда.

4.Экотуризмга ихтисослашаган экотуристик операторлар тайёрлаш таълимини ташкил қилиш вақти келди.

ЭКОТУРИСТЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ.

Камолов Б.Ҳ, Мамаджанов Б.Ҳ, Кенжаев А.Р - Наманган давлат университети Катта илмий ходим-изланувчи, инглиз тили ва экология йўналиши талабалари

Аннотация: *В этой стате даны рекомендации по окозанию некоторых способов медицинской помоши экотуристам получившим различного рода и степени травмы во время экотуристических поездок, а так же идёт реч о широком использовании разных видов мед помоши, которых своёвременно обеспечивают продолжительность поездки вприродной среде.*

Ключевие слова: *Окозание мед помоши, антропогенные воздействие, медицинские сотрудники, виды экотуристических поездок, легкая прогулка в горах, виды скалолазов, виды гребни на байдарках, телесные повреждения, экотуристическая безопасность, туристические агенства, туристические фирмы.*

Anotation: *This article recommends the particular features of the medical services when ecotourists get hurt, also gives the information about the matter of using medical services to provide the duration of the travelling to natural territories where visited in time.*

Key words: *Medical service, anthropologic affect, medical servants, the types of ecotouristic travel, walking on the mountains, the type of reaching cliffs, the type of paddling in seething rivers, wounds, ecotouristic safety, touristic organizations, tour firms.*

Ҳозирги кунда антропоген таьсирнинг ортиши натижасида глобал миқёсида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий зиддиятлар ўчоғининг пайдо бўлиши, фавқулодда вазиятларнинг кучайиши, атроф-муҳит ҳолати ва экологик вазиятнинг кескинлашуви, иқлим ўзгариши, чўлланиш жараёнларининг жадаллашуви, биологик хилма-хилликнинг йўқолиб бориши инсонларнинг бехатар яшаш даражасини таьминлашни энг долзарб муаммолар туркумига киритилмоқда.[68]

Инсонларнинг амалий фаолиятлари, ижтимоий-турмуш тарзи, табиат экзотикаларига саёҳатларни ташкил этиш ҳозирги кунда экотуризмнинг

[68]Нигматов А., Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. -Т.: “Наврўз”, 2015, Б - 4.

мақсадларидан бири ҳисобланади. Экотуризм мазмун жиҳатдан кенг қамровли ижтимоий-тарбиявий хусусиятга эга бўлган педагогик жараён ҳисобланиб, бундай жараёнда экотуристик хавфсизлик ҳам асосий мезонлар сирасига киради.Саёҳатлар давомида туристларни хавфсизлигини таъминлашда тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам асосий хизматлардан биридир.Турфирмаларда тиббий хизмат кўрсатиш малакасига эга бўлган тиббиёт ходимларини малакали кадр бўлиши алоҳида аҳамиятга эга.Чунки у туристик мижозларга янада сифатли хизмат кўрсатиш имконини бериб, туристларнинг тез фурсат ичида саломатлигини қайта тиклашда ва сафарни давом этиришида хизмати катта. Туристик тур фирмаларда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимлари ҳар қандай вазиятда қуйидаги қоидаларга риоя этиш керак.

- Вазиятни тўғри баҳолаш ва зарур бўлган биринчи тиббий хизматни кўрсатиш
- Мутахассисларни ёрдамга чақириш ва уларни ҳодиса тафсилотлари билан таништириш
- Ҳодиса рўй берган жойда бошқа хавф-хатарлар бор-йўқлигини аниқлаш

Экотуризм тармоғида ташкил этиладиган саёхатларда, жароҳатланиш ҳолатлари ҳозирги кунда кузатилмоқда. Бундай ҳолатларда саёҳатчилар биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тартиб ва қоидаларини билишлари, уни амалда қўллашларини талаб этилади. Саёҳатларнинг давомийлигида эҳтиётсизлик натижасида гулҳанда ва овқат тайёрлашда эҳтиёт чоралари кўрилмаса туристлар тан жароҳатларини олиши мумкин. Бундай кўнгилсиз ҳодисаларни бўлмаслиги учун саёҳатда ташкил қилинган навбатчилар (ошпаз, чой қайнатувчи ва ҳ.к) доимо тўла кийинган, қўлларида махсус мосламалар бўлиши талаб этилади. Умуман олганда инсон танасида куйиш ҳолатлари содир бўлса,биринчи навбатда тез ўчириш чорасини кўриш лозим.Бунинг учун кийимларни тезда ечиш, сувга ботириш, тупроқ ёки қум билан тананинг шикасланган жойига ишқалаш зарур. Туристнинг бирон-бир тана аьзосида куйиш ҳолати кузатилса, ўша жойни 10-15 минут совуқ сувга солиб туриш тавсия этилади.Куйиш терининг устки қисми ёки тўқималарининг ички томонига ўтганда тезлик билан турфирманинг ёки ҳудудга яқин бўлган шифохонадаги ҳамшира ёки шифокорга мурожат қилиши зарур.

Табиий экзотикаларга ташкил этилган саёҳатларда туристлар тунда асосан дам олиш жараёнига ҳам катта эьтибор қаратиши лозим.Тунаш пайтларида ўзлари билан олинган керакли жиҳозларни ўз вақтида хавфсиз жойларга олиб қўйиши даркор.Туристик рюзакда мавжуд бўлган ўткир учли (болта, пичоқ, қозиқ, тош ва б.қ) тиғли асбобларга урилиш ва ундан яраланишлар юз бериши мумкин. Бундай ҳолатларда яраланган жойни ювиш, жароҳатланганлик даражасига кўра дори воситаларидан фойдаланиш туристга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг айрим жиҳатларини таьминлайди. Яраланиш натижасида қон тўхтовсиз келган тақдирда қон томирини (артерия) махкам босиш ва қон отилиб чиқиши сусаймаган пайтларда яранинг юқорироқ қисмидан қаттиқ боғлаш зарур бўлади. Инсон танасининг яраланган жойи жгут билан боғланган ҳолда 1-2 соат туриши тавсия этилади. Қон тўхтамаган ҳолда 3-4 дақиқа бўшатиб, кейин яна қаттиқ боғлаш керак.

Экотуристик саёҳатларда туристлар табиат мажмуаларига бориш ва ундан қайтиш давомида кўп йўл юриш, оғир юк ва йиқилишлар натижасида инсон танасининг айрим жойларида тилиниши, тирналиши ва қавариши мумкин. Бу

ҳолатлар кўпроқ тананинг оёқ, елка ва беллар соҳаларида учрайди.Бундай ҳолатларда тезда унинг олдини олиш ва болалар креми суркаш кифоя қилади. Йиқилишлар натижасида оёқ ва қўлнинг эти эзилиши ва тери қаватида шилиниш ҳолатлари ҳам учраши мумкин. Зарарланган жойга ёд қуйиб суртиш, совуқ сув (муз) билан компресс қилиш керак.Ундан кейин қаттиқроқ боғлаб қўйиш тавсия этилади.Бўғинларнинг чўзилиши ва узилиши қаттиқ оғриқ билан сезилади.Бундай ҳолатларда совуқ сувга ботирилган бинт (материал) билан босиб туриш, кейинроқ эластис бинт ёки унинг ўрнини босадиган бирор нарса билан боғлаб қўйиш керак. Тирсак, елка, тизза ва оёқ бўғинларидан суякларида ишиш, қаттиқ оғриқ туриб,ҳаракат қилиш мумкин бўлмай қолади.Бундай ҳолларда бўғинларни ўз жойига солиш учун қўл (оёқ)ни ушлаб тортиш, секинлик билан жойлаштириш талаб қилинади. Бўғинлар ўз жойига тушгач, шина билан боғлаб қўйиш керак.Қўл ёки оёқ суяклари синганда ҳам ҳудди чиққандагидек қилиб шиналар билан қўшиб боғлаш, оғриқни қолдирувчи дори воситаларидан фойдаланиш ва тезда шифокорга мурожат қилиши даркор.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) харакат қилишга тайёрлаш тўғрисида” ги 2001йил 19 июлдаги 208-сонли қарорига илова қилинган комплекс дастурда ҳаёт хавфсизлиги соҳасига тўхталиб ўтилган. Шунга кўра табиий ҳудудларга ташкил этилаётган сайёҳатларда биринчи навбатда хавфсизлик масалаларига эътибор қаратиш лозим.Экотуристларни баландлик минтақалари томон ташкил этиладиган саёҳатларида ҳар-бир табиий мажмуага алоҳида тайёргарлик ва хавфсилик чораларини кўриш талаб этилади. Жумладан, тоғ экотуризими ва ундаги содир бўлиши мумкин бўлган фалокатларга доимо тайёр бўлишни ундайди.

Тоғларда юриш саёҳати - Тоғ экотуризмида пиёда юриш саёҳатининг давоми ҳисобланиб, биринчи навбатда бу вақтда иштирок эгувчиларнинг аксарият қисми тоғ техникаларини билиш малакаларга эга бўлиш; тоғларда мўлжал олиш (ориентирлаш); умумий сайёҳлик ва махсус тоғ асбоб-анжомларини танлаш; дастлабки тиббий ёрдамларни кўрсатиш; ҳамма керакли услуб ва хавфсизликни таьминлаш чоралари, уни амалиётда ўз ўрнида қўллашни билиб олишлари туристларнинг вазифалари сирасига киради. Туристлар томонидан тоғ ва тоғ олди ҳудудларига саёҳатлар йилнинг маьлум бир фаслларида кўпроқ кузатилади. Фасллардаги қиш ва ёз ойларида саёхатларнинг музлик ҳудудларда қўл, оёқ, қулоқ ёки юзни совуқ уруши мумкин. Бундай ҳолатларда ишқалаш, тез ҳаракат қилдириш, турли гимнастика машқларини бажартириш,юриш ҳолатини йўқотганда эса уқалаш (массаж қилисҳ), бирон материал билан ўраб ўрнатиш, бу ҳам фойда бермаганда спирт билан артиш керак бўлади, иссиқ чой ичириш, бир неча бўлак глукоза таблеткасини С витамини билан қўшиб ишириш анча фойда беради. Совуқ урган жойда пуфакчалар пайдо бўлса, пенницилин мази ёки синтомицин эмулсияси суркаб, боғланади.Жароҳатланган беморга тетрасиклин ичириш, агар аҳволи оғирлашса, анакгин, амидролин, кофеин ичириш ва беморни тибиий пунктига етказиш лозим.Қуёш нуридан келаётган кучли ҳароратнинг инсон саломатлигига салбий таьсир этмаслиги учун, аввало, инсон танасининг бош қисми учун бош кийимлари, кўзларни ҳимоясига кўзойнакларни олиб юриш ва ўз вақтида ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қояларни забт этиш - Қояларни забт этиш туризми пиёда юриш ва тоғ туризми билан бевосита боғлиқдир.Фақат тик қоялар, қояларга тирмашиб чиқиш (арқонлар, ҳимоя воситалари ва ҳоказо) билан тубдан фарқ қилади. Қорнинг ярқираши, акс нурдан кўз тез зарарланади.Шунинг учун қорли ҳудудларда доимо бир нуқтага қараш, кўз ойнаксиз юриш ман этилади.Бундай ҳолатларда зарарланган кўз, борний кислота аралашмасининг кам миқдорлиги, содалар, маргансофка калийнинг оққизғиш ҳолатига келган суюлиги ҳамда совуқ чой билан ювилади,саёҳтчи бир неча кун юришдан озод қилинади.Ёввойи меваларни ювмасдан истеьмол қилиш, ҳар бир гул ва дарахтларни ушлаш, ҳидлаш мунтазам давом этиши тақиқланади.

Тезоқар дарёларда эшкак эшиш саёҳати - Тез оқар дарёларда қайиқ, эшкак, сол ва шунга ўхшаш мосламаларда ўтириб саёҳат қилиш ҳам мазмунли саёҳатни ташкил этишида ўз ҳиссасини қўшади.Бунинг учун катта тайёргарликлар, жисмонан махсус маҳоратларга эга бўлиш талаб этилади.Саёҳатчилар ҳаётида сувга чўкиш ҳам бўлиб туради.Сувда чўкиш натижасидда ҳушдан кетганларнинг тезлик билан ичидан сувни чиқариш усулларини қўллаш керак.Беморни тиззага қорни билан ётқизиб, унинг елкасидан босиш, оғзини каттароқ очиш, оғиз ёпмаслиги учун тоза хўл рўмолча ёки бинт билан қаттиқроқ нарсани тишалтиб қўйиш лозим. Ичидан сув чиққач, ун бошини пастроқ қилиб ётқизиб қўйиш тавсия этилади.Агар инсонда нафас олиш ҳолати кузатилмаса, дарҳол сунъий нафас бериш чораларини кўриш ва амалда қўллаш лозим.Шу аснода жароҳатланган беморни оғзини-оғзига ёки бурнига оғзини биринчи тиббиий ёрдам кўрсатувчи инсон томонидан кучли нафас ёки пуфлаш ҳам инсон ҳаётини сақлаб қолишда асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, қўлларини ёзиб ва эгиб, кўкрак қафасини уқалаш, босиш ҳам мумкин.

Юқорида таькидлаб ўтилган табиат мажмуаларига туристлар томонидан саёҳатларни ташкил этишда дастлаб,табиатга антропоген таьсирни камайтириш ва шу билан бирга хафсизлик даражаларига катта эьтибор қаратиш лозим.Чунки, туризмни бошқа соҳаларига нисбатан экотуризм тармоғида туристларни кўпроқ жароҳат олиши ва уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари анча чекланган.Экотуристлар хавфсизлигини таъминлашнинг айрим муҳим омиллари ва чора-тадбирлари тўғрисида тўхталиб ўтилди. Туристларга хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳар қандай вазиятда ўзларини тута билишлари керак.Шунингдек, улар зарур ҳолда фавқулодда ҳодисанинг ёки бошқа хавфли вазиятнинг олдини ўз вақтида олишга тайёр бўлишлари лозим.

Экотуристларнинг шахсий хавфсизлиги ҳар бир турист учун зарур тушунчадир. Шу боис саёҳат даврида туристлар хавфсизлигини таъминлаш туристик фирманинг, шунингдек турист ташриф буюрган мамлакат хукуматининг бош вазифаси ҳисобланади.Туристик ташкилотлар ва давлат органлари томонидан амалга ошириладиган чора- тадбирлар мажмуи туристлар хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилади.Бундай жараёнда дам олиш ёки саёҳат жойидаги сиёсий вазият ва экологик муҳитнинг барқарорлиги муҳим аҳамиятга эга. Мазкур омиллар мавжуд бўлмаган ҳолларда экотуристик хавфсиз ҳудудлар сирасига кирмайди.Бунда саёҳатлар мамлакат ёки минтақаларда сиёсий ва экологик ҳолат тўғрисида тўғри ва тўлиқ ахборот олиш туристлар учун жуда муҳим ҳисобланади.Туристик фирма сиёсий ёки экологик жиҳатдан беқарор ҳудудларда туристлар хавфсизлигини кафолатлай олмаса, бундай минтақаларга саёҳатлар ўз

вақтида тўхталиши лозим.Туристик фирма ходимларидан фарқли ўлароқ, туристлар экотуристик ҳудуд ҳақида тасавурга эга бўлмасдан ташриф буюрса, мазкур мамлакатдаги иқлим, саёҳат чоғида қандай буюмлар, ҳимоя воситалари,дори-дармонлар керак бўлиши мумкинлигини доимо хабардор бўлмаслиги мумкин.Бундай вақтларда мазкур ҳолатларни эътиборга олиш, туристга яхши маслаҳат бериш туристик фирмаларнинг асосий вазифаларидан биридир.У ёки бу мамлакатда экомаршрутларни ишлаб чиқишга киришишдан олдин унга хавфсизлик нуқтаи назаридан баҳо бериш лозим. Шундагина туристларнинг мазмунли саёҳатлари давомийлиги янада ортиши мумкин.

Экотуристларнинг хавфсизлигини таъминлашда саёҳат давомида экскурсиялар сонининг мўътадиллиги ҳам асосий омиллар сирасига киради.Сайёҳларни бир кунлик саёҳатида таьсуротларнинг кўплиги уларни маълум даражада жисмонан ва руҳан чарчоқлик ҳиссини юқорилигин таъминлайди.Ташкил этилаётган саёҳатлар учун алоҳида даромад топадиган турфирмалар баъзан ўз мижозларига кунига уч-тўрттадан ортиқ тўлақонли саёҳатларни таклиф этиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Туристларда дастлаб саёҳатнинг биринчи, иккинчи кунларида сезиларли даражада билинмаслиги мумкин, лекин орадан бир неча кун ўтгач, туристда чарчоқлик аломатлари сезила бошлайди.Бундай ҳолатларда такрорланиш амалга ошса туристлар хаттоки саёҳат учун олдиндан тўланган сармоясидан ҳам вос кечиб тўланганига қарамай, саёҳатлардан воз кечиш ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин. Ваҳоланки, ҳар бир туристик марказларда саёҳатларни ташкил этиш марказлари мавжуд. Бир йўла йигирмадан ошиқ саёҳатни эмас, балки битта экскурсияни, бир ҳафта олдин эмас, балки бир неча соат олдин буюртма қилиш мумкин.Бу ерда нархлар одатда меҳмонхонада таклиф этиладиган нархлардан анча паст бўлади.

Туризм соҳасида хавфсизлик масалаларида туристнинг хулқ-атвор ҳусусиятлари ҳам умумий хавфсизликни асосий таркибидан жой олгани ҳаммамизга маьлум.Турист турли (диний, ирқий, сиёсий,маданий ва б.) сабабларга кўра чет элликларнинг кириши тақиқланган жойларни аниқлаб олиши лозим.Акс ҳолда туристнинг ҳаёти ёки соғлиги ёҳуд маҳаллий қонуннинг бузилиши билан боғлиқ оғир аҳволга тушиб қолишлари ҳам кузатилиши мумкин.

Ҳулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, экотуристик саёҳатлар давомида хавфсизликни таъминлашда жабрланувчиларга тез тиббий хизматларни кўрсатиш ҳам асосий хизмат турларидан биридир.Шу боис туристларни шахсий хавфсизлигини таьминлашда биринчи тиббий хизмат кўрсатиш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳар-бир туристик гуруҳларни билиши ва унга амал қилишлари даркор.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ТУРИ - ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Набиев О.А. - ҚарМИИ
Бердиев Ж.Қ- ҚарМИИ

Аннотация: *Ушбу мақолада туризмни ривожлантиришда хизматлар соҳасини янги истиқболли турлари кўриб чиқилган.*

Калитсўзлар*: туризм, хизмат, инновация, Буюк Ипак Йўли, туризм саноати, экотуризм, агротуризм, туризм инфратузилмаси.*

Аннотация: *В данной статье рассмотрены новые перспективные виды сферы обслуживания в развитии туризма.*

Ключевые слова:*туризм, сервис, инновация, Великий Шелковый путь, индлустрия туризма, экотуризм, агротуризм, инфраструктура туризма.*

Annotation: *In given article are considered new perspective kinds of service sphere in tourism development.*

Key words: *Tourism, service, innovation, The Great Silk Road, tourism industry, ecotourism, agro tourism, tourism infrastructure.*

Бугунги кунда, бутун жаҳонда, шу жумладан Ўзбекистонда туризм хизматлар бозорининг энг истиқболли турларидан бири сифатида ривожланмоқда. Туризм соҳаси дунё иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, бу соҳанинг мамлакатлар иқтисодиётида ва жаҳон хўжалигида тутган ўрни ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг таркибидаги улуши тобора ортиб бормоқда, бандлик масаласини ижобий ҳал этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, 2013 йилда туризм соҳасининг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 9,5 фоизни ташкил этган. Туризм хизматларининг умумий ҳажми 7 трлн. АҚШ долларига етган ҳамда 266 млн киши туризм саноатида иш билан банд бўлган. Кейинги 10 йилликда туризм саноатининг йилига ўртача 4 фоизга ўсиши, 2024 йилга бориб туризмнинг жаҳон ЯИМдаги улуши 10 фоизга етиши ҳамда 346 млн. киши бу соҳада иш билан банд бўлиши кутилмоқда. Бундан кўринадики, яратилган ҳар бир янги 10 та иш ўрнидан биттаси туризм саноатида яратилади. Шунингдек, жаҳон миқёсида туризм соҳасига жалб этилаётган инвестициялар умумий ҳажмда 35 фоизни, истеъмол харажатлари ҳажмида 30 фоизни, солиқ тушумлари ҳажмида 15 фоизни ташкил этмоқда. Бу шундан далолат берадики, туризм саноатидан келадиган даромадлар жаҳон миқёсида мунтазам ўсиб бормоқда ва нефт, нефт маҳсулотлари ҳамда автомобиль экспортидан тушадиган даромадлардан кейин учинчи ўринни эгаллайди.

Туризм - кўп жиҳатдан иқтисодий формация ва категориядир. У туризм ташкилотчилари учун ҳам, туризм истеъмолчилари - туристлар учун ҳам кўп қиррали иқтисодий фаолият. Жаҳон ва миллий туризм ривожланишининг ҳар бир босқичи - барча иштирокчиларнинг фаолияти, ўзига хос характеристикаси ва кўрсаткичи билан характерланади. Ҳар бир туристик ҳудуд, ҳар бир мамлакат, ҳар бир шаҳар ва жой иқтисодий фойда ва даромад олиш учун мавжуд туристик ресурсларидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилади. Туристларни жалб қилиш учун ҳатто жуда қизиқарли бўлган объектлар ва ҳодисалар учун ҳам хизмат кўрсатишнинг мос даражасини, хавфсизликни таъминловчи туристик қизиқиш ва эҳтиёжни уйғунлаштириб қондирувчи туристик индустрия (саноат) ва инфратузилма зарур.

Туризм – бу ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш функцияларига эга бўлган ва туристик индустриядан ташкил топган диверсификацияланган тармоқлараро ижтимоий маиший инфратузилма комплексидир. Туризм соҳасида рўй бераётган хўжалик жараёнлари ишлаб чиқариш - хизмат кўрсатиш жараёни бўлиб ҳисобланади. Туристик индустрия – бу меҳмонхоналар ва бошқа жойлашиш воситалари тўплами, транспорт воситалари, умумий овқатланиш корхоналари кўнгилочар воситалар, танишув, иш билан боғлиқ, соғломлаштириш ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган объектлар, туроператорлик ва турагентлик

фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар ҳамда, саёҳат хизматлари ва гид-таржимонлик хизматларини кўрсатувчи муассасалар йиғиндисидир.

Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи 10 мамлакат қаторида туради. Юртимизда 4 мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган бўлиб, улар доимо хорижликлар қизиқишини орртириб келган. Ана шуни эътиборга олиб, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида туризм саноатини ривожлантиришга, хусусан, унинг муҳим таркибий қисми бўлган меҳмонхона индустрияси, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, транспорт-коммуникация тизимини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган сайёҳлик ташкилотларининг сони ортиб бормоқда. Дам олиш масканлари сони йил сайин кўпайиб, уларда хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бораётгани, янги сайёҳлик йўналишлари таклиф этилаётгани туристлар оқимининг сезиларли даражада оширишга замин яратмоқда. Туризмнинг янги турлари: экотуризм, агротуризм, экзотик саргузаштлар каби турлари шаклланмоқда. Ўзбекистон 1993 йилда жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо бўлган.

Ўзбекистонда 2013 йилда мамлакатимиз ЯИМда туризм саноатининг тўғридан-тўғри улуши 0,9 фоизни ёки 1,1 трлн. сўмни, умумий улуши 3 фоизни ёки 3,4 трлн. сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич туризм саноатининг жаҳон ЯИМдаги улушидан ўртача 3 марта кам ҳамда туристик маҳсулотларни таклиф қилувчи рақобатчи мамлакатлардан сезиларли фарқ қилади. Охирги 10 йилликда туризм соҳасида ўртача ўсиш даражаси 7,6 фоизни (жаҳон бўйича ўртача кўрсаткич 4,5 фоиз) ташкил этган. Туризм саноатида 111 минг киши иш билан банд (жами банд аҳолининг 0,8 фоизи), умумий самарани эътиборга олганда туризм соҳасида бандлик 368,5 минг кишини ташкил этади.

Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришга, туристик хизматларнинг экспорт салоҳиятини кўпайтиришга, меҳмонхона соҳасини, йўл инфратузилмасини ривожлантиришга, шунингдек тарихий-меъморий обидаларни таъмирлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Қашқадарё вилоятида замонавий хизматлар ва сервис соҳасини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳисобига комплекс ривожлантиришни таъминлаш борасида анчагина фойдаланилмаётган заҳиралар ва имкониятлар мавжуддир. “Буюк ипак йўли”да жойлашган вилоятда дунё аҳлини мафтун этадиган осори атиқалар, муқаддас қадамжолар, сўлим масканлар жуда кўп, 1000 дан ортиқ тарихий ва табиий ёдгорликлар (Амир Темур таваллуд топган Хўжа Илғор қишлоғи меъморий обидалари; Шаҳрисабз (Кеш) меъморчилиги: Оқсарой, Доруссаодат, Доруттиловат мажмуалари; Қарши шаҳридаги Кўкгумбаз, Қамаши туманидаги Лангар ота, Қарши туманидаги Имом Мўйин ан–Насафи, Косон туманидаги Хусан ота, Касби туманидаги Султон Мирҳайдар мажмуалари ва бошқалар) мавжуд. Бугунги кунда вилоятда 20 ортиқ туристик корхоналар фаолият юритмоқда, маҳаллий чет эллик сайёҳларга меҳмондўстлик хизматлари ва сервис шароитларини яратган ҳолда хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

Вилоятда кўпгина хизмат кўрсатиш мажмуалари ишга туширилиши асосида хорижий ва маҳаллий сайёҳларни жалб этишни ошириш кўзда тутилган. Туризм

соҳасида ўрта ва юқори бўғин менежерлари, туроператорлар, турагентлар, маъмурлар, таржимонлар каби етук мутахассислар танқислиги соҳани бир томондан замон талабларида ривожланишига, бошқа томондан, туризмдан олинадиган даромадлар манбаига салбий таъсир кўрсатади.

Туризм соҳаси мамлакатимизда келажакда катта истиқболга соҳага айланади. Туризмни юқори суръатлар билан ривожланиши иқтисодиёт секторига жуда катта ҳажмда валюта тушумларини таъминлайди. Бу эса иқтисодиётни турли секторларини янада ривожланишига ҳамда сайёҳлик индустриясини шакллантиришга молиявий манбалар яратиб беради. Вилоятда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш, минтақа иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини изчил оширилишини таъминлашнинг яна бир омили сифатида келгусида туризмни янада ривожлантириш, туризм индустриясини халқаро андозалар даражасида ривожлантириш, туризм инфратузилмасини ва сервис хизматини такомиллаштириш, туристик ресурсларни асраб-авайлаш, жаҳон андозаларига мос меҳмонхоналар қуришни тезлаштириш ва фойдаланишга топшириш, туризм соҳасида мутахассис кадрларни тайёрлашга эътиборни қаратиш лозим.

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

М.И. Даминов - Сам ИСИ ўқитувчиси
А.А. Каримов - Сам ИСИ ўқитувчиси

Аннотация: *Мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида туризмни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг яшаш даражасини яхшилаш натижасида Республика иқтисодиётини барқарор ривожлантиришга бағишланган.*

Аннотация: *Данная статья посвящена стабильному развитию экономики страны е помощью улучшение качество жизни населения, созданию новых рабочих мест путем развития туризма в сельских местностях страны.*

Annotation: *This article is about creating new jobs,improving the level of daily life of people through rural tourism. Also its impact to stable development of economy of the country.*

Калит сўзлар: *Қишлоқ, фермер, этнографик туризм, ресурс, агротуризм, диний – зиёрат туризми, экологик туризм, рекреация, соғломлаштириш, тарихий – археологик туризм.*

Ключевые слова: *Село, фермер, этнографический туризм ресурс, аграгуризм, паломнический туризм, экологический туризм, рекреация, оздоровление, истерико-археологический туризм.*

Key words:*Village, farmer, ethnographic tourist resource, agro tourism, religious tourism, eco tourism, recreation, medical tourism, archeological tourism.*

Мамлакатимизда, айниқса қишлоқ жойларимиздаги мавжуд туристик ресурслардан туризм фаолиятида кенг фойдаланган ҳолда туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда самарали фаолият эканлиги исботсиз жараён. Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», 2013 йилни «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши билан қишлоқ жойларда туризм инфратузилмаси яхшиланди бу ўз

навбатида ички ва халқаро туризмни ривожлантиришда катта имкониятлар яратиб берди. Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта рол ўйнамоқда. 2013-2016-йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Шу билан бирга 2013-йилда хизмат кўрсатиш бўйича 13 мингдан ортиқ корхона, жумладан, савдо-маиший комплекслар, мини банклар ва суғурта компаниялари филиаллари ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

Ҳозирги кунда "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилиб келинмоқда.ҳукуматимиз қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш ва бу омил орқали аҳолининг яшаш даражасини яхшилашга катта эътибор бермоқда. Шу билан давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, устувор йўналишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида "Ўзбектуризм" миллий компанияси негизида Ўзбекистон Республикасида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил етилди, унинг минтақаларда бўлимлари ва ваколатли вакиллари фаолият олиб бориши белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш йўлида қишлоқ жойларда туризмни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг салоҳиятли катта имкониятлари мавжуд. Бу имкониятлар қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ жойларда туристларни жойлаштириш ва овқатлантиришнинг шаҳардагига нисбатан 2-2,5 маротаба арзонлиги;
- қишлоқ жойларининг экологик жиҳатдан тозалиги;
- экологик тоза озиқ-овқат турларининг мавжудлиги;
- халқимизнинг қадимий миллий меъросининг сақланиб қолганлиги;
- жозибадор туристик ресурслар, миллий белгилар, хусусиятга бой бўлган хизмат турларининг кўплиги ва ранг-баранглиги ва бошқ;
- миллий меърос маҳсулотлари ишлаб чиқишнинг сақланиб қолинганлиги (миллий ҳунармандчилик, устачилик маҳсулотлари ва бошқа…).

Биз қуйидаги жадвалда Навоий вилоятининг қишлоқ жойларида туристик ресурслар ва туристик салоҳият жуда юқори даражада эканлигини куриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Навоий вилоятининг қишлоқ жойларининг туристик салоҳияти

№	**Туризм турлари**	**Туристик ресурслар**	**Фойдаланиш имкониятлари**
1	Тарихий археологик туризм	Тарихий обидалар, археологик қазилмалар	Ўрта
2	Этнографик туризм	Анъанавиймаҳаллийҳаёттарзи, миллийфолклор, хўжаликфаолиятиусуллари, турлимаросимлар	Юқори

3	Қишлоқ хўжалик - агротуризм	Қишлоқ боғлари,маданий ландшафтлар ва қишлоқ хўжалик ишлари, қишлоқларнинг ўзига хос кўринишлари	Ўрта
4	Танишув саёҳати	Курслар ва семинарлар (мусиқа, касб-ҳунар, табиий соғломлаштириш манбаалари ва бошқалар)	Ўрта
5	Диний-зиёрат туризми	Муқаддас қадамжолар, черков, масжид ва бошқа зиёрат жойлари, турли диний маросимлар	Ўрта
6	Экологик туризм	Қишлоқларнинг табиий географик минтақаларда (тоғ, тоғ олди, адир, чўл, сув ҳавзалари ва бошқалар) жойлашганлиги	Юқори
7	Соғломлаштириш туризми	Минерал сув манбаалари, пансионатлар, соғломлаштириш марказлари,	Ўрта
8	Рекреация туризми	Бетакрор жойлар, даралар, булоқлар, ўрмонлар,дарё бўйлари ва бошқалар	Ўрта

Республикамизда қишлоқ туризмини ривожлантириш зарурлигининг энг асосий, долзарбмасаласи – шаҳар аҳолисининг қишлоқларда дам олишини ташкил қилиш деб тушунмоғимиз лозим. Қайд қилганимиздек, дунёда қишлоқ туризмини ривожлантириш орқали ички туризмни, сўнгра халқаро туризмни ривожлантирган ва жаҳон туризмида «лидер» ўринларни эгаллаб келаётган АҚШ, Канада, Франция, Англия, Германия, Италия,Австралия ва Испания давлатлари жаҳон туризмидаги ҳозирги мавқеъларига дастлаб қишлоқ туризмини ривожлантириш орқали эришдилар. Ғарбий Европанинг барча давлатлари ҳам бугунги кунда қишлоқ туризмини жадал ривожлантириб келмоқдалар.

Умумий қилиб олганда Европа давтлатларида қишлоқ туризмини ривожлантиришдан 3 та сиёсий холатни ташкил килиш ва 3 та манфаатни хосил килиш ҳал қилинмоқда.

1. Қишлоқ жойларда янги иш ўринларини ташкил қилиш асосида қишлоқ иқтисодиётини кўтариш, қишлоқда ишлаб чиқариш ва савдо – сотиқни кучайтириш;

2. Шаҳарликларнинг мақсадли дам олишини ташкил қилиш орқали уларнинг маблағларини қишлоқ жойларга йўналтириш;

3. Солиқ тизими орқали давлат хазинасига қўшимча маблағларни тушириш орқали қишлоқларни ободонлаштириш (туризм инфратузилмалари, транспорт коммуникациялари, меҳмонхоналар, овқатлантириш корхоналари, спорт иншоотлари ва бошқ…).

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ жойларда ички туризмни ривожлантириш учун қўйидаги ишлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади:

- ❖ қишлоқлардаги туристик ресурсларнинг рўйхатини тузиш, улардан ички ва халқаро туризмда фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш;
- ❖ қишлоқ туризмини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш;

- қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш ва талаб-таклиф-истеъмолчи тизимидаги ишларнинг стратегик режаларини ишлаб чиқиш хамда амалга ошириш;
- қишлоқ жойлардаги аҳолига туризм тадбиркорлиги ҳақида тушунчалар бериш;
- қишлоқ аҳолисига хос бўлган урф-одат анъаналардан фойдаланишни йўлга қўйиш;
- қишлоқ жойларда туристларга хизмат кўрсатишнинг инфратузилмаларини шакллантириш ва мавжудларини яхшилаш.

Мана шу вазифаларни амалга ошириш орқали биз қишлоқларимизда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашимиз ва қишлоқ туризмини алоҳида даромад келтирадиган тург айлантиришимиз мумкин. Қишлоқ туризми денгиз курортлари каби катта ҳажмлар билан рақобатлаша олмаса ҳам, шунга қарамай туризмда алоҳида ўрин тутиб, уни ўрганиш алоҳида эътиборга лойиқдир.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИНИНГ ЎРНИ.

Турсунқулова Ш. Т-Сам Д У. Мустақил изланувчи.

Аннотация: *Мақолада, Ўзбекистонда туризм индустрияси учун яратилган шарт-шароитлар ва уни ривожлантириш омиллари хусусида, шунингдек туризмни ривожлантириш орқали аҳолини бандлигини таъминлашга эришиш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.*

Калит сўзлар*: туризм, иқтисодиёт, аҳоли бандлиги, ривожланиш.*

Аннотация.:В данной статье рассматривается созданные условия и факторы развития туристической индустрии, а также проблемы по обеспечения занетости населения путем развития туризма.

Ключевое слова: *туризм, экономика, занетости населения, развития.*

Annotasion. The created conditions for tourism industry in Uzbelistan and the factors of developing, in particular, some issues on providing the labour activity of people through developing tourism are given in this article.

Key words*: tourism, economics, labour activity of people, development.*

Хозирги кунда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Харакатлар стратегияси” асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланишлар нуқтаи назаридан амалга оширилмоқда.Ўтган 25 йил мобайнида давлатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилган ислоҳатлар босқичма-босқич амалга оширилди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кўплаб марраларни, ютуқларни қўлга киритди. Буни халқаро Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги юксак натижаларнинг халқаро эътирофидан ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жахон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани албатта барчамизга мамнуният етказади”.

Маълумки, жахон иқтисодий форуми (World Economik Forum - WEF)га 1971 йилда Швейцарияда асос солинган бўлиб, у 1987 йилга қадар Европа менежмент форуми деб юритилган. Форумнинг Давос шаҳрида ҳар йили ўтказилган учрашувларига йирик бизнес вакиллари, сиёсий етакчилар, таниқли олим ва журналистлар таклиф қилиниб, улар томонидан жаҳондаги энг долзарб муаммолар муҳокама қилинади. WEFнинг аъзолари жаҳоннинг турли мамлакатларидан 1000 га яқин йирик компания ва ташкилотлар ҳисобланиб, уларнинг таркиби ҳар йили қайтадан кўриб чиқилади.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Жаҳон иқтисодий форуми рейтингида энг тез ривожланаётган давлатлар қаторида 5-ўринни эгаллади. Рейтинг Жаҳон банкининг “Глобал иқтисодий истиқболлар” хужжатида келтирилган маълумотлар асосида тузилган.[1.21]

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимизни таҳлил қилар эканмиз, биз танлаган модель, чуқур уйланган ва изчил амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари юртимиздаги сиёсий тизим, фуқаролик жамияти, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси изчил ошиб бориши учун мустаҳкам ва ишончли пойдевор яратди”.[2.129-130]

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш айнан маҳаллалардан бошлаб ташкиллаштирилиши белгилаб берилди. Маҳалланинг эркин фаолият кўрсатиши ва тадбиркорларга ёрдам бериши учун қатор қонунлар қабул қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиши натижасида аҳолининг бандлигини таъминлашнинг ўсиши, бозорда керакли ва зарур товарлар кўпайиши жараёни содир бўлди.

Мавзу моҳиятидан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида туризм индустриясининг ҳам аҳамияти каттадир. Мамлакатимиз туризм индустриясини ривожлантириш учун жуда катта имкониятларга эга. 2014 йил 2 октябрьда давлатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Самарқанд шаҳридаги БМТ жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгилайдиган энг муҳим омиллар ва муаммолар тўғрисида маъруза қилдилар. “Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, мамлакатимиз ҳудудида шаклланган ва ривожланган энг қадимий цивилизациялар ва маданиятлар, қоятошлардаги ёзувлар ва иероглифларни, ноёб тарихий обидалар, моддий маданият ва меъморчиликнинг улуғвор ҳамда бетакрор намуналарини назарда тутамиз. Айни пайда уларни Япония, Франция, Германия ва бошқа давлатларнинг кўплаб олим ва мутахассислари ўрганмоқда. Шу билан бирга, ўзининг жозибаси ва таровати билан дунёдаги энг яхши дам олиш ва саёҳат масканларидан қолишмайдиган гўзал табиатимизнинг бойлиги ва хилма-хиллигини ҳам бу борадаги энг катта имкониятларимиз қаторида кўрамиз” – дея таъкидлайдилар.[3.1]

Дарҳақиқат, Ўзбекистон туризмни ривожлантиришда катта салоҳиятга эга. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун ноёб шифобахш манбалар ва 7 мингдан ортиқ тарихий ёдгорликлар бор. Ҳозирги вақтда хорижий туристлар Бухоро, Самарқанд, Хива ёдгорликлари, Тошкентнинг замонавий архетектураси, Жиззахнинг тарихий ёдгорликлари, Зарафшон ва Фарғона водийларига ташриф

буюришаяпти. Бу туризм объектларининг ҳар бири ўзбек ҳалқининг кўп асрлик маданий тарихидир.

Туристик ресурслар иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Булардан ташқари ресурслар мамлакат ҳаётига сезиларли даражада таъсир қилади. Шунинг учун туризмни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланиб бормоқда.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови" маърузасида "Аҳоли бандлигини ҳал этишда туризмни ривожлантириш бўйича катта имкониятларни ҳам ишга солишимиз лозим. Шу мақсадда яқинда ташкил этилган Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ўз маблағларини ва хорижий сармояларни халқаро стандартларга мос келадиган инфратузилмаларни ривожлантиришга йўналтириши зарур" шунингдек, "Қўмита мамлакатимизга инвестицияларни жалб қилиш борасидаги ишларнинг самарадорлиги, бу соҳадаги муаммолар, тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, инвестициявий муҳитни яхшилаш бўйича тегишли идораларнинг масъулиятини ошириш чораларини кўриши мақсадга мувофиқ бўлади"[4] деб таъкидладилар.

Дарҳақиқат, туристик ресурслар маҳаллий аҳоли учун ҳам катта аҳамияти эга. Улар иш билан таъминланади, турли миллат, элат ва халқ вакиллари билан мулоқотда бўладилар ва уларнинг турли анъана ва қадриятлари билан танишадилар, доимий даромад олиб туриш имконияти, маҳсулотларни сотиш имкониятига эга бўладилар, маҳаллий аҳоли имкон қадар ўзларининг анъана ва қадриятларини намойиш қилиш учун уни сақлаб қоладилар ва унитилганларини тиклайдилар.

Туризм соҳаси бугунги кунда муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланиш омилларидан бирига айланди. Халқаро иқтисодиётнинг ушбу секторида 2015 - йилда умумий даромадлар ҳажми 1.5 триллион долларни ташкил этган. Ҳалқаро туризм оқими 1 миллиард 133 миллион туристни ташкил этган бир вақтда, ички туризмда ушбу кўрсаткич 6 миллиард туристлар ўз мамлакатлари ҳудуди бўйлаб саёхатларни амалга оширганини кўришимиз мумкин. Жаҳон ялпи маҳсулотлари туризмнинг улуши 9 фоизниташкил этмоқда, янги ташкил этилаётган ҳар 11 иш ўрнининг биттаси ушбу соҳага тўғри келмоқда.[5]

1993 - йилда мамлакатимизда 4 та хусусий фирма бўлган бўлса, маълумотларга қараганда хозирги кунда туризм хизматлари секторида жами 1165 та туристик фирма ва мехмонхона мавжуд бўлиб[6], шу жумладан умумий сиғими 32 минг жойдан иборат бўлган 550 та меҳмонхона ва 615 та турфирмалар фаолият олиб бормоқдалар.[7]

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризм индустриясининг ўрни ва роли жуда катта бўлиб, асосан қуйидаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш зарурдир, биринчидан сифатли ва энг яхши маҳсулотларни кўп ва тез ишлаб чиқариш, аҳолини юқори турмуш даражасини таъминлаш, иккинчидан, аҳолининг маънавий-маърифий даражасини ошириш, унга жаҳон цивилизацияси, маданияти ва ва санъати билан танишишда ёрдам бериш, учинчидан, ҳар хил туристик хизматлар кўрсатиш орқали тарихий, миллий қадриятлар билан ўзаро фойдали алмашиш, тўртинчидан, туризмнинг моддий

техника базасини ривожлантириш ва хорижий туристлар ўртасида туристик хизматлар талабларини шакллантириш асосида давлат бюджетига хорижий валюта бетўхтов келиб туришини таъминлашга эришишдир. Юртимиз туризм учун катта имкониятлар ва барқарор ривожланувчи туризм инфраструктурасига эга. Лекин жаҳон туризм индустриясидаги рақобат ва сайёҳларнинг эҳтиёжи йилдан йилга ошиб бормоқда. Бугунги кунда туристларга тарихий жойларимиз ҳақида маълумот бериш билан чекланиб қолмай, туристларни қизиқтирадиган, уларнинг тобора ошиб бораётган ҳоҳиш истаклари ва талабларини қондириш юзасидан янги усуллар ва шаклларни излаб топиш, уларни ўлкамиз, кўҳна тарихимиз, турмуш тарзимиз, бизни ўраб турган муҳит, маданият ва санъат соҳасида қўлга киритган ютуқларимизни намойиш этиш ва тарғиб қилишнинг самарали, қизиқарли, креатив ва оригинал йўлларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш керак.

Юқоридагилардан келиб шуни айтиш мумкинки, туризм соҳасида юқори малакали кадрлар етишмаслиги муаммосининг сақланиб қолаётганлиги, иккинчидан, кичик ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи туристик корхоналарнинг камлиги, қишлоқларда етарли коммуникацион шарт-шароитларнинг йуқлиги каби муаммоларнинг ечими топилса, туризмни янада ривожлантиришга, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Демак, хозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодиётимизни ривожлантиришда туризм индустриясини самарадорлигини оширишга эришиш жуда муҳим ислоҳотлар талаб этмоқда. Инсонларнинг дунёқараши, яшаш тарзининг шиддат билан ўзгариб бориши ўзбек туризмини янада ривожлантириш учун анъанавий усуллар билан эмас, ноанъанавий замонавий, креатив усуллардан фойдаланиш зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

ЗАРАФШОН МИНТАҚАСИДАГИ ХАЛҚАРО ЭКОТУРИЗМ РЕСУРСЛАРИ

Сирлибоев В- СамИСИ катта ўқитувчиси

Аннотация: *мақолада Зарафшон минтақасида халқаро экотуризм ресурсларининг рўйхати, уларнинг халқаро туризмдаги тарифи ва аҳамияти келтирилган.*

Аннотация: *в статье приведены международные экотуристические ресурсы, находящихся в Зеравшанском регионе, их характеристика и значение в международном туризме.*

Annotation: *The article contains international ecotourism resources in the Zeravshan region, their characteristics and significance in international tourism.*

Калит сўзлар: *экоресурс, миллий парк, қўриқхона, табиий ландшафт, эндемик турлар, биосфера, флора, фауна, қоятошлардаги расмлар, экомарказ, питомник, табиат музейлари.*

Ключевые слова: *экоресурс, национальный парк, заповедник, природный ландшафт, эндемические виды, биосфера, флора, фауна, наскальные рисунки, экоцентр, питомник*

Keywords: *Eco-resource, national park, nature reserve, natural landscape, endemic species, biosphere, flora, fauna, petrogliphs, eco-center, nursery.*

Ўзбекистонда халқаро экотуризмни ривожлантиришда экоресурслардан фойдаланиш имкониятларини ўрганишда биз биринчи навбатда мамлакатимиздаги

миллий парклар, давлат табиат қўриқхоналари ва алоҳида муҳофазадаги ҳудудлар, халқаро миқёсдаги «Қизил китоб» ва Ўзбекистон «Қизил китоб»идаги ноёб ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини ва бетакрор табиий ландшафтларни, эндемик турларни рўйхатга олишимиз ва уларнинг таъриф, тавсифларини тайёрлашимиз талаб қилинади.

Ҳозиргача халқаро туризмни мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий чегараларида ривожлантираётганлигимиз учун халқаро туристларни деярли тарихий-маданий туризм ресурсларига таклиф қилмоқдамиз. Бундай ҳолатлар Ўзбекистонда халқаро туризмнинг ривожланишини анча чегаралаб қўйиши мумкин. Манбалардан маълум бўлмоқдаки, Республикамизга туристик мақсадларда келаётган ҳар 100 хорижий туристларнинг 60-65 таси ватанимизнинг миллий парклари, давлат табиат қўриқхоналари ва давлат табиат буюртмахоналарига қизиқишмоқда.

Экотуризмнинг моҳияти, мазмуни, тамойиллари, мақсади ва вазифаларидан келиб чиқган ҳолда экотуризмнинг *асосий ресурслари* дунёнинг барча давлатларида қуйидагича белгиланган:

1.Дунё давлатларидаги миллий парклар;

2.Дунё давлатларидаги табиат қўриқхоналари, биосфера қўриқхоналари, табиат резерватлари;

3.Дунё давлатларидаги экологик парваришхоналар(экологик питомниклар)ва табиат буюртмахоналари(заказниклар);

4.Дунё давлатларидаги табиат ёдгорликлари (табиат музейлари, табиат ҳайкаллари деб ҳам аталади).

I.Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунга келиб 4 та миллий паркларимиз бор;1-Зомин миллий парки;2-Угом-Чотқол миллий парки; 3-Оқтепа миллий парки; 4-Сармишсой миллий парки. Бу миллий парклардан халқаро миқёсда экотуристларни жалб қилаётган Сармишсой миллий парки Зарафшон минтақасида жойлашган.

Сармишсой миллий парки.Навоий вилояти ҳокимиятининг 21.04.1997 йилдаги қарори билан маҳаллий даражада ташкил қилинди. Ҳудуд 5000 га бўлиб, чўлдаги пасттоғликларни, уларнинг флора ва фаунасини муҳофаза қилади. Бу ерда қоятошларга чизилган 3000 дан ортиқ қадимий расмлар-петроглифлар мавжуд. Бу ички туризмда ҳам, жаҳон миқёсида ҳам, жуда ноёб ҳисобланади ва турли мамлакатлардан олимлар ва туристларда катта қизиқишлар уйғотмоқда.

«Жайрон» халқаро экомарказиноёб ва йўқолиб кетиш хавфидаги ҳайвон турларини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга ихтисослашган, жаҳон миқёсида ўзига хос бўлган экотуристик объект ҳисобланади. 1977 йилда ташкил этилганида экомарказ «Бухоро жайронларини кўпайтиришга ихтисослашган питомник» деб номланарди ва унда 42 та жайрон, 4 та қулон ва сайғоклар боқиларди. Фаолиятини кенгайтириш ва ҳайвонларни кўпайтириш соҳасидаги муваффақиятлари туфайли 26.12.98 йилда Вазирлар Кенгашининг фармойиши билан питомник «Жайрон» халқаро экомарказига айлантирилди. Экомарказ майдони 7153га бўлиб, шундан 5145га браконьерлар ва йиртқичлардан ҳимояланиш учун металл тўсиқ билан тўсилган. Ҳозирги пайтда кўра жайронлар миқдори 549 бош, Ўзбекистон табиатида йўқолиб кетган қулонлар 55 бошгача етган.

II. Ўзбекистон Республикасида ҳозирга келиб 9 та давлат табиат қўриқхонаси ташкил қилинган. Бу қўриқхоналардан қуйидаги 3 таси Зарафшон минтақасида жойлашган:

1. ***Нурота давлат қўриқхонаси***Ўзбекистон Республикасининг жануби-ғарбида Жиззах вилояти Фориш туманидаги Нурота тизмасининг марказий қисмида

жойлашган. 1975 йилда ташкил қилинган. Қўриқхона майдони 17752 га, шундан 2529 га ўрмон билан қопланган. Ёнғоқнинг қадимий турларини сақлаб қолиш ва Северцов қўйининг (Архар) ноёб популяциясини ҳимоялаш қўриқхонанинг асосий мақсади ҳисобланади.

Қўриқхона флораси 600дан ортиқ (27эндемик) турни қамраб олган. Аввалари Нурота тизмаси арча ўрмонлари билан қопланганди, лекин улар ўтган асрдаёқ кесиб ташланган. Қўриқхонада атиги 30 гектар майдонда арча қолган. Қўриқхона фаунаси 183 турдан иборат, шундан 13 тури Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган. Қўриқхонанинг Осрафсойида қадимги қоятошларга чизилган қадимий расмлар сақланиб қолган. Мужрумсойда эса 1000 ёшли арчалар бор. Ухум, Синтобсой, Устун қишлоқларида ҳам Александр Македонский номи билан боғланиб қолган жойлар, 1000 ёшли дарахтлар давлат муҳофазаси рўйхатига олинган.

2. ***Зарафшон давлат қўриқхонаси***1975 йилда ташкил этилган, Самарқанд вилоятида жойлашган. Унинг ҳудуди Чўпонота чўққиларидан бошланади ва тор тизма бўлиб Зарафшон дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб 47 км га чўзилган. Ўрмон ерининг кенглиги 300 дан 1500 м гача. Қўриқхона майдони 2352га, шундан 680га ўрмон билан қопланган. Қўриқхона ватанимизнинг энг чиройли, ноёб ов қуши бўлган - Зарфшон тустовуғини, шифобахш бута ўсимлиги - чакандани ва дарё соҳилидаги тўқайзор ўрмонларини сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш ва кўпайтириш мақсадларида ташкил қилинган.

Қўриқхонанинг нисбатан кичик ҳудудида 300 турдаги ўсимлик ўсади. Қўриқхонада 59 турдаги доривор ва 23 турдаги техник ўсимлик аниқланган. Қўриқхонанинг фаунаси 359 тур билан тақдим қилинган, судралиб юрувчилар–8, қушлар–206, сутэмизувчилар–24 турни ташкил қилади. Ноёб ва йўқолиб кетаётган турлар 32 та. 1995 йилдан бери Зарафшон давлат қўриқхонасида 1996 йилдан Бухоро буғуси-хонгулни кўпайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда қўриқхона ҳудудида 27 бош хонгул яшайди.

3. ***Қизилқум давлат қўриқхонаси***1971 йилда ташкил топган, Бухоро вилоятида жойлашган. Қўриқхона майдони 10311 га ни ташкил қилади, шундан 5144 га ўрмон билан қопланган, 6964 га қумли зонада ва 3177 га Амударё бўйида жойлашган. Қўриқхона ҳудудида 250 турдаги ҳайвон мавжуд, шундан 10 дан ортиқ тури ТМХР Қизил китоби ва Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га кирган. Қўриқхона флораси 160 тур бўлиб, шундан 2тури Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га кирган. Бухоро буғуси алоҳида эътиборга молик, Ҳозирда сони 5 мингдан ошган Амударё тустовуғи ҳам асосий муҳофазадаги қушлардан ҳисобланади. Қўриқхона ҳудудларида ҳозирда жайрон ҳам кўпайтирилмоқда.

III. Зарафшаон водийсида халқаро экотуризмни ривожлантиришда яна бир салоҳиятли экотуристик объектларнинг бири - табиат Буюртмахоналари ҳисобланади. Ватанимизда турлари камайиб кетаётган ўсимликлар, ҳайвонлар ва табиий ландшафтларни маълум бир муддатларда муҳофаза қилувчи 10та табиат буюртмахоналари (Заказниклари) бор. Булардан қуйидаги 6 таси Зарафшон минтақасида жойлашаган

1. ***«Денгизкўл» давлат орнитологик буюртмахонаси***ҳукуматимизнинг 1973 йилдаги 530-сонли қарори билан ташкил қилинган, фаолияти муддати Бухоро вилояти ижроқўмининг 26.06.90 йилдаги 157-11-сонли қарори билан (муддатсизга) узайтирилди. Буюртмахона майдони 50 минг га. Ташкил қилишдан мақсад–учиб

ўтадиган сувда сузувчи қушларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш, қишлаш ерларини, яшаш муҳитини сақлаб қолишдир.

2. ***«Қорақир» давлат буюртмахонаси*** Бухоро вилояти ижроқўмининг 25.01.92 йилдаги 15-1-сонли қарори билан ташкил қилинган. Буюртмахонанинг муддати чекланмаган. Майдони 30 минг га. Ташкил қилишнинг мақсад – учиб ўтадиган қушлар ва бошқа ҳайвонларни, уларнинг яшаш ва кўпайиш ерларини муҳофаза қилишдан иборат.

3.*«Оқтоғ» давлат буюртмахонаси* Навоий вилояти ҳокимиятининг 21.04.97 йилдаги К-113-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Навоий вилояти Нурота туманидаги Оқтоғ тизмасида жойлашган. Буюртмахона майдони 15420 га. Ташкил қилиш мақсади - «Оқтоғ» тоғли мавзеси табиий комплексини сақлаб қолиш.

4. ***«Қарнабчўл» давлат буюртмахонаси*** Навоий вилояти ҳокимиятининг 9.07.98 йилдаги Ф-90-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Буюртмахона майдони 25 минг га. Ташкил қилишдан мақсад–биринчи навбатда, йўрға-тувалоқ ва унинг яшаш жойлари, шунингдек, бутун Қарнабчўл биологик комплексини сақлаб қолиш.

5. ***«Қўшработ» давлат буюртмахонаси*** Самарқанд вилояти ижроқўми-нинг 8.07.92 йилдаги 86-к-сонли қарори билан ташкил қилинган. Буюртмахона майдони 16 минг га. Ташкил қилишдан мақсад – “Қизил китоб”га киритилган ҳайвонлар – йиртқич қушлар, Нурота қўриқхонасидан буюртмахона ҳудудига кирадиган Северцов қўйини муҳофаза қилишдир.

6. ***«Нуробод» давлат буюртмахонаси*** Самарқанд вилояти ижроқўмининг 8.07.92 йилдаги 86-к-сонли қарори билан ташкил қилинган. Буюртмахона майдони 40 минг га. Ташкил қилишдан мақсад – ёввойи ҳайвонлар, жумладан, йўрға-тувалоқ ва унинг яшаш жойлари, бутун табиий чўл комплексини муҳофаза қилишдир.

IV.*Варданзи табиат ёдгорлиги* (эски Бухоро шаҳрининг харобалари, ёдгорликлари) Навоий вилояти ҳокимиятининг 21.04.97 йилдаги К-113-сонли қарорига мувофиқ тузилган майдони 320 га ни ташкил қилади.

Хулосалар

1.Мамлакатимизда халқаро экотуризмни ривожлантиришда қайд қилинган экологик ресурсларнинг минтақаларда, иқтисодий районларда, табиий-географик минтақаларда жамланган рўйхатларини олиш, таъриф ва тавсифларини тайёрлаш вақти келди. Бу каби маълумотлар халқаро экотуристик турларни, экотуристик хизматларни, халқаро экотуристик маршрутларни халқаро туризм бозорига чиқаришни таъминлайди;

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, таълим, фан, туризм, иқтисод ўз самарасини бермоқда. Аҳолига хизмат кўрсатиш борасида хизмат сохасининг ўрни беқиёсдир. Айниқса бу соҳа кенг қамровли бўлиб, молия хизмати, туризм хизмати, савдо ва маиший хизмат соғлиқни сақлаш хизмати, туризм хизмати каби соҳаларни ўз қамровига олади. Бу жараёнларда тубдан ислоҳ қилиш, кичик ва хусусий бизнесни шакллантириш қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, иқтисодий ўсиш суръатларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов томонидан бир қанча қонунлар ишлаб чиқилди. Жумладан, 2012 йил 10 майдаги 2012 – 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисидаги ҳамда 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириши юзасидан қўшимча чора тадбирлари тўғрисидаги қарорлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай хизмат кўрсатилиш соҳаларини янада такомиллаштиришда аниқ мақсад сари йўналтирмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасини янада жадаллаштириш унинг сифат ва самарадорлигини таъминлаб боришда кадрлар тайёрлашни мукаммал тизимини шакллантириш асосий вазифалардан биридир. – Бу борада 1997 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгилаб қўйилган қоидалар алоҳида аҳамият касб этади.Янгича имконият шарт-шароитлар жараёнида кадрлар тайёрлаш муаммоси бугунги кунда жиддий эътибор талабларидан биридир.

Юртимизда етук даражадаги кадрларни тайёрлаш, интелектуал янгича фикрлашга эга бўлган кадрларни тайёрлаб боришда қуйидаги жиҳатларга алоҳида ёндашишимиз керак:

- таълим жараёнида замонавий ҳамда миллий қадриятларни уйғун ҳолда қўллай олиш;
- таълимда ижтимоий –сиёсий ҳуқуқларни қўллай олиш;
- ўқув жараёни моддий –техник базасини такомиллаштириш;
- талабаларни халқимизнинг интелектуал меросига ҳурмат руҳида тарбиялаб бориш;
- талабаларнинг иқтисодий маданиятини шакллантириб бориш;
- ўқув жараёнида психологик ёндошувларга алохида эътибор қаратиш;
- иқтидорли кадрларни етиштиришда уларнинг ижодий фикрларини, янгича ғояларини қўллаб-қувватлаш ҳамда дарс жараёнида қўллай олишни ўргатиб бориш.

Юқорида келтирилган алоҳида ёндошувлардан бири бу-таълим жараёнида етук кадрларни таъминлаб боришда нафақат туризм,иқтисод,молия соҳаси мутахассислари балки, барча соҳа мутахассисларини ижодий тафаккур тарзи бой, янгича ғоялар асосида ёндашадиган кадрларни тайёрлаб боришда таълимни замонавий ҳамда миллий қадриятлар асосида уйғун ҳолда олиб бориш, келгусида мутахассисларимизнихалқимизнинг интелектуал меросига ҳурмат руҳида шаклланишида муҳим самара беради.

Туризм соҳасини ривожлантириш борасида кадрлар тайёрлаш муаммоси муҳим аҳамият касб этиш билан бир қаторда айниқса, юртимизда туризм ва унинг соҳаларини ривожлантириш бўйича мамлакатимизда бир қатор анжуманлар ўтказилмоқда.Ўтказилаётган тадбирларнинг асосий мақсади,туризм соҳасини ривожлантириш ҳамда кадрлар малакасини оширишдан иборатдир.

Олий таълим жараёнида етук кадрлар малакасини янада такомиллаҳтириш туризм соҳаси вакиллари олдидаги масъулиятли вазифалардандир.Талабаларда ўқиш сифатини ошириб бориш учун фақатгина туризм соҳасига оид фанларни эмас,балки ижтимоий-гуманитар фанлар чуқур ўргатилиб,уларнинг эркин ,ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ҳамда сиёсий билимларини эгаллашга кўмак беради.

Юртимизда инсонларнинг иқтисодий жиҳатдан янада тўкис,фаровон ҳаёт кечиришлари учун хизмат кўратиш, хусусий мулк, тадбиркорлик,хўжалик юритиш, бозор иқтисодиёти каби бир қанча соҳалар кенг даражада такомиллашди.Айниқса,бизга аждодларимиздан мерос бўлиб келган миллий урф – одатларимиз ва уларга ҳурмат келтириш,бугунги куннинг ам ноёб, туганмас ва такрор талаб қиладиган хислатлардан биридир.Шундай экан,ўсиб келаётган ёш кадрларимизни миллий урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш,ҳар бир таълим тизимида фаолият олиб бораётган эдагогларимиз вазифаларидан биридир.

Юртимиз шукуҳи,бебаҳо қадриятлари, ноёб тарихий ёдгорликлари кишиларни завқлантирмай қолмайди.Улкан бинолар-ла қад ростлаган Самарқанд шаҳри ўзининг минг йиллик тарихий, қолаверса,улуғ аждодларнинг табаррук қадамжолари ҳар бир сайёҳ қалбини руҳлантириб, инсоний хислатларини янада шакллантириши табиий.

Хизмат кўрсатиш сохасида етакчи тармоқлардан бўлган сервис, туризм, транспорт, алоқа каби тармоқларини янада такомиллаштириш, ушбу соҳалар бўйича етук, салоҳиятли кадрларни етиштириш республикамиз олдида турган энг аҳамиятли, эътибор жалб қиладиган вазфалардан биридир. Бундай вазифани такомиллаштириш учун педагог хизматлар сохасидаги кадрларни етиштириб беришида фақатгина бир томонлама эмас, балки кўпгина томонларини сифат жихатдан ҳамда иқтидор, билим даражаларини инобатга олиб қарамоғи лозим. Олий ўқув юртларида хизмат кўрсатиш соҳаларини такомиллаштириш бўйича ўтказилаётган илмий-амалий анжуманларнинг кўламини янада кенгайтириш, етишиб чиқаётган ёш кадрларни олиб бораётган илмий изланишларини рағбатлантириб бориш олий таълим муассасалари раҳбарлари олдидаги мақсадли ва натижали ишлардан биридир.

Мамлакатимиз иқтисодий тарзини янада яхшилаш,интелектуал замонавий таълимга эга бўлган ,хизмат кўрсатиш жараёнларида янгича қарашларни ўзида мужассамлаштира оладиган етук мутахассислар бугунги ҳамда келгуси ҳаёт тарзимизни янада мустаҳкамловчи омиллардан биридир.

Шундай экан, етук мутахассис кадрларни етиштириш, энг долзарб масалалардан бири экан, бу йўлда бор билим шижоатимизни аямаслик ҳар бир педагог вазифасидир.

XIZMAT KO'RSATISH SOHASIDA NAZARIY BILIMLARNI AMALIY JIHATDAN MUSTAHKAMLASH MASALALARI

Assistent A.Berdimurodov – SamISI
Talaba – G'.Gulyamov -
SamISI

Annotatsiya: *Maqolada turizm va xizmat ko'rsatish sohasi uchun kadrlar tayyorlashning amaldagi tizimi bilan bog'liq masalalar yoritilgan. Unda talabalarning nazariy bilimlarini amaliyot bilan mustahkamlash bunda jahon tajribasidan foydalanish muammolari aytib o'tilgan.*

Kalit so'zlar: *turizm,xizmat ko'rsatish, soha, turistik xizmat, tajriba, gid, amaliyot.*

Аннотация: *В статье рассмотрены вопросы, связанные с существующей системой подготовки кадров для туризма и сферы обслуживание. В связи с активным развитием этой сферы и подготовки кадров с помощи мирового практике.*

Ключевые слова: *кадр, подготовка кадров, туризм, сфера, туристские услуг, практика гида.*

Annotation: *The article deals with issues related to the existing system from of training personnel for tourism and service sphere. In connection with the active development of this sector , there was a need for a clear interaction between activities and theory education system from the world experience.*

Keywords: *staff, personnel training, tourism, sphere, tourist services, guide practice.*

Hech kimga sir emaski, bugungi kunda "Turizm va xizmat ko'rsatish" sohasi jadal rivojlanayotgan va serdaromad soha hisoblanadi. Bizning yurtimizda ham ushbu sohani rivojlantirishda yetarlicha chora-tadbirlar amalga oshirib kelinmoqda.

Turizm iqtisodiyotni rivojlantirish va aholi farovonligini yuksaltirishning asosiy omillaridan. Mazkur soha qo'shimcha ish o'rinlari yaratilishi, aholi bandligini ta'minlash, millat farovonligini yuksaltirishga xizmat qiladi. Shu sababli, ushbu soha rivojida ilg'or davlatlar tajribalarini o'rganish, amaliyotga tadbiq etishni talab etadi. O'zbekiston Respublikasi jahon sayyohlik bozorida o'z o'rnini mustahkamlab olgan, ammo sezilarli o'sish haqida gap yuritishga erta. Bu turizm bo'yicha raqobatbardosh mamlakatlar reytingi bilan ham isbotlanadi. Unda dunyodagi eng jozibador 140 ta sayyohlik maskanlari qayd etilgan. O'zbekiston bu reytingga kiritilmagan. Bu haqda Normativ-huquqiy hujjatlar muhokamasi saytiga joylashtirilgan O'zbekiston Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida o'rta istiqbolda turizmni rivojlantirish bo'yicha Konsepsiyasini hayotga tatbiq etish choralari to'g'risida"gi qarori loyihasida so'z yuritilgan. Aksini olganda, yurtimizdagi tabiiy resurslar (daryolar, ko'llar, qir-adirlar, cho'llar, tog'liklar va boshqa), qadimiy obidalar va boshqa ko'plab turistik ob'yektlar yetarlicha mavjud. Biroq ulardan to'laqonli foydalanilmayapti. Hozirgi kunda O'zbekistonda turli davrlar va sivilizatsiyalarga oid 7 mingdan ziyod yodgorliklar bor. Mamlakatimizda mavjud jami turistik rekreatsion ob'ektlaridan Toshkent shahrida 144 tasi, Samarqandda 118 tasi, Buxoroda 201 tasi, Xiva shahrida 310 tasi joylashgan bo'lib, ushbu turistik ob'ektlarni ishlatadigan turistik firmalar esa asosan markazda joylashganini ko'ramiz. 2014 yilda turizm bilan mashg'ul bo'lgan firmalarning 54%i Toshkent shahrida, 19% i Samarqandda, 13%i Buxoroda va 5,2%i Xivada joylashgan. Bu holat o'z navbatida birinchidan, turistik firmalarning mintaqalarda ratsional joylashmaganini

ko’rsatsa, ikkinchidan respublikadagi qolgan 9 ta viloyatlarda joylashgan turistik resurslardan samarali foydalanmayotganligidan dalolat beradi.

Sohani rivojlantirishda sezilarli darajada yaxshi samara keltirishi mumkin bo’lgan O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “O’zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to’g’risida”gi 2016 yil 2 dekabrdagi PF-4861-sonli Farmoni[69]ni alohida e’tirof etib o’tish kerak. Ushbu farmon mamlakat iqtisodiyotining strategik tarmog’i sifatida turizmni jadal rivojlantirish uchun qulay iqtisodiy va tashkiliy-huquqiy shart-sharoitlar yaratish, hududlarning ulkan turizm salohiyatidan yanada to’liq va samarali foydalanish, turizm tarmog’ini boshqarishni tubdan takomillashtirish, milliy turizm mahsulotlarini yaratish va ularni jahon bozorlarida targ’ibot qilish, turizm sohasida O’zbekistonning ijobiy qiyofasini shakllantirish maqsadida joriy etildi. Yana shuni alohida ta’kidlab o’tish joizki, ko’plab rivojlanayotgan davlatlardan farqli o’laroq “turizm sohasiga” iqtisodiyotning strategik sektori maqomi berildi. Bu o’z navbatida turizm sohasiga e’tibor yanada kuchaytirilishining yaqqol isbotidir.

Yana shuni alohida ta’kidlash lozimki, turizm sohasida ulkan muvaffaqqiyatlarga erishishning muhim shartlaridan biri – sohani sifatli kadrlar bilan ta’minlashdir.

Ushbu yo’nalishda ham O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 aprel kuni “Oliy ta’lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida[70]”gi qarori qabul qilindi. Aytib o’tish lozimki, ushbu qarorda oliy ta’lim tizimini yanada yaxshilash, ta’lim sifatini oshirish hamda zamon talablariga javob bera oluvchi mutaxassislar tayyorlash bo’yicha eng muhim vazifalar belgilab berildi.

Turizmda gid sohasi ham juda muhim figuralardan biri hisoblanadi. Yurtimizda 2000 yildan buyon turizm sohasida kadrlar malakasini oshirish va qayta tayyorlash respublika markazi soha xodimlarining malakasini oshirib kelmoqda. Markaz Samarqand va Xorazm viloyatlarida filiallariga ega. Joriy yilda Buxoro, Surxondaryo, Farg’ona va Qashqadaryoda ham bo’limlarini ochishni rejalashtirgan. 2016 yil mamlakatimizning “Turizm sohasida kadrlar malakasini oshirish va qayta tayyorlash markazi” turistik gidlar uyushmalari jahon federatsiyasiga a’zo bo’lgani soha rivojiga ijobiy ta’sir ko’rsatishi shubhasiz. Bu esa o’z navbatida O’zbekistonda gid yo’lboshchi kasbining nufuzini ko’tarish hamda milliy sayyohlik mahsulotlarini diversifikatsiya qilish, raqobatbardoshlikni oshirishga munosib hissa qo’shadi.

Raqobatbardosh kadrlarni tayyorlashda asosiy urg’uni faqat nazariyaga emas, balki amaliyotga ham teng bo’lib tadbiq etish lozim. Nazariya va amaliyot birga bo’lsa yetarlicha tajriba va ko’nikmaga ega bo’lish mumkin. O’qish davrida ma’lum bir vaqt boshqa yerda, boshqa oliygohda o’z bilim darajasini oshirish ham katta samara beradi. Misol uchun, turizm sohasida mustahkam o’ringa ega Fransiyada huddi shunday usuldan foydalaniladi. Birgina Vatel institutida turizm sohasida chuqur bilim va tajribaga ega bo’lishni o’z oldiga maqsad qilgan talabalar uchun Marko Polo dasturi mavjud. Bunda talabalar ikkinchi bosqichda bir yillik dunyo bo’ylab tashkil etilgan turli Vatel maktablarida ta’limni amalga oshiradi. Bu dastur quyidagilarni o’z oldiga maqsad qilgan:

- Turli mamlakatlarni o’rganish;

[69] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasining turizmsohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni. O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to‘plami, 2016 y., 49-son, 558-modda, 2017 y., 1-son, 3-modda

[70] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 aprel kuni “Oliy ta’lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori. uza.uz – O’zbekiston milliy axborot agentligi sayti. 2017 yil 20 aprel.

- Xorijiy tilda ravon so’zlashish;
- Boshqa xalq madaniyatidan xabardor bo’lish.

Yurtimizda ham shunga o’xshash tizimni joriy etish maqsadga muvofiq bo’lsa kerak. Chunki, mamlakatimizda 5 ta mintaqasini turizmi rivojlangan joylar sifatida qaralishi va bu joylarda turizm qo’mitasining mintaqaviy filiallari ochildi. Bizga yaxshi ma’lumki, turizm sohasiga oid deyarli barcha oliygohlar mana shu 5 mintaqada joylashgan. Bu 5 mintaqaning turizmdagi yo’nalishlari ozmi-ko’pmi bir biridan farq qiladi. Bizda ham 3 bosqichda talabalarni bir yillik mintaqaviy o’qish yo’lga qo’yilsa, quyidagi natijalar erishilishi mumkin:

- Boshqa mintaqa turistik firma va mehmonxonalar faoliyati bilan tanishish;
- Yangi madaniyat bilan tanishish;
- Yangi hamkorlar va yangi ish o’rniga ega bo’lish (o’zi uchun qulay bo’lgan shartnomani boshqa mintaqa vakillari berishsa) va boshqalar.

Albatta, ona diyorimizda iqtidorli yoshlar istalgancha topiladi. Ularni saralab olib, turizmi rivojlangan mamlakatlarlaga davlat grandi asosida jo’natish (uzluksiz ravishda, eng kamida 5 yil davomida) lozim. Mana shu ishlar amalga oshiriladigan taqdirda, yurtimizga keladigan xorijiy turistlar soni sezilarli darajada oshishi, aholining ish bilan ta’minlanish darajasi hamda bu sohadan tushadigan daromadlarning YaIM da ulushu 2% emas, bir necha barobarga oshishiga erishish mumkin.

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ МАҚСАДЛИ ДАСТУРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Давлатов Н.Н - СамДУ тадқиқотчиси

Аннотация: *Совершенствование инновационных механизмов содействия трудоустройству выпускников вузов является важной задачей нынешних реформ.Исходя из актуальности данного вопроса в данной статье рассмотрены вопросы повышения качества подготовки молодых специалистов.*

Ключевые слова:*высшие учебные заведения, рабочие места, выпускники вузов, целевые программы, молодые специалисты, трудоустройство.*

Abstract: *Improving innovative mechanisms to promote the employment of university graduates is an important task of the current reforms. Based on the actuality of this issue the questions of improving the quality of training of young specialists are studies in this article.*

Keywords*: higher education institutions, jobs places, university graduates, target programs, young specialists, employment.*

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизатсиялаш ҳамда инноватсион таълим технологияларини жорий этиш мақсадида “Олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизатсиялаш ҳамда инноватсион таълим технологияларини жорий этиш” лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Бугунги кунда олий таълим соҳани модернизатсиялашнинг самарали услуб ва воситалари, жумладан, олий таълимни ахборотлаштириш ва компютерлаштириш, унда энг илғор визуал техника ва технологиялардан фойдаланиш, таълимни интеллектуаллаштириш каби услуб ва воситалар амалиётга кириб кела бошлади.

Бу шароитда ёш мутахассислар бандлигини таъминлашга кўмаклашишни фаоллаштириш ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Бунга айрим ёш мутахассисларнинг ўз мутахассислиги бўйича иш билан банд бўлмаганлиги, танлов эълон қилинган баъзи мутахассисликларга яқин 4-6 йилга эҳтиёж истиқболи мукаммал эмаслиги, инноватсион ривожланишни таъминловчи корхоналарга ОТМларни битирган мутахассислар мос келмаслиги сабаб бўлмоқда. Таъкидлаб ўтилган ҳолатлар ОТМ битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашишнинг инноватсион янги тизимини яратиш учун комплекс тадбирларни ҳаётга татбиқ қилиш лозимлигини кун тартибига қўймоқда. Бунинг амалга оширилиши меҳнат ва таълим хизматлари бозорлари ўртасидаги талаб ва таклифнинг мутаносиблигини таъминлаш билан бирга ҳудудларга юқори малакали меҳнат ресурслари этказиб бериш йўли билан иқтисодиётни инноватсион ривожланишига хизмат қилади.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, ОТМ битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг инноватсион тизимини таклиф этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бу тизимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

– талабаларнинг амалий тайёргарлигини мустаҳкамлаш учун ўз йўналишлари касбий дастурлари асосида амалиёт ва стажировкаларни ўтказиш;

– меҳнат бозорида талабалар ва битирувчиларни ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган, ўқув жараёнига иш излаш технологиялари ва ишга жойлашиш масалаларида кўмаклашувчи лексиялар, учрашувлар ва тренинглардан ташкил топган махсус таълим модулини жорий этиш;

– Самарқанд ҳудудида корхоналарининг ёш мутахассисларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш;

– битирувчиларни ишга жойлаштириш учун ОТМлар, буюртмачи корхоналар ва Самарқанд ҳудудий бандлик марказларининг ўзаро алоқаларини рағбатлантириш;

– ОТМларнинг юқори курс иқтидорли талабалари таркибидан кадрларнинг захираларини шакллантириш.

Таклиф қилинаётган тизимнинг аҳамиятлилиги амалда учламчи занжирдан фойдаланилишидадир. Бунда уч элемент – таълим, бизнес ҳамда давлат қатнашадилар, инноватсион ривожланишга қараб ёш мутахассислар бандлиги сиёсатини ишлаб чиқадилар. Тизимни амалга ошириш натижасида ОТМ битирувчилари амалий билим ва кўникмаларга эга бўлади, битирувчилар эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлашадилар, ёш мутахассислар орасида ишсизлар камаяди, иқтисодиёт ва унинг инноватсион сектори юқори савияда ривожланишига эришилади.

Тизимда қуйидаги йўналишлар бўйича фаолият амалга оширилади:

– потенсиал иш берувчиларни тизим дастури билан таништириш мақсадида реклама компанияларини ўтказиш (оммавий ахборот воситаларида чоп этиш, сўровномалар ўтказиш, учрашувлар ташкил этиш);

– ҳудудлардаги ташкилотлар ва корхоналарнинг ёш мутахассисларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш (корхоналар ўз эҳтиёжларини ўзлари аниқлашади). ОТМлар бир қатор хужжатларни тайёрлашадилар, стажировкада қатнашувчи талабаларнинг рўйхати; ташкилотга талабаларнинг аризалари; стажировкада иштирок этаётган ишчиларнинг исми – шарифи, мутахассисликлари, билим

даражаси, иш стажи, таълим тури кўрсатилган рўйхати; таклиф қилинаётган таълим дастурлари; смета; талабаларнинг стажировкани ўтганларидан сўнг ишга жойлашишларига кафолат берувчи ҳужжат (кафолат хати). Вилоятда бу тизимда иштирок этиш учун потенсиал иш берувчи корхона ва ташкилотлар ўртасида танлов олиб борилади. Мутахассислар стажировкаларини амалга ошириш учун корхоналар пул маблағларини ўтказишадилар;

– интернет тармоғида тизим, унинг иштирокчилари ва бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар базаси яратилади. Иш берувчи – ташкилотлар ва бандлик марказлари ўртасидаги муносабатлар норматив ҳужжатларда тасдиқланади. Иш берувчи ташкилотлар ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси ҳудудий бўлинмалари қошида бу тизимни амалга оширувчи масъул шахс тайинланиб, уларга бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар корхоналар томонидан тақдим этилиши, талабаларга маслаҳатлар бериш, корхона ва талабалар ўртасидаги муносабатларни ҳужжатлаштириш вазифалари юкланади. Уларда ўқув методик дастурлар, талабаларни ўқитиш режалари, амалиётни амалга ошириш режалари бўлади;

– йирик иш берувчи корхоналар қошида илмий-методик бўлимларни ташкил қилиш. Уларнинг асосий вазифалари ўқув-методик дастурларни тузиш, ўқув қўлланмаларни яратиш, стажировкаларни олиб бориш дастурларини ишлаб чиқиш, қабул вақтидаги синовларни ташкил этиш, ўқув жараёнини ишлаб чиқаришга қўллашда кўмаклашиш;

– ёш мутахассисларнинг бандлиги муаммолари бўйича иш берувчи корхоналар ва ОТМлар ўртасидаги алоқани ўрнатиш, иш берувчилар томонидан талабалар стажировкаларини ўтказиш тадбирларини тузиш;

– талабаларнинг назарий билимларини тест синовларидан ўтказиш, буюртмачи ташкилотлар вакиллари ва талабалар ўртасида учрашувлар ташкил қилинади, улар ўртасида шартномалар тузилади;

– касбий стажировкаларни ташкил этиш муддати 3-4 ой, ҳар кунига 8 соатдан. (3-4 курсларда). Талабага стажировка ўташ вақтида ойлик иш ҳақи тўлаш режалаштирилмаган (аммо баъзи иқтидорли талабаларни ишга қабул қилиш ҳам уларни касбига қизиқтиришга хизмат қилишади). Амалиётни ўтказиш ва талабага турли хил ёрдамлар бепул амалга оширилади;

– стажировка якунида ҳисобот ёзилади, уларнинг маърузаси асосида якуний аттестатсия амалга оширилади. Натижада мутахассис сифатида ишга қабул қилиш ёки қилмаслик ҳақида якуний қарор қабул қилинади.

Бу тизимнинг ҳаётга татбиқ қилиниши натижасида томонлар қуйидаги натижаларга эришадилар:

Потенсиал иш берувчи корхоналар:

– талабаларнинг инноватсион фикрлашга эга эканликларини, уларга касбий ва корхоналарнинг хусусиятларини тез ўрганишларини, 3-4 ойлик амалиётлардан кейин улар ўз касблари бўйича тайёр ёш мутахассисга айланишига ишонч ҳосил қилишадилар;

– иқтидорли талабаларни танлаб ишга қабул қиладилар;

– стажировкадан ўтган талабалар меҳнат бозоридан келган бошқа мутахассисларга нисбатан бу корхоналарнинг ишларини ва хусусиятларини яхши билишадилар;

– талабалар реклама ва қўшимча хизматларни амалга оширишади;

– талабаларни корхоналардаги энг истиқболли ташкилий гурухларда ҳам ишлатиб синаб кўришлари мумкин.

Олий таълим муассасалари:

– назарий билимларга эга бўлган талабалар амалиётни ўташлари натижасида рақобатбардошли мутахассисларга айланишадилар;

– талабаларга битирув ишларини бажариш амалиётлари ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш корхоналари аниқ бўлади;

– ишга жойлашган талабалар сони ошади ва ОТМлар рейтинги ўсади.

Талабалар:

– талаба тажрибали касб эгалари раҳбарлигида иш шароитларини ўрганади, амалиёт ва тажрибага эга бўлади, амалиётларни ўтадиган жойи аниқ бўлади ва битирув ишлари мавзуларини танлаш имкони туғилади, ўз касбининг сирларини эгаллашлари тезлашади, потенсиал иш берувчилар билан танишади, жамоада ишлаш тажрибаси пайдо бўлади, резюмеда стажировкалар акс эттирилади ва келажакда ишлайдиган иш жойлари ҳам аниқланадилар.

Тадқиқотларимиз натижасига кўра шуни таъкидлаш лозимки, ОТМда ўқиш даврининг биринчи йилидан бошлаб талаба қайси соҳада фаолият олиб боришини аниқлаб олиши ва ўқиш даврида асосий фанлар билан бир қаторда, амалий тайёргарликка ҳам бутун эътиборини қаратишга шароит яратилиши мақсадга мувофиқдир. Булар ёшларни иш билан бандлик соҳасидаги ҳаракатларининг мослашувчанлиги ва иш билан бандлик тизимининг ўзига хослигини белгилайди.

Ушбу дастурни таклиф этишимиздан мақсад, МДҲ давлатлари ўртасида ҳам ОТМ талабалари алмашинуви ва стажировкалари тизимини ташкил этишдан иборатдир. Давлатлараро келишув асосида стажировкалар ташкил этилиши ва ушбу тизимга хизмат қилувчи инфратузилма ҳам тузилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, ўз навбатида МДҲ давлатлари ўртасида миграцион алоқаларни тартибга солувчи восита сифатида хизмат қилиши мумкин.

Таклиф қилинган тизимнинг амалга оширилишининг мақсади – амалий тайёргарликни такомиллаштириш ҳисобланиб, ОТМлар зиммасига мутахассисларнинг малакали – амалий фаолиятларини моделлаштиришнинг илмий-методик масаласини яратишни келтириб чиқаради. Ушбу масалани ҳал этишда ишончли восита мақсадли – дастурий усуллар, ташкилий масалалар ва воситалар таъминоти ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш амалиёти ОТМ ва корхона, ташкилотлар ўртасидаги келишув ҳамда битимлар асосида ташкил этилиши лозим. Ушбу битим асосида қабул қилувчи ташкилотлар ва корхоналар талабаларни қабул қилиш, уларга иш ўрни ажратиб беришга мажбурдир. Амалиёт ҳисоботларини ёзиш, тақдим этиш ва баҳолаш тартиби ОТМ томонидан тасдиқланади.

Яна бир муҳим масала – бу мутахассис кафедраларга корхона ва ташкилотлар томонидан тушган аризалар, битирув ишларининг амалиётда қўлланилишлари тўғрисидаги маълумотларни этказиш лозим. Ҳимоя қилинган битирув ишлари ва рефератлардан тўпламлар чоп этиш ва потенсиал иш берувчиларга тақдим этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Баъзан талабанинг қизиқиши мавжуд бўлган корхоналарда амалиётларни ўташ жудаям мураккаб кечади, амалиёт амалга оширилган ҳолларда ҳам талабага унинг

соҳасига мос бўлмаган ёки аҳамиятга эга бўлмаган вазифалар топширилади ва натижада амалиёт даврида талаба назарий билимларини амалиётда қўллаш имкониятига эга бўлмайди. ОТМ раҳбарлари талабаларни амалиётларга корхона ва ташкилотларга юбориш бўйича муаммоларга дуч келишмоқда, чунки талабаларда мавжуд бўлган билимларидан корхона умуман фойда олмайди, лекин уларнинг ҳаёти ва соғлиги учун жавобгарлик эса юқоридир. Шу сабабли талабалар ўз хоҳишига кўра йирик корхоналарда меҳнат қилиши учун у эрга ишга жойлашишнинг усулларини ўзлари излаб топишга мажбур бўлишмоқда. Бунда бўлажак мутахассислар учун бир имконият мавжуд, яъни корхоналарда қуйи поғонадаги иш ўринларига ишга жойлашиш.

Самарқанд давлат университетида илмий-услубий Кенгашида талабалар амалиётларини ташкил этиш бўлими бўлиб, у қуйидаги йўналишларда фаолиятини амалга оширади:

– ҳар бир турдаги амалиётларни ташкил этувчи ва олиб борувчи кафедралардаги инноватсион гуруҳларнинг ишларини таҳлил этиш;

– амалиётларни ташкил этиш ва олиб бориш бўйича илмий-услубий ҳужжатлаштиришни ташкил этиш;

– кафедра ва факултетлар амалиётлари натижаларини умумлаштирган ҳолда уларни такомиллаштириш бўйича маслаҳатлар ишлаб чиқиш.

Талабалар амалиётларини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш ҳам кун тартибидаги вазифалардан бўлиб, бунда амалий тайёргарликнинг сифат кўрсаткичларини назорат қилиб бориш лозим бўлади. Узлуксиз амалиётни ташкил қилишда бўлимларнинг ўзаро алоқалари тузилмасини қуйидагича таклиф этамиз.

Мутахассислар тайёргарлигининг сифат кўрсаткичларини ривожлантириш бўйича ишларни такомиллаштириш ва мутахассислар тайёргарлигини назорат қилиш борасида сифат марказларини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

KASB-HUNAR KOLLEJI O`QUVCHILARINI FANLARGA QIZIQISHLARINI TIZIMLI TASHKIL ETISH

O'.Zubaydullayev – SamISI "Kasb-ta'limi" kafedrasi o'qituvchisi

Annotatsiy:*Maqolada kasb-hunar kollej o'quvchilarining fanlarga qiziqishlarini tizimli tashkil etish masalalari keltirilgan.*

Kalit so'zlar: *Ta'lim, o'qitish, tarbiya, ta'lim texnologiyalari, qiziqish, pedagogik faoliyat, kasbiy va umumiy ta'lim.*

Аннотация: *В статье раскрыта проблема повышения эффективности в процессе обучения и предложена системная организация повышения интереса к предметам у студентов профессиональных колледжей.*

Ключевые слова: *обучение, образование, воспитание, образовательные технологии, интерес, педагогическая деятельность, профессиональное и общее образование.*

Annotation: *In this article observed problem increase efficiency in the process education and suplied systematically organize increazing interise to subjecties at students of professional colledgs*

Key words: Education, training, educational technology, interest, educational activities, vocational and general education.

Mamlakatimiz taraqqiyotining muhim sharti - kadrlar tayyorlash tizimining mukammal bo'lishi, zamonaviy fan-texnika yutuqlari asosida ta'limni sifat va samaradorlik jihatdan yanada yuqori ko`rsatkichlarga olib chiqishdir. Bugungi kunda ta'lim muassasalarida, xususan, Kasb-hunar ta'limi tizimida o`qitish va bilim olishni jahon standartlari darajasiga olib chiqish, innovatsion ta'lim texnologiyalarini amaliyotga keng joriy etish talab etilmoqda. Bularning barchasi bo`lg`usi kadrlarning yuksak intellektual shaxs sifatida kamolotga erishishini taqozo etadi.

Bugun hech kimga sir emaski, biz yashayotgan XXI asr – intellektual boylik hukmronlik qiladigan asr. Kimki bu haqiqatni o`z vaqtida anglab olmasa, intellektual boylikka intilish har qaysi millat va davlat uchun kundalik hayot mazmuniga aylanmasa – bunday davlat jahon taraqqiyoti yo`lidan chetda qolib ketishi muqarrar»[71].

Zamonaviy o`qitishning bugungi bosqichida pedagogika fanining dolzarb vazifalari: fan-texnika va ilg`or tajribalar asosida shaxsni har tomonlama tarbiyalash, o`qitish maqsadlari, mazmuni, shakli va metodlarini ilmiy jihatdan asoslashdir.

Ta'lim shakli o`qituvchi va bilim oluvchining belgilangan tartibda, muayyan maqsadga muvofiq ma'lum rejada tashkil etiladigan faoliyatining tashqi ifodasidir. Bu borada Kasb-hunar ta'limi tizimida o`quvchilarini fanlarga qiziqishlari tizimli tashkil etilsa, mashg'ulotlar talabalarning olgan bilimlarini amalda mustahkamlashda katta ahamiyat kasb etadi.

Har bir mamlakatning ta'lim-tarbiya tizimini bugungi kundagi modernizatsiyalash jarayoni, uning milliy-ma'naviy o`ziga xosligi va chet el pedagogik tajribalarini yetakchi yo`nalishlarini uzviylikda amalga oshirilishi bilan harakterlanadi. O`zbekiston Respublikasining mustaqilikka erishuvi va uni dunyo ta'lim jarayonlarga kirishuvi, ta'lim muassasalari faoliyatida nazariy ishlanmalar va amaliyotga tadbiq etish borasidagi ikala yo`nalishlarni o`zlashtirish imkonini beradi. Respublikamizni yuqori rivojlangan mamlakatlar qatoriga chiqish uchun qilayotgan sa'yi-harakati, mentalitetimizning ko`p asrlik an'analari bo`lajak mutaxassislarni jahon andozalari talablariga javob bera oladigan qilib, har tomonlama kamol toptirish barcha bosqich ta'lim muassasalari oldida turgan asosiy vazifalardan biri hisoblanadi.

Bu borada birinchi prezidentimiz A.I.Karimovning puxta ma'naviy-axloqiy asosga qurilgan demokratik va iqtisodiy islohotlarni o`tkazishga qaratilgan dono siyosati yetakchi yo`nalish bo`lib xizmat qiladi. Shu nuqtai nazardan I.Karimovning o`zlari quyidagi fikrlarni ilgari suradi. "Biz barpo etayotgan yangi jamiyat yuksak ma'naviy va axloqiy qadriyatlarga tayanadi va ularni rivojlantirishga katta e'tibor qaratadi. Bu jarayon milliy istiqlol g`oyasi va mafkurasiga o`sib kelayotgan yosh avlodni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga asoslanadi."[72] Birinchi prezidentimizning ushbu fikrlari avvalo bo`lajak mutaxassislarni har tomonlama yetuk, barkamol qilib tarbiyalash muammosiga qaratilmog'i lozim. Bu muammoni hal etish esa ta'lim-tarbiya tizimini pedagogika va psixologiya sohasidagi fundamental nazariy bilimlarni amaliyotga joriy etish, ta'lim sohasida integratsiyalashuv jarayonini tezkor yo`lga qo`yish, zamonaviy pedagogik texnologiyalardan, interfaol usullardan samarali foydalanish, kadrlarni huquqiy va fuqarolik savodxonligini mustahkamlash orqali hal etish mumkin.

Bizningcha ushbu masalalarni ijodiy hal etish bo`yicha O`zbekistondagi barcha oliy o`quv yurtlari, kollejlarda ko`plab ilg`or tajribalar to`plangan. Bu sohada respublika oliy

[71]Karimov I.A. O`zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. –T.: O`zbekiston, 2011. – 440 b.
[72]I.A.Karimovning "Fidokor" gazetasining muxbiri bergan savollariga javoblari Toshkent. "Uzbekiston" T.8, 499-bet

va o’rta maxsus ta'lim vazirligi tomonidan tashkil etilgan ta'lim markazlari, ilmiy-tadqiqot institutlari, malaka oshirish va qayta tayyorlash muassasalari samarali faoliyat ko`rsatmoqda.

Umumiy o'rta ta'lim negizida o'qish muddati uch yil bo'lgan majburiy o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi uzluksiz ta'lim tizimidagi mustaqil turdir. O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yo'nalishi - akademik litsey yoki kasb-hunar kolleji o'quvchilari tomonidan ixtiyoriy tanlanadi.

Kasb-hunar kolleji tegishli davlat ta'lim standartlari doirasida o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi beradi: o'quvchilarning kasb-hunarga moyilligi, bilim va ko'nikmalarini chuqur rivojlantirish, tanlagan kasb-hunar bo'yicha bir yoki bir necha ixtisoslikni egallsh imkonini beradi.

Kasb-hunar kollejlari jihozlanganlik darajasi, pedagogik tarkibning tanlanganligi, o'quv jarayonining tashkil etilishi jihatidan yangi tipdagi ta'lim muassasalari hisoblanadi. Ular bir yoki bir necha zamonaviy kasb-hunarni egallash hamda tegishli o'quv fanlaridan chuqur nazariy bilim olish imkonini beradi.

Akademik litseylar va kasb-hunar kollejlarida ta'lim olish o'quvchilarga o'z bilimlarini chuqurlashtirish va tanlagan ixtisosliklariga ega bo'lishni ta'minlaydi. Akademik litseylar va kasb-hunar kollejlarini bitiruvchilarga davlat tomonidan tasdiqlangan namunadagi diplomlar beriladi. Bu diplomlar ta'limning keyingi bosqichlarida o'qishni davom ettirish yoki egallangan ixtisos va kasb-hunar bo'yicha mehnat faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beradi.

O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limini tashkil etish va rivojlantirish uchun quyidagilar zarur:

1) akademik litseylar va kasb-hunar kollejlari faoliyat ko'rsatishining normativ bazalarini ishlab chiqish va joriy etish;

2) soha uchun oliy ta'lim muassasalarining, ishlab chiqarish, fan va madaniyat sohasining mutaxassislarini jalb etgan holda yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlash va qayta tayyorlashi, shu jumladan, chet ellarda tayyorlash va qayta tayyorlashni tashkil etish;

3) o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi davlat standartlarini ishlab chiqish va joriy etish;

4) o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi o'quv muassasalari uchun ta'lim va kasb-hunar dasturlari, o'quv-uslubiy majmualar ishlab chiqish;

5) kasb-hunar kollejlarida tayyorlanadigan mutaxassislarga nisbatan ixtisos va kasb-hunar, malaka talablarining ro'yxatini ishlab chiqish.

O`quvchi-yoshlarni kasb-hunarga yo`naltirish bu ularni qiziqishlari, moyilliklari, layoqatlari hamda shakllangan qobiliyatlariga mos holda kasb-hunar tanlashlariga ko`maklashishdan iboratdir. Bu jarayonda o`quvchi-yoshlar xalq xo`jaligi, sanoat, transport va boshqa sohalarga tegishli kasblar va ularga ehtiyojlar, shuningdek, mehnat bozorining kadrlarga bo`lgan talablari, kadrlarni shaxsga qo`ygan talablari to`g`risidagi ma'lumotlar bilan tanishtiriladi. Kasb-hunarga yo`naltirish ta'lim muassasalarida olib boriladigan ta'lim-tarbiya ishining uzviy bir qismi sanaladi.

Kasb-hunar kollejlari o`quvchilarining qiziqishlari, moyilliklari, tug`ma layoqatlarini aniqlash maqsadida ular bilan turli psixologik-pedagogik tashxis metodikalari o`tkazilib kelinmoqda. Mazkur metodikalar Respublika tashxis Markazi tomonidan ishlab chiqilgan bo`lib, ular alohida-alohida metodika sifatida yaratilgan.

Mazkur metodikalarni yagona tizimga keltirish ya'ni ularning majmuasini yaratish, kelgusida bu metodikalardan foydalanishni osonlashtirishni nazarda tutadi.

Qiziqishlar bevosita va bilvosita bo`lishi mumkin. Bevosita qiziqishda o’quvchi-talaba o`zidan-o`zi biron narsa va hodisalarni bilishga qiziqadi. Bilvosita qiziqish esa ma'lum bir narsaga qiziqqanda, shunga bog'liq bo`lgan ikkinchi bir narsaga qiziqishlar tufayli majburiy bir holda yuzaga keladi. Ehtiyojlarni rivojlantirish, tanlash va tarbiyalash, ularni hozirgi jamiyat kishisiga xos bo`lgan ma'naviy yuksaklik darajasiga olib chiqish shaxsni shakllantirishning asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi. Shu o`rinda shaxs psixologiyasi uni tarbiyalash pedagogikasi, axloqiy tarbiya metodikasi bilan o`rin almashadi. Ularning vazifasi — shaxsni har tomonlama rivojlantirishi, ma'naviy ongini shakllantirish, ongli intizomni, vatanparvarlik va baynalminallikni tarbiyalash vositalari va yollarini aniqlashdan iborat. Bu kelajak vazifalarni ro`yobga chiqarishi shaxsning takomillashuvini ta'minlaydi.

Yoshlarda mantiqiy mushohada yuritish, taxlil va tashxisli-loyihalash ko`nikmalarini shakllantirish - mustaqil, erkin fikrlovchi, plyuralistik dunyoqarashga ega bo`lgan bo`lg`usi kadrlarni tayyorlash va tarbiyalashdek muammo o`z yechimini topishda ushbu zarur vazifaga yetarlicha e’yibor qaratilishi lozim. Buning natijasida mantiqiy, mustaqil mushohada yuritish, analiz va sintez kabi tashxisli baho bera oladigan aqliy operatsiyalardan yiroq tor fikrlash qaror topmoqda.

Yoshlar mantiqiy fikrlashni ketma-ketlikda bayon eta olishlari, muayyan masalaning mohiyatini tushunib taxlil etib berishlari, tashxisli-loyihali ishlarda qatnashishlari, umumlashtirish va xulosa chiqarishlarda qiynalishmoqda. Olib borilgan taxliliy natijalarda va DTS da talaba-yoshlarni kelajak kasbiy yo`nalishlar uchun zarur bo’lgan mantiqiy mushohada yuritish ko`nikmalari haqidagi mulohazalar o`z aksini topgan. Shunga qaramasdan talaba yoshlarning bilish faoliyatini amalga oshirish metodlarining o`ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqib va bunda o`qitish metodlariga, ilmiy bilish metodlariga qaragan singari, bilish vositalaridan ajralgan holda qarash mumkin emas, chunki o`qitish vositalari o`qitish metodlarining moddiy asosi ekanligini esdan chiqarmaslik kerak. Shu bilan birga o`qitish metodlarini ilmiy metod sifatida rolini inkor etmagan xolda, uning rivojlanish dinamikasi haqida talaba yoshlarni tayyorlab borish va bu jarayon kelajak ilmiy izlanishlarga poydevor bo`lishini bilishlari zarur. O`qitish metodlari, o`qitish vositalari bilan integratsiyalashuvida bosqichma-bosqich ta'lim sifatini ko`taruvchi, keyinchalik mustaqil ijodiy tafakkurini o`stirishga, undan iqtidorli yoshlarni ilmiy-tadqiqot ishlariga yetaklovchisi sifatida namoyon bo`lish kerak.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ СИЛОВЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ У ЮНЫХ СПОРТСМЕНОВ

Ф.Х. Каримов - старший преподаватель
Ташкентский финансовой институт

Аннотация:*Ушбу мақола олий ўқув юртларидаги жисмоний маданият дарсларида ёш спортчиларни кучсифатларини оширишнинг услубий асослари ҳақида ёзилган.*

Аннотация :*В данным статьи раскрывается основыопределение силовых показателей у юных спортсменов физической культуры студенток на разных этапах образовательного процесса.*

Annotation: *In this article, the foundations of the definition of strength indicators in young athletes of physical culture of female students at different stages of the educational process are revealed.*

Ключевые слови:*физического культура, юных спортсмене, физическое воспитания.*

Key words: *Physical culture, young athlete, physical education.*

Важной проблемой процесса физического воспитания является развитие физических качеств, способствующих повышению уровня физической подготовленности. В настоящее время вопрос совершенствования методики развития физических способностей является весьма актуальным.

Существуют сенситивные возрастные периоды,в которых создаются наиболее благоприятные условия для формирования двигательных умений и навыков, а также повышения уровня развития физических качеств. Формирование основных двигательных качеств и навыков в процессе физического воспитания может быть более успешным при условии обоснованного применения средств и методов физической культуры, а также интенсификации физических нагрузок, требующих напряженной деятельности всех физиологических систем.

В связи с этим, представляется актуальным научный поиск и разработка новых программ и методик, направленных на интенсивное развитие физических качеств и повышение уровня физической подготовленности.

Систематические занятия физической культурой способствуют оптимальному соотношению между умственной и физической нагрузками, укреплению здоровья школьников, повышению их двигательной активности, уровню физической подготовленности, подготовке к успешной сдаче контрольных нормативов, а также повышению эффективности результатов участия в спортивных соревнованиях.

В процессе обучения в общеобразовательной школе на уроках физической культуры школьникам приходится выполнять по программе такие контрольные нормативы и упражнения как: прыжки в длину с места и с разбега, прыжки в высоту, лазание по канату, метание теннисного мяча в цель и на дальность, бег на 30 м; 60 м; 100 м и т.п., преодоление полосы препятствий и многие другие, для выполнения которых необходим оптимальный уровень развития физических качеств. Немалую роль играет скоростно-силовая подготовка, т.к. в течение учебного года школьники выполняют упражнения скоростно-силового характера. Так, например, в первой и четвертой четвертях – легкоатлетические упражнения требуют хорошей скоростно-силовой подготовленности, во 2-ой и 3-ей – упражнения скоростно-силового характера встречаются в гимнастических и акробатических упражнениях, а также при проведении подвижных и спортивных игр.

Цель работы - изучить влияние специальных прыжковых упражнений на развитие скоростно-силовых способностей школьников.

Результаты исследования. В результате проведенного анализа было выявлено, что в начале педагогического эксперимента у мальчиков из опытных групп не наблюдаются достоверные статистические различия между изучаемыми параметрами ($P>0,05$), хотя мы наблюдаем в двух показателях (J и G) высокие показатели средних величин у детей контрольной группы. Полученные данные среди мальчиков экспериментальной группы Po - 44,5±4,5; Fmax - 26,6±4,2; J - 170,6±48,9; Q - 227±84,05; G - 139,5±41,4, а также у мальчиков в контрольной

группе Po - 44,2±4,9; Fmax - 27,2±4,91; J - 188,2±59,1; Q - 224,2±82,2; G - 165±51,5, свидетельствуют о том, что в начале педагогического эксперимента мальчики в опытные группы были подобраны с одинаковым уровнем физической подготовленности. Сравнивая полученные результаты в начале педагогического эксперимента среди девочек опытных групп, мы наблюдаем что показатели в экспериментальной группе Po - 42,3±3,46; Fmax - 25,9±3,85; J - 162,9±39,82; Q - 222,6±54,53; G - 132,5±30,92 не имеют достоверно статистических различий P>0,05 с данными полученными в контрольной группе Po - 43,3±3,3; Fmax - 27,1±2,47; J - 187,2±51,1; Q - 245,6±70,5; G - 155,2±50,2.

Сравнительный статистический анализ по изучаемым параметрам в экспериментальных группах выявил следующие значения. Так у мальчиков экспериментальной группы за период эксперимента обнаружен значительный рост изучаемых показателей Po – 44,5±4,5; 48,5±4,5; Fmax - 26,6±4,2; 28,7±4,24; J - 170,6±48,9; 217±56,2; Q - 227±84,05; 286,1±84,1; G - 139,5±41,4; 179,6±51,6. Достоверные различия наблюдаются в показателях Po, J и G при уровне значимости P<0,05.

По окончанию педагогического эксперимента нами был проведен сравнительный анализ параметров скоростно-силовой подготовленности опытных групп. Мы выявили, что в результате проведенного педагогического эксперимента среди мальчиков опытных групп определены следующие достоверно статистические различия: Po– 48,5±4,5; 44,7±4,55; (при уровне значимости P<0,05); Q - 286,1±84,1; 243,8±44,7; (при уровне значимости P<0,05). В таких параметрах как: Fmax - 28,7±4,24; 28±5,01; (при уровне значимости P>0,05) J - 217±56,2; 202,2±36; (при уровне значимости P>0,05); G - 179,6±51,6; 174,4±36 (при уровне значимости P>0,05) достоверно статистических различий не обнаружено.Таким образом, в трех показателях из пяти, что составляет (60%) наблюдаются изменения. Среди девочек экспериментальной группы по окончанию педагогического эксперимента наблюдаются следующие изменения Po - 42,3±3,46; 48±3,36; Fmax - 25,9±3,85; 28,2±4,14; J - 162,9±39,82; 206,1±49,4; Q - 222,6±54,53; 305±72,05; G - 132,5±30,92; 161±36,1.

Такие же сравнения в конце педагогического эксперимента мы провели среди девочек опытных групп (между экспериментальной и контрольной группами) и выявили следующие изменения: Po - 48±3,36; 44±3,46; (при уровне значимости P<0,01); J - 206,1±49,4; 185,8±37; (при уровне значимости P<0,05); Q - 305±72,05; 239,4±59,9; (при уровне значимости P<0,01); G - 132,5±30,92; 161±36,1(при уровне значимости P<0,05), только в таком параметре как Fmax - 28,2±4,14; 28±2,47; достоверно статистических различий не обнаружено (при уровне значимости P<0,05).

По всем параметрам произошли некоторые изменения, а достоверно статистические различия наблюдали в четырех из 5 показателей, что составило (80 %), притом, показатели Po и Q имели высокие достоверно статистические различия при уровне значимости P<0,01 и в показателях J и G наблюдаются достоверно статистические различия при уровне значимости P<0,05.

Для того чтобы проверить эффективность разработанной методики обычно педагогический эксперимент организовывают так, чтобы можно было бы сравнить результаты экспериментальных групп с полученными данными в контрольных

группах. В данном педагогическом эксперименте мы одновременно наблюдали за детьми из экспериментальной и контрольной групп. В контрольной группе в период педагогического эксперимента учебные занятия проводились согласно утвержденному годовому плану. Сравнительный статистический анализ по изучаемым параметрам у мальчиков контрольной группы выявил следующие значения Ро - 44,2±4,9; 44,7±4,55; Fmax - 27,2±4,91; 28±5,01; J - 188,2±59,1; 202,2±36; Q - 224,2±82,2; 243,8±44,7; G - 165±51,5; 174,4±36, несмотря на то, что произошло улучшение результатов. Однако по всем параметрам достоверно статистических различий не обнаружено P>0,05.

Сравнивая полученные результаты девочек контрольной группы по окончанию педагогического эксперимента, наблюдаются следующие изменения Ро - 43,3±3,3; 44±3,46; Fmax - 27,1±2,47; 28±2,47; при уровне значимости P>0,05, а по таким параметрам как: J - 187,2±51,1; 185,8±37; Q - 245,6±70,5; 239,4±59,9; G - 155,2±50,2; 153±29,2 наблюдается снижение результатов.

Наши педагогические наблюдения, проведенные в контрольной группе показали, что отдельные показатели, характеризующие скоростно-силовые возможности детей, улучшились, однако, достоверно статистических различий мы не наблюдали, как у девочек, так и у мальчиков P>0,05. Таким образом, проведенный статистический анализ, полученного в педагогическом эксперименте материала, свидетельствует о преимуществе разработанной нами методике развития скоростно-силовых качеств, с применением специально подобранных упражнений – прыжки в глубину. Нами выявлено, что разработанная методика развития взрывной силы, способствующая воспитанию скоростно-силовых качеств, у детей экспериментальной группы определила значительное преимущество перед традиционной системой проведения учебных занятий по физической культуре. Результаты исследований показали, что основную учебную программу необходимо дополнить специальными физическими упражнениями, например, прыжки в глубину, которые способствуют повышению эффективности процесса физического воспитания, и являются наиболее эффективным средством повышения уровня скоростно-силовой подготовленности школьников.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Қахоров Ғ.Ш. - СамДУ тадқиқотчиси

Аннотация:*Подготовка квалифицированных кадров и повышение их квалификации играет важную роль в создании новых рабочих мест и трудоустройстве населения. В данной статье рассмотрены вопросыподготовки квалифицированных кадров для сферы услуг, создание рынка высококвалифицированной рабочей силы и разработаны рекомендации по подготовке квалифицированных кадров.*

Ключевые слова:*сфера услуг, квалифицированные кадры, подготовка кадров, трудоустройство, новые рабочие места, качество рабочей силы, конкуренция рабочей силы.*

Abstract: *Training of qualified personnel and improving their qualifications play important role in creating new jobs and employment of the population. This article*

studies the issues of training qualified personnel for the service sector, creating a highly skilled labourmarket and developed recommendations for the training of qualified personnel.

Keywords: *sphere of services, qualified personnel, training, employment, new jobs, quality of labor, labor force competition.*

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилганидек, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфраструктурасининг мутаносиблиги ва ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини қисқартириш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, меҳнатга қобилиятли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини ошириш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Муайян соҳа ва тармоқ даражасида меҳнат потенциалининг асосий сифат даражаларидан бири таълим олиш билан боғлиқ касбий-малака даражаси ҳисобланади. Чунки миқдорнинг сифат кўрсаткичларига айланишда касбий-малака даражасининг аҳамияти каттадир, яъни мавжуд меҳнат ресурсларининг потенциаллашуви уларнинг маълумот ва малакага эга бўлиши билан таъминланади. Бугунги кунда республикамизда аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш таркибида хизматларнинг улуши бир мунча ортиб бормоқда. Шу сабабли замонавий хизмат турларининг пайдо бўлиши соҳада интенсив ривожланишни таъминлаш бўйича юқори малакали кадрларга талабни оширади.

Ўзбекистон Республикаси ички бозорида чет элларда ишлаб чиқарилган юқори сифатли молларнинг кўпайиши, сервис хизматларининг оммавий тус олиши учун шарт-шароит яратиб берди.Ушбу хизмат турларига харидорларга сотишдан кейнги хизмат кўрсатиш, бепул маълумотлар ва маслаҳатлар бериш, маиший асбоб-ускуналар ва машиналарга кафолат вақтидан кейнги техник таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш кабилар киради. Ушбу турдаги хизматларга талаб техник жиҳатдан қийин молларнинг пайдо бўлиши билан вужудга келди ва хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрларга бўлган талабни оширмоқда.

Товарларни сотишдан олдинги ва сотишдан кейнги сервис хизматларининг ривожланиши хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминлайди, сервис ва ишлаб чиқариш фаолиятларининг чамабарчас боғланишига замин яратади. Бу эса хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг асосий шарт-шароитларидан бири соҳага хос такомиллашган кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришни зарурат этади.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Хизматлар бозори таркибида хизматларнинг янги истиқболли турларини ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб бормоқда. Оилаларни мураккаб техника, комьпютерлар ва шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошиши, уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кескин кўпайишига имкон яратади. Лекин, бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда экстенсив омиллар ҳиссаси юқори бўлмоқда, яъни соҳада иш билан бандликнинг ўсиб бориши билан уларнинг касбий-малака таркибини такомиллаштиришни назарда тутади. Айниқса, қишлоқ жойларда соҳада

бандликни таъминланиши ортиқча ишчи кучи ҳисобига амалга оширилмоқда ва натижада замонавий техника жиҳозларини таъмирлайдиган малакали кадрлар етишмайди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда уни замонавий даражага олиб чиқадиган кадрлар зарур. Ҳозирги пайда кўплаб хизмат кўрсатиш турлари пайдо бўлди, аммо замонавий касблар бўйича шу соҳага мос малакали кадрларни айримлари мамлакатимизда тайёрланмайди.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлашнинг меҳнат бозорини алоҳида сегменти сифатида мавжуд меҳнат салоҳиятидан фойдаланишга кўрсатадиган таъсирини қуйидагиларда кўриш мумкин:

–соҳада малакали кадрларни кўпайиши меҳнат бозорининг алоҳида сегменти сифатида малакали ишчи кучи бозорини вужудга келтиради;

–соҳада ишчи кучини ёллаш бўйича рақобат курашининг вужудга келишига олиб келади;

–ишчи кучи таклифининг сифат таркибини такомиллаштиради;

–хизмат кўрсатиш соҳасининг тегишли йўналишларидаги малакали кадрларга бўлган талабини самарали қондиришни таъминлайди;

–соҳада замонавий иш ўринларини малакали кадрлар билан таъминлаш жараёнини тезлаштиради.

Кадрлар тайёрлашда бозор қонунларини ҳаракатланиши меҳнат ресурслари сифатини юқори даражага кўтариш имконини беради. Кадрлар таркибининг ўзига хос белгисига кўра, хизмат кўрсатиш соҳасида бу биринчи навбатда шунда намоён бўладики, ундаги асосий ишловчилар ўрта ва олий маълумотли мутахассислар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, фикримизча, соҳада меҳнат салоҳияти таркиби ва ҳаракатида сифат силжишлари умумий кўринишда қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

–ишчи-ходимнинг касб-корлиги таркибида ўзгариш бўлиши, малакасиз ва қўл меҳнатига асосланган меҳнатни қисқартириш ва ақлий ҳамда жисмоний меҳнат функцияларини уйғунлаштирган юқори малакали ходимлар улушини кўпайтириш;

–соҳада ўрта махсус, шунингдек олий маълумотли ишчиларга талаб ошиб боришини назарда тутган ҳолда, барча тоифадаги ишчи-ходимларни маълумотли касб-корлигини ўстириш;

–соҳада ишчи кучини тайёрлашда фан техника тараққиётини жадаллаштириш манфаатларига мос келадиган ходимларни мунтазам равишда малака даражасини ошириш;

–ишчи-ходимларни бир-бирига ўхшаш касбларни эгаллашларини амалга ошириш, яъни ўхшаш касблар ва ихтисосликларни эгаллаб олган, узлуксиз ўзгариб турадиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш шароитларига анча енгил ва тез мослаша оладиган кўп қиррали кадрларни кўпайтириш.

Маълумки, хизмат соҳасида турли ёшдаги кишилар турлича малака, маҳорат ва касбий таёргарликка, билим ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлади, шунингдек улар ўзгараётган меҳнат шароитларига мослашишлари билан ҳам фарқланади. Буларнинг барчаси меҳнат унимдорлиги даражасига ўз таъсирини кўрсатьади. Катта ёшдаги ишчи ходимларнинг ҳиссаси кўпайиб боришини бир томондан, меҳнат унимдорлигини ўстирувчи омил, деб қараш мумкин бўлса, бошқа томондан, бу маълум даражада иқтисодий ривожланишни секинлаштирувчи бўлиб

ҳисобланади. Малакали кадрлар етишмовчилиги – меҳнат унимдорлиги пастлигининг муҳим сабабларидан биридир.

Ишчи кучи сифати иқтисодий категория сифатида инсоннинг меҳнатга лаёқатини шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан шахс ва жамият, ходим ва иш берувчи ўртасидаги муносабатларни ҳамда ушбу муносабатларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида намоён этиш даражасини ифодалайди.

Бизнинг фикримизча, меҳнат жараёнида намоён бўладиган ходим (ишчи) хусусиятлари муайян таркибни ташкил этади ва улар қуйидагилардан иборат: меҳнатга қизиқиш хусусиятлари; касбий малака хусусиятлари; ақлий хусусиятлар; нуфус (демографик) хусусиятлари, салорматлик. Мазкур хусусиятлар ўзаро боғлиқ бўлиб, бевосита ишчи кучи сифатига таъсир кўрсатади.

Кейнги йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш соҳасида тақдим қилинган фаолият турлари кенгайиб бормоқда. Ушбу соҳа корхоналарида меҳнат унимдорлигининг ошиб бориши, соҳанинг интенсив равишда ривожланишини таъминламоқда. Бу эса соҳада малакали кадрлар тайёрлашни узлуксиз таълим тизими орқали амалга оширишни зарурат этади.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш корхоналарида ишчи-ходимларнинг узлуксиз таълим тизимида ўқитиш учун зарур маълумотлар банкида қуйидаги маълумотлар жамланган бўлиши керак:

–ўқитилган, аттестациядан ўтган ходимлар сони;

–ходимларнинг малака оширганликлари, қайта тайёргарликдан ўтганликлари ва сўнгги ўқитилган вақти;

–муайян давр оралиғида ишга қабул қилинган ва ишдан бўшатилган ходимлар сони;

–тегишли ўқитиш турига жалб этилган сана ёки хизмат лавозимидаги силжишлар;

–сўнгги аттестациядан ўтган вақти;

–кадрлар ўқитилишининг таҳлили;

–лавозимда ўстириш учун заҳирага киритилган мутахассис ва раҳбарлар рўйхати;

–ходимларнинг маълумоти;

–таҳлил ёки умумлаштириш учун лозим бўлган бошқа маълумотлар (ходимларнинг ёши, иш стажи, қайси таълим муассасасини тугаллаганлари ва ҳоказолар).

Хизмат кўрсатиш корхоналарида таълим тизимига эҳтиёж режаси кадрларнинг кўплиги ёки етишмаслигидан келиб чиқмасдан, бунда касбий, психологик хусусиятлар динамикаси асос қилиб олиниши керак.

Бизнингча, хизмат кўрсатиш корхоналари ва таълим тизими ўртасида малакали кадрларни тайёрлашда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

–таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини узлуксиз амалга ошириш, мутахассисликлар бўйича ишчиларнинг касбий маҳоратини (малакавий сифатларини) ўрганиш ҳамда уларнинг буюртмачилар (истеъмолчилар) талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

–хизмат кўрсатиш соҳаларида рақобатли таълим хизматлари бозори коньюнктурасининг ўзгаришини таҳлил қилиш ҳамда янгича ривожланиш йўналишларини белгилаш;

– таълим хизматлари бозори коньюнктурасига таъсир кўрсатувчи турли хил омиллар (сегментлар) ўртасидаги ўзаро алоқаларни таҳлил қилиш асосида мутахассисларни олдиндан ишга тақсимлаш тизимини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

–жорий йилда соҳа мутахассисликлари бўйича битирувчилар ҳақида (таълим йўналишлари ва мутахассисликлар кесимида давлат гранти ва тўлов-шартнома асосида кундузги ва сиртқи таълим шакллари бўйича) маълумотлар банкини яратиш;

–ҳудудий даражада хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини ҳисобга олиб, янги таълим йўналишлари ёки мутахассисликларини очиш;

–мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликларга бўлган талабларни ҳисобга олган ҳолда, талабалар қабули учун давлат грантлари ва тўлов-контракт бўйича жорий ва истиқболли “буюртмалар потфелини” шакллантириш;

–олий ва ўрта махсус каб-ҳунар коллежлари битирувчиларини буюртмаларга мувофиқ ишга тақсимлаш;

–олий ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва истеъмолчилар ҳақида маълумотлар банки ахборот тизимини яратиш.

Хизмат кўрсатиш соҳасида касбга йўналтириш самарадорлигига қўйиладиган талаблар:

–кадрларнинг касбий ўз-ўзини англашининг самарали воситалари мавжудлиги касбий ахборот, касбий маслаҳат, касбий тажрибалар;

–касбий танлов, ижтимоий-касбий мослашув;

Рақобатбардошлик талаблари:

–олий ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари тайёргарлиги сифати;

–замонавий ишлаб чиқаришда олий ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчисининг касбий ва шахсий сифатларини амалда қўллаш имконияти.

Ишга жойлашишда ижтимоий ҳамкорлик талаблари:

–ўз иш кучига эгалик ҳуқуқи;

–ишга жойлашишда давлат томонидан кўмаклашиш функциясини бажарилиши.

Шундай қилиб, соҳада ёш мутахассислар касбий-малака тизимини шакллантириш ва бандлигини таъминлашда юқорида келтирилган 6та ўзгарувчидан иборат бўлади.Соҳада ёш мутахассислар иш билан бандлиги соҳасида тақкословчи таҳлил ўтказилганда ва турли даврларда бандлик тизимини баҳолаш ўша олтита ўзгарувчини кўриб чиқиши билан амалга оширилади, чунки улар бир-бирини тўлдиради.

Хизмат кўрсатиш соҳасида касбга йўналтириш вамослашув жараёни кадрларни тайёрлаш тизимининг муҳим таркибий элементи бўлиб, таълим тизими ва ишлаб чиқариш ўртасидаги тартибга солувчи воситадир.

XIZMAT KO`RSATISH SOHASIDA FAN, TA'LIM VA ISHLAB CHIQARISH INTEGRATSIYASINI TA'MINLASH MUAMMOLARI

Kipchakova S.B. - Xorijiy tillar kafedrasi o'qituvchisi
Abdiyev Sh. BH-116 SamISI
Mamarasulov Sh. BH-116 SamISI

Annotatsiya: *Ushbu maqolada xizmat ko'rsatish sohasida mavjud bo'lgan muammolar va ularning yechimi, ushbu sohada mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar borasida mulohaza qilingan.*

Kalit so'zlar: *soha, tashkilot, integratsiya, mutaxassislar, bank tizimi, takliflar, choralar, norasmiy bandlik, ma'lumotlar.*

Аннотация: *В данной статье излагается о проблемах, существующих в сфере обслуживания и об их решении, о реформах, проводимых в данной сфере в нашей стране.*

Ключевые слова: *сфера, организация, интеграция, специалисты, банковская система, предложения, меры, неофициальная занятость, сведения.*

Annotation: *This article describes the problems that exist in the service sector and their solutions, and the reforms that are being implemented in this area in our country.*

Key words*: sphere, organization, integration, specialists, banking system, proposals, measures, informal employment, information.*

Xizmat ko`rsatish sohasi – aholi turmush darajasining yuksalishiga xizmat qiladi. Xizmat ko`rsatish va turizm jamiyat hayotida salmoqli sohalardan biriga aylanmoqda. Butunjahon turistik tashkilotlarning ta'kidlashicha, har 30 turistning biror davlatga borishi bilan bitta bevosita va ikkita bilvosita ish o`rinlari tashkil bo`lishiga yordam beradi. Tabiiyki, har bir davlat turizmdan daromad va aholi bandligini ta'minlash manbai sifatida foydalanishga va xalqaro turizmni rivojlantirishga harakat qiladi.

Mamlakatimizda dunyo ahamiyatiga ega bo`lgan muqaddas qadamjolar, noyob me'moriy obidalar mavjud.O`zbekistonda sayyohlik ko`lami va tarixiy obidalari soni bo`yicha mingdan ziyod tarixiy va madaniy yodgorliklar mavjud.[73] Respublikamizda turizm sohasini yanada rivojlantirishga qaratilgan ko`plab me'yoriy-huquqiy hujjatlar qabul qilingan. O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2012-yil 10-oktabrdagi "O`zbekiston Respublikasida turizm sohasini yanada qo`llab-quvvatlash, rivojlantirish chora-tadbirlari to`g`risida"gi qarori shular jumlasidandir. Ushbu qarordagi vazifalarning amalga oshirilishi ichki va tashqi turizm biznesini yanada rivojlantirishga va ushbu sohaning xalqaro turistik bozorlarga kirishiga imkon beradi.

Ma'lumki, respublikamizda jalb qilingan investitsiyalarning asosiy qismi mahalliy xomashyo resurslarini qayta ishlashga yo`naltirilgan ishlab chiqarishni moliyalashtirishga qaratilgan.qolgan qismi esa xizmat ko`rsatish sohasining sog`liqni saqlash, ta'lim tizimi, kommunal xizmatlari sohalariga jalb etilmoqda.Shavkat Mirziyoyev o`zining saylovoldi uchrashuvlarida xalqning ichiga kirib, ularning dardi, muammolari, takliflarini eshitish lozimligini alohida qayd etdi. Bosh vazirning virtual qabulxonasiga kelgan murojaatlarning 7 mingdan ziyodi aynan tibbiyot sohasiga tegishli ekani ham mazkur sohada muayyan muammolar yig`ilib qolganligini ko`rsatmoqda. Ixtisoslashtirilgan tibbiyot markazlari faoliyatida ham yechimini kutayotgan masalalar ko`p. Mavjud markazlarning hammasi Toshkent shahrida joylashgan. Bu, ayniqsa, qishloq aholisiga

[73]Lutfullaev O. "Sayyohlar tinch va obod manzillarga ontiladi." – "Xalq so`zi" 2015-yil 4-iyul

muayyan noqulayliklar tug`dirmoqda. Ayrim hududlarda tibbiy ko`riklar nomigagina o`tkazilmoqda, deb xulosa qilindi. Chekka hududlarda malakali mutaxassislar yetishmayotganligi kadrlar masalasida qilinadigan ishlar ko`pligini anglatadi. Xususan, xizmat ko`rsatish sohasining tarmoqlari tarkibida ta'lim tizimi alohida o`rin tutadi. Hozirgi davrda oliy ta'lim muassasalari ikki bosqichli , ya`ni bakalavriyat hamda magistraturadan iborat ko`p bosqichli kadrlar tayyorlashni amalga oshirmoqda. Ko`p pog`onali mutaxassislarni tayyorlashga o`tish O`zbekiston Respublikasi oliy ta'limini jahon ta'lim tizimiga kirib borishini ta'minlaydi. 2012-2013 yillardagi ma'lumotlarga qaraganda talabalarning 40% i poytaxt Toshkent shahrida joylashgan oliy ta'lim muassasalarida ta'lim oladilar. Talabalar sonining nisbatan yuqori ulushi Samarqand (9,4 %) hamda Farg`ona (7,1 %) viloyatlariga to`g`ri keladi. Eng kam talabalarning soni esa Sirdaryo (1,5 %) hamda Surxondaryo (2,5 %) viloyatlariga to`g`ri keladi. Oliy ta'lim tizimining rivojlanganlik darajasini ko`rsatuvchi 100000 ta aholiga to`g`ri keladigan talabalar soni 2013-2014 o`quv yilida 85 tani tashkil etadi. Kelajakda oliy ta'lim muassasalarini rivojlantirishning asosiy vazifasi ta'lim muassasalarida yaratilgan moddiy-texnik bazadan samarali foydalanish, ularni tizimli asosda zamonaviy texnika va uskunalar bilan yangitdan ta'minlab borish, o`quv jarayoniga ilg`or pedagogik texnologiyalarni va axborot-kommunikatsiya tizimini keng joriy etishdan iborat. Shuni hisobga olgan holda davlat va jamiyat talabiga asosan ta'lim muassasalarining qabul rejasi kengaytirildi va ta'lim tizimi ish dasturiga o`zgartirishlar kiritildi.

Qolaversa, jamiyat taraqqiyotining zamonaviy bosqichida iqtisodiyotda xizmat ko`rsatish sohasining salmog`i oshib borishi kuzatilmoqda. Iqtisodiyotning tarkibiy tuzilishida aholining ma'lum ehtiyojlarini qondirishga qaratilgan yangi xizmat turlari vujudga kelmoqda. Aholiga xizmat ko`rsatish qanchalik rivoj topsa, uning holatiga qarab aholining yashash darajasi, farovonligi shuncha ortadi. Shu nuqtai nazardan 2016-yilda qishloq joylarda xizmat ko`rsatish va servis sohasini jadal va muvozanatlashgan tarzda rivojlanirish, qishloq aholisining zamonaviy yuqori texnologik va bozor xizmat turlaridan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish, buning asosida yangi ish joylarini yaratish va aholi daromadlari oshirilishini ta'minlash maqsadida:

1. O`zbekiston Respublikasi iqtisodiyot vazirligi tomonidan manfaatdor vazirliklar, idoralar, Qoraqalpog`iston Respublikasi Vazirlar Kengashi va viloyatlar hokimliklari bilan birgalikda ishlab chiqilgan quyidagilarni o`z ichiga olgan O`zbekiston qishloq joylarda xizmat ko`satishni yanada jadal rivojlatirish dasturini tuzishga qaror qilindi.

2. Dastur bo`yicha ishchi guruh (G.K.Saidova ) mazkur qaror bilan tasdiqlangan dasturning amalga oshirilishi ustidan tizimli asosda nazorat o`rnatilishini va har yili , yarim yillik va umuman yil yakunlari bo`yicha Vazirlar mahkamasi yig`ilishlarida ko`rib chiqish uchun belgilangan vazifalar va parametrlarning so`zsiz bajarilishi bo`yicha aniq takliflar bilan tahliliy materiallar kiritilishni ta'minlanish qaror qilindi.

3. Qoraqalpog`iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar hokimliklari bir oy muddatda, hududlarning salohiyati va imkoniyatlaridan imkon qadar to`liq foydalangan xizmat ko`rsatish sohasini kompleks ravishda jadal va muvozanatlashgan tarzda rivojlantirishni ta'minlash bo`yicha aniq maqsadga yo`naltirilgan chora-tadbirlarni o`z ichiga olgan dastur tuzilishi rejalashtirildi. Qoraqalpog`iston Respublikasi vazirlar kengashi, viloyatlar va tumanlar hokimliklari doimiy asosda xizmat ko`rsatish va servis

sohasi ob’ektlarini barpo etish uchun qishloq aholi punktlaridagi davlat mulki bo`lgan va foydalanilmayotgan binolar va xonalarni tadbirkorlik sub’ektlariga berilish taklifi qo`yildi

4. O`zbekiston Respoublikasi Markaziy Banki va iqtisodiyot vazirligining qishloq joylarda xizmat ko`rsatish va servis sohasini rivojlantirishga tijorat banklari tomonidan ajratiladigan kreditlarning hududlar va tijorat banklari bo`yicha prognoz hajmlari to`g`risidagi takliflar ma’qullandi.

5. Qoraqalpog`iston Respublikasi vazirlar kengashi, viloyatlar hokimliklari, “O`zbekturizm” milliy kompaniyasi ikki oy muddatda:

O`zbekiston respublikasi yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastri davlat qo`mitasi hamda Davlat arxitektura va qurilish qo`mitasi bilan birgalikda qishloq turistik yo`nalishlarida yo`l bo`yidagi infratuzilma va xizmat k`orsatish sohasi ob’ektlarini qurish uchun tayyor tortib keltirilgan muhandislik kommunikatsiyalari mavjud bo`lgan yer uchastkalarining manzili ro`yxatining tasdiqlanishi va ularning tadbirkorlik sub’ektlariga tanlov asosida ajratib berilishi, ekologik, tibbiy sog`lomlashtirish, sport turizmi, shuningdek, yakka tartibdagi qishloq mehmonxona uylari negizida agroturizmni o`z ichiga olgan zamonaviy turistik xizmatlar turlarini ustuvor rivojlantirish zonalarining belgilanishi to`g`risida qaror qabul qilindi.

Ushbu dastur asosida har yilning har bir choragida ishchi kuchi baholanadi va norasmiy ish bilan bandlar soni aniqlanadi.

Bizning nazarimizda, qishloq xo`jaligida norasmiy bandlik ko`lamini baholashda ekiladigan yer maydoni, uning qishloq xo`jaligi mahsulotlari bo`yicha tarkibi va ular bo`yicha mahsulotlari bo`yicha tarkibi va ular bo`yicha mahsulot yetishtirishning mehnat sarflari asos qilib olinishi, ancha aniq ma’lumotlar olish mumkin.

VI ШЎЪБА. ИҚТИСОДИЁТНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, СОҲАДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

О.М.Пардаев – СамИСИ ўқитувчиси, и.ф.д.
И.М.Пардаева – Самарқанд темир йўл транспорти коллежи

Аннотация*: мақолада мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, соҳада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва жадал ривожлантириш йўлларива устувор йўналишлари қараб чиқилган. Унда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, серҳосил боғларни ва сермаҳсул чорва молларини кўпайтириш эвазига аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш йўллари кўрсатиб берилган.*

Калит сўзлар*: қишлоқ хўжалиги, аграр соҳа, иқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш, хусусий мулк, хусусий тадбиркорлик, модернизация, диверсификация, инновация, иқтисодиёт, рақобатбардошлик, устувор вазифа.*

Аннотация: *в статье рассмотрены приоритетные направления и пути модернизации сельского хозяйства в стране, осуществление реформ и интенсивного развития данной сферы. в ней приведены пути повышения уровня и качества жизни населения за счёт эффективного использования земельных ресурсов, увеличения количества садов и поголовья крупно-рогатого скота*

Ключевые слова: *сельское хозяйство, аграрная сфера, экономическая стабильность, экономический рост, частная собственность, частное предпринимательство, модернизация, диверсификация, инновация, экономика, конкурентоспособность, приоритетные задачи*

Abstract: *the priority directions and ways of modernization of agriculture in the country, implementation of reforms and intensive development of this sphere. In it ways of increase of a level and quality of a life of the population due to effective use of ground resources are resulted, increase in quantity of gardens and a livestock of large horned livestock*

Keywords: *agriculture, agrarian sphere, economic stability, economic growth, private property, private enterprise, modernization, diversification, innovation, economy, competitiveness, priority tasks*

Қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация қилиш, соҳада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва жадал ривожлантириш иқтисодиётни ривожлантиришнинг учинчи устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бугунги кунда иқтисодиётни, унинг таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалигини модернизация қилмасдан, соҳада таркибий ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, уни жадал ривожлантиришга эришиш қийин. Шу туфайли ушбу масалага Ҳаракатлар стратегиясида алоҳида аҳамият берилган.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш,

аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”[74] масаласи асосий устувор йўналиш сифатида белгиланган.Чунки, шу даражага етдикки, энди қишлоқ хўжалигида ҳам таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштирмасдан туриб катта мувоффақиятга эришиб бўлмайди. Зеро, мазкур соҳа зиммасига ҳамма аҳолини турли ноз-неъматлар билан таъминлаш билан бирга, саноатни ҳам энг қимаматли хом ашё билан таъминлаш юкланган. Соҳада таркибий ўзгариш асосан, маҳсулот турларини диверсификация қилиш эвазига амалга оширилади. Шундагина қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантиришга эришиш мумкин. Қишлоқ хўжалигининг муҳим вазифаларидан бири, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга қаратилгандир. Бу борада ҳам изчиллик, тадбиркорлик ва оқилона ёндошувни талаб қилади. Шу ўринда, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш баробарида, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширишга ҳам эришиш мумкин. Ҳозирги босқичда барча соҳаларда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар халқаро андозалар даражасида бўлишлигини ва уларнинг экспорт қилинишини таъминлашга қаратилгандир.

Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган яна бир йўналиш, бевосита“пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш”[75]га қаратилган.Ушбу банд ҳам бевосита юқоридаги белгиланган устувор вазифаларнинг мантиқий давоми бўлиб ҳисобланади. Масалан, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш масаласи, бевосита соҳа асосини таркибий ўзгаришларга йўналтиришга қаратилган. Эндиги шароитда қишлоқ хўжалигида фақат пахта етиштириш билан узоққа бориб бўлмайди. Шунинг учун ҳам асосий эътибор бошқа халқаро бозорга мос маҳсулотлар етиштиришга қаратилган. Шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланишга эришилса, иккинчидан, экин майдонларини янада оптималлаштириш масаласи ҳам ҳал бўлиб боради.

Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигида асосий ҳал қилувчи ролни фермер хўжаликлари ўйнамоқда. Шу туфайли эндиликда “фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш”[76] масаласи ҳам бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири сифатида майдога чиқмоқда. Ҳозирги шароитда фермер хўжаликлари фақат озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш билан чекланиб қолиши етарли эмас. Улар, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш,

[74]Ўзбекистон Республикаси Президентининг2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 Йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси ”Ўзбекистон Республикасиқонунҳужжатларитўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

[75]Ўша жойда.

[76]Ўша жойда.

сақлаш, сотиш ишлари билан ҳам шуғулланишлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Ушбу жараёнда кластер усулидан фойдаланган ҳолда ҳамма жараёнларни бир жойда амалга ошириш нафақат иқтисодий, балки юқори ижтимоий самара ҳам бериши мумкин. Бугунги фермерлар қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликлари бўлишлигини тақозо қилмоқда. Шу туфайли эндиликда фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш масаласи ҳам устувор вазифа сифатида мамлакат раҳбариятининг назоратига олинган тадбирлардандир.

Ҳозирги ҳолат “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш”ни[77] тақозо қилади.Чунки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш орқали ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳада қўшимча қийматни кўпайтириб, фермерларнинг иқтисодий аҳволининг ўнгланишига катта туртки бўлади. Мазкур маҳсулотларниқайта ишлаш ва қадақлаш йўли билан қишлоқ жойларда саноатни барпо қилишга эришилади. Характерли жиҳати шундаки, ушбу соҳада энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги корхоналар пайдо бўлади. Эндиликда қишлоқ жойларда қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишмасаласи ҳам устувор вазифа сифатида белгиланиши қишлоқларнинг қиёфасини, мазмуни ва моҳиятини тубдан ўзгартириш имкониятини фратади.

Ҳозиргача қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотнинг тўртдан бири, айримлари бўйича учдан бири аҳоли дастурхонига етгунча нобуд бўлар эди. Бунга барҳам бериш учун Ҳаракатлар стратегиясида “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш”[78] масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Буларни инобатга олиб, таъкидлаш жоизки, олдин қишлоқда етиштирилган маҳсулотнинг деярли ҳаммаси шаҳарда сақланар, қайта ишланар ва сотилар эди. Эндиликда улар бевосита қишлоқларга кўчди.Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш масаласини ўша жойнинг ўзида ташкил қилиш қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш имкониятини ҳам яратади. Ҳаракатлар стратегиясида агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш масаласи ҳам қишлоқ жойларнинг тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш масаласи ўта долзарб масалалар сирасига киради. Чунки суғориладиган ер майдонлари қисқариб бораётган бир паллада аҳолининг ўсиши кузатилмоқда. Шу туфайли, ҳаракатлар стратегиясида “суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва

[77]Ўша жойда.
[78]Ўша жойда.

ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш”[79] масаласини устувор вазифалар қаторига киритилган.Чунки, ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш учун, уларнинг ҳосилдорлигини муттасил ошириб бориш эвазига ер ресурсларининг ҳам саамарадорлигини оширишга тўғри келади. Бу эса, ўз навбатида, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш масаласини долзарб қилиб қўймоқда. Шу билан бирга ерларнинг самарадорлигини ошириш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни жорий қилишни тақозо қилади. Бунинг учун, энг аввало, сув ва бошқа ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш билан бирга интенсив, серҳосил боғларни, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирадиган майдонларни кўпайтириш масаласига ҳам эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги пайтда унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланишни йўлга қўйиш ҳам соҳанинг ривожланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга комплекс ёндошиб, унинг барча соҳаларини такомиллатириш масаласини кун тартибига олиб чиқилмоқда.

Ҳозирги шароитда ўсимликларгнинг касаллиги ҳадда ташқари кўпайиб, ҳосилнинг камайиб кетишига олиб келмоқда. Ушбу масала ҳам Ҳаракатлар стратегиясида “касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш”[80] масаласини ҳам устувор вазифа сифатида белгилаган.Чунки, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Бунинг учун янги селекция навларини яратиш ва ушбу муаммо устида йирик иломий-тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо қилади. Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири гўшт-сут маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ. Шу туфайли юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича ҳам илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш лозимлиги ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ҳозирги пайтнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, барча соҳалар бўйича глобаллашув давом этиб турган пайтда глобал иқлим ўзгаришларлари ҳам содир бўлмоқда. Бу нафақат ўсимлик дунёсига, балки ҳайвонат ва инсоният оламига ҳам сезиларли даражада зарар қилади. Шу туфайли Ҳаракатлар стратегиясида “глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш”[81] масаласини ҳам устувор вазифалардан бири сифатида қайд этган.Дунё миқёсида глобал иқлим ўзгаришлари содир бўлиб турган бир паллада, минтақамиз учун яна қўшимча Орол денгизи қуришининг ҳам катта салбий таъсиридан ҳимояланиш масаласи ўта муҳим масалалар сирасига киради. Ушбу жараёнларнинг олдини олиш, улардан ҳимояланиш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда ушбу омилларнинг аҳолининг ҳаёт

[79]Ўша жойда.
[80]Ўша жойда.
[81]Ўша жойда.

фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш масаласи ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Хулоса қилиб айтганда,қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, соҳада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва жадал ривожлантиришнинг бир қанча йўллари мавжуд эканлиги ҳаммага аён. Эндиги вазифа ушбу муаммоларни ўз вақтида ва ўз жойида, ҳар бир кишининг юксак масъулияти ва жавобгарлигини ҳис қилган ҳолда ҳал қилиш билан боғлиқдир.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ҳасанов Ш. Ҳ –ҚарМИИ катта ўқитувчи

Аннотация:*Ушбу мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини шакллантиришдаги аҳамияти кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар*: кичик бизнес, тадбиркор. тадбиркорлик,модернизация, янгилаш.*

Аннотация:*В данной статье рассмотрено значение формирования класса собственников как основной опора в модернизаций и обновления всфере малого бизнеса и предпринимательства.*

Ключевые слова: *малый бизнес, предприниматель, предпринимательство, модернизация, обновления.*

Annotation:*In given article is considered the value of formation proprietary as the basic support in modernisations and updating in small-scale business and enterprise sphere*

Keywords: *small-scale business, enterprise sphere, modernization, updating.*

Иқтисодий тушунчаларга кўра жамиятда меҳнатни ташкил қилиш ва ишлаб чиқаришни шакллантириш ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликнинг турли шакллари ёрдамида амалга оширилади. Мулкчилик шакллари бозор хўжалиги шароитига турли-туман бўлади ва улар орасида хусусий мулкчилик устувор ҳисобланади. Ҳар бир меҳнатга лаёқатли инсон мулкка эга бўлса, у ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан мустақил фаолият кўрсата олади. Меҳнат фаолияти индивидуал ёки жамоа бирикмаси шаклида ташкил этилиши мумкин. Замонавий иқтисодиётда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар бизнесменлар ҳамда тадбиркорлар номи билан юритилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг барқарорлигини таъминлаб боришнинг бозор йўли бизнесга асосланади. Бу тизимда бизнес фаолиятига кенг имкониятлар берилади. Бизнес қонуний йўл билан, рухсат берилган меҳнат фаолияти билан шуғулланиб даромад яратади ва пул топади. Бизнес меҳнат қилишга қобилиятли бўлган субъектларнинг ёки корхонага (фирма) уюшган ходимларнинг бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши учун таваккалига пул сарфлаб даромад (фойда) олиш йўлидаги фаолиятларидир. Тадбиркорлик деганда, фақат пул топиш эмас, балки яратувчанлик орқали даромад олиш тушунилади. Молиявий ресурс бўлган пул эгалари томонидан жамғарилса, жамғарма ҳисобидан фоизлар олса ёки пулни қарзга бериб ундан даромад олсалар, улар пул топувчи бизнесчилар дейилади, лекин тадбиркор ҳисобланмайдилар.

Бозор иқтисодиёти йўли билан ривожланаётган жаҳондаги мамлакатлар тажрибасидан маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти миллий ва ички бозорларни товар маҳсулотлари ва хизматлар билан бойитишда иқтисодиётнинг энг муҳим секторига айланган.

Бозор тизими билан ривожланаётган мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайтириб боришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти муҳитининг қандай ҳолатда экани, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва бу фаолиятнинг амалдаги ривожланиш суръатлари барча даражадаги ҳокимлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши даркор.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хомашё базаси яратилмоқда.

Қашқадарё вилоятида 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 15180 тани ташкил қилди.

2016 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 51,7 фоизи (2015 йил январь-декабрда 51,6 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2016 йилнинг январь-декабрда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 945,4 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 80,1 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 601,1 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 160,3 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2643,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 27,4 фоизи) ёки 2015 йилнинг январ-декабрига нисбатан 25,1 фоизни ташкил қилди;

- 3918,4 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 6,7 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,5 фоизи) ташкил қилди.

- 1063,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 16,8 фоизи) ўзлаштирилди ва 2015 йилнинг январь-декабрига нисбатан 127,9 фоизни ташкил қилди;

- 1732,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 71,4 фоизи) бажарилди ва 2015 йилнинг январ-декабрига нисбатан 121,1 фоизни ташкил қилди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 109,2 фоизга (умумий юк айланмасига нисбатан 93,4 улуши), йўловчи айланмасининг эса 107,8 фоизга (умумий йўловчи айланмасига нисбатан 91,9 улуши) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 85,9 фоизи ёки 5335,2 млрд. сўми (ўсиш 13,4 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 71,9 фоизи ёки 3274,8 млрд. сўмни ташкил қилди;

- 125,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 41,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди.

2016 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3918,4	99,5
Саноат	2643,8	4,8
Қурилиш	450,5	18,6
Чакана савдо	5335,2	85,9
Юк ташиш, млнтн.	45,8	65,6
Йўловчи ташиш, млн.киши	473,8	95,7
Экспорт, млн. АҚШ долл.	125,5	41,5
Импорт, млн. АҚШ долл.	82,8	22,3

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади: Шунингдек, амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда аграр тармоқдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қуйидаги муаммолар кўзга ташланади.

1. Маҳсулотларни қайта ишлаш ва уларни тайёр товар маҳсулот шаклида истеъмолчиларга узлуксиз етказиб беришни йўлга қўйиш;

2. Йил давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини узлуксиз етиштиришда иссиқхоналар қуриш ва улардан самарали фойдаланишни амалга ошириш;

3. Чекланган ресурслар шароитида инновацион яратувчанлик янгиликларидан, яъни ноаньанавий энергиялардан фойдаланишни қўллаш;

4. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ва қайта ишланаётган товар маҳсулотларини сақлаш учун махсус омборхоналар ташкил қилиш ҳамда маҳсулотларнинг турларига мос ҳолдаги техникалар билан таъминланишга эришиш;

5. Тадбиркорларнинг янги техника ва технологияларни сотиб олишдаги қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда уларни янгиликлар тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлашни такомиллаштириш.

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Умуман олганда, қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги айрим муаммоларнинг ўз ечимлари топилса, фаолият кўрсатаётган субъектларнинг ялпи ички маҳсулотидаги улуши кўпайиб боради, шунингдек қишлоқ аҳолисини иш билан бандлик даражаси ортади. Натижада аҳолининг даромадлари кўпайиши билан биргаликда уларнинг иқтисодий фаровонлиги ва турмуш даражаси яхшиланиб боришига имкониятлар яратилади.

XIZMAT KO'RSATISH SOHASI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING TASHKILIY MEXANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH

Karimov O',- TATU Farg'ona filiali katta o'qituvchisi,
Karimova G. - Farg'ona tibbiyot kolleji o'qituvchisi

Annotatsiya: *ushbu maqolada xizmat ko'rsatish sohasi, shuningdek xizmat ko'rsatish sohasida samaradorlikni oshirish va uning tashkiliy mexanizmlari yoritib berilgan*

Kalit so'zlar*: samaradorlik, xizmat ko 'rsatish, bozor munosabatlari, ehtiyoj, mehnat faoliyati, korxona, xizmat ko'rsatish korxonalari*

Аннотация: *В этой статье описывается повышения производительности сферы услуг, а также ее институциональные механизмы*

Ключевые слова*: эффективность, обслуживание, рынок, спрос, занятость, предприятия и сервисные компании*

Abstract: *This article describes the enhancement of productivity in the service sector, as well as its institutional arrangements*

Keywords: *efficiency, service, market, demand, employment, enterprises and service companies*

Bozor munosabatlari rivojlanishi sharoitida xizmat ko’rsatish sohasini tashkiliy-iqtisodiy jihatdan to’g’ri shakillantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Agar ushbu sohaning rivojlanishi tashkiliy jihatdan optimal va xizmatlar bozori konyukturasiga nisbatan egiluvchan bo’lsa, xizmat ko’rsatish sifati va samaradorligi shunchalik yuqori bo’ladi. Xizmat ko’rsatish sohasida mehnat faoliyatini tashkil etishni to’g’ri yo’lga qo’yish milliy iqtisodiyot miqyosida bir qator ijtimoiy va iqtisodiy muammolarni bartaraf etishga sabab bo’ladi. Masalan, sohani rivojlantirish asosida aholining ish bilan bandligini ta’minlash, xizmatchilarni ishbilarmonlik faolligini oshirish, ko’rsatilayotgan xizmatlarni operativ tarzda tashkil etilishi va boshqalarni yaxshilanishiga sabab bo’ladiki, bularning barchasi oxir-oqibatda mamlakat aholisi turmush darajasi va sifatini oshirishga olib keladi.

Xizmat ko’rsatish sohasida ishlab chiqarish va xizmat ko’rsatish jarayoni tarkibiy qismlarining murakkabligi va xilma xilligi, ularning bajarilish tadbirlarini mustaqil tanlash, hisoblash, loyihalashtirish va muvofiqlashtirish imkoniyatlari mehnatning mazmuniga muhim o’zgarishlar kiritadi.

Xizmat ko’rsatish korxonalarida xodimlar mehnat faoliyatining eng samarali bo’lishini ta’minlash maqsadida xizmat ko’rsatish jarayonlarini o’rganish, takomillashtirish va har tomonlama asoslangan xizmat ko’rsatish normalarini ishlab chiqish va ish vaqtidan samarali foydalanish asosida mehnat unumdorligini o’stirish imkoniyatini aniqlash zarur. Biroq mehnat unumdorligini oshirishni sekinlashtiruvchi va to’xtatuvchi omillar bozor munosabatlari rivojlanishining hozirgi sharoitida ham mavjud. Chunki xizmat ko’rsatayotgan korxonalar xarajatlarini to’xtovsiz kamaytirish, ishlab chaqarish va xizmat ko’rsatish hajmini ko’paytirish bilan emas, balki o’zlari ishlab chiqarayotgan mahsulotlar yoki ko’rsatayotgan xizmatlar kamchiligidan, tanqisligidan foydalanib, ularning baholarini oshirish evaziga rejalashtirilgan miqdorda daromad olishga erishmoqdalar. Bunday hol, o’z navbatida nafaqat boshqarib bo’lmaydigan inflyasiya jarayonining yanada rivojlanishini kuchaytiradi, balki har tomonlama ilmiy asoslangan xizmat ko’rsatish normalarini keng joriy etib, xizmat ko’rsatish jarayonini tashkil qilish va boshqarish xarajatlarini qisqartirishga umuman imkon bermaydi.

Hozirgi sharoitda ishchilar faoliyatining mehnatdagi buyumlashgan elementlari bilan o’zaro aloqasini o’rnatibgina qolmay, o’zaro hamkorlikdagi faoliyat qatnashchilari bo’lgan «inson-texnika» o’rtasida mehnat munosabatlarini shakllantirish, jonli mehnat samaradorligini oshirish kabi muammolarni yechish zarur bo’lmoqda.

Bizning fikrimizcha, xorijiy mamlakatlar xizmat ko’rsatish sohasining tashkiliy tuzilishi xizmatlar bozori tashkiliy tuzilmasining tadqiqoti orqali respublikamizda xizmatlar bozorining tashkiliy tuzilmasini quyidagicha tasniflashimiz mumkin:

– amal qilish mexanizmlari bo’yicha (vositachilik moliyaviy, axborot-texnologik, xuquqiy, marketing);

– mulk shakli bo’yicha (xususiy, kooperativ(jamoa), davlat, ijtimoiy, xorijiy);

– ko’rsatiladigan xizmatlar ko’lami bo’yicha (xalqaro, milliy, hududlararo, hududiy, mahalliy);

– ko’rsatiladigan xizmatlar turlari va yo’nalishlari bo’yicha: ishbilarmonlik xizmatlari (moliyaviy, sug’urta, kredit xizmatlari), taqsimot xizmatlari (savdo, umumiy ovqatlanish), ijtimoiy xizmatlar (ta’lim, sog’liqni saqlash, jismoniy madaniyat, huquqiy xizmatlar).

Ko’pchilik xorijiy iqtisodchi olimlar xizmat ko’rsatish sohasining tarkibiy tuzilishini uning tarmoq belgilari va rivojlanish nuqtai nazaridan tasniflashni taklif etishadilar.Bizning fikrimizcha, ushbu sohani tashkiliy-iqtisodiy nuqtai nazardan tasniflash maqsadga muvofiqdir.

Bunday holda quyidagilarni alohida ajratib ko’rsatish zarur:

– axborot-tijorat infratuzilmasi (marketingmarkazlari, reklama agentliklari, axborotlarni to’plash va qayta ishlash markazlari va h.z.);

– iqtisodiy-huquqiy infratuzilma (sudlar, huquqiy maslahat markazlari, advokatlik va notarial idoralar va h.z);

– moliyaviy-kredit infratuzilmasi (tijorat banklari, kredit, sug’urta va kafolat tashkilotlari);

– savdo, vositachilik infratuzilmasi (yarmarkalar, birja, savdo uylari, tijoratmarkazlari va h.z).

Xizmat ko’rsatish sohasi samaradorligini ta’minlashda yuqorida ta’kidlangan tasniflar muhim ahamiyat kasb etadi. Ammo, mamlakatimiz iqtisodiy siyosatida xizmatlar salmog’ini oshirishga qaratilgan islohotlar ushbu xizmat sohalarini yanada rivojlantirishni talab etadi. Masalan, xizmatlar turlari sifatida savdo uylari, tashkilotlari, yarmarkalar, oziq-ovqat va nooziq ovqat mahsulotlarini realizasiyasiga hamda ularni ishlab chiqaruvchilarini samarali faoliyatiga ijobiy ta’sir ko’rsatadi. Ammo, xizmatlar maxsus tovar sifatida uni ko’rsatuvchilarga o’ziga xos talablarni bajarishni talab etadi. Ushbu fikrni tasdig’i sifatida yarmarkalarning o’rni va rolini misol qilish mumkin. Keyingi vaqtlarda xizmat sohasining savdo-vositachilik tarkibiy tuzilmasi sifatida ularning roli jahon tajribasida birmuncha pasayib bormoqda. Yetakchi o’ringa xizmatlar bozori tarkibida ushbu bozorning holati haqida ishlab chiqaruvchilar va xizmat iste’molchilari haqidagi axborotlarni to’plash va qayta ishlashzarur.

Ma’lumki, hozirgi vaqtda tijoratbanklari xizmat sohasida faoliyat yuritayotgan kichik va xususiy tadbirkorlarga kamdan-kam holatlarda kreditlarni ajratishadi. Bunday holatning sababi, xizmat ko’rsatish korxonalarida moliyaviy operasiyalar hajmini kamligi, kredit uchun zaruriy kafolatlarni bera olmasliklari hamda ushbu korxonalarni barqarorlik masalalari bilan izohlanadi.

Shuning uchun ham, xizmat ko’rsatish korxonalarini qo’llab-quvvatlash uchun tashkil etilajak turli xil tashkilotlar ularning faoliyat ko’lamini moliyaviy, moddiy va boshqa ko’maklar yordamida kengaytirishlariga imkoniyat yaratadi. Hozirgi vaqtda Samarqand viloyatida xizmat ko’rsatish korxonalari faoliyati rivojlanayotgan bo’lsada, to’g’ridan to’g’ri ularni faoliyatini kreditlovchi, muvofiqlashtiruvchi va boshqa ko’maklarni beruvchi tashkilotlar mavjud emas.

Demak, bizning fikrimizcha, hozirgi vaqtda xizmat ko’rsatish korxonalari assosiasiyasini tashkil etish xizmatlar sohasi samaradorligini ta’minlovchi muhim tashkiliy tarkib hisoblanadi. Uning tarkibiga mijozlarga kompleks xizmat ko’rsatishni (barcha xizmatlarni ko’rsatishni) tashkil qilish mumkin bo’ladi.

Xizmat ko’rsatish korxonalari faoliyati samaradorligini oshirishning yana bir tashkiliy mexanizmlaridan biri – bu soha uchun xizmat qiladigan axborotlar tizimidir. Mazkur tizim o’z ichiga, fikrimizcha, quyidagilarni qamrab oladi: reklama agentliklari, marketing xizmati markazlari, doimiy yoki ko’chib yuruvchi ko’rgazmalar, axborot vositalari va elektron aloqa tizimlari va boshqalar. Bizning fikrimizcha, xizmat ko’rsatish sohasida axborot ta’minotini yanada rivojlantirish aholini xizmatlarga bo’lgan to’lov qobiliyatini to’la qondirish, ushbu sohani o’sish dinamikasini baholash, ko’rsatiladigan

xizmatlar sifati va samaradorligini yaxshilashga imkoniyat yaratadi. Buning uchun viloyat miqyosida xizmatlarga bo'lgan talabni o'rganish bo'yicha maxsus xizmatni-marketing markazlarini tashkil etish kerak. Ushbu tashkiliy tuzilmasi quyidagi faoliyat yo'nalishlarini o'z ichiga oladi:

- yangi xizmat turlarga bo'lgan talab va taklifni o'rganish bo'yicha ilmiy- amaliy qo'llanmalarni ishlab chiqish;
- xizmatlarga ehtiyoj sezayotgan subyektlar uchun viloyat miqyosida xizmatlar konyukturasi uchun hisobotlar, bukletlar, ma'ruzalar tayyorlash;
- ko'rsatiladigan xizmat sifatini aniqlash uchun so'rovnomalar, sosiologik tadqiqotlar o'tkazish;
- xizmatlar sohasidagi muammolarni yechish bo'yicha ijtimoiy tadbirlarda, yarmarkalarda, ko'rgazmalarda ishtirok etish.

Har qanday korxona faoliyatini tashkil etishning negizi bo'lib mehnatni to'g'ri taqsimlash hisoblanadi.

Ishlab chiqarish yoki xizmat ko'rsatish jarayonida xodim holatining o'zgarib borishiga ta'sir etuvchi omillar, biror jarayon ta'sirida yangilanadigan yoki o'zgaradigan sabab va holatlarga bog'liq bo'ladi. Ishlab chiqarish yoki xizmat ko'rsatishning ilmiy-texnik va texnologik taraqqiyoti mehnat jarayonlarida xodim holatini o'zgartirishning daliliy ta'sir qiluvchi sababidir. Texnika-texnologiyaga bog'liq tarzda mehnat va xizmat ko'rsatish jarayonlarini tashkil etish ham uzluksiz o'zgarib boradi. Masalan, xizmat ko'rsatishdagi texnologik jarayon (qisqarishi) mehnat unumdorligi o'zgarishiga (oshishiga) olib keladi. Bu holat xodim mehnatidan intensivfoydalanishni oshiradi va mehnat talabchanligini pasaytiradi. Shuningdek, mehnat jarayonidagi tashkiliy-texnikaviy omillarning ta'siri mehnat me'yorlarini takomillashtirishni zarurat etadi.

ИЖТИМОИЙ СОҲА ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Файзиева Ш.Ш. - ҚарМИИ "Иқтисодиёт" кафедраси доценти

Аннотация: *Ушбу мақолада ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Республикамизда ижтимоий соҳа тармоқларининг жадал ривожланаётганлиги таъкидлаб ўтилган. Ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш тенденциялари тахлил этилган ва уларнинг ривожланишини такомиллаштириш бўйича таклифлар тавсия этилган.*

Калит сўзлар: *ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, такомиллаштириш, тахлил этиш, ривожланиш тенденциялари*

Аннотация:

В статье рассмотрены вопросы совершенствования социальной сферы и производственной инфраструктуры. Отмечено, что в республике ускоренно развиваются отрасли социальной сферы. Произведен анализ основных показателей социальной сферы и тенденций развития производственной инфраструктуры, предложены меры по их дальнейшему ускоренному развитию.

Ключевые слова: *социальной сферы, производственной инфраструктуры, совершенствования, произведен анализ, тенденций развития*

Annatation:*Social sphere and production infrastructure is one of the important sphere, it is important to supply the macroeconomic stability and stable economic growth.*

It is highlighted that in the republic social sphere has been developing in high rates. The analyses have been done on the main indicators of social sphere and tendencies of development of production infrastructure and measures for the further development are proposed.

Keywords: *infrastructure, production infrastructure, stability, analyses taken, development rates.*

Кейинги пайтларда мамлакатимизда инфратузилмаларнинг замонавий, илғор турлари-телекоммуникация, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари, лизинг тартибидаги кредитлар ажратиш, суғурта, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий хизмат турлари жадал суръатда ривожланмоқда. 2012 йилда мамлакатимиз аҳолисининг 8 миллионга яқини Интернет тармоғидан фаол фойдалангани, маиший хизмат кўрсатиш жами ҳажмининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлиги фикримиз тасдиғидир. Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизматлар таркибида замонавий хизмат турлари устувор равишда тараққий этмоқда. Бугунги кунда маиший хизматларнинг умумий ҳажмида енгил автомобилларни таъмирлаш ва техник созлигини аниқлаш хизмати улуши 14 фоизни, мураккаб турдаги техникавий жиҳозларни таъмирлаш 11 фоизни, якка тартибдаги уй-жойларни қуриш, уларни ва кўп қаватли турар жойларни таъмирлаш хизматлари 12 фоизни, аҳоли юкларини ташиш транспорт хизмати 12 фоизни, сартарошхона хизматлари 6 фоизни ташкил этмоқда.Айни вақтда аҳолига кўрсатилган пуллик умумий хизматлар ҳажми 116 фоизга, чакана савдо айланмаси эса 116 фоизга ўсди. 2012 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жадал ривожланиб, унинг ЯИМдаги улуши 52 фоизни ташкил этди. Йил давомида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг 142 фоизга ўсганини ижобий тенденция сифатида баҳолаш мумкин. Шу билан бирга, инфратузилмаларни ривожлантиришда мавжуд имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлигини ҳам таъкидлаш зарур. Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш тизими ҳам ҳозирги вақтда ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти. Охирги йилларда жами хизматлар ҳажмининг 27 фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келмоқда ёки ҳар бир қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми шаҳарликларга нисбатан 5 марта кам бўлмоқда. Бундан ташқари, янги хизмат турлари, жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратишда зарур бўлган молиявий, лизинг, консалтинг, юридик ва бошқа хизматлар етарли даражада ривожланмаяпти. Туристик хизмат кўрсатиш соҳасида беқиёс имкониятлар мавжуд бўлишига қарамай, ушбу соҳа ўта секин ривожланмоқда. Бунга ҳудудлар бўйича туристик хизматларни кўрсатувчи тизимнинг яратилмаганлиги, ички туризм рекламалари ривожланмаганлиги, республика ичидаги туристик йўналиш (маршрут)лар аҳолига маълум эмаслиги тўсқинлик қилмоқда.

Инфратузилма соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур. Бу борадаги энг асосий вазифа вазиятга тадбиркор нуқтаи назаридан қараш, яъни унга ўз ишини ривожлантириш учун нима тўсқинлик қилаётгани ва давлат томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаш лозим. Хусусий секторга қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш даркор. Истиқболда мамлакатимиз

иқтисодиётида хизмат кўрсатиш тармоқлари ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини ривожлантиришда қуйидагиларга алоҳида устуворлик берилиши зарур:

- аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатилишини яхшилаш, унинг сифатини ошириш, пуллик хизмат кўрсатилиши ҳажмини ошириш мақсадида маҳаллаларда аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш ва шу асосда маҳаллалар бюджетини шакллантириш;

- ҳудудларда аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш дастурини изчил давом эттириш;

- савдо маданиятини ва сифатини ошириш, аҳолини сифатли озиқ-овқат ва истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида шаҳарларда ва туман марказларида замонавий типдаги минимаркетлар ва савдо шохобчаларини ташкил этиш ишларини давом эттириш;

- истеъмолчи ҳақ-ҳуқуқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рақобатчилик муҳитини қарор топтириш, суғурта хизматларини такомиллаштириш;

- тайёрлов ва таъминот корхоналари фаолиятини такомиллаштириш асосида аҳолидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нақд пул асосида қабул қилиб олишни йўлга қўйиш;

- инсоннинг ҳаёти ва хўжалик фаолиятининг барча жабҳалари бўйича фуқароларга маслаҳат хизматлари кўрсатувчи марказлар фаолиятини йўлга қўйиш ва рағбатлантириш;

- аҳолига кўрсатилувчи тиббий хизматлар сифатини ошириш ва тиббиёт соҳасида нодавлат тиббий муассасалар фаолиятини янада ривожлантириш;

- шаҳар аҳолисига кўрсатилувчи уй-жой ва коммунал хизматлар сифатини ошириш ва ушбу соҳада турли мулкчилик шаклида фаолият юритувчи корхоналар ташкил этилишини рағбатлантириш;

Мамлакатимизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифаси бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириш - истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида ижтимоий соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдан иборатдир. Инсонларнинг моддий ва маънавий ҳаётини оширишга, турмуш тарзини яхшилаш ва такомиллаштиришда хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамиятга эга. Хизмат кўрсатиш соҳаси моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежайди, инсоннинг бўш вақтини кўпайтиради, меҳнатининг ижодий мазмунини оширади, иш вақтидан ташқаридаги оқилона бўлмаган харажатларни қисқартиради, инсонлар ҳаётини янада фаровон қилади ва шу орқали аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари, қатламларининг ҳаётий манфаатларини юзага чиқаради.

Хизматларга кўпинча моддий қимматдорликлар яратмайдиган барча фойдали фаолият турларини киритишади, яъни у ёки бу фаолият турини хизматлар соҳасига киритишнинг асосий мезони бўлиб, ҳис қила бўлмаслик, ушбу соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг кўринмайдиган характери ҳисобланади. Амалиётда хизматлар соҳаси кўплаб фаолият турларининг мажмуаси сифатида ва хақиқатда уларни қайд этишдан иборат, деб қаралади. Бу ҳолат хизматларнинг турли туманлиги, ҳамда уларнинг товарлар билан бирга хамроҳ бўлиши (ҳисобот, компьютер дастури, кинолента ва х.к.) билан боғликдир.

Иқтисодий ислоҳотларни юксалтириш, иқтисодиёт соҳасида эркинлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устуворликларни босқичма-босқич амалга ошириш республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини юқори суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган қуйидаги чора-тадбирлар хизматлар соҳасини ривожланишига имкон бермоқда:

– транспорт коммуникацияси тизимлари, телефон алоқа станциялари ва линияларини ривожлантириш бўйича хорижий инвестицияларни жалб қилиш, меҳмонхоналар тармоғини ривожлантириш, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;

– соғлиқни сақлаш, таълим болалар спортини ривожлантириш, компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологиялари, коммунал хизматлар, уй-жой қурилиши, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, иш билан бандликнинг минтақавий дастурлари, кичик бизнесни ривожлантириш, банк соҳасини ислоҳ қилиш ва бошқа тармоқ дастурларини амалга ошириш;

– депозитар тизим, аудиторлик, лизинг, реклама, адвокат, консалтинг, суғурта фаолиятлари, микромолиялаштириш ва кредит уюшмаларини ташкил этиш каби янги бозор институтларининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишидаги ижобий натижалар сирасига соҳага хорижий инвестиция сармояларини жалб этиш, айниқса, транспорт, алоқа ва ахборотлаштириш, молия ва банк хизматларида ортиб бормоқда. Ушбу масалада асосан телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва таъмирлашда, компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш технологияларида ижобий натижаларга эришилди. Бу тармоқда энг катта ютуқларга симсиз телефон алоқалари орқали боғланиш, уяли телефон мижозларининг кўпайиши, Интернет хизматларини кенгайиши, эфир – кабель телевидения кўрсатувларини жорий этиш каби хизматларнинг ривожланиши орқали эришилганини киритиш мумкин. Республика ҳудудларидаги хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг иқтисодиётга таъсири ўзаро фарқланишига қарамай, ҳудудий хизматлар ҳажмининг ЯИМдаги улуши бўйича катта ютуқларга эришилмоқда. Бунда дунё тажрибалари ва замонавий йўналишлари нуқтаи назаридан қараганда, мамлакатимизда хизматлар бозорининг шаклланиши, хизматлар ҳажмининг ўсиб бориш динамикасининг юқорилиги боис, хизмат кўрсатиш соҳасида янги инфратузилма яратилмоқда. Савдо тизимида дўконлар, умумий овқатланиш шохобчалари, комплекс хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилди. Йўловчиларни ташиш транспорт йўлланишлари сони ўсиб бормоқда. Банк мижозларига қулай шарт-шароит яратиш ҳамда молия хизматларига мижозлар ҳаракатини соддалаштириш мақсадида молия ва банк тизимини ривожлантиришга ва инфратузилмаларини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Бунинг натижасида хизмат бозоридаги хизмат турларига бўлган талабларнинг ўзгариши ва иқтисодиётга таъсир даражаси ўсиш билан бирга, хизмат турларига бўлган эҳтиёжлар кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига ва бир неча хизмат турларининг мужассамланган комплекс тартибда бўлишига хизмат қилмоқда.

Айтиш ўринлики, эришилаётган ижобий натижалар соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, тармоқлар ва ҳудудларга берилаётган имтиёзлар,

ажратилаётган кредит маблағлари ва бошқа кўрсатилаётган молиявий ёрдамлар ҳамда енгилликлар ҳисобига бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги 1446-сонли қарорига мувофиқ “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги Дастур ва ундан кўзланган асосий мақсад - ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларининг республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини истиқболда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган дастурлар билан узвий боғлиқ ҳолда илдам ривожланишини таъминлаш ҳамда бунинг негизида янги иш жойларини яратиш, аҳолининг бандлиги ва турмуш даражасини узлуксиз ўсиб боришини таъминлаш белгиланган эди. Мазкур дастурдан умумий қиймати 8 миллиард 504 миллион долларлик жами 85 та лойиҳа ўрин олган бўлиб, уларнинг бажарилиши натижасида жами 14394 та янги иш ўрни яратилди (1-жадвал).

1-жадвал

2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари, млн. долл.

Йўналиш номи	Лойиҳа қиймати (млн. доллар)	Лойиҳа сони
Дастурнинг умумий қиймати	8504,0	85 та
шу жумладан:		
Автотранспорт тизими	3544,0	11 та
Темир йўл транспорти тизими	2146,6	14 та
Ҳаво йўл транспорти тизими	993,7	14 та
Инженерлик-коммуникация инфратузилмаси ва телекоммуникация тизими	1794,7	44 та
Шаҳар электротранспорти паркини янгилаш	24	2 та

Дастур доирасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар мамлакатимизнинг ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспорт тизимини, шунингдек, инженерлик-коммуникация инфратузилмаси ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштиришга, мавжуд ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш салоҳиятидан тўлиқ ва кенг миқёсда фойдаланишга қаратилди. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу устувор вазифага алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлиб, бунинг бир қанча асосий сабаблари мавжуд ва улар қуйидагилардан иборат:

– ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, кўп меҳнат талаб қиладиган кенг кўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради;

– ишлаб чиқариш инфратузилмаси. Авваламбор,автомобиль ва темир йўлларининг ривожланган тизими, уларнинг самарали фаолияти ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларни камайтиришнинг муҳим шарти ва омилидир. Бу эса, ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бутун иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширади;

– инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни ташкил этиш ва бутун иқтисодиётни тараққий эттириш учун зарур қулай шарт-шароитлар яратади, мамлакатимизнинг бой минерал-хомашё ресурсларини ўзлайтириш имкониятларини кенгайтиради.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларга қарамасдан, Ўзбекистонда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига жуда катта ижобий натижалар қўлга киритилмоқда, иқтисодиётимизда жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларига эришилмоқда. Буларнинг барчаси пировардида халқимиз турмуш фаровонлигининг ўсишига, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрни ва мавқеининг тобора мустаҳкамланиб боришига ишончли замин яратади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ХИЗМАТИНИ БОШҚАРИШДА ИНОВАТЦИОН ТЕХНАЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ.

Мирзаев М.У - Тошкент давлат аграр универиситети
“қишлоқ хўжалигида менежмент” кафедраси ассистенти

Аннотация:*Қишлоқ хўжалигида сув ресурслидан фойдаланиш ва уни бошқаришни инновацион ривожлантириш, сув ресурсларини етказиб бериш хизматини самарали ташкил қилиниши ёритилган.*

Рассматриваются инновационные развитие использование водных ресурсов и рациональное организации службы доставки водных ресурсов в сельском хозяйстве.

The innovative development of the use of water resources and the rational organization of water delivery service in agriculture are considered.

Калит сўзлар*: Истеъмол, ресурс, лимит, инновация*

Ключевые слова*: инновация, потребление, ресурс, ограничение,*

Key words*: innovation, consumption, resource, restriction,*

Республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда мисол сифатида таҳлил қиладиган бўлсак 2015 йил мамлакатимизда узум етиштириш 1579,0 минг тоннани ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2016 йилда 1735,5 минг тоннага, полиз маҳсулотлари 2015 йилда 1853,1 минг тонна 2016 йил 2045,2 минг тонна, мева маҳсулотлар и 2015 йилда 2746,2 минг тонна 2016 йилда 3042,7 минг тонна маҳсулот етиштириш ўсганини кўришимиз мумкин. Ҳар бир маҳсулотни етиштириш учун албата сув ресурларидан фойдалниш ва уни бошқарувини иноватцион техналогиялар асосида ташкил этилиши сув ресурслари хизматини тўғри амалга оширш учун асосий манба сифатида хизмат қилади. Бошқарув жараёнида сув ресурсларини бошқаруви қуйидаги жадвалда ўз аксини топган .



Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқарув жараёнини тартибга солиш уни назорат қилиш ишларини амалга оширилиш орқли ривожлантиради 2016 йилда ҳудудларда сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлар, яъни ирригация тизимларидан сув олиш қоидаларини бузилиши, сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сув хўжалиги объектларидан олинадиган сув миқдорини ҳисобини юритиш қоидаларига амал қилмаслик каби ҳолатлар аниқланиб, сув ва сувдан фойдаланиш борасидаги қонун-қоидаларни бузган айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига мувофиқ 3346 та ҳолат юзасидан тузилган баённомалар асосида 714,5 млн сўм миқдорида жарима ундирилди. Айни пайтда сув истеъмолчилар хизматини самарали ташкил этиш мақсадида насос станцияларини таъмирлаш ва энергетика таъминотида. 2016 йилда вазирлик тасарруфидаги Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари томонидан 2700 дона насос агрегатлари (режага нисбатан 101,5%), 1351 дона суғориш қудуқлари (101,0%), 1759 дона (101,9%) ички хўжалик насос агрегатлари таъмирланди.

Мавсум давомида вазирлик тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотларида белгиланган лимит доирасида 7900,7 млн кВт.соат электроэнергия сарфланиб, 1,2 млн кВт.соат тежалишига эришилди. Иноватцион техналогияларни жорий этилиши меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга ресурслардан тежамкорлик асосида фойдаланишга замин яратилади Бажарилган ишлар натижасида сувни тезкор бошқариш ва истеъмолчиларга ўз вақтида кафолатли етказиб бериш имконияти яратилмоқда ҳамда суғориш тармоқларидаги техник юқотилиши ва фильтрацияси камайишига эришилмоқда. Жумладан, бугунги кунга келиб Ўзбекистонда сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш йўналишидаги давлат сиёсатининг натижаси ўлароқ фойдаланилаётган сувларнинг умумий миқдори 80-йилларга нисбатан 20 фоизга камайишига эришилди. Сув манбаларидан 1 гектар суғориладиган майдонга 90-йилларда 18 минг м3/га ишлатилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 40

фоизга камайди. Биргина тежамкор техналогияларни қўллаш жараёнида 1 га ерга томчилаб суғоришни жорий этиш учун 6-7 милон сўм сарфланишини ҳисобга оладиган бўлсак бу экин турларига қуйидагича таъсир кўрсатади:

Экин тури	Сув тежалиши %	Меҳнат сарфи камайиши %	Ҳосилдорлик ошиши %
Пахта	30-40	50-60	90-150
Боғ-токзорлар	40-60	25-30	20-25
Сабзавот-полиз	50-55	50-60	55-65

Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалик корхоналари даромадларини ошишига таъсир этади . Сув хизматидан фойдаланиш ва уни фермер ва деҳқон хўжаликларига етказиб бериш сув истеъмолчилари уюшмаси зимасига юклатилган сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятида: республикада фаолият кўрсатаётган 1503 та Сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан умумий майдони 3,7 млн гектар бўлган сув истеъмолчиларига, жумладан фермер хўжаликларига сув хўжалиги хизмати кўрсатилди. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларининг 118 минг 827 км масофадаги хўжалик ички суғориш ариқлари механизмлар ва қўл кучи ёрдамида тозаланди, 16 минг 119 дона гидротехник иншоотлари ҳамда 20 минг 72 дона гидропостлари таъмирланди ва 29 минг 335 дона сув олиш қулоқлари жиҳозланди. Ҳарбир олиб борилган ишлар сув хизматини сифатли ва ўзвақтида юқотишларсиз белгиланган лимит асосида етказиб беришни таъминлайди, 153 та устувор лойиҳа, шу жумладан 69 та йилдан йилга ўтувчи лойиҳалар доирасида 357,5 км узунликдаги каналлар, 76,7 км узунликда лотоклар, 129 дона гидротехник иншоотлари, насос станцияларининг 12,7 км узунликдаги босимли қувурлари, 8,3 м3/сек қувватли насос станциялари, 9,6 км узунликдаги қирғоқ ҳимоя ишлари бажарилиши. 319 минг гектар ер майдонларининг сув таъминоти яхшиланишига замин яратади

Сув танқислигини юмшатиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар

• Манбааларнинг сув таъминотига қараб сув лимитини белгилаш ва унинг асосида сув ресурсларини оператив бошқариш

• Каналлардаги фильтрацион, техник ва ташкилий йўқотишларни олдини олиш хамда уларнинг Ф.И.К. ларини ошириш.

• Каналлар бўйича сувнинг айланма графикларини ишлаб чиқиш ва шу асосда сув тақсимотини амалга ошириш.

• Коллектор-дренаж, ер ости, сой ва булоқлардан қушимча сув олиш чораларини кўриш

• Сувдан фойдаланиш бўйича назоратни кучайтириш, сувнинг бехуда сарфига йул қўйганларга нисбатан жазо чораларини кучайтириш

Чора тадбирларни мақсадли ва иноватцион техналогияларни қўллаган ҳолда амалга оширилиши сув хизматини етказиб беришда асос бўлиб хизмат қилади.

ЁШЛАРМАЪНАВИЙБОРЛИҒИНИШАКЛЛАНТИРИШДААХЛОҚИЙИ ДЕАЛЛИКНИНГТУТГАНЎРНИ

Ахтамов Ж.Б - Сам ИСИ ўқитувчи

Аннотация:*Ушбу мақолада ёшларнинг баркамол инсон бўлиб тарбияланишида юксак маънавий қадриятларнинг ўрни ва роли кўрсатиб берилган. Юртимизнинг бугунги куни ва келажаги баркамол ва салоҳиятли авлоднинг тарбияланишига боғлиқ бўлган ҳолатлар ёритилган.*

Калит сўзлар*: маънавий борлиқ, ахлоқий идеал, интеллектуал ривожланган, юксак маънавият, салохият, қадрият ,юксак ахлоқий тарбия.*

Аннотация:*В статье определяется место и роль нравственного идеала в формировании высокой духовности молодёжи, даются понятия совершенства молодёжи. Настоящее и будущее Узбекистана связано во многом с воспитанием гармонично развитой молодёжи.*

Ключевые слова: *духовное воспитание ,процесс воспитания, духовный идеал, интеллектуальное развитие, высокое моральное воспитание, гармоничное развитие молодёжи, моральный статус.*

Annotation: *The Place of a moral ideal in formation of spirituality of youth. The present and the future of Uzbekistan is connected in many respects with education of harmoniously developed youth. In clause concepts ofperfection of youth, its education in spirit of high ideals are given.*

Keyword:*moral ideal,process of education, intellectual improvement, high moral education,harmoniously developed youth, moral status.*

Бугунги ва келажакдаги Ўзбекистоннинг истиқболлари кўп жихатдан баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялашга боғликдир. Шиддат билан ривожланиб бораёгган давримизнинг энг долзарб вазифаларидан бири давлатимиз ва жамиятимиз қурилиши, ундаги кишиларни баркамол шахс қилиб тарбиялаш ва бу йўлда олиб борилаётган ислохотларнинг инсонпарварлигидир.

Мустақилликнинг дастлабки одимлариданоқ соғлом авлод тарбияси устивор йўналишлардан деб белгиланади. Соғлом авлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган, ҳаётий ўрнига эга булган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, хар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилгак кенг кўламли чора тадбирларни амалга ошириш ушбу даврнинг долзарб вазифаларидандир.

Дархақиқат, ёшларимизда мукаммал ахлоқий тамойиллар, мезон ва меъёрларни шакллантириш ва шу орқали ижтимоий-иктисодий соҳадаги ислохотларни ҳаётий кучга айлантириш мумкин. Бунинг учун ёш авлод маънавиятини янада бойитиш, таълим ва тарбия жараёнида узвийликни яратиш, узлуксиз таълим жараёнида бўшлик яратмаслик зарур. Етишиб чиқаётган ёш кадрларимиз ўз сохасини мукаммал ўзлаштириши билан баробарида маънавий, ахлокий идеалларни қай даражада қабул килмоқдалар?

Ёшлар баркамоллик деганда нимани тушунадилар?

Ёшлар тарбияси нақадар долзарб ва айни пайтда мураккаб жараён эканлиги ана шу саволлардан кўриниб турибди. «Киши иқтидорли мутахассис бўлиши мумкин. Лекин у маънавий жиҳатдан қашшок бўлса-чи? Бундай инсонда Ватанга садоқат, элга мухаббат, ўзгаларга ҳурмат бўлмайди.

Бундай кишилар бошқаларни дарду армонларини тушунмайди» .

Бугунги ёшларимиз маънавий қашшоқликдан озод бўлиши учун таълим ва тарбия узвийлигини таъминлашмоқда. Чунки таълим ва тарбиядаги узвийликсиз кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Тарбияда инсоний табиатнинг камол топиш сири мужассам бўлса, таълим- инсонни ўзлигини англаш йўлига етаклайди. Ёшларни маънавий-рухий жихатдан мукаммал инсон сифатида камолга етказиш, етук мутахассис қилиб тарбиялаш замон талаби, катта авлоднинг келажак авлод олдидаги асосий бурчидир. Ақлий етуклари ва фикрий сохаларда бошқалардан илгарилаб кегган авлод ўзгалардан кўра узоқрокни кўра олади. Юксак ахлоқий тарбия ва теран билим олган ёшларимиз Ватанимизнинг буюк келажагини аниқ тасаввур эта оладилар.

Бунинг учун ёшларга юксак ахлоқий идеал сингдириш лозим.

Яхшилик ва инсонийликка, Ватан ва унинг келажагига, авлодлар бахт-истикболига бўлган ишонч, мехр-мухаббат ҳамда хайриҳоҳлик-олийжаноб инсон калбини ҳеч качон тарк этмайди. Инсонни олий мақсадларга даъват этувчи куч манбаи ана шу идеалликлир. Инсон қалбида эзгу туйғулар мавжуд экан, у ҳеч қачон юксак идеаллар сари талпинишдан толиқмайди.

Ўтмиш авлодларимиз хам ўз замонасини ахлоқий тарбияси хақида фикр юритганлар, бахс-мунозара олиб борганлар. Авестодаги муқаддас ёзувлардан тортиб, Алишер Навоийгача ва ундан кейин хам ёш авлоднинг маънавияти, уларга хос ахлоқий идеаллар яратишга уринишлар,интилишлар бўлганининг гувоҳи бўламиз. «Ижтимоий-ахлоқий идеал инсонни, ундаги олийжанобликни улуғлашдан келиб чиқади. Комил, баркамол инсон ғояси ижтимоий-ахлоқий идеал ифодасидир. Киши, - деб ёзади Абу Райхон Беруний, ахлоқий мукаммалликка эриша олади, хулк ва одатлардаги нафсоний суръатларни нафс эгаси нафсни тозалаб. унга ахлоқий даво килса ва тадрижий Суръатда ахлоқ китобларида зикр килинган йўллар билан ундан (нафсдан) касалликни кетгазса нафсни ёмон хулқ, ва одатлардан яхши томонга кодирдир» .

Кишида ахлоқий идсалликни шакллантириш муаммолари **утмишда** ҳам ўзига хос ўринда бўлган. Ёш авлоднинг тарбияси узлуксизлиги билан доим катта масъулият талаб қилиб келган. Мутафаккирларнинг қарийб хаммаси ўз асарларида жамиятдаги кишиларнинг ахлоқий қиёфаси, уларни тарбияси, панд-насихатлари ҳақида ёзиб колдирганлар. Чунки, биз инсонни қанчалик улуғламайлик, қулай фурсат келганда, у ўзидаги ижобий-инсоний хислатларни унутиши, шахсий манфаатларини хар қандай ахлоқий хислатлардан устун қўйиши мумкин. Барча кишилар шундай қилмаса-да, инсоний фазилатларни унутадиган шахслар хар бир даврда топилган. Шунинг учун хам ахлоқий идеал инсонни таназзулга етакловчи иллатларга қарши мехр-мухаббат, ишқни, инсонни олийжаноб қилувчи фазилатларни мадҳқилади, ўтмиш мутафаккирларимиз комиллик, баркамоллик мезонларини тадқиқ этиб, бир қанча хулосаларга келишган.

Биринчидан, рухий-маънавий юксаклик, ақлу-идрок, энг эзгу хислатлар мужассамлашган бўлса, иккинчидан, инсон ана шу юксакликка интилиб яшаган. Бу интилиш уни доимо эзгулик, яхшилик, кабихликдан сақланишга ёрдам берган. Улар баркамол инсонни шакллантиришнинг асосий мезони сифатида қуйидагиларни белгилайдилар:

1. Ақлий етуклик - соғлом фикр, истеъдод, салохият;
2. Маънавий камолот - ахлоқий юксаклик;
3. Жисмоний етуклик - бадан ва рух тарбияси;

4. Нафосат тарбияси - гузалликни ҳис қила билиш.

Бу натижадан кўриниб турибдики, ўтмиш мутафаккирларимиз хам соғлом авлодни тарбиялашда шахснинг хар томонлама уйғун ривожланишига алоҳида эътибор қаратганлар. Ана шу маънавий мероснинг хақли ворислари сифатида аждодларимиз тажрибаларини, тафаккур меваларини ўзлаштириб, хаётнинг барча соҳаларида ўз ўрнида қўллашимиз мақсадга мувофикдир.

Ёш авлод маънавий борлигининг мукаммаллашиб бориши фақат мактаб ёки мактабгача тарбия масканларидаги тарбия жараёнларидагина эмас, балки оила ва маҳаллада олиб бориладиган саъи-харакатларга хам боғликдир. Таълим-тарбия бериш бирор кимсага таҳдид қилишни ўргатиш эмас, балки ўрнак, намуна, андоза бўла оладиган идеал ахлоқий қадриятлар ёки комил инсонларнинг ҳаётий тажрибаларидан воқиф қилишдир. Тарбия кўрган одам жамият ва одамларга бирор фойда келтиради. Фойда келтирувчи киши инсоний фазилат соҳибидир. Фазилат эса тарбия натижасидир. Инсоний тарбия асосларидан бири ўз-ўзини тарбиялашдир.

Инсоннинг ўз-ўзини тарбиялаши ва камол топтириши унинг ахлоқий бурчидир. Умуман ахлоқшунослик нуқтаи назарида ахлоқий бурч бу императив хусусиятга эга жабха хисобланади. Бундай императив характерга эга бурч қуйидагиларда ўз аксини топади;

биринчидан, ахлоқий билиш кобилиятини ривожлантириш;

иккинчидан, муомала-мулоқот маданиятини шакллантириш;

учинчидан, ахлоқий қонун-қоидаларга қатъий амал қилиш;

туртинчидан, ахлоқий қадриятларга содиқлик ҳиссини ривожлантириш;

бешинчидан, ахлоқнинг инсонпарварлигини сақлаб қолиш.

Юқоридаги икки натижавий хулосаларга таяниб айтиш мумкинки, ўтмишда ҳам, хозир ҳам ахлоқий идеаллик доим ривожлантириб келингандир. Ёш авлодни тарбиялашда ўтмишда инсонпарвар, миллий, анъанавий тарбиядан кенг фойдаланилган бўлиб, кейинчалик у йилдан-йил, асрлар оша ривожланиб такомиллашиб бораверган. Хозирги пайтда замон талаби остида, цивилизациялашув жараёнида бу тарбия масаласи икки марта долзарб бўлиб қолди. Хурматли юртбошимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигидаги чиқишида таъкидлаганидек, «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Шу маънода уларни етук инсонлар этиб вояга етказиш, бахти ва камоли учун ҳеч нарсани аямаслик давлатимиз ва жамиятимизнинг устивор вазифаларидан этиб белгиланган ўз самарасини бермокда» .

Юртбошимиз ўз чиқишларида фикрларини ривожлантириб қуйидаги масалаларга алохида ёндашдилар. Хозирги ёш, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий дунёсини қўриқлаш, информация бухронидан сақлаш зарур. Баркамол авлод тарбиялашга куч-қудратимизни сарфлаётган эканмиз, биз энг аввало ахлоқсиз бало-қазолардан сақлашимиз ва унга қарши кучли ахлоқий тарбияни жорий қилишимиз керак.

Маънавиятдаги бўшлиқдан фойдаланиб, турли хорижий маблағлар сарфланмоқда. Унга қарши маънавий иммунитетни ҳосил қилиш ҳозирги устивор вазифалардан биридир. Ёшларни маънавий қўриқлаш ва уларни ахлоқий етук қилиб тарбиялаш учун туғри тарбия қилиш илм-маърифатли, иймон эътиқодли қилишимиз зарур. Ёшларнинг маънавий борлиғи борасида доим огоҳ, сезгир

бўлишимиз даркор. Юртбошимизнинг ушбу фикр-хулосаларидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, юксак ахлоқий тарбия, ахлоқий идеалларсиз баркамол авлод ёки мустақил фикрловчи шахсни биз ярата олмаймиз. Чунки тарбия борасида идеаллик купроқ ахлоқий нуқтаи назарда гавдаланади. Қандай тарбиялаш, қайси андоза орқали тарбиялаш, намуна, идеалларни танлаш ва келажак авлод эхтиёжини қондирадиган тарбия восита ва усул, услубларини яратишдек муаммо ижтимоий фалсафий тахлилга мухтожлигича қолиб келмоқда.

Мамлакатимизда маънавият соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар, тарғиботлар ўзига хос натижа бериб бормоқда. Шу маънода «Ижтимоий фикр» томонидан олиб борилган социологик тадқиқотларнинг натижалари кўпчилик ёшларнинг онги ва тафаккур тарзида миллий аньаналар ва юксак маънавиятни акс эттирувчи қадриятлар устивор эканлигини тасдиқлайди.

Албатта, ёшлар камолоти, уларни юксак маънавият ва хуқуқий маданият, ахлоқий идеаллик тамойиллари асосида тарбиялаш узоқ давом этадиган жараён. Бу борадаги социологик сўровлар ва тадқиқотлар эса мамлакатимизнинг бу борада эришаётган ютуқларини кўрсатувчи натижаларни ифода этади.

РЫНОК ТРУДА И ЕГО РОЛЬ В ФУНКЦИОНИРОВАНИИ ЭКОНОМИКИ

О.А.Аманов-старший преподаватель, КарИЭИ

Аннотация:*Ушбу мақолада меҳнат бозорини мамлакат иқтисодиётидаги ўрни,ишсизликни камайтириш йўллари ҳақида айтиб ўтилган.*

Калит сўзлар: *меҳнат бозори, ишсизлик, меҳнат иқтисодиёти, бандлик сиёсати*

Аннотация:*В данной статье представлен роль в экономики государства рынок труда, а также решение проблемы безработицы.*

Ключевые слова: *рынок труда, безработица, экономика труда, политика занятости*

Annotation: *In this article the presents the labor market, as well as the solution to the problem of unemployment*

Keywords: *Labor market, unemployment, labor economy, employment policy*

Что же такое рынок труда? Какое название правильное–рынок труда или рынок рабочей силы?

Рынок труда-это товарно-денежные отношения, которые связаны, во-первых, со спросом на рабочую силу, определяемым в свою очередь спросом на продукт того или иного товара в обществе, во-вторых, с использованием профессиональных способностей и их вознаграждением, в-третьих, со временем использования рабочей силы.

Совокупность товарно-денежных отношений, охватывающая спрос и предложение рабочей силы, её наём (распределение работников по видам деятельности) в обмен на жизненные средства (пища, одежда, обувь, жильё, медикаменты, средства для получения образования, профессии и т.д.), представляет собой рынок рабочей силы. Рабочая сила включает разнообразные способности к труду, но не все они используются в процессе труда. Платит ли работодатель наёмному работнику за все его способности или только за те, которые используются в процессе производства. Вознаграждается не потенциальная, а

функционирующая рабочая сила, не вся совокупность способностей, а только профессиональные способности к труду. При таком подходе обмену подлежат (и в нормально работающей экономике действительно обмениваются на жизненные средства) только используемые способности к труду. Такой рынок рабочей силы можно назвать рынком функционирующей рабочей силы, или рынком труда.

Сегодня рынок труда в Узбекистане прошел начальную стадию становления. Сформировались региональные рынки. Начали действовать рыночные механизмы самонастройки. Возросла инициатива и предприимчивость большинства наемных работников. Достаточно быстрыми темпами развивается структура подготовки и переподготовки кадров. Устойчиво высокие темпы роста экономики и сферы услуг создали необходимые условия для реализации важнейшей приоритетной задачи – обеспечения занятости населения, прежде всего трудоустройства выпускников профессиональных колледжей и высших учебных заведений. В 2015 году создано свыше 980 тысяч рабочих мест, из них более 60 процентов—в сельской местности. Трудоустроено свыше 480 тысяч выпускников колледжей. Коммерческими банками им выданы льготные кредиты на организацию собственного бизнеса в объеме около 280 миллиардов сумов, что в 1,3 раза больше, чем в 2014 году. В октябре 2014 года Олий Мажлисом Республики Узбекистан была принята Программа по созданию рабочих мест и обеспечению занятости населения в 2015 году. Программа была направлена на повышение уровня и совершенствование территориальной структуры занятости, обеспечение сбалансированности спроса и предложения рабочей силы на рынке труда с учетом реализации программ социально-экономического и индустриального развития территорий, сферы услуг и сервиса, строительства индивидуального жилья в сельской местности и подрядных строительных работ, дальнейшего развития многопрофильных фермерских хозяйств, модернизации сельскохозяйственного производства.

В 2015 году в рамках Программы было создано 261,6 тысячи новых рабочих мест и обеспечено занятости 725,9 тысячи человек в разрезе территорий и направлений. В целом, выполнение программы способствовало трудоустройству 987,5 тысячи человек. При этом отдельное внимание было уделено трудоустройству выпускников образовательных учреждений, возвращающихся трудовых мигрантов, женщин, инвалидов и других категорий населения, нуждающихся в социальной поддержке. Одной из основных задач программы является развитие различных форм занятости, особенно малого бизнеса, надомного труда и семейного предпринимательства как эффективных факторов дальнейшего развития рынка труда. В целях сохранения высокого уровня кредитования субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства коммерческими банками было выделено средства в размере 8,5 трлн. сумов. Развитие и расширение субъектов предпринимательства на селе, особенно специализирующихся на переработке и производстве готовой сельскохозяйственной продукции, позволило в 2015 году охватить занятостью более 127,5 тысячи человек. Важным направлением программы является трудоустройство более 487,7 тысячи выпускников профессиональных колледжей и 409,5 тысячи возвращающихся трудовых мигрантов за счет вакантных и резервируемых рабочих мест.

В условиях семейного предпринимательства реально возможна разумная гибкость в построении и продолжительности рабочего дня и в разделении труда невозможная при другой форме организации деятельности, а это позволяет

частично вовлекать в производство женщин с малолетними детьми и других категорий лиц неконкурентоспособных на рынках труда. Такого же внимания требует и дальнейшее развитие туризма, где имеется много неиспользованных возможностей. В частности, это касается системного развития в стране сферы сервиса и туризма, инфраструктуры ряда перспективных регионов, способствующих созданию новых рабочих мест, в том числе и для молодежи. Это позволит увеличить число занятых в данной отрасли и повысить доходы населения за счет развития этой сферы. Обеспечение занятости населения, являясь главным критерием эффективности проводимой в стране социально-экономической политики, рассматривается как ключевое, определяющее потенциал общества и его перспективы, поскольку именно в сфере занятости удовлетворяются жизненно важные потребности населения и реализуются его возможности. Приоритетной задачей государства является постоянное увеличения занятости населения и совершенствование его отраслевой структуры. Для решения данной проблемы в нашей стране достигнуты важные позитивные сдвиги.

Реализация целенаправленной политики по обеспечению льготного налогового режима для ускоренного развития малого бизнеса и расширения их кредитной поддержки позволила субъектам предпринимательства направить высвободившиеся средства на развитие производственной деятельности. При этом основная часть вводимых в малом бизнесе рабочих мест приходится на долю сферы услуг и сервиса, в первую очередь, в сельской местности. Повышение эффективности сельскохозяйственного производства, увеличение объемов производства и переработки сельскохозяйственной продукции, углубление социально-экономических реформ на сельском хозяйстве, модернизация сельского хозяйства и входящего в него комплекса отраслей и производств, развитие и расширение фермерских и дехканских хозяйств обеспечили создание более 100 тыс. рабочих мест. Существенным вкладом в обеспечение занятости сельского населения послужили меры по развитию животноводства и птицеводства на базе дехканских и личных подсобных хозяйств, в частности — выделение на бесплатной основе крупного рогатого скота малообеспеченным и многодетным семьям, в результате чего сельские жители получили возможность заняться выращиванием крупного рогатого скота в дехканских хозяйствах и право на зачет периодов занятия этими видами деятельности в трудовой стаж для назначения пенсии.

Реализация программ создания рабочих мест и обеспечения занятости населения способствовала увеличению рабочих мест регионах с высоким уровнем потребности в трудозанятости. В каждом районе и городе республике созданы и эффективно функционируют специализированные учреждения, обеспечивающие содействие незанятым гражданам в вопросах трудоустройства. Ежегодно на вакантные и новые рабочие места биржи труда трудоустраивают около 42 тыс. граждан, обучают и повышают квалификацию по востребованным рынком труда профессиям более 25,3 тыс. человек. Указанные меры способствовали сохранению уровня безработицы в стране на допустимом параметре (до 5 %) и снижению численности населения, нуждающегося в трудоустройстве.

На рынке труда республики наблюдается тенденция превышения предложения рабочей силы над спросом. Это обусловлено преимущественно ежегодным выходом на рынок труда около 400 тыс. выпускников профессиональных колледжей, академических лицеев и 60 тыс. выпускников вузов. Поэтому особое

внимание со стороны государства уделяется трудоустройству выпускников профессиональных колледжей. Несмотря на предпринимаемые меры по повышению занятости населения и ввода новых рабочих мест проблема занятости в нашей республике все еще остается актуальной.

Дальнейшее обеспечение занятости населения может быть достигнута по следующим основным направлениям:

- Поэтапное формирование и усовершенствование социально ориентированного рынка труда.
- Усовершенствование системы местных и зарубежных организаций служб занятости, обеспечивающей рабочими местами безработного трудоспособного населения.
- Повышение уровня занятости на существующих рабочих местах за счет повышения квалификации и перепрофилирования согласно требованиям предприятиям-работодателям.
- Обеспечение рациональной занятости населения за счет развития отраслей перерабатывающей промышленности, отраслей сфер оказание современных услуг исходя из ресурсного потенциала регионов страны.
- Рост занятости на основе ускоренного развития сферы малого бизнеса и частного предпринимательства с усилением государственной поддержки, в частности, в получении кредитов, создания налоговых стимулов и т. д.

